

Пиримқул Қодиров



ОНА ЛОЧИН
ВИДОСИ



(тарихий роман)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001

Қодиров Пиримқул.

Она лочин видоси: Тарихий роман.— Т.: «Шарқ», 2001.— 240 б.

Романнинг «Жаҳон адабиёти» журналида босилган биринчи қисми ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Янгидан ёзилган иккинчи қисмида Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийдек буюк сиймоларга меҳрини берган фидоий она — Гавҳаршод бегимнинг фожиавий тақдири тасвирланади.

Маърифатли она умрининг охиригача адолат учун жасорат билан курашади. Истеъдодли ёшларни тарих саҳнасига чиқишларига кўмаклашади.

Ўз 2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001 йил.

ТОҒЛАРГА ТАРМАШГАН БУЛУТЛАР

Шоҳруҳ Мирзо суюкли маликаси Гавҳаршод бегимга атаб Хиротнинг кўкрақдор жойига оқ мрамрдан уч ошиёнлик қаср қурдирган. Қаср атрофидаги бағри кенг боғда сарвлар, баланд бўйлик ва майда барглик лисонит тайр¹ ва санобар дарахтлари саф торган. Жийдага ўшшаган кумушранг барглик бу азим дарахтлар қуёшга нуқрадай оқиш бўлиб кўринади ва оқ мрамр қасрга жуда мос келади. Шунинг учун бу боққа Ойдинбоғ — Боғи Сафед деб ном берганлар.

Қасрнинг юқори қаватидаги нақшинкор айвондан қорли Искалжа тоғлари кўриниб туради.

Айвонда китоб ўқиб ўлтирган Гавҳаршод бегим гоҳо саҳифалардан кўзини олиб, ўша тоғлар атрофида ўралашадиган булутларга ўйчан тикилади. Баланд тоғ тизмаси устидан ошиб ўтолмайдиган оғир қора булутлар чўққилар бошига шамол бўрон келтириши, дўл ёғдириши бегимнинг қўлидаги Яздий «Зафарнома»сининг таҳликали воқеаларига ўхшаб кетади.

Гавҳаршод бегим Амир Темур хонадонига келин бўлиб тушгандан буён Мавлоно Яздий қаламга олган шиддатли тарихий воқеаларнинг нақ ичида юрган, ифтихор қилса арзигулик масъуд кунларни ҳам кўрган, изтироб ва машаққат билан ўтган дамларни ҳам бошдан кечирган.

Шунинг учун китобда қисқача ёзиб кетилган воқеалар ҳам бегимнинг хотирасида бир дунё ҳис-туйғулар уйғотади, унутилмас тафсилотлар хаёлида қайта тирилгандай бўлади.

Яздий Шоҳруҳ Мирзонинг илк уйланиш тўйи Самарқанднинг Боғи Биҳиштида бўлганини биргина жумлада айтиб ўтибди. Шу биргина жумла Гавҳаршод бегимнинг кўзи олдида чиндан ҳам жаннатга ўхшайдиган Боғи Биҳиштни гавдалантиради. Наврўз кунларида шу боғда бошига оқ ҳарир рўмол ёпиб, Соҳибқирон қайнотасига келинсалом қилганларини бегим ҳаяжон билан эслайди.

¹ Лисонит тайр — кўшк тили дегани.

Ўша куни у Амир Темурни биринчи марта яқингинадан кўрди. Унинг оталарча меҳрибон товуш билан айтган сўзларини эшитди:

— Бизнинг хонадонга қўйган пойи қадамингиз қутлуғ бўлсин, болам!

Салобатли нуруний отанинг «болам!» деган сўзи ҳалигача Гавҳаршод бегимнинг қулоғига эшитилиб тургандай бўлади.

Ўша куни Соҳибқирон қайнотаси унга йирик-йирик лаъллар қадалган бир жуфт олтин сирға инъом қилди.

Қайнонаси Биби хоним бу сирғаларни келинининг қулоғига тақиб қўяр экан:

— Бу инъомнинг теран маъноси бор, — деди. — Энди ҳаминша хонадон соҳибининг гапига қулоқ солгайсиз, айтганларини сўзсиз адо этгайсиз!

— Жоним билан, ҳазрат онажон! — деб шивирлади келин.

Лекин хонадон эгасининг иродасига бўйсуниб яшаш осон кечмади. Мудом тоғлар атрофида ўралашган булутларнинг шамол-бўронларини эслатувчи уруш-юришларга чидаш, ички-ташқи низоларнинг гирдобларидан сузиб ўтиш жуда қийин бўлди. Тўғри, бегимнинг толеъига, Шоҳруҳ Мирзо фақат қилич чопадиган баҳодир йигит эмас, балки мадраса кўрган, китобни севадиган, оилага астойдил меҳр қўйган фозил инсон бўлиб чиқди. У билан бирга бўлган кунларида Гавҳаршод бегим ўзини бахтиёр ҳис қилади.

Аммо бундай кунлар ҳам жуда камдан-кам бўлади. Чунки Шоҳруҳ Мирзо Соҳибқирон отасининг уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришларида минглаб навкарларга бош бўлиб кўп вақт оиладан йироқларда юрди.

Бегимнинг қўлидаги китобда битилганидек, Шероз шаҳри атрофидаги боғқўчаларда Шоҳмансур деган ғаним тўрт минг отлиқ аскар билан пистирмадан чиқиб, Амир Темурга тўсатдан ҳужум қилади.

Бу хатарли воқеанинг тафсилотларини бегим Шоҳруҳ Мирзонинг ўзидан эшитган.

Наврўз арафаси экан, мевали дарахтлар қийвос гуллаган. Амир Темурнинг ўттиз минг кишилиқ қўшини мевазорларни топтамаслик учун боғқўчаларда бўлиниб-бўлиниб йўл босмоқда экан.

Шоҳмансур шу атрофдаги пастқам бир жойдан минглаб қилич яланғочлаган суворийлари билан отилиб чи-

қади. Бокўчанинг торроқ жойида Амир Темурни ўртага олиб бораётган юзтача қўриқчи аскарларни уриб-йиқитиб, саркарданинг ўзига етиб боради. Дарғазаб ғанимнинг қиличи Амир Темурнинг қалқонига бир эмас икки марта урилади. Учинчи қилич зарбасини Амир Темур чап қўлда тутган ўз қиличи билан қайтаради. Лекин Шоҳмансурнинг навкарлари ҳам қилич яланғочлаб Соҳибқиронга яқинлашиб бормоқда эдилар.

Буни кўрган Шоҳруҳ Мирзо ўз йигитлари билан бокўча деворлари устидан от сакратиб ўтиб, ҳимояга етиб келди. Шоҳмансур тўртинчи марта қилич кўтарган пайтда Шоҳруҳ унга орқа томондан етиб бориб, бўйнига шамшир урди-ю, отдан йиқитди. Шоҳруҳнинг навкарлари Шоҳмансурнинг Амир Темур ҳамла қилиб келаётган аскарлари йўлини тўсдилар. Шоҳмансурнинг ерга йиқилганини кўрган ғаним аскарлари отларини орқага буриб тумтарақай бўлиб қочди. Шу тарзда даҳшатли бир суиқасддан омон қолган Амир Темур кенжа ўғлини бағрига босиб тасанно айтди.

Тошкент яқинидаги эски Бинокент қалъаси янгидан қуриб битирилганда отаси Шоҳруҳнинг ўша жасоратини тақдирлаб, бу жойга Шоҳруҳия деб ном қўйди.

Анқара яқинида бўлган ҳаёт-мамот жанглирида ҳам Шоҳруҳ ўз қўшини билан ёв лашкарининг марказини синдириб ўтиб, Йилдирим Боязид турган баланд тепаликка биринчилар қатори етиб борди. Қуршовда қолишини сезган Рум қайсари тепаликнинг орқа томонидан тушиб қочишга мажбур бўлди. Ўша томонда пистирмада турган Маҳмуд Султон ўз аскарлари билан Йилдирим Боязидни қувиб етиб, аср олди.

Шоҳруҳнинг бу улкан жангда кўрсатган баҳодирлиги учун Соҳибқирон отаси унга шарқий ва ғарбий вилоятларнинг қоқ белида турган Хуросон ўлкасини иноят қилди.

Гавҳаршод бегим «Зафарнома» саҳифаларида мана шу ҳодисаларнинг таърифини ўқиганда ўз умр йўлдошидан астойдил ифтихор қилиб қўйди. У Шоҳруҳ Мирзони Амир Темурга муносиб ўғил деб ҳисобларди.

Соҳибқироннинг катта ўғиллари жангларда ҳалок бўлган, ўртанча ўғил Мироншоҳ Озарбайжонда гуноҳ ишлар қилиб, ҳокимиятдан четлатилган эди. «Энди Соҳибқироннинг ишонган вориси Шоҳруҳ Мирзо бўлур» деган сўзларни Гавҳаршод бегим кўп одамлардан эшитарди.

Бироқ ворисларнинг маккор душманлари бўларкан. Хўжа Ҳеравий деган кекса имом-хатиб Ҳиротнинг жомеъ масжидида ўқиган хутбаларида Амир Темурни биринчи ўринга қўйиб улуғлаган бўлса ҳам, Шоҳруҳнинг Ҳиротда ободончиликка катта эътибор бераётгани, боғлар барпо этгани, мадраса қурдираётганини мислсиз зўр бунёдкорлик деб мақтайди. Хўжа Ҳеравий билан азалдан низо қилиб юрган Хўжа Аҳмад Тусий номли девонбеги буни Самарқандга чаппа қилиб етказди. Гўё Хўжа Ҳеравий хутба ўқиганда Шоҳруҳни доимо отасидан баланд қўярмиш. Унинг мақтовига учган Шоҳруҳ Хуросонда мустақил давлат тузиб, отасининг итоатидан чиқиши мумкин эмиш... Шу гаплар таъсирида кекса хатиб Хўжа Ҳеравий Ҳиротдан сургун бўлиб, Туркистондан нари Саброн чўлларига кўчирма қилинди. Унинг яқинларидан яна бир қанчаси Ҳиротдан бадарға бўлди. Шоҳруҳни отаси:

— Минбаъд бундай хўжаларнинг қутқусига учмагин! — деб огоҳлантирди.

Лекин Шоҳруҳ Хўжа Аҳмад Тусий каби маккор хушомадгўйлар пашшадан фил ясаб, орага атайлаб ғубор солмоқчи бўлганини айта бошлаганда отаси унинг сўзини кесди:

— Ҳиротни қўрғон билан ўраб олмоқчи эмишсен! Мен қўрғон атрофидаги чоғга тупроқ солдириб текислатган эдим. Уни қайтадан қаздириб, сув тўлдирмоқчи бўлибсен!

— Ҳазрат отажон, ёзларда афғон шамоли Ҳиротга мудом чанг тўзон келтираркан, кўз очирмай қўяркан. Қўрғон билан сув ана шу чанг-тўзонга қарши бир чора!

— Ҳеравийга ўхшаганлар бу баҳона билан сени чалғитган. Аҳмад Тусий уларни сўроқ қилиб, айбларини бўйинларига қўймишдир. Бир гуруҳ фитначилар Ҳиротни биздан ажратиб олиш учун атрофига чоғ қаздириб, қўрғон кўтармоқчи экан. Сен ёшлик қилиб, уларнинг гапига ишониб ўлтирибсен!

— Ҳазрат, отажон, Аҳмад Тусийнинг гапига ҳам ишониб бўлмагай! Мен илтижо қилурмен. Ҳирортга бошқа холис тафтишчилар юборишингизни ўтиниб сўраймен!

— Битта Ҳиротни неча бор тафтиш қилайди? Менинг бошқа ишим йўқми? Хитой юришига тайёргарлик кетаётганидан хабаринг борми?

— Хабарим бор, лекин...

— Хабаринг бўлса, гап тамом. Ҳеравийларга қарши қаттиқ туришга ўрган!

Қатъий буйруқ тарзида айтилган сўнги гапни Шоҳруҳ Мирзо таъзим билан қабул қилди. Лекин кўнглига: «Мен Хўжа Аҳмад Тусийга ўхшаган ифвогарларга ҳам қарши тургаймен!» деган ниятни тутди.

Шундан кейин Соҳибқирон отанинг бутун хаёли Хитой юриши билан банд бўлди.

Етти йиллик юришдан сўнг лоақал бирор йил дам олмадан беш ой ўтар-ўтмас яна Хитойга юриш бошлаш эл-улуста ҳам, хусусан, соғлиғини анча олдириб қўйган Соҳибқироннинг ўзига ҳам жуда оғир тушишини Шоҳруҳ Мирзо ич-ичидан сезар, лекин отасини бу ниятидан қайтаришга кучи етмас, фақат дардини Гавҳаршод бегимга айтарди:

— Отам анча касалманд. Ёши етмишга яқинлашди. Шу аҳволда Хитойдай улкан мамлакатта юриш қилиш... Хушомадгўйлар у кишига: «Ҳали ҳам баҳодир йигитдайсиз, Хитой юришидан яна бир оламшумул ғалаба билан қайтишингиз аниқ!» дермишлар... Мен отамга тўй пайтида ётиғи билан айтдим. «Ҳазратим, бирор йил дам олсангиз яхши бўлармиди?» деб кўрдим. Гапим ёқмади. «Чарчаган бўлсанг, майли, сен дам ол, Хитойга мен ўзим қўшин тортаман!» дедилар. Не қилай? Менинг бу юришга тарафдор эмаслигимни отамга ҳуфялар ҳам етказган бўлса керак. Хитой юришидан олдин бўлган машваратта мени таклиф қилмадилар. Шундан сездимки, хушомадгўйлар билан ҳовлиқма бекарнинг сўзи ўтган, бизники ўтмаган. Соҳибқиронни юзма-юз олишувларда енголмаган ғанимлар энди беҳисоб мақтову мадҳиялар билан уни борса-келмас ҳарбий юришнинг гирдобига тортмоқчиларми?.. Билмадим...

Шундай улуғ ота билан садоқатли ўғилнинг орасига губор солган маккор фитначилар Гавҳаршод бегимнинг тасавурида тоғларга тармашган қора булутларга ўхшарди. Бу булутларни тарқатиб юбориш ва ҳақиқий аҳволни очиб кўрсатиш ҳозир ҳеч кимнинг қўлидан келмайдигандек туюларди. Гавҳаршод бегим қайнотаси учун ҳам, эри учун ҳам куйинар, айниқса, Хитой юришига бобоси билан бирга кетаётган ўн бир яшар ўғли Улуғбекнинг тақдирдан хавотирланиб изтироб чекарди.

Бу куйиниш ва хавотирликлар бежиз эмас экан. Ҳарбий юриш қиш кирганда бошланди. Амир Темур

баҳоргача Хитой чегараларига етиб бориш ва кўзлаган мақсадини ёз ва куз давомида амалга ошириб, янаги қишгача Самарқандга қайтиш ниятида эди. Бундай режа Олтин Ўрдага қарши юришда тажрибадан ўтказилган эди. Лекин аксига олиб ўша йилги қиш беҳад қаттиқ келди. Қалин қор ва қаттиқ совуқлардан дарёлар шу даражада муз билан қопландики, Сирдарёдан Ўттар томонга ўтганларида от ва туялардан ташқари оғир юк ортилган аравалар ҳам муз устидан бемалол юриб борди.

Қаҳратон қиш чилласида Амир Темур мулозимлари ва оила аъзолари билан Ўттар ҳокими Бердибекнинг муҳташам меҳмонхонасига келиб тушди.

Ҳозир Гавҳаршод бегим ўқиб ўлтирган китобнинг гувоҳлик беришича, мислсиз қаттиқ совуқ бошлангани учун от-уловлардан катта бир қисми талофат кўради, кўпгина навқарларнинг қўл-оёқларини совуқ олади, баъзиларнинг бурни ва қулоқлари совуқ урганидан узилиб тушади.

Амир Темур, Биби хоним, Туман оғо, неваралардан Улуғбек ва Иброҳим Мирзолар келиб тушган Бердибекнинг меҳмонхонасида кечаси бирдан ёнғин чиқади. Бу ёнғин махфий жосусларнинг ишимиди, ёки қаттиқ совуқларда ҳаддан ташқари кўп ўт ёққанлари ҳам сабаб бўлдимиди, буни аниқлашга улгуришолмади. Ёнғин пайтида Амир Темур учун бехатар жойда чодир ўрнаттунарлича тунги қаттиқ совуқ ва изғирин шамол унга ёмон таъсир қилди. Иситмаси кўтарилиб, қаттиқ хасталаниб қолди. Шундан кейин ҳамманинг хаёли соҳибқиронни даволаш билан банд бўлди. Аммо муолажа кор қилмади.

Соҳибқирон ўлим тўшагида ётганда донишманд хотини Сарой Мулк Хоним ва ишонган амирларидан Шоҳмалик унга Шоҳруҳни бир неча марта эслатдилар, улкан мамлакатни идора қилиш фақат шу ўғилнинг қўлидан келишини ишора қилдилар.

Лекин қазо яқинлигини сезган бошқа маслаҳатгўйлар ҳам Амир Темур атрофида парвонадай айланашмоқда эди. Айниқса, девонбеги Хўжа Аҳмад Тусий, ҳакими ҳозиқ Файзуллоҳ Табризий, вазир Масъуд Симонийлар Соҳибқирон оламдан ўтгандан сўнг Халил Султонни тахтга чиқариш тарафдори эдилар. Уларнинг бу борадаги махфий маслаҳатларига тўронтлик амирлардан Хўжа Юсуф ва Самарқандда дорува бўлиб турган Арғуншоҳ ҳам қўшилган эди.

Воқеанинг тафсилотларини Гавҳаршод бегим кейинчалик Халил Султон билан Шодимулк бегимнинг ўзларидан эшитди. Чунки чигал калавага ўхшайдиган бу яширин ишнинг бир учи Халил Султон билан Шодимулк бегимнинг ишқ-муҳаббатлари эл орасида гапсўз бўлиб, Соҳибқироннинг қаҳрига учраганига боғланар экан.

Оддий хунарманд оиласида ўсган Шодимулкнинг таърифга сизмайдиган гўзаллиги бор эди. Уни Амир Темурнинг нуфузли амирларидан Ҳожи Сайфиддин ўз ҳарамига канизак қилиб олади. Лекин Шодимулк ёши эликдан ошган тўрт хотини бор Амир Сайфиддинга кўнгилсиз эди. Табиатан шўх ва дадил қиз бўлган Шодимулк бор кўча деворидан мўралаб, йигирма бир ёшлик баҳодир шаҳзода Халил Султонга ўз гўзаллигини кўрсатади. Унга ҳатто бир қизил олма узатади. Халил Султон Шодимулкка маҳлиё бўлиб қолади. Кейин орага воситачиларни қўйиб, у билан яшириқча учрашади. Икки орада кучли муҳаббат пайдо бўлади.

Халил Султон ҳам уйланган, битта ўғил кўрган, лекин шариат бўйича унинг яна уйланишга ҳаққи бор эди. Шунинг учун Шодимулкни ўз никоҳига олмоқчи бўлади.

Аммо Шодимулкни ўз ҳарамида сақлаб юрган Амир Сайфиддин бу ҳодисадан хабардор бўлиб қолади. Унинг Амир Темур билан эски қадрдонлиги бор экан. Шундан фойдаланиб Соҳибқироннинг қабулига киради.

— Неварангиз Халил Султон менинг ҳарамимдаги жувонни тортиб олмоқчи! — деб шикоят қилади.

Амир Темур ишончли одамларини юбориб, тафтиш ўтказганда, Шодимулк Халил Султон билан яширин бир жойда кечалари бирга тунаб юргани маълум бўлади. Соҳибқирон бундай инкоҳсиз бирга тунашларни «зино» деб ёмон кўрарди. Амир Сайфиддинга:

— «Сизнинг ҳарамингиздаги жувон енгилтак экан, бизнинг невара билан зино йўлига кирмишдир», — дейди. Шунда Амир Сайфиддин:

— «Ундай бўлса, бу жувонни ўлимга буюрсангиз ҳам мен розимен!» — дейди.

Шодимулкни ўлимга ҳукм қилишлари мумкинлигидан хабар топган Халил Султон ўзини тарбиялаб ўстирган момоси Биби Хонимга бориб илтижо қилади:

— Ҳазрат момо, Шодимулк пок аёл, мен уни никоҳимга ўтказмоқчимен, сиз гувоҳ бўлинг!

— Амир Сайфиддин уни никоҳидан чиқарганми йўқми?

— Э, у одам Шодимулкни никоҳлаб олмаган экан. Никоҳида тўрт хотини бўлиб, уни шунчаки канизак қилиб сақлар экан.

Бошқа одамнинг никоҳига ўтмаган аёл боши очиқ ҳисобланарди. Шунинг учун Биби хоним Шодимулкни Халил Султоннинг никоҳига ўтказишга ёрдамлашди. Кейин Амир Темурнинг кайфияти яхши пайтини топиб унинг ҳузурига кириб:

— Ҳазратим, Амир Сайфиддин Шодимулкни ҳали никоҳлаб олмаган экан. Боши очиқ бўлгани учун Халил Султон уни никоҳлаб олибдир. Мен ўзим бориб кўрдим. Бўйида бўлибди. Ҳадемай она бўлгай.

Амир Темур жаҳлидан тушибди.

— Майли, қонидан кечдик. Аммо бу жувон эл-юрт орасида шунча нолойиқ гап-сўзга сабаб бўлди. Халил Султон Хитой юришида менинг энг ишонган саркардаларимдан бўлгай. Бу хотини увруққа қўшилиб, қарбий юришда эрининг кетидан эргашмасин, Самарқандда қолсин. Агар эргашса, куни битгай! Ана шуни Халил Султонга ҳам айтиб, қаттиқ огоҳлантиринг.

Соҳибқироннинг сўзини икки қилиб бўлмас эди. Ошиқ-маъшуклар бир-бирларидан бир кун ҳам ажрашишни истамасалар-да, фармони олийга биноан Халил Султон Шодимулкни Самарқандда қолдириб, ўзи қўшин билан Тошкентга келиб тушди. Бу ердан ҳам севгилисига муҳаббат мактублари ёзиб, махсус чопар орқали юбориб турди.

Халил Султон Шодимулкни ўлимга буюрмоқчи бўлганлардан ранжиб юрганини унинг тарафдорлари яхши билар эдилар. Бу довюрак йигит ҳеч кимдан — ҳатто оламини титратган бобосидан ҳам тап тортмай севгилисини ҳимоя қилгани Хўжа Аҳмад Тусий, Алавиқдин Табризий, Масъуд Симноний кабиларга жуда ёқар эди.

Соҳибқирон билан доим шоҳмот ўйнайдиган, гоҳ унга атайин ютқизиб бериб, жуда усталик билан хушомадлар қиладиган, қизиқ-қизиқ хангомалардан айтиб, подшони кулдира оладиган Алавиқдин Табризий ҳам шу гуруҳга кирар эди.

— Ҳазратим, сиз ҳали баҳодир йигитидайсиз, мана, ҳақими хосингиз мавлоно Фазлуллоҳ ҳам айтсинлар, сиз Хитойдан яна бир оламшумул валабага эришиб соғ-саломат қайтгайсиз!

— Бўлажак галабангиз фақирга тушимда аён бўлди!— деди Хўжа Аҳмад Тусий.— Сизнинг оқ фил миниб Самарқандга қайтганингизни тушимда кўрибмен!

Хос Ҳаким Фазлуллоҳ Табризий ҳам бу яширин гуруҳнинг башоратларини тасдиқлаб, кекса саркарданинг қаҳратон қиш совуқларда ҳарбий юришга чиқишига тарафдор эдилар.

Соҳибқироннинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган бу одамларнинг кўнгилларида бошқа орзулар бор эди. Бу йилгидай қаттиқ қишларда тоғу чўлларда Амир Темурнинг ҳарбий юришларига қатнашиб машаққат чеккан пайтларида улар ўзлари туғулиб ўсган гўзал Эрон шаҳарлари — Табриз, Тус ва Симнонларни соғинишарди. Қачонлардир бир вақт ўз юртларига бойлигу мартаба билан қайтишни ўйлашарди. Қадимий маданият ўчоғи бўлган Эроннинг темурийлар қарамогидан чиқишини, яна мустақил давлат бўлишини исташарди. Албатта, бу орзу ва истаклар табиий эди. Лекин бу орзуларнинг амалга ошиши учун Темурийлар салтанати парчаланиши ва ўзаро урушларда яна кўп қонлар тўкилиши муқаррар эди. Шунинг учун бу орзулар дил тубида пинҳон сақланар ва уларни рўёбга чиқариш учун Амир Темур вафотидан кейин Халил Султонни тахтга чиқариш Хўжа Аҳмад Тусийларнинг мақсадига жуда мувофиқ келарди.

Чунки Халил Султон ёш, бирорта вилоятни ҳам бошқариб кўрмаган тажрибасиз йигит. Халил Султон фақат Турон ва Туркистонга подшо бўлиш билан қаноатланиши мумкин. Узоқдаги Табризу Шерозларни Самарқанд тахтида ўлтириб бошқариш унинг қўлидан келмаслиги аниқ.

Аmmo Шохруҳ Мирзо Соҳибқирондан кейин подшо бўлса, Турон билан бирга Хуросон ва Эронни ҳам отаси каби яхлит бир салтанат доирасида ушлаб туришга кучи етарди. Шунини яхши биладиган Хўжа Аҳмад Тусий Амир Темур берган ваколат билан Ҳиротга бориб, Шохруҳ Мирзога йўқ жойдаги айбларни тақиб келган ва ота-бола орасига атайлаб совуқлик солган эди.

Мана энди Ўтрорда ҳам Халил Султон тарафдорларининг бутун ҳаракати Шохруҳ Мирзони валиаҳд қилмасликка қаратилди.

Шу мақсадда улар Амир Темурнинг ҳузурига хос ҳаким мавлоно Табризий ёрдамида кириб боришиб, соҳибқироннинг суюкли невараси Пирмуҳаммад Мирзони энг илқ сўзлар билан тилга ола бошладилар. Улар-

нинг асл мақсадлари — Халил Султон эди. Лекин уни валиаҳд қилиш ҳақида, айниқса, Шодимулк воқеасидан сўнг, Соҳибқиронга мутлақо оғиз очиб бўлмаслигини билишарди. Шоҳруҳни валиаҳд қилишга йўл қўймаслик учун Пирмуҳаммад Мирзо номзодини қўллаб-қувватлаш уларнинг мақсадига жуда мос келарди.

Бу катта ва қалтис ўйинда Халил Султон тарафдорлари шоҳмотдаги каби кейинги юришларини ҳам олдиндан кўриб дона сурмоқда эдилар. Уларга келган хабар бўйича, Пирмуҳаммад Мирзо ҳозир Қобул ва Хайбар довонидан наридаги илиқ ўлка — Пешоварда қишламоқда эди. Чопар қиш кунларида қанча довонлардан ошиб, узоқ Пешоварга ўлим хабарини етказиб боргунча камида бир ярим ой ўтади. Пирмуҳаммад Мирзо қўл остидаги вилоятни тинчитиб, Самарқандга етиб келиши учун яна бир дунё вақт керак бўлади. Унгача бу ерда Халил Султон тахтга чиқиб, мустаҳкамланиб олишга улгуради.

Пирмуҳаммад Мирзо сўнгги марта Самарқандга келганда бобоси у билан қучоқлашиб кўришган, кўзига ёш олиб:

— Сен худди аканг Муҳаммад Султонга ўхшайсен, илоё умринг ўхшамасин! — деган эди.

Марҳум Муҳаммад Султон эса Амир Темурнинг энг суюкли невараси эди. Соҳибқирон уни валиаҳд қилмоқчи бўлиб юрганда вафот этган эди.

Халил Султоннинг Ўтрордаги тарафдорлари бу нарсаларнинг ҳаммасидан хабардор эдилар. Улар аниқ ҳисоб-китоб билан иш олиб боришиб, ахийри Пирмуҳаммад Мирзонинг Амир Темур томонидан валиаҳд қилиб тайинланишига муваффақ бўлдилар.

Соҳибқирон оламдан ўтган куни кечаси Пирмуҳаммад Мирзога махсус мактуб билан чопар юборилди. Чопар қачон етиб боради-ю, валиаҳд қачон келади? Унгача нуфузли беку аъёнлар ва марҳумнинг оила аъзолари унинг вафотини сир туттишга аҳду паймон қилдилар.

Соҳибқироннинг жасади солинган пўлат тобутни Самарқандга яшириқча етказиб бориш ва ҳозирча пинҳон дафн этиш Амир Хўжа Юсуфга топширилади.

Хўжа Юсуф кечаси эл ухлаганда Ўтрордан Самарқандга шитоб билан жўнади.

Эртаси куни унинг кетидан Биби хоним бошлиқ бегимлар, неваралар, Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинлар ҳам пойтахтга йўл олдилар.

Улар ҳали йўлда эканида Хўжа Аҳмад Тусий Тошкентга ва Самарқандга ишончли одамларини юбориб, Халил Султон билан Шодимулк бегимни воқеадан хабардор қилди.

Албатта, бу икки ёш ошиқ-маъшукларга олдиндан тайёргарлик кўрган тажрибали тарафдорлари йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам бериб турмаганда улар Амир Темурдай улус подшоҳнинг васиятига қарши боролмаган бўлар эдилар.

Самарқандга олдинроқ етиб борган Хўжа Юсуф шаҳар доруғаси Аргуншоҳ билан тил бириктирди. Шодимулк ҳам Аргуншоҳ билан учрашиб, Халил Султон тахтга чиққанда унга катта лавозимлар берилишини ваъда қилди.

Шундан кейин Самарқандга Улуғбек Мирзо ўз оталиғи Шоҳмалик билан етиб боради. Уларнинг ёнида Биби Хоним, Туман оғо ва бир неча юз кўриқчи аскарлар, мулозимлар бор эди. Амир Аргуншоҳ Сарой Мулк Хоним ва Туман оғони Самарқанд кўрғонига киргизади. Аммо Улуғбек билан унинг одамларини шаҳарга киргизмай туриб олади. Сабабини сўраганларида:

— Валиаҳд тайинланган Мирзо Пирмуҳаммад етиб келгунча бошқа тахт даъвогарлари кўрғонга кирмасликлари керак! — деб важ кўрсатади.

— Ахир биз тахтга даъвогар эмасмиз-ку! — дейди Улуғбек.

— Мени маъзур тутинг, амирзода, сиз даъвогар бўлмасангиз, атрофингиздаги беку амирлар, албатта, даъво қилурлар. Сиз билан отангиз Шоҳруҳ Мирзони Самарқанд тахтига муносиб кўрувчилар оз эмас!

Гап нимадалигини энди тушунган Улуғбек оталиғи Шоҳмалик ва мулозимлари билан бирга Самарқандга киролмай Бухорога кетадилар. Эртаси куни Халил Султон ўз қўшини билан Самарқандга етиб келади. Амир Аргуншоҳ ва шаҳар аъёнлари уни кучоқ очиб кутиб оладилар.

Уларнинг назарида, Мирзо Пирмуҳаммад ҳали узоқда бўлгани учун унча хатарли эмас эди. Халил Султоннинг тарафдорлари шу атрофда юрган Улуғбекни ва унинг Хиротдаги отаси Шоҳруҳни ўзларининг энг хатарли рақиблари деб билар эдилар. Шунинг учун улар Бухоро аркида турган Улуғбекни йўқ қилиш учун Амир Ҳамза деган доруғани ишга соладилар. Хайрият, Улуғбек зийраклик қилиб, хатарни вақтида сезиб қолади. Унинг беқларидан бири арқдан махфий чиқиб кетиладиган ер

ости йўлини билар экан. Улуғбек ўз одамлари билан шу йўлдан кечаси қочиб чиқади ва Хиротдаги Шохруҳ Мирзо паноҳига шошилади.

Халил Султон тарафдорлари Улуғбекни Амударё бўйигача таъқиб этиб борадилар. Улар Улуғбекни тутиб келиш ёки Турондан қувиб чиқариш ҳақида топшириқ олган эдилар.

Улуғбек бу таъқибу таҳликалардан қийналиб озиб кетганини кўрган Гавҳаршод бегим ўғлини баррига босиб йиғлаб юборди:

— Энди ўғлимиз ёнимизда бўлсин, ҳазратим, худо ҳайрингизни берсин, Улуғбекни Туронга бошқа юборманг! — деб Шохруҳдан илтижо қилди.

— Аммо биз бўш келсак Халил Султон Хуросонга ҳам бостириб келгай! — деди Шохруҳ Мирзо. — Бу гумроҳ йигит соҳибқирон бобомизнинг васиятига қарши исён қилгани учун жазо олмоғи керак!

— Халил Султоннинг жазосини парвардигор ўзи бергай! — деди бегим.

Халил Султоннинг довьюрак саркарда ва истеъдодли лашкарбоши эканини Шохруҳ Мирзо ҳам яхши биларди. У билан жанг қилиш жуда хатарли бўлишидан ташқари тахт таллашишга ўхшаб кетарди. Ҳолбуки, Шохруҳ Мирзо Хуросонда ўз тожу тахтига эга бўлиши мумкин эди.

Бу фикр унинг амирлари ва аъёнларига ҳам маъқул тушди. Шохруҳ Мирзо Хуросон подшоси деб эълон қилинди ва номи хутбага қўшиб ўқиладиган бўлди. Ўғли Улуғбекни ҳозир тинч вилоят бўлган Астрободга ҳоким қилиб тайинлади.

Халил Султон эса Турон ҳукмдорига айланди. Шохруҳ Мирзо арқонни узун ташлаб, у билан сулҳ тузди. Бу сулҳга биноан Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Халил Султон ихтиёрига берилди, чап қирғоқ Шохруҳ Мирзода қолди.

Вақт — адолатли ҳакам — Халил Султонга қарши ишлаётганини кўпчилик сезиб турарди. Чунки Халил Султон улуғ бобосининг арвоҳини чирқиратиб, унинг васиятига хиёнат қилгани учун севгилисидан Шодимулк билан бирга эл-юртнинг назаридан қолмоқда эди.

Бунинг устига улар Амир Темур йиққан беҳисоб олтину жавоҳир хазиналарини очиб, ўз тарафдорларига ҳовучлаб улашмоқда эдилар. Қалъа девори устига чиққан Шодимулк бегимнинг дастда турган издиҳомга йирик-йирик олтин тангаларни ҳазон яп-

роқларига ўхшатиб сочаётганини мусаввирлар елга со-
вурилган бойликлар тарзида тасвир этганлари Гав-
ҳаршод бегимнинг кўз олдига турибди.

Ваҳоланки, бу бойликларда бошқа темурийларнинг ҳам ҳақлари бор эди. Бобосининг сўнгги иродаси билан валиаҳд тайинланган Мирзо Пирмуҳаммад Халил Султон билан Шодимулк бегимнинг ноҳўя ишларидан дарғазаб бўлиб, унга қарши қўшин тортди. Амударё билан Шаҳрисабз оралиғида икки амаки-ваччалар қаттиқ жанг қилдилар. Икковининг ҳам салоҳияти зўр, лашкари кўп эди. Охири Халил Султоннинг қўли баланд келди. Мирзо Пирмуҳаммад енгилиб Балхга чекинди.

Бу ғалабадан кейин Халил Султон босар-тусарини билмай ҳовлиқиб, айшу ишратга берилди. Давлат ишларини хотини Шодимулк бегим бошқарди, Бобо Турмуш деган бир қариндошини вазири аъзам қилиб кўтарди. Бобо Турмуш Балхдаги Пирмуҳаммад Мирзонинг вазири Пир Али Тоз билан яширин алоқа ўрнатди. Бобо Турмушнинг куткуси билан Пир Али Тоз Мирзо Пирмуҳаммадни Балх қалъасида кечаси ухлаб ётган пайтда ёш болалари ва хотинини ҳам унга қўшиб қиличдан ўтказди. Бу қотиллик эвазига Самарқанддаги Бобо Турмуш Халил Султон номидан Пир Али Тозни Балх ва Бадахшон ҳукмдори қилиб кўтарди.

Хиёнаткорларга бунчалик эрк бериб қўйилса, темурийлар сулоласи ҳалокатга учраши мумкин эди. Шунини сезган Шохруҳ Мирзо Ҳиротдан Балхга Пир Али Тозга қарши қўшин тортди. Пир Али Тоз Балхдан Бадахшонга қочди. Шохруҳ Мирзо уни таъқиб этиб Бадахшонга келаётганидан хабар топгач, қотил Самарқандга бориб, ҳомийларидан кўмак сўради. Халил Султон Пир Али Тозни деб Шохруҳ билан урушишни истамади. Шундан сўнг Пир Али Тоз Афғонистонда яшайдиган ҳазоралар томонга қочиб ўтди. Шохруҳ Мирзо уни таъқиб этиб, ҳазоралар устига қўшин тортди. Ҳазораларга махсус элчилар юбориб, Пир Али Тозни тутиб беришни талаб қилди. Шохруҳдан ҳайиқадагилар ҳазоралар Пир Али Тознинг бошини кесиб, терисига сомон тиқиб, Шохруҳ элчисига бериб юбордилар.

Шу тарзда Пирмуҳаммад Мирзонинг қасдини олган Шохруҳ, Мирзо Балхга унинг катта ўғли Қайду Мирзони ҳоким қилиб тайинлади. Энди Балх ва унинг атрофлари ҳам Шохруҳнинг қаламравига кирди.

Бу ҳодиса Шоҳруҳнинг қудрати ва нуфузини қанчалик оширган бўлса, Самарқандда туриб Пир Али Тозга ён босган Халил Султон ва Бобо Турмушларнинг обрўсига шунчалик путур етказди. Халил Султонга тожу тахтни олиб берган Амир Худайдоод Хусайний ва Амир Арғуншоҳ Бобо Турмушни ҳоқимиятдан четлатишга уруниб кўрдилар. Аммо Шодимулк бегим бунга йўл бермади, аксинча, Худайдоод билан Арғуншоҳнинг ўзларини бир четга суриб ташлади. Халил Султонга она ўрнида тарбия берган Сарой мулк Хоним сирли бир тарзда тўсатдан вафот этди. Унга Бобо Турмуш заҳар бериб ўлдиргани ҳақида овозалар тарқалди. Улар яна Амир Темурнинг хотирасини беҳурмат қилиб, унинг садоқатли беваси Туман оғони Шайх Нуриддинга мажбуран никоҳлаб бериб Самарқанддан чиқариб юбордилар.

Норозиликлар тобора кучайиб, охири катта бир гуруҳ амирлар ва навқарлар Халил Султонга қарши исён кўтардилар. Самарқанднинг кун чиқиш томонида Шероз деган қишлоқ ёнида Худайдоод Хусайний бошлиқ исёнчилар Халил Султон кўшинини тор-мор қилиб, ўзини асир олдилар.

Асл воқеадан беҳабар одамлар «Шоҳруҳ Мирзо Халил Султонни урушда енгди. Самарқанд тахтини ундан тортиб олди» деган миш-мишларга ишонадилар. Ваҳоланки, Шоҳруҳ Мирзо Халил Султон билан бирор марта қилич яланғочлаб жанг қилган эмас, Халил Султонни тахтта чиқарган амирларнинг ўзи Худайдоод бошчилигида уни тахтдан туширдилар. Унинг хотини Шодимулк бегимни ҳам қанизлари билан асир олишиб, Шаҳрисабзга етиб келган Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига жазолаш учун юбордилар.

Амир Худайдоод тожсиз подшо бўлиш ниятида эди. Бунинг учун марҳум Муҳаммад Султоннинг ўғли бўлган ўн икки ёшлик бўшангина Муҳаммад Жаҳонгирга Самарқанд тахтини бериб, давлатни унинг номидан ўзи бошқармоқчи эди.

Шоҳруҳ Мирзо отасининг пойтахтини Худайдоодга осонгина бериб қараб турадиган анойилардан эмас эди. У қатъият билан Худайдоодга қарши ҳамла қилди.

Амир Худайдоод Шоҳруҳга бас келолмаслигини сезиб Самарқандни жангсиз ташлаб чиқди ва Хўжанд орқали Андижонга қочди. У ердан Мўғулистон подшоши Муҳаммадхоннинг ҳузурига бориб кўмак сўради.

Бундан оддинроқ Шоҳруҳ Мирзо Муҳаммадхонга элчилар ва нодир совғалар юбориб, икки орада яхши муносабат ўрнатган эди. Худайдодга ўхшаган битта қочқин туфайли Шоҳруҳ билан орани бузиш Муҳаммадхоннинг манфаатига тўғри келмас эди. «Ўз вале-неъматларига шунча хиёнатлар қилган Худайдод бизга вафо қилармиди?» деб, унинг бошини кесдириб Шоҳруҳга жўнатиб юборди.

Халил Султон Худайдоднинг асоратидан қутулгандан кейин Туркистон томонга қочиб кетди. У Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига боришдан қўрқарди. Чунки Шоҳруҳ Самарқандда кўп ёвузликлар қилган Бобо Турмуш билан Амир Арғуншоҳни қатл эттирганини Халил Султон эшитган эди.

Шодимулк бегим Шоҳруҳ Мирзо даргоҳига келтирилганда ўлимга ҳукм бўлишидан қўрқиб дағ-дағ титрарди. Гавҳаршод бегим орага тушиб, шафоат сўради:

— Ҳазратим, бу аёл қилган гуноҳлари учун минг бор узр сўрамоқда! Бир лаҳза арзини эшитинг!

Шоҳруҳ Мирзо Шодимулк бегимни қабул қилгандан бу чиройли жувон юм-юм йиғлаб, ергача бош эгиб илтимос қилди:

— Мен гумроҳлик қилдим! Майли, мени ўлимга буюринг, подшойи олам! Лекин Халил Султонни қутқаринг! Унинг душмани кўп! Бирон жойда ўлдириб кетмасин! Бечорани қутқаринг!

Ёш аёл бош эгиб шундай сўзларни айтгандан кейин Шоҳруҳ Мирзо уни бирон жазога буюришни ўзига эп кўрмади.

Туркистон томонларда юрган Халил Султон Дашти Қипчоқдаги кўчманчи чингизийларнинг қуролига айланиб қолиш хавфи бор эди. Ўша томонларда янги бир фитна кўзғалишига йўл қўймаслик учун Шоҳруҳ Мирзо қўшин тортиб Туркистонга борди ва Узун Ота деган жойда Халил Султон билан учрашди.

— Энди ўтган ишга саловат, сиз менинг жигарим-сиз! — деб, қучоқ очиб Халил Султон билан ярашди.

Ўзаро суҳбатда Халил Султон отаси Мироншоҳ ҳукмронлик қилган Исфаҳон ва Озарбойжон томонларга ҳоким бўлиб бориш истагини билдирди.

— Ҳоқони Саййид, Самарқандда биз элнинг мезаридан қолдик, бобомиз пойтахтга Улуғбек Мирзо, муносибдирлар, — деди.

Халил Султоннинг тантилик қилгани Шоҳруҳ Мирзога ёқиб тушди. У Самарқанд тахтини ўзели Улуғбек

Мирзога иноят қилди-да, Халил Султонни хотини Шодимулк бегим билан Ҳиротга бирга олиб бориб, бир неча кун меҳмон қилди.

Подшонинг илиқ муносабатидан диллари юмшаган Халил Султон ва Шодимулк бегим Ҳиротнинг Боғи Сафедида меҳмон бўлиб турган кунларида кимларнинг қутқусига учиб соҳибқирон боболари васиятига қарши исён қилганларини батафсил сўзлаб бердилар.

— Биз, ошиқ-маъшуклар, — деб Халил Султон ўзларини истехзо билан тилга олди: — Биримиз подшо, биримиз малика бўлиб, жуда катта кетган эканмиз. Кейин билсак, ҳокимият учун курашган қиморбозлар «гарткам!» деб, бизни ошиққа ўхшатиб, ўртага ташлаган эканлар. Ўйин тутагандан кейин ошиқ керак бўлмай қолганда биримизни Худайод банди қилиб Хўжандга олиб кетди, биримизни Кешга сизнинг ҳузурингизга асира қилиб олиб келишибди.

Халил Султон Шоҳруҳ Мирзодан етти ёш кичик — энди йигирма олтига кирган эди. Лекин сўнгги йилларда унинг юзи алланечук сўлиб, қаримсиқ бўлиб қолган, соч-соқолига оқ тушган эди.

— Амирзодам, мардона лутф қилдингиз, — деб Шоҳруҳ Мирзо ошиқ-маъшуклик билан қиморбозлар ошиғи ҳақидаги сўз ўйинидан завқ қилди.

— Ҳайрият, толеимизга Хоқони Саййид, сиз билан, ҳазрат бегим, сиз бор экансизлар, — деб Шодимулк бегим эрининг сўзларини қўллаб-қувватлади. — Сизларни парвардигор бизга нажоткор қилиб юборган экан. Бўлмаса душманларимиз бизни аллақачон ўлдириб юборишарди.

— Ҳар бир иш Худодан. Бобо Турмуш билан Аргуншоҳлар жазосини олди-ку.

— Бироқ сизга душманлик қилган Хўжа Аҳмад Тусий ёнидаги Табризийлар билан бирга қочиб қутулиб кетди,— деди Халил Султон. Мен асир тушганимда улар хазинада қолган олтину жавоҳирларни ўмариб, Табриз томонларда ҳукмрон бўлган Қора Юсуф ҳузурига қочиб ўтибдир.

— Рей¹га ҳоким бўлиб борсангиз, балки улар ҳузурингизга қайтиб келишар?— деди Гавҳаршод бегим.

— Агар қайтиб келишса, мен уларни туттириб Хоқони Саййиднинг ҳукмларига топширгаймен. Қора

¹ Рей — ҳозирги Техронга яқин бўлган қадимий шаҳар.

Юсуф билан ҳам алоҳида ҳисоб-китобим бор. Икки йил бурун унинг одамлари менинг отам Мироншоҳ баҳодирни Султония яқинида қийнаб ўлдирганлар. Уларга қасос қайтмоғи керак!

— Илоё яхши ниятларингиз рўёбга чиқсин! — деб Шохруҳ Мирзо суҳбатни якунлади.

Шундан кейин Шохруҳ Мирзо тажрибали амирларидан Пўлатбек, Ҳамзабек, Саид Ҳасан деганларни ўн минг кишилик лашкар билан Халил Султон ихтиёрига бериб, уни Рейга ҳоким қилиб жўнатди.

Лекин Рейда ҳам Халил Султоннинг иши юришмади. Соҳибқирон бобосининг арвоҳини чирқиратгани, валиаҳд тайинланган Пирмуҳаммад Мирзонинг ўлимига сабаб бўлгани туфайли унинг руҳида қандайдир синиш ва емирилиш юз берган, соғлиғи ҳам ёмонлашган эди. Рейда у оғир хасталикка учраб, уч кун тўшакдан туролмай ётди-ю, йигирма етти ёшида вафот этди. «Бобосининг арвоҳи урди» деган гаплар тарқалди.

Йигирма тўрт ёшлик Шодимулк бегим севгилиси Халил Султонсиз яшашни истамай, заҳар ичиб оламдан ўтди. Ёлғиз ўғлининг доғида куйган Хонзода бегим ҳам Халил Султоннинг қирқи ўтар-ўтмас бандаликни бажо келтирди.

ИНТИҲОСИЗ ОЛИШУВЛАР

Кўпчилик танийдиган бу уч машҳур шахснинг бирин-кетин ҳаётдан кўз юмгани шон-шуҳрат ва баланд мартабаларнинг ўткинчи эканини кўрсатиб турарди. Шунга қарамай, ҳокимият таллашиб олишишларнинг ҳеч охири кўринмасди.

Ғарбий вилоятлар энди тинчиганда Шарқдаги Туркистон ва шимолдаги Дашти Қипчоқдан яна бир хатарли кўшин тоғ кўчкисидай Самарқанд устига бостириб келди. Бир вақтлар ўз валинеъматини Амир Темур хотирасига хиёнат қилиб, Халил Султон исёнига қўшилган Шайх Нуриддин энди Дашти қипчоқдаги Чингиз ўғлон билан тил бириктириб, Туронни ёш Улуғбекдан тортиб олиш ҳаракатига тушди.

Кучлар тенг эмас, ёв кўшини тўрт баробар кўп эди. Самарқанд яқинидаги Қизил Работ деган жойда жанг бўлди. Ўн беш ёшлик Улуғбек оталиғи Шохмалик билан бу жангга маълумиятга учради ва Амударё томонга чекинди.

Шайх Нуриддин билан Чингиз ўғлоннинг мўри-малахдай беҳисоб қўшини уни аёвсиз тақиб этиб келарди. Улуғбек дарёдан ўтиб кетишга тезда кема тополмагач, ўнг қирғоқдаги Калиф қўрғонига кириб бекинди.

Ёв қўшини қўрғонни ўраб олди. Қамал бошланди. Чингиз ўғлоннинг одамлари қўрғон деворларининг но-чорроқ жойини топиб, уни қулатиш учун тагини ко-вай бошладилар.

Ўғлининг ҳаёти хавф остида қолганини Ҳиротда туриб эшитган Шоҳруҳ Мирзо дарҳол отланиб, Ка-лифга катта қўшин билан етиб келди ва Улуғбекни ёв чангалидан қутқариб олди.

Шайх Нуриддин билан Чингиз Ўғлон Туркистон томонга чекинди. Шоҳруҳ Мирзо Шайх Нуриддинга элчилар юбориб, у билан ярашмоқчи бўлди. Лекин ўжар Шайх Нуриддин бунга кўнмади. Шундан кейин Хирқадоқ деган баҳодир бир навкар ҳийла ишлатиб, уни одан тортиб туширди-да, бошини қилич билан кесиб ташлади. Шайх Нуриддин асоратида азоб тортиб юрган Туман оға (Соҳибқироннинг кичик бева-си) шундан сўнг Самарқандга қайтиб келди. Улуғбек уни эъзозлаб кутиб олди, кейинроқ ота-онасининг олдига — Ҳиротга кузатиб қўйди. Туман оға қолган умрини Шоҳруҳ Мирзо қаноти остида тоат-ибодат билан ўтказди.

Гавҳаршод бегимнинг эндиги орзуси — қонли урушлар бошқа бўлмаса, Соҳибқирон даврида сони икки юз мингдан ошиб кетган қўшин уч-тўрт баро-бар қисқартирилса, ҳарбий харажатлардан ортиб қо-лган маблағлар ҳисобига мактабу мадрасалар, кўприк ва работлар қурилса, Шоҳруҳ Мирзо ҳам бунёдкор-лик ишларига мойил эди. Бироқ уруш-юришдан бош-қа нарсани билмайдиган зўравон беклар ва сипо-ҳилар қўшинни қисқартиришга қаршилиқ кўрсатиб исёнлар қилишди.

Бу исёнларни бостириш учун яна қурол ишлатиш-га тўғри келди.

Дехқону ҳунармаңлар, олиму қурувчилар, мамла-катнинг барча маданий кучлари урушсиз яшолмайдиган жангариларга қарши курашда Шоҳруҳ Мирзони қўллаб-қувватладилар. Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршод-бегим ўз ўғилларини ҳам бунёдкорлик руҳида тарби-ялаган, уларнинг ҳар бирига яхши кўрган илмий-ижодий ишини қилиш учун имкон яратган эдилар.

Шу сабабли ўғиллар ҳам доим ота-она томонида турдилар.

Улуғбек Мирзо Самарқандда мадраса ва расадхона қуриб, олимлигини қилди. Унинг иниси Иброҳим Мирзо Шерозда улкан шоир Шарафиддин Али Яздийга ҳомийлик қилиб, соҳибқирон бобоси ҳақида «Зафарнома» китобининг яратилишига сабабчи бўлди. Учинчи ўғил Бойсунқур Мирзо Ҳиротда бош вазир. У отаси номидан барча рассомларга бош бўлиб, Боғи Сафедда қурилган улкан қасрнинг ичига ажойиб суратлар чиздирди. Ҳиротда Шохруҳ, Мирзо номига бир мадраса, Гавҳаршод бегим номига яна бир мадраса қурилди.

Шохруҳ Мирзо ва Гавҳаршод бегим бир ёқадан бош чиқариб, ҳокимият жиловларини маҳкам тутганликлари, ўғилларини инсоф ва адолат руҳида тарбиялаганликлари учун тўрт ўғилдан бирортаси — на Улуғбек, на Иброҳим, на Бойсунқур, на Жўқий Мирзо — бир-бири билан ёвлашган эмас, ота-оналарига қарши бош кўтарганлари ҳам йўқ.

Бу ўғиллар қийинчилик кўриб ўстан, ҳарбий юришларда машаққат чекиб чиниққан, тинч ижодий меҳнатнинг афзалликларини амалда кўриб билган эдилар.

Аммо фаровон замонларда кўпроқ ўйин-кулги, айшу-ишрат билан ўстан Шохруҳнинг неваралари ноаҳил, бири-бири билан қирпичоқ. Бу ёшларда сарфланмаган кучлар кўп, ота-боболари каби катта ғалабаларга эришиб тождор бўлиш иштиёқида ёнишади. Атрофларидаги амиру беклари тоғларга тармашган булутларга ўхшаб уларнинг бошларига тахтипарастлик балоларини ёғдиришади.

«Давлат маблағлари мадраса-ю, расадхона қурилишларига эмас, ҳарбий юришларга сарфланиши керак! Қиличларимизни занг босиб кетди! Жанговар бекдан кўра аллақайдаги муллабаччаларнинг нуфузи балаң!» деб вайсайдиган урушқоқ амирлар таъсирида ёш шаҳзодалар ҳам янги ҳарбий юришларда қаҳрамонлик кўрсатиб, катта мартабаларга эришишни исташади.

Доим маданий кучларга қарши турадиган, бунёдкорликдан кўра бузғунчиликни афзал кўрадиган, урушда қон тўкиб бойлигу мартаба орттиришга ўрганган жангари беклар невараларини йўлдан оздириши мумкинлигини Шохруҳ, Мирзо ҳам сезиб қолди. Кечқурун давлат ишидан бўшаганда Боғи Сафедга келиб Гавҳаршод бегимга дил ёрди.

— Невараларингиз бузгунчи бекар билан май базмлари қилармиш, кайф устида обрў талашиб, ҳокимиятга интилармишлар. Бундан қўрқулик, бегим!

— Не қилайлик, ҳазратим! Маърифат билан жаҳолатнинг олишувлари минг йиллардан буён ҳеч поёнига етмайди. Мамлакат ҳимояси учун лашкар керак деб қўшин сақламоқдамиз. Лекин кўпчилик сипоҳилар мактаб-мадраса кўрмаган одамлардир. Маърифатлик бунёдкор киши игна билан қудуқ қазигандек бир умр меҳнат қилиб эришадиган бойлигу мартабага жангда ғолиб чиққан беку навкарлар гоҳо бир кунда, бир соатда эришадиган пайтлари бўладир. Қиморга ўхшаган бундай ҳарбий омад ёш невараларимизга йиллар давомида китоб ўқиб бунёдкор бўлишдан кўра мароқлироқ туюлса керак-да.

— Бироқ жангдаги жасорат билан ҳаётдаги бунёдкорликни қўшиб олиб бориш ҳам мумкин-ку. Соҳибқирон отамиз доим шундай қилмаганмилар?

— Рост, сиз ҳам шундай қилмоқдасиз. Улуғбек ҳам!

— Ана шу тажрибани невараларимиз дилига ким етказиб бергай? Қуръоннинг «Шуаро» сурасида иккита ояти карима бор. Шу оятларда Иброҳим алайҳиссалом оллоҳга илтижо қиладилар: «Эй, парвардигорим, менга илму ҳикмат бергин, келгуси авлодларга ҳақиқатни сўзлаб беришга мени лойиқ қилгин!» Биз ана шу оятга амал қилсак бўлмайдими? Хўп, давлат иши-ю, уруш-юришлар мени жуда банд қилиб қўймоқда. Аммо сиз кўп китоб ўқийсиз, Улуғбекни тарбиялаган маърифатлик онасиз. Невараларни мана шу Боғи Сафедга олиб келиб, уларнинг дилига ҳақиқатни сингдирсангиз бўлмайдими? Яздий «Зафарнома-си», Шомий китоби, соҳибқирон отамизнинг хотиралари, кутубхонамиздаги бошқа нодир битиклар барчаси сизнинг ихтиёрингизда бўлсин. Сизу биз кўрган билган жуда кўп воқеалар ҳам невараларимиз учун катта бир мактаб эмасми?

— Ҳазратим, сиз бугун улуғ бир мақсадни менинг кўзимга офтобдай равшан қилиб кўрсатдингиз. Агар кучим етса, мен ҳам авлодларга ҳақиқатни сўзлаб беришга заррача лойиқ бўлсам жон дер эдим!

— Мен аминмен, бундай иш сизнинг илкингиздан келгай. Ёдингизда борми, Ҳазрат отам лаёқатли неваралар тарбиясини кайвони хотинлари Сарой Мулк Хонимга топширган эдилар. Раҳматлик Биби Хонимни отам «она лочин» деб улуғлар эдилар. «Авлодларимни

лочиндай юксакка парвоз этадиган қилиб тарбияланг!» дердилар.

— Ҳа, минг афсус, Сарой Мулк Хоним оламдан бевақт кетдилар.

— Аммо сиз ҳам Биби Хонимнинг салафларидан-сиз, бегим. Бугунги темурийлар хонадонида сиз қай-вони она бўлиб қолдингиз. Полапон лочинларимизни энди сиз учирма қилмоғингиз керак. Уларни амалпараст беку аёнларнинг қутқуларидан омон сақлай олмасак, кейин пушаймон бўлурмиз!

Гавҳаршод бегим ўрнидан туриб, Шоҳруҳ Мирзонинг бу топшириғини таъзим билан қабул қилди.

— Иноятингиздан миннатдормен, ҳазратим!

Шундан кейин умидли шаҳзодалар Боғи Сафедга кўчириб келинди. Улар орасида Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф, Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алауддавла ва Абулқосим Бобурлар бор эди.

Гавҳаршод бегим ҳар ҳафтанинг уч кунда шаҳзодалар билан икки соатдан машғулот ўтказарди. Машғулот Боғи Сафедда, бегимнинг катта хонайи хосида ўтар, миз устида «Зафарнома»га ўхшаган нодир қўлёзмалар турарди. Деворга хариталар ҳам осиб қўйиларди.

Гавҳаршодбегим кўпроқ темурийлар тарихидан сабоқ берарди. Китобларда ёзилган воқеаларни ўзи бошдан кечирган ёрқин хотиралар билан бойитиб, жуда мароқли ҳикоялар сўзлаб берарди.

Унинг сўзларини ёши кичикроқ бўлган шоиртабиат невараси Абулқосим Бобур ниҳоятда берилиб тингларди. Бироқ Абдулатиф билан Алауддавла фақат тожу тахтни эгаллаш, жангда ўлжа олиш ва айшу ишрат қилиш тафсилотларига қизиқишар, момоси илму маърифат ва бунёдкорлик тўғрисида сўзлаганда эснаб ўлтиришарди.

Уларни ота-боболарининг энг яхши анъаналарига содиқ қилиб тарбиялаш беҳад мушкул эканини Гавҳаршод бегим шундан ҳам сезарди.

АБДУЛАТИФНИНГ ИЛК ИСЭНИ

Улуғбекнинг биринчи ўғиллари ёшлигида ўлиб кетишган, улардан кейин туғилган Абдулатиф амакиваччаси Алауддавллага нисбатан бир неча ёш кичикроқ эди. Бир чекаси шу сабабдан Алауддавла ўзини сал

катта оларди. Унинг отаси Бойсунқур Мирзо ўттиз уч ёшида ичкиликни кўп ичиш оқибатида касалланиб вафот этганидан кейин фарзанд доғида куйган она Бойсунқурга жуда ўхшайдиган Алауддавлага кўнроқ эътибор берарди.

Тўққиз-ўн ёшларида улар ёрочдан ясалган қиличларини бир-бирига шақ-шуқ уриб машқ қилишган бўлса, балоғатга етиб, йигит бўлиб қолган кезларида ҳақиқий қилич билан куч синашадиган бўлди. Абдулатифнинг ёши кичик бўлса ҳам билагида кучи кўп, оталиғи уни «қиличбозликда соҳибқирон бобокалонингизга тортгансиз» деб мақтайди.

Бир кун қиличбозликдан машқ ўтказётганларида Алауддавланинг қўлидаги қиличини Абдулатиф чапдастлик билан уриб ерга тушириб юборди. Қўли қаттиқ қайрилган Алауддава оғриқ зарбидан инграб, ўртанча бармоғининг қилич кесиб кетган жойини чап қўли билан чангаллади.

Шу воқеанинг устига келиб қолган Гавҳаршод бегим Алауддавланинг бармоғидан қон оқаётганини кўрди-ю, қилич тутган Абдулатифни жеркиди:

— Амирзода, бунчалик бешафқатсиз!

— Узр, ноҳосдан тиф текканини билмай қолдим!

— Ноҳосдан эмас, атайлаб тиф урдингиз! — деди Алауддава ва момосига юзланди. — Менга девонда катта лавозим берилгани учун бахиллиги келиб юрган эди. Мана, аламини олди!

— Бахил ўзингиз! — деди Абдулатиф ҳам аччиғланиб. — Менинг отам Самарқанд тахтида йигирма йилдан буён подшоҳ! Сиз отангизнинг подшоҳ бўлолмай кетганидан армондасиз! «Энди тахт навбати меники, бобом мени валиаҳд тайин этгай, сиз менинг хизматимни қилгайсиз!» деб мақтаниб юрибсиз!

— Вой, беандиша! — деб Гавҳаршод бегим Абдулатифнинг сўзини кесди. — Бу сўзлар Хоқони Саййиднинг қулоқларига етиб борса не бўлишини билурмисиз? Ҳалитдан тожу-тахт даъвосини қилишга уялмайсизларми?!

— «Валиаҳд бўлурмен» деб даъво қилган эркатойингиз-ку! — деб сўз қайтарди Абдулатиф.

— Аввало, сиз чақимчилик қилишдан уялинг!.. Ил-кига қилич уриб ярадор қилганингиз устига яна бундай беодоб гаплар!.. Бунинг учун Хоқони Саййид сизга жазо буюрмоқлари керак!

Туғилган шахри Самарқандни соғиниб, ота-она меҳрини қўмсаб юрган, Ҳиротда ўзини гаровда ушлаб турилгандай сезадиган Абдулатиф момосининг сўнги гапларидан қаттиқ хафа бўлди ва йиғламсираб ўз кўшига қараб кетди.

Уша куни кечаси Абдулатиф бўлган воқеани Жунаид Бўта деган сирдош бекига айтиб берди-ю:

— Хўрлик бас, Самарқандга кетгаймиз! — деди.

— Шундай қаҳратон қишда... Амударёдан қандай ўтгаймиз?

— Бу ерда ўтай бола бўлиб яшаш жонимга тегди! Алауддавла ўз туғилган шаҳрида, ҳамма унга меҳрибон. Самарқандга борсак, ҳазрат отам менга меҳрини кўрсатиб, биронта лавозим бермасмиди?! Ахир соҳибқирон бобом отамни ўн бир ёшида Тошкенту Сайрамларга ҳоким қилиб тайинлаган эканлар-ку. Мен ўн етти ёшдамен! Қачонгача момомга мутеъ бўлиб юргаймен?

— Агар ҳазрат отангиз Тошкентними, Фарғонаними сизга берсалар... унда биз...

— Унда сиз менинг соҳибихтиёр эшикоғам, биринчи амирим бўлувсиз!

Бундай катта лавозимлар олдида қиш совуқлари ҳам Жунаид Бўтанинг кўзига кўринмай қолди. Икковлари йўл тайёрлигини кўриб, содиқ навкарларидан ўттиз кишини етовдаги отлари билан Ҳиротдан яширинча олиб чиқдилар-да, Самарқандга жўнаб кетдилар.

Невараси Абдулатифнинг Самарқандга аразлаб кетиб қолганини эшитган Шохруҳ Мирзо Гавҳаршод бегимни Боғи Жаҳонородаги хонайи хосга чақиртирди.

— Сиз нечук Абдулатифни хафа қилдингиз, бегим? — деб қаҳр билан сўради.

— Не қилай, ҳазратим, Абдулатиф Алауддавланинг илкига тиг урибдилар!

— Сиз нукул Алауддавла дейсиз! Улуғбек сизга ўтайми? Ўғли аразлаб борса Улуғбек билан орамиз бузилиши мумкинлигини нечун ўйламайсиз? Алауддавла ҳалитдан тожу-тахтта талпинармиш! Валиаҳд бўлмоқчи эмиш! Уни эрка қилиб ҳовлиқтирган сиз эмасми?!

Хуфялар алақачон ҳамма гапни оқизмай-томизмай Шохруҳ Мирзога етказганини сезган Гавҳаршод бегим титроқ қўлларини кўксига қўйиб:

— Мен, заифангиз, кўнгли бўшлиқ қилган бўлсам авф этинг, — деди. Бевақт вафот этган фарзандимиз

Бийсунқур Мирзодан ёдгор бўлиб қолган Алауддавларга меҳр қўйганим рост. Лекин сўзимга инонинг, ҳазратим, Абдулатиф билан унинг отаси Улуғбекка менинг меҳрим бундан ортиқ бўлса борки, кам эмасдир!

— Кам эмаслиги... фақат оғиздами ёки... амалда исботи борми?

Бугун ҳаво совуқ бўлгани учун эр-хотин иккови ҳам пўстин кийишган, ташқарида қор ёғиб, изгирин шамол эсмоқда эди.

— Агар... менинг сўзларимга исбот талаб қилинса... Хўп, ижозат беринг, ҳозир қиш чилласи бўлса ҳам, Самарқандга йўл олай. Оналик меҳрим қандайлигини Мирзо Улуғбек олдида исбот этай, Абдулатифни Ҳиротга олиб қайтай!

Ҳиротдан Самарқандга қиш кунда отлик бориб келиш учун сал кам бир ой вақт кетар эди. Ёши олтишидан ошган Гавҳаршод бегим бундай машаққатли сафарга бардош бера олармикан? Келинчақлигида унинг қанчалик гўзал ва шижоатлик аёл бўлгани Шохруҳнинг эсига тушди:

— Ҳали ҳам йигирма ёшдаги ғайратларингиздан бор экан-да, бегим?

— Фарзанд меҳри ёшга қарамас экан, ҳазратим. Мен тўнғич ўғлимиз Улуғбекни жуда соғиниб юрибмен. Аммо неварамиз Абдулатифнинг феъли ёмон. Ҳалитдан тожу-тахтга ҳавасман.

— Мен ҳам буни сезиб юрибмен. Баъзи Самарқанд беклари Улуғбекнинг мадрасада мударрислик қилиб, илми нужумга берилиб кетганидан норози. Улар Абдулатифни отасидан кўра подшоликка муносиброқ деб билар эмишлар. Махфий ахборотлардан шуни билганим учун Улуғбек Мирзонинг тинчини ўйлаб, Абдулатифни Ҳиротдан кетказмай юрган эдим.

— Рост, Абдулатиф Улуғбек учун ҳам хатарли. Рухсат беринг, мен бориб уни қайтариб олиб келай! — деди Гавҳаршод бегим.

Хонайи хосда икковлари ўлтирган эдилар. Йўғон гавдалик Шохруҳ Мирзо кўзлари алланечук ялтираб ўрнидан турди. Гавҳаршод бегим ҳам жойидан кўтарилди. Майин соқол мўйлови силлиқ тарашланган барваста Шохруҳ Мирзо ҳали ҳам хипчабўй бегимни меҳр билан бағрига босди-да, юзидан, кўзидан ўпди:

— Мард аёлсиз, сафарингиз бехатар бўлиши учун неки зарур бўлса муҳайё қилурмиз!

Уша кунн Шохрухнинг буйруғи билан Самарқандга чопар юборилди ва Гавҳаршод бегимнинг йўлга чиқаётгани ҳақида Улуғбекка хабар қилинди.

Гавҳаршод бегим қор бўралаб ёғаётган совуқ кунда Ҳиротдан отлиқ жунаб кетди. Шохрух Мирзо унга юздан ортиқ кўриқчилар, хизматчилар, канизу навкарлар кўшиб берган эди. Бегим от устида жуда толиқса ёки совуқдан қийналиб қолса уни атрофи кийгиз билан ўралган, ичи бир қадар илиқ тахти-равонга олишарди. Саккиз бақуват йигит тахти-равоннинг тўрт томонидан узун дасталарини елкаларига қўйиб, эҳтиёт билан кўтариб борар эдилар. Бундай ҳолда тез юриб бўлмас, сафар узоққа чўзилар, охири кўринмайдиган поёнсиз йўларда соатлар, кунлар жуда секинлик билан ўтар эди.

Тахтиравонда ёлғиз ўлтирган Гавҳаршод бегим хотираларга берилади. Ана, унинг оловли ёшлиги. Бадавлат тархонлар оиласида қази-қарта еб, қимиз ичиб, чавандозлик машқларида чиникиб ўсган қиз жуда тез вояга етади. Унга Соҳибқирон Амир Темурнинг назари тушади. Ўн олти ёшлик Гавҳаршодни кенжа ўғли Шохрух Мирзога муносиб кўради.

Ушанда Шохрух Мирзо ҳам энди ўн етти ёшга кирган, лекин ҳарбий юришларда тобланиб эрта улгайган, йигирма ёшлик йигитлардек кучга тўлган девқомат ўғлон эди. Гавҳаршод у билан авваллари ҳам кўришган, дилида оловли ҳислар уйғонган эди.

Тўй бўлди-ю, орадан уч ой ўтмай Шохрух Мирзо отасининг кўшинлари сафида Исфохон ва Табриз томонларга ҳарбий юришга кетди.

Ҳомиладор Гавҳаршод бегим Самарқандда эканида Кавказнинг Қорабоғидан, Амир Темурдан фармон келди. Увруқ деб аталадиган ҳарам аҳли барча келинлар билан Сарой Мулк хоним бошчилигида икки минг кўриқчи аскар ҳимоясида Самарқанддан Табризга етиб келиши буюрилди.

Соҳибқироннинг буйруғи сўзсиз бажариларди. Энди ўн еттига кирган келин иккиқат аҳволда минглаб чақирим масофани ёмғирли қор-қировли совуқ кунларда босиб ўтиб, хут ойида Табриз яқинидаги Султонияга етиб борганини ҳозир эсласа ўзининг чидам-бардошига ҳайрон қолади. Тўғри, меҳрибон қайнонаси Сарой Мулк хоним бутун сафар давомида унга гамхўрлик қилиб борди. Лекин телбаланиб оқаётган Жайхундан ўтаётганларида кеманинг лапанглаб чайқалишидан Гав-

ҳаршод бегимнинг боши айланиб, кўзи тингани, Эроннинг Дашти Карбало деб аталадиган саҳросида кумбўронларидан азоб тортгани, Исфахондан нари то Султонияга етгунча тоғ йўлларида, тик доволарда қор ва ёмғирлар остида шалаббо ҳўл бўлганлари... Шундай узоқ йўлни босиб ўтган ёшгина келин наврўз арафасида Султонияда ажойиб бир ўғил туққанди. Яна қандай ўғил — бўлажак буюк даҳо Улуғбек!

Боланинг чилласи чиққандан кейин соҳибқирон бобоси уни қўлига олиб пешонасидан ўпгани, Гавҳаршод бегимга қимматбаҳо кийимликлар ва дуру гавҳар тақинчоқлар инъом қилгани энг унутилмас воқеа тарзида бегимнинг ёдида қолган.

Шоҳруҳ Мирзо жанглarda жасорат кўрсатганидан ташқари ўн саккиз ёшида икки ажойиб ўғилнинг отаси бўлди. Унинг Тўтинисо бегим деган иккинчи хотинидан ўша йили яна бир ўғил туғилди. Унга бобоси Иброҳим деб исм қўйди.

Туғилиш бор жойда ўлим ҳам бўлар экан. Кавказнинг курдлар яшайдиган бир қалъаси олдида Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх баҳодирга ўқ тегиб ҳалок бўлди. Марҳумнинг хотинларидан бири — Мулкат оға саккиз ва ўн ёшлик икки ўғилнинг онаси эди. Амир Темур йигирма олти ёшлик бу келини ва икки неварасининг бегона оилага тушишини истамади. Мулкат оғани Шоҳруҳ Мирзонинг никоҳига ўтказдилар.

Ёш вафот этган аканинг бевасини инисига хотин қилиб бериш одати азалдан бор эди. Соҳибқироннинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо йигирма ёшида вафот этганда унинг икки ўғлига она бўлган беваси Хонзода бегим марҳумнинг иниси Мироншоҳ никоҳига ўтказилган эди. Кейин бу никоҳдан Халил Султон туғилганди. Лекин Мироншоҳ Мирзо ёши ўзидан катта бўлган собиқ келин аяси Хонзода бегимни суймас эди. Яқин қариндошга мажбуран уйлантиришнинг оқибати ёмон бўлишини Гавҳаршод бегим мана шу эру хотиннинг мисолида кўрган. Мироншоҳ Мирзо маст бўлиб Хонзода бегимни калтаклаган пайтлари ҳам бўлган. Хонзода бегим Мироншоҳ Мирзо устидан Соҳибқирон қайнотасига шикоятлар қилиб, унинг ҳокимиятдан четлатилишига сабабчилардан бири бўлгани ҳам Гавҳаршод бегимга маълум эди.

Шунинг учун ўн саккиз ёшлик Шоҳруҳ Мирзога йигирма олти яшар собиқ келин аяси Мулкат оғани

мажбуран никоҳлаб берганларида Гавҳаршод бегим жуда қаттиқ изтироб чеқди, кундошлик оловида куйиб ўртанди.

Аммо ёшлиқда келинсалом қилган пайтидаёқ Соҳибқирон қайнотасининг иродасига сўзсиз бўйсунганини зиммасига олгани учун кундошлик азобларига ҳам чидаб берди.

Мулкат оға кейинчалик Шоҳруҳ Мирзодан бир ўғил кўрди. Отини Суюрғамиш қўйдилар.

Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзонинг кўз очиб кўрган суюкли хотини эканлиги Мулкат оғага маълум эди. Шунинг учун у Шоҳруҳ Мирзодан ортиқча бир эътибор талаб қилмас, ўғиллари билан гоҳ Фарғона водийсида, гоҳ Балхда Шоҳруҳ Мирзодан йироқда яшашга кўниккан эди.

Соҳибқирон қайнотаси Табризда эканида Гавҳаршод бегимнинг кундошлик азобини енгилатадиган ажиб бир иноят ҳам қилди. Беш йиллик ҳарбий юриш ҳали давом этаётгани учун Амир Темурнинг ўзи Табризда қолди-ю, ўғли Шоҳруҳ Мирзони Туронга ҳоким тайинлаб, хотин-болалари билан Самарқандга жўнаиб юборди.

Шоҳруҳ Мирзо ёш бўлса ҳам тадбирли йигит эди. Катта хотини Мулкат Оғани Умаршайх Мирзодан туғилган ўғли Искандар Мирзо билан Фарғона водийсини бошқаришга юборди. Яна бир хотини Тўтинисо бегим ўғли Иброҳим Мирзо билан Бухорода яшай бошлади.

Самарқанднинг машҳур Боғи Дилкушоси Улуғбек ва Гавҳаршод бегим ихтиёрида қолди. Самарқанд пойтахт бўлгани учун Шоҳруҳ Мирзо ҳам кўпроқ шу ерда бўлар ва Гавҳаршод бегим билан Боғи Дилкушода яйраб истиқомат қилар эди.

Бегим ҳаётининг шу вақтгача бўлган энг фараҳли кунлари Самарқандда, Боғи Дилкушода ўтди. Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод бегимни давлат ишларига яхши тушунадиган ақли ва маърифатли аёл сифатида ҳам яхши кўрар, баъзи мураккаб муаммоларни ҳал қилишда бегимнинг маслаҳатини олар эди.

Ана шундай маслаҳатлардан бири Самарқанддан Тошкентга бораётганларида Жиззах билан Сирдарё оралигидаги қақроқ чўлга сув чиқариш борасида бўлди. Амир Темир ўғлини Табриздан Самарқандга жўнаётганда:

— Эл-юртнинг мушкулини осон қилгин, адолатли йўл тутгин, савоб ишлар қилиб кўпчиликнинг дуосини олгин! — деб насиҳат қилган эди. Шохруҳ Мирзо Сирдарёнинг чап томонидаги сувсиз чўлда қийналиб яшаётган аҳолининг арзу додини эшитганда шу насиҳатлар унинг ёдига тушди.

— Сардоба қурдирсакмикин? — деди у Гавҳаршод бегимга.

Гавҳаршод бегим Зарафшон дарёсидан чиқарилган Дарғом анҳорини унинг ёдига солди.

— Сирдарёнинг суви Зарафшонникидан ҳам кўп, амирзодам, — деди. — Агар ундан Дарғомга ўхшаган шоҳариқ чиқарилса, қанча сувсиз жойлар обод бўлмай! Қанча одамлар сизни дуо қилгай!

Тошкентга борганларида Шохруҳ Мирзо муҳандислар ва миробларни тўплаб, Сирдарёдан чўлга қараб шоҳариқ қазिश бўйича лойиҳа тузишни буюрди. Лойиҳа тўрт ойда тайёр бўлди. Куз пайти дала ишлари камайганда дарё бўйида яшайдиган минглаб одамлар лойиҳадаги шоҳариқни қазिशга сафарбар этилди. Халқ ўзи ҳашар қилиб, ишни бир йилда битирди. Чўлга сув келиб, боғ-боғлар, обод манзиллар пайдо бўлгандан кейин одамлар янги шоҳариқни «Мирзоариқ» деб атай бошладилар. Бутун чўл эса Мирзачўл номини олди¹.

Шохруҳ Мирзо ва Гавҳаршод бегимнинг Туронда орттирган бу тажрибалари кейинчалик Хуросонда ҳам иш берди.

Қадимги Марв шаҳри Чингизхон давридан буён қумларга кўмилиб, инсон зоти яшолмайдиган харобазорга айланиб қолган эди. Бир юзу саксон йил, яъни сал кам икки аср кимсасиз ётган Марв шаҳрини қайта тириштириш учун Чингизхон буздириб ташлаган Мурғоб дарёсидаги тўғонни қайта тиклаш, қумга кўмилиб қолган ариқларни очиб, обиҳаёт келтириш зарур эди.

Шохруҳ Мирзо отасининг салтанатини қайта тиклашга муяссар бўлган милодий 1410 йилда Гавҳаршод бегим унга Марвни эслатди:

— Мирзачўлда шоҳариқ қаздирганингиз учун одамлар сизни ҳалигача дуо қилар эканлар. Мана ҳозир худо сизга шундай улуғ салтанатни қайтариб берди. Энди буюк бир савоб иш қилсангиз...

¹ Тарихий адолат 1999 йилда қайта тикланди, Мирзачўлнинг энг катта канали Шохруҳ Мирзо номи билан атади.

— Яна қандай иш?

— Ҳазратим, яна эмас. Бу ҳали ҳеч ким қилмаган бетакроп жасорат бўлур. Қадимги Марв шаҳрини қайта тиклаш...

— Бутун бир шаҳарни-я?

— Олиму мухандислар тарҳини чизиб менга кўрсатдилар. Мўйсафид ёшуллилар минг-минг савобталаб одамларни ҳашарга бошлаб чиқмоқчилар. Мурғоб дарёсидаги бузилган тўғон қайта тикланса, халқ ўзи ариқларни қумлардан тозалаб олғай. Сув борса Марв қайта тирилгай!

Бу таклиф Шоҳруҳ Мирзони қизиқтириб қўйди. Чиндан ҳам бузиб ташланган тўғонни қайта тиклаш мумкин экан. Бу ишга Хуросоннинг барча савобталаб олиму мухандислари, қурувчи-ю мироблари жалб этилди. Давлат хазинасидан катта маблағлар ажратилди.

Ҳиротдаги филхонада ўн бир йил бурун Ҳиндистондан келтирилган улкан филлари бўлиб, уларни ўз филбонлари парвариш қилар эди. Энди шу филлар ҳам Мурғоб бўйида ишга туширилди. Тўғонга ётқизиладиган офир тошларни ва улкан сепояларни филлар хартумлари билан кўтариб келиб, одамни оқизадиган сувни тўсишга ёрдам бердилар.

Тўғон биттунча узунлиги ўн икки фарсах¹, кенглиги йигирма газ², чуқурлиги беш газ келадиган улкан ўзан ҳам тайёр бўлди. Бу ишда Турондан Улуғбек Мирзо бошлаб келган минглаб усталар ва ер қазувчиларнинг хизмати ҳам катта бўлди. Қазув ишларига уста бўлган хоразмликлар ҳам ёрдамга келдилар. Жуда кўп ишларни Хуросон халқи ҳашар йўли билан амалга оширди.

Бу улкан ишнинг бошида Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи турди. У йўқ пайтда Гавҳаршод бегим ўғли Улуғбек Мирзо билан барча ишларни бошқариб турдилар. Ниҳоят, баҳорда Наврўзнинг дастлабки кунларида тўғон ишга тушди, барча ариқларга сув келди.

Ўша йилиёқ деҳқонлар Марв атрофларида беш минг жуфт хўкиз билан ер ҳайдаб экин экдилар, янги боғларнинг тарҳини чизиб беҳисоб кўп кўчат ўтказдилар. Уй-жойлар ҳам тез қад кўтара бошлади.

Илгариги обод шаҳар ўрнида вайроналар, харобалар ястаниб ётар, фақат Султон Санжар мақбарасининг деворлари сўппайиб узоқдан кўринарди.

¹ Фарсах — бир тош, тахминан 6 километр.

² Газ — тахминан 80—90 сантиметр.

Мана бугун, орадан ўттиз йил ўтгандан кейин Самарқандга бораётган бегим Марвга яна келганда муҳташам бинолар, мачиту мадрасаларни кўриб астойдил қувонди. Совуқ қиш куни бўлишига қарамай шаҳарнинг энг нуфузли аъёнлари ва ёшулдилари бегимнинг шарафига қўйлар сўйиб, минглаб одамларга ош бердилар. Марвни қайта тиклашда Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзонинг ёнида туриб олижаноб ишларни қилганини қайта-қайта эслашиб, унга узоқ умр ва оқ йўл тилаб қолдилар. Шаҳар доруғаси бегимни Амударё бўйигача кузатиб қўйди.

* * *

Онаси келаётгани ҳақидаги хабар Улуғбекка аллақачон етиб борган эди. Қор-қировли қиш кунларида кекса онаси йўлларда қандай азоб тортишини кўздига келтирган Улуғбек барча ишларини ташлаб, Самарқанддан Амударё бўйига қараб шошилди. Гавҳаршод бегим Марв томонидан Амударёнинг чап қирғоғига яқинлашгунча Улуғбек ҳам Бухоро ва Қоракўл орқали дарёнинг ўнг қирғоғига етиб келди.

У вақтларда Амударёда бирорта кўприк йўқ эди. Қишки дарёдан отлик ўтиб бўлмас, сувнинг саёз жойлари музлаган, аҳён-аҳёнда музлар кўчиб бир-бирига зарб билан уриларди. Бу асов дарёдан қишда кемада ўтиш ҳам хатарли, катта музлар кемани ағдариб юбориши мумкин. Шундай бўлса ҳам Улуғбек мустаҳкам бир кемага тушиб, онаси турган чап қирғоққа ўтиб келди. Гавҳаршод бегим кўпдан бери кўрмаган ўғлини бағрига босганда кўзларида қувонч ёшлари йилтиради.

— Хуш келибсиз, ҳазрат онажон! Самарқанду Бухоро Сизга пешкаш! Нариги қирғоқда Абдулатиф йўлингизга пойандоз тўшаб турибдилар!

— Абдулатиф ҳам келдимиз?! Ҳайрият!

Яна ўша кемага тушиб ўнг қирғоққа ўтгунларича бебош тўлқинлар катта-катта муз парчаларини бир неча марта кемага олиб келиб урди. Кема чайқалиб силкиганида Гавҳаршод бегим барра пўстин кийган Улуғбекнинг бақувват елкаларидан ушлаб мувозанат сақларди:

— Улуғ ўғлим, тўнғич ўғлим, суянган тоғимсиз! — деб Улуғбекни болалик пайтидагидек эркалатиб сўзларди. Ўнг қирғоққа кема тўхтаган жойга чиндан ҳам

қип-қизил гилам пойандозлар тўшалганди. Пойандоз четида хипча бўйли новча Абдулатиф момосини таъзиму тавозеълар билан кутиб олди. Гавҳаршод бегим унинг эгилган бошини қўллари орасига олиб:

— Момоси ўргилсин Латифжондан! — деб пешонасидан ўпди.

Дарёдан ўтиб келгунларича кун кеч бўлган эди. Шунинг учун дарёнинг ўнг қирғоғидаги Калиф қўрғонига тунагани кирдилар.

Она, ўғил, неварашоҳона дастурхон атрофида хуш хурсанд суҳбатлашиб ўлтирганларида Гавҳаршод бегим Абдулатифга кулимсираб тикилди:

— Амирзода, сиз ҳам бу ерга келганингиздан бехад шодмен. Самарқандда шунча кун ота-она ҳузурда бўлдингиз. Энди шу ердан тўғри Ҳиротга қайтақолсак ҳазрат бобонгизни ҳам қувонтирган бўлурадик...

Абдулатиф бошини эгиб узр сўради:

— Ҳазрат моможон, мен ҳали ота-онам дийдорига тўйганим йўқ.

— Шундайми? — деб Гавҳаршод бегим Улуғбекка қаради.

— Албатта, қиш совуқларида сизни йўл азобига қўймасак яхши бўларди, — деди Улуғбек. — Бироқ бутун Турон аҳли Сизни кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Бухорода, Ғиждувонда йўлингизга кўз тикканлар кўп. Хусусан, Мирзо Абдулатифнинг оналари... келинингиз Ҳусн Нигор бегим Самарқандда сизни интизор бўлиб кутмоқдалар.

Улуғбекнинг учинчи хотини Ҳусн Нигор хоним Султон Халилнинг қизи эди. Султон Халил Рейда сирли бир тарзда вафот этган, бу жудолик Халил Султоннинг онаси Хонзода бегимга ҳам оғир зарба бўлиб тушган, Ҳусн Нигор беш ёшлигида суюкли момосидан ҳам айрилиб, кўнгли чўкиб ўсган эди. Улуғбек унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб уйланган, кўнгли нозиклигини ҳисобга олиб хафа қилмасликка интиларди. Ҳусн Нигор хоним Абдулатифни туққандан кейин нуфузи анча кўтарилган. Чунки ҳозир Улуғбекнинг катта ўғли Абдулатиф тахт вориси саналар, ҳарамда унинг онасига алоҳида эҳтиром кўрсатиларди.

Гавҳаршод бегим шунинг хаммасини хаёлидан бир-бир ўтказди-да:

— Майли, мен ўзим ҳам Бухоро-ю, Самарқандни

соғиниб юрибмен, — деди. — Қадамжойларни зиёрат қилиб, келинларимни кўриб қайтгаймен!

Бу сўзлардан енгил тортган Абдулатиф қўлини кўксига қўйиб, момосига миннатдорчилик билдирди.

Улар эртаси куни Бухорога томон йўл олдилар. Бу ерда бир кун тўхтаб, Чашмайи Айюбдан сув ичдилар, Баҳовиддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилдилар.

Бухоро ва Ғиждувонда Улуғбек қурдирган муҳташам мадрасалар онасига жуда маъқул бўлди. Гавҳаршод бегим бундан беш йил олдин Ҳиротдан келганда Ғиждувонда бир кеча тунаб ўтган, Абдуҳолиқ Ғиждувонийга эътиқоди борлигини айтган:

— Болам, Абдуҳолиқ Ғиждувонийга Хизр Алайҳисалом ўзи таълим берган экан! — деган эди. — Унинг устози авлиё Юсуф Ҳамадоний бўлган. Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг мақбараларини обод қилсангиз бошингизга савоб ёғилгай!

Улуғбекинг ўзи ҳам Абдуҳолиқ Ғиждувонийни буюк авлиё деб биларди. Шунинг учун Ғиждувонда унинг номи билан улкан бир мадраса ва мақбара қурдирди.

Гавҳаршод бегим бу гал Ғиждувонга келганда мадрасани кўриб беҳад қувонди. Улуғбек Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбараси олдида онаси шарафига жонлик сўйдирди, дошқозонларда палов дамлатиб, минглаб одамларга худойи ош тортдирди.

Бунинг ҳаммаси учун Гавҳаршод бегим ўғлидан астойдил миннатдор бўлди. Аёллар одатига биноан азонда офтоб чиқмасдан олдин Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбарасига зиёратта келиб, тиловат қилди:

— Илоҳим шу мақбарани қурдирган ўғлим Улуғбекни парвардигор паноҳида асрасин, Ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг арвоқлари доим унга мадаккор бўлсин, неварам Абдулатифга худо инсофу қаноат берсин, ота-бола доим бир-бирига меҳру оқибатлик бўлсин! — деб юзига фотиҳа тортди.

Самарқандга боргунча яна неча марта тўхтаган бўлсалар, ҳамма жойда Гавҳаршод бегимни «Маҳди Улё» — «Авлиё она» деб эъзозлашар, хусусан аёллар унинг дуосини олишга интилишар, бегимнинг кийимларига тегиб қолган қўлларини кўзларига суртиб ўпишар эди. Самарқанддаги эъзоз-икромлар бундан ўн чандон баланд бўлди. Улуғбек ва унга яқин одамларнинг иссиқ меҳри туфайли қиш совуқлари ҳам Гавҳаршод бегимнинг хаёлидан узоқлашиб кетди. Улуғ-

бек Кўҳак тоғи этагидаги Боғи Майдонда гўзал Хитой чинилари билан зийнатлаган икки қаватлик кўшқда онаси шарафига катта қабул маросими ўтказди. Маросимда Гавҳаршод бегимнинг барча келинлари, шаҳарнинг аслзода аёллари ҳам иштирок этдилар. Зиёфатдан сўнг ҳаммаларига сарулолар улашилди. Гавҳаршод бегимнинг ўзига олмос кўзли узуклар, хитойи чинилар, зардўзи қаболар тақдим этилди.

Меҳмонлар тарқагандан сўнг юқори ошиённинг очиқ саҳнида Улуғбек билан Гавҳаршод бегим бир пас осмондаги юдузларни тамошо қилиб сўзлашиб турдилар.

Осмон очиқ, аёзли тунда юдузлар чарақлаб кўри-нарди.

— Ҳазрат онажон, ёдингиздами? — деди Улуғбек. — Мен уч-тўрт ёшлик бола эканимда Ҳамза Ибн Али деган қиссахоним бор эди.

— Ҳа, ҳа узоқ Султонияда Табриз томонда Ҳамзани соҳибқирон бобонгиз Сизга қиссахон қилиб тайинлаган эдилар.

— Ўша Ҳамза Ибн Али менга осмондаги юдузлар ҳақида ғаройиб ривоятлар айтиб бергани ҳануз ёдимдан чиқмайди. Мен ҳозир Абдулатифга илму нуҷумдан сабоқ бермоқдамен. Фарзандлар осмон жисмларидаги собитликдан, тартибу мувозанатдан ибрат олмоқлари керак.

— Улуғ кашфиётлар қилибсиз, болам, худойим сизни ёмон кўздан асрасин. Осмонда Оллоҳнинг пардойи асрори бор. Сиз бу пардани очаман деб уринманг, парвардигорнинг қаҳри келгай. Эҳтиёт бўлинг!

— Хўп, ҳазрат онажон! Сиз хавотир бўлманг.

— Ҳиротда бизга Ҳоқони Саййид мунтазирлар. Энди Абдулатифни олиб қайтишим зарур.

Аммо Абдулатиф Ҳиротга қайтишни истамасди. Гавҳаршод бегимдай машҳур момо аразлаб кетган неварасининг кетидан шунча йўл босиб келгани Самарқанддаги беку аъёнларнинг кўзи олдида Абдулатифнинг обрўсини оширган, нуфузлик амирлар унинг шарафига ҳар куни зиёфатлар беришмоқда.

Абдулатифнинг онаси эса ёлғиз ўғлини ўзидан узоқлаштиришни истамас, гоҳ Гавҳаршод бегимга, гоҳ Улуғбекка илтижолар қилиб, Абдулатифни Самарқандда қолдиришни сўрарди.

Гавҳаршод бегим Улуғбек билан яккама-якка суҳбатлашганда овозини пасайтириб деди:

— Ҳазрат отангиз айтиб юбордилар, «Абдулатиф Самарқанд бекларининг қутқусига учиб, отасининг тахтига тажовуз қилиши мумкин» дедилар.

— Наҳотки? — Улуғбек бу сўзларга унча ишонмади.

— Шоҳ ўғлим, Абдулатифни мен ёшлигидан билурмен. Унинг табиатида ёмон бир беқарорлик бор. Кўзларида бургутнинг кўзларини эслатадиган қаттиқлик сезамен. Мен сизнинг болалигингизни ҳам яхши эслаймен. Сизда улуғ истеъдодларга бўладиган некинлик, майинлик устун эди. Аммо ўғлингиз бошқача...

— Яъни, қандоқ... бошқача?

— Тўғри, Абдулатиф жуда ботир йигит. Унинг довжураклиги менга Халил Султонни эслатадир. Онаси Ҳусн Нигор хоним Халил Султоннинг қизи эмасми? Ирсий хислатлар она томондан ҳам ўтар эканда. Ботирлиги яхши. Лекин ботирлик ҳам ақлу ирода билан идора этилмаса бўлмас экан. Халил Султоннинг фожеъасига ботирлигини ўз ақли билан идора этолмагани сабаб бўлди.

Улуғбек онасининг бу фикрига қўшилди:

— Ботирлик ақл билан йўлга солинмаса одамни ҳовлиқма қилиб қўйиши мумкин, — деди Улуғбек. — Мен ҳам ўғлимиз Абдулатифда ҳовлиқмалик, довдирликка ўхшаш бир хислат борлигини сезамен. Илоҳим Халил Султон фожеъасидан худо бизни асрасин!

— Худойи Таоло эҳтиётни унутмаган бандаларини асрагай, шоҳ ўғлим! Абдулатиф ўзини тутиб олгунча уни ёмон бекларнинг қутқуларидан эҳтиёт қилайлик. Самарқандда қолса, уни сизга қарши бирон фитнанинг гирдобига тутишлари мумкин. Шунинг учун ҳазрат отангиз Абдулатифни Ҳиротда ўз ёнларида тарбия қилмоқчилар. Ҳарбий вазоратда унга каттароқ лавозим бермоқчилар. «Балки панжҳазора¹ лавозимини берурмиз» дедилар.

Бу гаплардан кейин Улуғбек Абдулатифни Ҳиротга қайтаришга рози бўлди ва хотини билан ўғлини шунга кўндирди. Қиш чилласи ҳали чиқмаган эди. Улуғбек онаси билан ўғлини яна Амударё бўйигача кузатиб келди. Сўнг учовлари кемага чиқишди. Дарёда музлар ҳаракати янада хатарли тус олган. Улуғбек онаси билан ўғлини Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтказиб, Ҳиротга кузатгандан сўнг яна кўчма музлар зар-

¹ Панжҳазора — бешминг боши, яъни қўшин бошлиғи, армия генерали.

басидан силкиниб лапанглаб бораётган кемада ўнг қирғоққа қайтиб кетди.

Бу ҳодисанинг гувоҳи бўлган одамлар подшоҳ ўғил билан малика онанинг бир-бирларига талпиниб, аразчи Абдулатиф учун жон куйдириб, қаҳратон совуқларда шунча узоқ йўл босганларини, хусусан, Улуғбек онасининг ҳурмати учун Амудай хатарли дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига қиш чиласида бир эмас, тўрт марта ўтганини ҳаётда кам учрайдиган бир меҳру оқибат тимсоли деб таърифлар эдилар. Бу таърифлар Шохруҳ Мирзонинг қулоғига ҳам етиб борди. Шохруҳнинг тошшириғига биноан Мирзо Алауддавла Ҳиротнинг энг эътиборли аркони давлатлари билан бирга Гавҳаршод бегимга пешвоз чиқиб, у билан Абдулатифни икки кунлик йўлда кутиб олдилар.

Абдулатиф ва Алауддавла ярашган бўлиб, қучоқлашиб кўришдилар. Аммо бу ярашиш кетидан қонли олишувлар келишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

ШОҲЛАРГА ФИДО МАЛИКА

Шохруҳдай подшоҳнинг маликаси-ю, Улуғбекдай яна бир ҳукмдорнинг онаси бўлиш ташқаридан қараганда Гавҳаршод бегимга фақат саодат ва фароғат келтирадигандай кўринади. Лекин бу шоҳона ҳаётнинг замирида зиддиятлар ва хавфу хатарлар шу қадар кўпки, улардан огоҳ бегим доим эҳтиёт ва сергак бўлишга интилади.

Бегимнинг сергаклиги ва ақлу фаросатини ёқтирадиган Шохруҳ, Мирзо давлат ишларини хотинидан сир тутмайди. Мана, қирқ йилдирки, қаерда қандай оғир вазият юз берса, уни бамаслаҳат бартараф этиш учун бегимни узоқ сафарларга бирга олиб кетади.

Ҳарбий юришларда Гавҳаршод бегимнинг Сўфи Тархон, Аҳмад Тархон, Увайс Тархон деган ака-укалари подшоҳ ва унинг маликасига энг садоқатли кўриқчилар бўлиб хизмат қилади.

Хуросонга Табриз томонлардан бостириб кирган қора қўюнли туркманлар тажовузи пайтида хиёнатчи беклар кечаси Шохруҳ билан Гавҳаршод бегим ухлаб ётган чодирга ўқ ёғдириб, суиқасд уюштирдилар. Воқеадан вақтида хабар топган Сўфи Тархон бошлиқ кўриқчи аскарлар ўша кеча Шохруҳ ва Гавҳаршод бегимни бир ўлимдан сақлаб қолдилар. Саидхўжа ном-

ли фитначи бек ва унинг тарафдорлари ўз тажовузларининг қурбонига айланиб нобуд бўлдилар.

Ғарбий вилоятларда, Султония ва Табриз томонларда мудом қонли урушларга сабаб бўлиб келган Қора Юсуф Амир Темурга тутқич бермай қутулиб кетган эди. Кейинчалик Қора Юсуфнинг одамлари соҳибқироннинг учинчи ўғли, Шоҳруҳнинг акаси Мироншоҳни ўлдирган эдилар.

Орадан анча вақт ўтиб, милодий 1420 йилда қулай вазият вужудга келганда Шоҳруҳ Мирзо акасининг кушандаларига қарши қўшин тортди. Бу хатарли юришга Гавҳаршод бегимни ҳам бирга олиб кетди.

Қора Юсуф Шоҳруҳ билан ҳаёт-мамот жангига шайлана бошлади. Бироқ уруш бошланишидан бир кун олдин худонинг қудрати билан кекса Қора Юсуф ўз чодирда ёш хотинининг хобгоҳида тўсатдан вафот этди. Бу ўлим Қора Юсуф тарафдорларини шундай саросимага солдики, улар қаршиларида таҳдид солиб турган Шоҳруҳ қўшинидан ваҳимага тушиб, саркардалари Қора Юсуфнинг чодирда қолган жасадини ташлаб қочдилар. Мурда билан ёлғиз қолган ёш бева аёл шу атрофдаги қариндош-уруғларини ёрдамга чақириш учун кетганда алақандай очкўз талончи ўлиб ётган Қора Юсуфнинг йирик ёкут қадалган олтин сирғасини қулоғидан тезда чиқариб ололмагач, эти билан бирга кесиб олиб кетади.

Қора Юсуфнинг ўғиллари кўп эди. Шоҳруҳ орага одам қўйиб, унинг Абусайид деган ақлли ўғли билан мурса йўлини топди. Урушни ярашга айлантириб, Қора Юсуфга азалдан ота мерос бўлган ерларни шу Абусайид ихтиёрида қолдирди. Амир Темурга қарашли бўлган вилоятлар эса яна Шоҳруҳ Мирзо қаламравига ўтди.

Очиқчасига олиб борилган олишувларда Шоҳруҳ Мирзони ҳеч ким енголган эмас. Амир Темурга муносиб ўғил сифатида у бирорта жангда мағлуб бўлмагани ва қирқ йилдан буён елкаси ер кўрмай келаётганидан Гавҳаршод бегим ифтихор қилади.

Аммо Шоҳруҳни жанглarda енголмаган ғаддор душманлар махфий йўллар билан яна унга қарши фитналар ва суиқасдлар уюштирдилар.

Шоҳруҳ элик ёшга кирган йили қишда жангари ҳуруфийлар мазҳабига мансуб бўлган ақидапараст Аҳмад Лурнинг зимдан тайёрланиб қилган суиқасди кутилмаган ҳодиса бўлди.

Жума куни эди. Мусулмончилик фарзларини астойдил адо этадиган Шоҳруҳ Мирзо доим жума намозини Хиротнинг жоме масжидига бориб ўқир эди. Суиқасд бўлишидан олдинги кечада Гавҳаршод бегим ёмон бир туш кўрган экан. Бегимнинг тушида Шоҳруҳ Мирзо отлиқ ўтиб бораётган тор бир кўчанинг паҳса девори тўсатдан унинг оти устига ағдарилиб тушган эди.

Эртаси куни Шоҳруҳ жума намозига отланаётганда бегим уни қайтармоқчи бўлди. Тушига кирган ҳодисани унга айтиб берди-да:

— Шу бугун жума намозини уйда ўқийқолинг, дилим безовта бўляпти! — деди.

— Дилингиз безовта бўлса мискинларга садақа беринг, — деди Шоҳруҳ Мирзо. — Мен жума намозига бормасам гап-сўз кўпайгай!

Шоҳруҳ намоздан сўнг масжид ҳовлисига чиқаётганда чакмон кийган бир намозхон қўлида ўрам қилинган оқ қоғоз билан шошилиб унинг қаршисидан чиқди. Шоҳруҳ қоғозни кўриб, «аризадир» — деб ўйлайди-ю, ёнидаги мулозимига «олинг!» деган ишорани қилади.

Аmmo ўрам қилинган қоғознинг ичига ўткир пичоқ яширилган экан. Аҳмад Лур чапдастлик билан пичоқни Шоҳруҳнинг қорнига урди. Қўриқчи навкар шошиб ҳимояга келганда, Аҳмад Лур унга ҳам пичоқ санчди. Оғриқдан инграган Шоҳруҳ кўрчи бошига:

— Аблахни даф қилинг! — деб хитоб қилди.

Қўрбоши қиличини суғуриб, Аҳмад Лурни шу ернинг ўзида чопиб ташлади. Масжид саҳнига тўшалган мраммар тошлар унинг қонига бўялди.

Пичоқ Шоҳруҳни қорнидан ярадор қилган, унинг ранги оппоқ оқариб кетган эди. Қўрчибоши:

— Ҳазратим, тахтиравон чақирайликми? — деб сўради.

Шунда кўрчибоши Ферузшоҳ бир андишани ўртага ташлади:

— Масжидга отлиқ келган ҳазратим тахтиравонда қайтсалар... турли овозалар тарқалгай... фитначилар бош кўтаргай!

Шоҳруҳ ҳам шуни ўйлаб, заиф товуш билан:

— От... келтиринглар! — деди.

Унинг ярасига пилта қўйиб, бели билан қорнини маҳкам боғладилар-да, бир амаллаб отга миндирдилар.

Пичоқ зарбидан қоринга қон қуйилиш хавфи қанчалик кучли бўлмасин, Шоҳруҳ Мирзо оғриққа чидаб, бутун иродасини ишга солиб, саройга отлиқ етиб борди. Уни отдан тушурганларида қадам босолмай ҳушидан кетди.

Эрининг ҳаёти қил учиде турганини сезган Гавҳаршод бегим дарҳол хос табибларни чақиртирди. Икки кеча-ю, кундуз унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашдилар. Жарроҳлар қоринни очиб, ичакнинг пичоқ кесган жойини тикдилар. Ичга қуйилган қонни тозалаш ҳам жуда машаққатли бўлди. Шоҳруҳ Мирзо бу ишлар давомида гоҳ оғриқдан ингра, гоҳ ҳушидан кетиб алаҳсирар, Гавҳаршод бегим унинг бутун азобини ўзи бошидан кечираётгандай қийналарди. Эри сал ўзига келгунча тиним билмай ҳакиму табибларга қарашди. Давлат ишларини ҳам Шоҳруҳ Мирзо номидан ўзи бошқариб турди. Вазири аъзамга буюриб, Аҳмад Лурнинг кетида турган Азд ва Астрободий деган ақидапарастларни туттирди. Дин ниқоби остида ҳокимиятни эгалламоқчи бўлган бу ғаламислар аёвсиз жазоланди.

Подшоҳнинг ҳаёти сақлаб қолингани ва унинг соғая бошлагани шукронасига Ҳирот, Самарқанд, Балх ва бошқа шаҳарларда эл-юртга худойи ошлар берилди, бева-бечораларга хайру-эҳсонлар улашилди, солиқ тўлашда қийналиб қолган деҳқон ва ҳунармандлар рўйхатга олиниб, уларнинг боқиманда қарзларидан воз кечилди.

Оғир хасталик сабабли Шоҳруҳ Мирзо бир ойдан ортиқ кўрпа-тўшак қилиб ётди. Унинг ярадор бўлгани ҳақидаги хабар тўрт томонга тарқалиб, Дашти Қипчоқларга ҳам етиб борган бўлса керак. Қулай пайтни пойлаб ётган фанимлар кўп ўтмай Туроннинг шимолӣ ҳудудларига бостириб кирдилар.

Босқинчиларга Чингизхон авлодларидан бўлган Бароқ ўғлон бошчилик қилди. Улар Сирдарё бўйидаги Сифноқни эгаллаб, Туркистон шаҳрига таҳдид солаётганлиги ҳақида Улуғбекка шошилинч хабарлар келди.

— Нонкўр Бароқхон! — деб Улуғбек бу йигитга қанча яхшиликлар қилганини эслади.

Бароқ ўғлон бундан саккиз йил бурун Оқ ўрда¹ хонларидан енгилиб, Улуғбек ҳузурига қочиб келган

¹ Оқ ўрда — Сирдарё бўйида ҳозирги Қизил ўрда шаҳри ва унинг атрофларида жойлашган.

эди. Унга садоқат изҳор қилиб ялинган, Улуғбек ёрдамида Оқ ўрдада ўз мавқеъини қайта тиклаган эди. Шунда Улуғбек унга Тўхтамишни эслатганди. «Соҳибқирон бобом қилган яхшиликларга ёмонлик билан жавоб бергани учун Тўхтамиш ер билан яксон бўлди, сиз унга ўхшаманг!» деб Бароқ ўғлонни огоҳлантирган эди. Бароқ ўғлон беш-олти йил давомида бир неча марта Улуғбекка элчилар, совғалар юбориб, унинг ҳурматини жойига қўйиб юрди. Энди Шоҳруҳ Мирзо яраланиб ётиб қолган пайтда Улуғбекни «ҳимоясиз қолди» деб ўйласа керак, олчоқларча тажовуз бошлади.

Улуғбек Бароқ ўғлонга қарши жангга чиқмоқчи бўлаётгани ҳақида хабар келгач, Гавҳаршод бегим энди ўғли учун изтироб чека бошлади. Чунки бу гал Шоҳруҳ Мирзо ўғлига ёрдамга етиб бора олмас эди. Унинг яраси тузалган бўлса ҳам, меъда ичида ичакнинг тикилган жойи ортиқча зўриқишдан очилиб кетиши ва ичга яна қон қуйилиши мумкин эди. Табиблар шуни айтиб, «беш-олти ойгача зинҳор ҳарбий юришларга бормасинлар» деб таъкидламоқда эдилар. Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод бегим билан маслаҳатлашиб, Улуғбекка Ҳиротдаги иниси Жўқий Мирзони ўн минг аскар билан кўмакка юбордилар. Махфий ахборотларга қараганда, Бароқ ўғлон Сифноқни ўн икки минг аскар билан босиб олган эди.

Самарқандда Улуғбек йигирма минг аскар тўплаган экан. Ҳиротдан Жўқий Мирзо ўн минг қўшин билан борса, оға-ини Бароқхон устидан ғалаба қилишлари мумкиндек туюларди.

Бундан бир неча йил олдин Улуғбек иниси билан Иссиққўл томонлардан Фарғона водийсига тажовуз қилиб келган мўғул хонларини тор-мор қилиб ғалабага эришган ва буни Жиззаҳдан беридаги Илон ўтар тоғлари устидаги тошга махсус битик тарзида ёздирган эди. Шоядки бу гал ҳам оға-ини ўғиллар бирлашиб, Бароқхон тажовузини бартараф этсалар, деб умид қиларди Гавҳаршод бегим.

* * *

Улуғбек ўттиз минг қўшин билан Туркистондан ўтиб, Сифноққа яқинлашганда Бароқ ўғлон унга бас келолмаслигини тан олгандай бўлиб элчи юборди. Бир вақтлардагидек Улуғбекка садоқат изҳор қилиб, қимматбаҳо совғалар пешкаш этди. Бир ҳафта ичида бор

қўшинини Турон ҳудудидан олиб чиқиб кетишга ваъда бериб, сулҳ таклиф қилди.

Сўзга уста элчилар Улуғбекка «биз бир халқмиз, ҳазратим, — дейишди. — Тилимиз бир, динимиз бир, Бароқ ўғлондан гуноҳ ўтган бўлса бир марта кечиринг, беҳуда қон тўкилмасин, тавба-тазарру қилиб, бош эгиб қелдик!»

Улуғбек иниси ва нуфузли аъёнлари билан кенгашиб, ахийри «этилган бошни қилич кесмас» деди-ю, сулҳ тўзишга розилик берди. Фақат Бароқ ўғлонга бор қўшинини Турондан олиб чиқиб кетиш учун бир ҳафта эмас, уч кун муҳлат берди. Элчилар Сигноққа бориб-келиб, Бароқ ўғлон бу муҳлатга ҳам рози бўлганлигини билдиришди.

Бу воқеалар ҳут ойининг охирларида Наврўз арафасида бўлмоқда эди. Улуғбек ва унинг беку навкарлари «энди уруш бўлмагай, Наврўз ўзи урушни ярашга айлантирадиган байрам!» дейишиб байрам тайёргарлигини кўра бошлайдилар.

Улуғбек қўшини пасти-баланд тепаликлар орасини қароргоҳ қилган эди. Бу қароргоҳни қўриқлаш учун ажратилган Хўжа Юсуф ва Мурод Қавчин деган беклар «эртага байрам!» дейишиб, роса ичишади, маст бўлиб ухлаб қолишади. Улардан ибрат олган қўриқчи навкарлар ҳам пинакка кетишади.

Улуғбекнинг ўзи эса ўша кеча баҳорги тенгкунлик бошланганидан фойдаланиб, «Зижи Кўрагоний»га зарур аниқликлар киритиш билан банд бўлади. Бунинг учун Самарқанддан чарм филофга ўраб, аравада эҳтиёт қилиб олиб келинган асбобларни баланд бир тепаликка ўрнатади.

Чўл осмони худди гумбазнинг ўзи эди. Атроф очиқ бўлгани учун осмоннинг уфққа туташган бутун айланаси жуда аниқ кўринарди. Юлдузлар йирик-йирик ва беҳад равшан чарақлаб турарди.

Шогирди Али Қушчи ёрдамида Улуғбек ўша кеча юлдузли осмонда анча янгиликлар кашф қилди. У ўз зижининг дастлабки тарҳида Абдурахмон Сўфий зижига асосланиб, Сурайё юлдузларини олтита қилиб кўрсатган эди. Ҳозир устурлаб орқали бу юлдузлар тўпи олтита эмас, тўққизта эканини аниқлади. Ҳут юлдузлари туркумида эса яна икки юлдуз Сўфий кўрсатган ўн иккинчи буржда эмас, балки Ҳамал юлдузлари жойлашган қўшни буржда эканини ҳам Улуғбек шу кеча кашф қилди.

Фалакиёт илмининг тарихига кирадиган янги каш-фиётлар қилингани Улуғбекни беҳад қувонтирар ва хаяжонга соларди. Юддузлари чарақлаган осмон остида Бароқ ўғлондай манфур душман уни рафлатда қолдириб тўсатдан ҳужум қилиши мумкинлиги хаёлига келмасди.

Саҳар палла ёв бостириб келганда маст уйқудан чўчиб уйғонган Улуғбек нима ҳодиса бўлганини дафъатан тушунмади. Даҳшатли қийқириқ, бақириқ ва урсурлар орасидан иниси Жўқий Мирзонинг овози эшитилди:

— Ҳазратим, олчоқ Бароқ ўғлон сулҳ тузиб бизни алдаган экан! Туринг тезроқ!.. Ёғий босди!

Кийиниб, отланиб чиққунларича фурсат бой берилди. Ўтгиз минг қўшин сафланишга улгурмай чўл бўйлаб тумтарақай бўлиб қоча бошлади, Улуғбек ҳам иниси ва кўриқчи навкарлари билан чекинишга мажбур бўлди.

Бароқ ўғлон олчоқлик билан эришган галабасидан қутуриб, Улуғбекни Тошкентгача таъқиб этиб келди. Унинг аскарларидан катта бир қисми йўлида учраган шаҳару қишлоқларни талаб, Самарқандга яқинлаша бошлади.

Бу воқеалар хабари баҳорнинг савр ойида Ҳиротга етиб борди. Шоҳруҳ Мирзо энди таъбибларнинг сўзига ҳам қулоқ солмай, ҳарбий юришга отланди. Эрининг соғлиғидан ва Турондаги ўғилларининг аҳволидан хавотирга тушган Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзо билан бирга йўлга чикди. Гоҳ отлик, гоҳ тахтиравонда ва маҳофада йўл юриб, Амударёга Термиз томондан яқинлашдилар.

Ота-онаси келаётганидан чопарлар орқали хабар топган Улуғбек Тошкентдан Термизгача шитоб билан етиб бориб, уларни дарё бўйида кутиб олди.

Шоҳруҳ катта қўшин билан келаётганини эшитган Бароқ ўғлон у билан урушишга журъат этолмай, Дашти Қипчоққа чекинди. У ерда ҳам кўп турмай, янги ўлжалар тамаъида Қашқар томонларга бостириб борди.

Буни эшитган Шоҳруҳ Мирзо Андижон ва Ўш орқали Қашқар хони Шермуҳаммадга бир неча минг кишилиқ аскарни кўмак қилиб юборди. Икки томондан Бароқ ўғлонга ҳужум қилган лашкарлар унинг қўшинини қуршаб олиб тор-мор қилдилар. Бароқ ўғлоннинг ўзи асир тушди. Шермуҳаммадхон унинг

бошини кестириб, Самарқандда турган Шоҳруҳ Мирзога бериб юборди.

Улуғбекнинг яхшиликларига шунча ёмонликлар билан жавоб берган разил душманга қасос қайтгани кўпчиликни мамнун қилди. Лекин Сигноқ яқинида душман ҳийласига алданиб беҳуда ҳалок бўлган беку навқарларнинг яқинлари арзу дод қилиб юрар эдилар. Шоҳруҳ Мирзо бир ойча Самарқандда туриб, Сигноқда ҳалок бўлган сипоҳиларнинг оилаларига таъзия билдирди ва нафақалар белгилади. Айни вақтда, ёв ҳужум қилган куни кечаси қоровуллиқда сергак туриш ўрнига айшу ишратга берилган Хўжа Юсуф ва Мурод Қавчинларни чўп ясоқ жазосига буюрди.

Воқеанинг бошқа тафсилотларини ишончли одамлардан суриштириб билган Шоҳруҳ Мирзо Улуғбекдан ҳам хафа бўлиб, бир неча кун у билан сўзлашгиси келмай юрди. Ниҳоят, ўғлини Кўксаройдаги хонайи хосга чақиртириб, тахт қаршисида тикка қилиб қўйди-да:

— Бароқхон билан урушда неча минг киши ҳалок бўлди? — деб сўради.

— Ҳазратим, икки минг...

— Ана шу мингларнинг уволи, аввало, сизнинг зиммангизга тушадир! Сиз бош саркарда эдингиз. Ҳарбий ҳолатда ҳушёр туриш ўрнига туни билан осмондаги юдузларга тикилиб расад боғлабсиз!

— Рост, ҳазрат отажон, мендан ўтди. Бароқ бизни ғафлатда қолдириш учун сулҳ таклиф қилиб ҳийла ишлатганини сезмай қолибмен!

— Хаёлингиз қўшин тақдирини билан банд бўлганда сезар эдингиз! Сизда ақлу фаросат етарлик! Лекин сиз... Самарқандда илми нужум билан банд бўлганингиз озлик қилдими? Жанг арафасида фақат қўшин тақдирини ўйлаш сизнинг бурчингиз эмасмиди?

— Мен гуноҳқорман, беҳуда ҳалок бўлганларнинг руҳлари олдида виждоним азобдадур! Лекин менга олимлик дардини тақдир раво кўрган экан... Не қилай? Бир йилда бир келадиган Нафрузий тенгкунлик ўша кечаша тўғри келди. Ҳомиладор онанинг тўлғоғига ўхшаб бир илҳомни тўхтатолмадим. Янги кашфиётлар қилинди...

— Хўп, Сиз олимсиз. Мен илми нужумни эҳтиром қилурмен. Агар тақдирингиз бутунлай илмга боғланган бўлса, унда тахтдан воз кечинг! Ахир икки тарвуз бир кўлтиққа сиғмагай!

Бу сўзларни айтиш отага ҳам осон эмаслигини, суи-

қасддан кейин у табиблар назорати остида қаттиқ парҳез билан овқатни кам еб озиб, буришиб қолганини, қорнига санчилган пичоқ ярасининг асоратлари ҳали бутунлай кетмаганини Улуғбек отасининг сарғайиб қолган юзига қараб сезди.

— Ҳазрат отажон! Самарқанд тахтини сиз менга иноят қилган эдингиз. Ҳаётим хавф остида қолганда сиз неча бор мени қутқариб қолдингиз. Мана, бу гал ҳам бошимга оғир кун тушганда бемор бўлишингизга қарамай етиб келиб, малъун Бароқхондан менинг қасдимни олиб бердингиз. Бунинг ҳаммаси учун мен сиздан умрбод миннатдормен. Агар сиз лозим кўрсангиз, майли, мен қолган умримни фақат илм даргоҳида ўтказай, тахтга бошқа фарзандингиз муносиброқ бўлса, мен бунга сўзсиз розимен!

Шоҳруҳ Мирзо истеҳзоли кулимсираб:

— «Қолган умрим» эмиш! — деди. — Ҳали қирқ ёшга ҳам кирганингиз йўқ... Умрингиз узоқ бўлсин, мирзам! Аммо ўзингиз рози бўлганингиз учун, биз Самарқанд тахтига бошқа номзод излаб кўрайлик...

Шоҳруҳ Мирзо ўша куни Ҳиротга чопар юбориб, Улуғбекнинг иниси, Хуросонда вазири аъзам бўлган Бойсунқур Мирзони Самарқандга чақиртирди.

«Улуғбек тахтдан четлатилармиш!» деган овозлар оғиздан-оғизга ўтиб мадраса ва расадхоналарга ҳам етиб борди. Тождор ҳомийларидан ажралиш Қозизода Румий, Фиёсиддин Кошийдек алломаларни, Али Қушчи ва Мирим Чалаби каби шогирдларни маъюс қилиб қўйди. Фиёсиддин Коший бундан ўн йил бурун Ҳиротда Шоҳруҳ саройида хизмат қилган ва унинг топшириғи билан илми нужум тарихига оид китоб ёзиб берган эди. У шуни Шоҳруҳ Мирзога эслатиб, Қозизода Румий билан бирга подшоҳ қабулига киришга уриниб кўрди. Аммо Шоҳруҳ Мирзо бир ҳафтагача уларни қабул қилмади.

Мударрислар Шоҳруҳ Мирзонинг Гавҳаршод бегим билан бирга Боғи Дилкушода истиқомат қилаётганини эшитган эдилар. Улар Шоҳруҳнинг номига мактуб ёзиб, уни Обираҳмат бўйидаги расадхонага таклиф қилдилар. Сўнг Боғи Дилкушога бориб, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига киришга яна бир уриниб кўрдилар. Бунга муяссар бўлолмаганларидан сўнг Дилкушо боғидаги Гавҳаршод бегим ҳузурига кириб, мактубни унга топшириб қайтдилар.

Шу кунларда Гавҳаршод бегим икки ўт орасида

қолгандек куюниб яшамоқда эди. Чунки Шохруҳ Мирзо бегим билан маслаҳатлашмай Ҳиротга, Бойсунқур Мирзога чопар юборгани сўнгги пайтда подшога ҳиротлик амиру аъёнларнинг таъсири кучайиб кетганидан далолат берарди. Улар Бойсунқур Мирзони Самарқанд тахтига ўтказиб, Туронни Хуросонга бутунлай қарам қилишни истар эдилар.

Лекин Амир Темур, пойтахти Самарқанд Хуросонга ҳеч қачон қарам бўлган эмас. Агар зўрлик билан қарам қилишга уринсалар икки орада уруш бошланиши мумкин. Наҳотки Шохруҳ Мирзо шуни сезмаса?

Улуғбек йигирма тўрт йилдан буён Самарқанд ҳукмдори бўлиб турибди. Бу йиллар давомида қанча хайрли ишлар қилган бўлса, ёмонларга жазо бериб, шунча душман ҳам орттирган. Агар у тахтдан туширилса, душманлари Улуғбекнинг жонига қасд қилишмайди?

Ҳиротни ташлаб, Самарқандга ҳукмдор бўлиб келиш Бойсунқур Мирзо учун ҳам ёмон оқибатлар билан тугаши мумкин. Бойсунқур шоиртабиат йигит, базмларни яхши кўради. Ҳиротнинг энг етук маданий кучлари Бойсунқур Мирзо атрофига йиғилган. У Фирдавсий «Шоҳнома»сининг парчаланиб йўқола бошлаган барча қисмларини бир жойга йиғдирган ва унинг мукамал матнини яратиш ишига бош бўлган аллома. Лекин сўнгги йилларда Бойсунқур Мирзо майхўрликка одатланган. Гавҳаршод бегим бу ўғлининг саломатлиги заифроқ эканини билар, шунинг учун Ҳиротда ота-оналари уни ортиқча май базмларидан эҳтиёт қилиб юрар эдилар. Энди агар Бойсунқур Самарқандга келса, ота-онадан йироқда майхўрликка берилиб, давлат ишини ҳам, ўз саломатлигини ҳам барбод бериши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шуни ўйлаб изтироб чекиб юрган Гавҳаршод бегим юлдузшунос олимлар қолдирган мактубни Шохруҳ Мирзога хонайи хосда таъзим билан топширди-да, энди унга дил ёриб сўзлади:

— Ҳазратим, мен бутун умру жонимни сиздек Ҳоқони Саййидга, Улуғбекдек ҳукмдор ўғлимизга фидо қилиб юрибмен. Ўғилларимизнинг тақдирида ёмон ўзгаришлар бўлишдан хавотирдамен!

— Билурмен, сиз Улуғбекнинг Самарқанддаги тожу тахтини сақлаб қолмоқчисиз.

— Фақат мен эмас, ҳазратим. Эл-юрт шуни истай-

дир. Сизнинг қабулингизга киролмай юрган алломалар ҳам шуни илтижо қилмоқдалар...

Шоҳруҳ, Мирзо алломаларнинг мактубини очиб ўқиди-да:

— Юлдузшунослар бизни расадхонага чорлабдилар, — деди. — Лекин борсам... Яна ўша арзу дод, Улуғбекка тарафкашлик...

— Нечун фақат арзудод? Ахир сиз илму нужумга жуда қизиқар эдингиз-ку. Улуғбекнинг улкан истеъдодини эҳтиёт қилиб тарбиялашни соҳибқирон отангиз сизга таъинлаган эмасмидилар, ҳазратим? Мен ожизангизнинг фикрича, бобосининг улуғ даҳоси сиз орқали шу ўғлимизга мерос бўлиб ўтган. Улуғбек илми нужум тарихида энг мукамал расадхона қурибдир. Буни хитой, араб олимлари тан олиб, мактублар юборганидан ўзингиз хабардорсиз. Фарзандингизга бобосидан ўтган ирсий даҳони парвардигор улуғ саркардалик шаклида эмас, улуғ алломалик шаклида берган бўлса начора? Унинг расадхонаси фан оламининг буюк кашфиёти деб тан олинган пайтда сиздек маърифатлик подшоҳ бу расадхонани бир бориб кўрмасангиз... қандоқ бўлур, ҳазратим?

— Ўзингиз бориб кўрдингизми, бегим?

— Мен сиздан олдин боришга ибo қилдим... Ҳар қалай, аёл зотиданмен.

Хотинининг бу ибоси ва куюниб айтган гаплари Шоҳруҳни анча юмшатди. Унинг ўзи ҳам илмпарвар одам бўлгани учун расадхонани бир кўрмай кетиш маърифатли подшоҳ шаънига номуносиб иш бўлишини энди астойдил ҳис қилди. Шундан сўнг расадхонага чоршанбаи муродбахш куни аср намозидан кейин бориши ҳақида мударрисларга хабар юборди.

Расадхона олимларига бу хабар яхшилик аломати бўлиб туюлди. Тепалик устидаги уч қаватлик доирашакл бинонинг ҳали тугалланмаган пардоз ишлари бор эди. Бу ишлар чоршанба кунигача битирилди. Улуғбекнинг ўзи эрталабдан расадхонага келиб, уни яна бир кўздан кечирди, каму кўстларини тўғрилатди.

Шоҳруҳ, Мирзо Обираҳмат бўйига кечки пайт офтоб энди ботганда келди. Улуғбек бошлиқ олимлар уни таъзиму тавозеълар билан кутиб олдилар. Расадхонанинг тепалиқда қад кўтарган уч ошиёнлик баланд биносига қадам қўйганда Шоҳруҳ, Мирзо илмий китобларда суратларини кўрган бошқа расадхоналар-

ни эслади. Уларнинг ҳаммасида ҳам ер остига эгиб туширилган ёй шаклидаги қурилмалар бўлган. Лекин Улуғбек расадхонасидаги бу қурилма жуда улкан ва бетакрор эди.

Ёй шаклидаги етмиш газлик улкан рубъи фахрийнинг ярми ер тагига эгиб туширилган. Иккинчи ярми эса уч қаватли доирашакл бинонинг томигача чиқиб борган эди.

Чуқурлик ичи ҳам, бино ҳам дераза ва туйнуксиз бўлгани учун жуда қоронғи. Уларга тушиб чиқиладиган юзлаб зинапоялар тегра сизга фонуслар ёқиб қўйилган.

Улуғбек отасини зинапоялардан пастга бошлаб тушар экан:

— Биздан олдин қурилган расадхоналарда сулси фахрий¹ ёрдамида тадқиқот олиб борилган, — деб изоҳ берди. — Сулси фахрий орқали фақат осмоннинг олтидан бирини кузатиш мумкин. Бизнинг мана бу рубъи фахрий деб аталган улкан ёйимиз осмоннинг тўртдан бирини қамраб олмай. Ёйнинг тўрт фасли давомида осмон жисмлари бир-бири билан ўрин алмашинур. Шу сабабли бизнинг расадхонамиз бир йил ичида осмон гумбазини бошдан оёқ тўлиқ кузатиш имкони-ни бермай.

— Қани, шу имкондан биз ҳам фойдалансак бўлурми? — деб сўради Шохруҳ Мирзо.

— Марҳамат, ҳазратим! — деб Улуғбек отасини аълода деб аталадиган асбоб ёнига бошлаб келди. — Энди ижозат берсангиз, фонус ёруғини бекитсак.

Фонуслар устига махсус филофлар тортилгач, расадхона ичига тун қоронғусидан ҳам қуюқ қоронғулик чўқди. Фақат тепадаги туйнукда олтин тангадек кичкина ёруғлик кўринди. Шохруҳ Мирзо устурлаб орқали кечаси юлдузларни қандай кузатишни биларди. Аълодадан фойдаланиш ҳам устурлабни эслатарди.

— Ҳазратим, ёй ўқи нишонга қандай тўғриланса, аълоданнинг милини ҳам тепадаги ёруғликка ана шундай тўғрилайсиз... Мана... Энди осмондаги юлдузларга қаранг...

— Ҳали қоронғи тушмасдан осмонда... юлдуз? — деб Шохруҳ Мирзо тушунолмаётган сўради.

¹ Сулси фахрий — осмоннинг олтидан бирини кузатувчи секстант.

— Зуҳал, Миррих каби сайёра юлдузлар бу расадхонадан кундуз ҳам кўринур...

Улуғбек аlyидадани туйнук орқали осмондаги Зуҳал юлдузига тўғрилаб берди. Зуҳал ва яна бир сайёра худди қоронғи тун оғушида тургандай йирик бўлиб порлаб кўринаётгани Шохруҳни таажжублантирди.

— Бу мўъжиза-ку! — деди Шохруҳ ҳайрат билан. — Бир китобда ўқиган эдим. Абу Райҳон Беруний кундуз куни қудуқнинг тубига тушиб юлдузларни ўша жойдан кузатар экан. Демак, қудуқнинг туби қоронғи бўлгани учун кундузи сайёралар кўринар экан-да!

— Ҳа, бизнинг расадхона ҳам сайёраларни йил бўйи кеча-ю кундуз кузатиш имконини бергай, — деб орқароқда турган Қозизода Румий гап қўшди. — Ҳазрати олийларига арзим шулки, Улуғбек Мирзо лойиҳасига биноан қурилган ушбу расадхона илми нужум тарихидаги энг улуғ кашфиётдир. Расад боғлаш илми уч минг йилдан буён бор. Аммо шу минг йилликлар давомида Улуғбек Мирзодан олдин ҳеч ким бундай мукамал расад боғлаган эмасдир!

— Фақир бу расадни шу ерда турган устозу шогирдларим ёрдамида боғламишмен! — деди Улуғбек кўлини кўксига қўйиб.

Шохруҳ Мирзо юлдузлар жамолига маҳлиё бўлиб кечаси алламаҳалгача расадхонада қолиб кетди. Қоронғилик қуюқлашгандан кейин собита юлдузлар йирик-йирик бўлиб кўрина бошлади. Оддий кўз билан кўринмайдиган минглаб митти юлдузлар расадхонадан чарақлаб кўзга ташланарди. Осмонда юлдузлар бу қадар кўп эканини ва бунчалик тигиз жойлашганини Шохруҳ умрида энди кўрди. Қутб юлдузи, Дубби Акбар, Сумбула ва бошқа таниш юлдузлар шунчалик ёрқин нур сочиб порлар эдики, улардаги жозиба ва тенгсиз бир покликни юракдан ҳис қилган сари Шохруҳни қалби ҳам илоҳий бир нурга ва гўзалликка тўлиб, бутун борлигини яйратарди.

Ўғли Улуғбекнинг самовий гўзалликка бунчалик меҳр қўйгани ва юлдузлар тадқиқотига бунчалик кўп вақт сарфлаши бежиз эмаслигини Шохруҳ Мирзо энди тушунди. Тушунди-ю, ундан ўтган хатоликни кечирди. Хуфтон кеч Боғи Дилқушога мамнун бир қиёфада қайтиб келди. Уни хобгоҳда кутиб ўлтирган Гавҳаршод бегимнинг ҳузурига кирди-да:

— Сиз ҳақсиз, бегим! — деди. — Бу урушу юришлар, тожу тахтлар бари ўткинчи. Тарихда қолса, ўғли-

миз Улуғбек яратган расадхона-ю, Зижи Кўрагонийлар қолур. Мен бунга шу бугун имон келтирдим!

Шоҳруҳ Мирзо ўша кеча Ҳиротга яна бир чопар юборди. Ҳиротдан йўлга чиққан Бойсунқур Мирзо Амударё бўйида бу чопар келтирган мактубни олди. Унда Шоҳруҳ Мирзо Самарқандни яна Улуғбек ихтиёрида қолдирганини ёзган эди. Бойсунқур Мирзо отасининг топшириғи билан дарё бўйидан орқасига қайтиб, Ҳиротга кетди.

ДАРЁГА ҚУЛАГАН ТОҒ

Шундан кейинги ўн-ўн беш йил давомида Улуғбек Мирзо хатарли уриш-юришларга қатнашмасдан илму ижод билан банд бўлди. Улкан салтанатнинг ҳали у ерида, ҳали бу ерида яна исёнлар ва тажовузлар содир бўлса, уларни Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи бартараф қилди.

Шу орада Самарқанд ва Ҳиротга Хитой элчилари билан бирга келган уйғуристонлик мусаввир Шоҳруҳ Мирзонинг тахтда ўлтирган пайтидаги суратини чизган эди. Бу суратнинг асл нусхаси Ҳиротда, Гавҳаршод бегимда, яна бир нодир нусхаси Самарқандда, Улуғбекнинг хонахойи хосида сақланарди. Улуғбек, отасини узоқ вақт кўрмаса соғинар ва шу суратга тикилиб, валенеъматидан кўрган яхшиликларини ёдга оларди.

Суратда Шоҳруҳ Мирзо кийган самовий рангдаги абога¹ осмондан юлдузлар ёғилиб тушаётгандай кўринарди. Мусаввир бу рамз билан Шоҳруҳ Мирзога илоҳий марҳамат ёғилганини, шунинг учун соҳибқирон отасининг улкан салтанатини қайта тиклаш ва бошқариш унга насиб қилганини ифодалаган бўлса керак. Чиндан ҳам, Шоҳруҳ Мирзо соҳибқирон отасининг салобати ва жозибасини мерос олган ўғил эди. Уйғур рассоми чизган суратда унинг юзидан нур ёғилиб туриши, баҳодирона гавдасига ярашадиган кийимларни дид билан кийиши кўзга яққол ташланади². Суратдаги Шоҳруҳ Мирзо қинига солинган бежирим қиличнинг учини ҳассага ўшатиб ерга тираб, ўнг қўлида ушлаб тургани ҳам рамзий бир маънони билдиради.

¹ Або — калта енгли устки кийим.

² Бу сурат 1978 йилда Тошкентда Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб «Матлаи саъдайн»нинг ўзбекча нашрида чоп этилган.

Сохибқирон Амир Темур ўғил ва невараларига насихат қилганда бир нарсани алоҳида таъкидларди:

— Курашда адоват эмас, адолат енгадир. Адолатли подшоҳ давлат ишининг ўндан тўққиз қисмини ақду заковат, сабру бардош, муросан маслаҳат билан ҳал қилгай.

Шохруҳ Мирзо отасининг мана шу удумига астойдил амал қилиб келаётгани учун ҳуда-беҳуда қилич яланғочламас эди. Лекин ташқи тажовузлардан ташқари ички исёнлар ҳам бўлиб турарди.

Милодий 1446 йилнинг кузида Машҳаддан наридаги Рейда Шохруҳ Мирзонинг невараси Муҳаммад Султон исён кўтарди. Ёши етмишдан ошган Шохруҳ Мирзо яна ҳарбий юришга отланмоқчи бўлганда табиблар уни бу ниятидан қайтаришга уриндилар. Чунки жоме масжидида рўй берган ўша машъум суиқасднинг асорати вақти-вақти билан ўзини сездириб турарди. Пичоқ ярасидан қолган чандиқ айниқса куз ва баҳор пайтларида меъдага қаттиқ оғриқлар берарди. Шу сабабли Гавҳаршод бегим ҳам эрини узоқ ҳарбий юришдан қайтаришга кўп уринди.

Лекин Муҳаммад Султоннинг исёни ғарбий вилоятларда пайт пойлаб ётган барча фанимларни Шохруҳга қарши қўзғатиб юборган эди. Бу қўзғалишга вақтида зарба берилмаса, фанимлар эрта-индин Ҳироту Самарқандларга ҳам бостириб келишлари эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Шохруҳ Мирзо отаси тузган улуғ давлат бундай хавф-хатарга дуч келган пайтда соғлиғини ҳам ўйламас, ўзини ҳам аямас эди. Шуни биладиган Гавҳаршод бегим оғир сафар чоғида кекса эрининг аҳволидан хабардор бўлиб туриш учун Рей юришига у билан бирга жўнади.

Шохруҳ Мирзо бу гал ҳам исёни жангсиз бартираф қилди. Муҳаммад Султон бобосининг қазабидан кўрқиб Кавказ тоғларига қараб қочди. Унинг ўрнига Шохруҳнинг садоқатли невараларидан бири — 16 яшар Абдулла Мирзо ҳоким қилиб тайинланди. Муҳаммад Султонни бир гуруҳ ақидапараст хўжалар исён гирдобига тортган эканлар. Шохруҳ Мирзо буни текшириб аниқлагач, дин ниқоби остида ҳокимиятни эгалламоқчи бўлган бузғунчи хўжаларни осиб ўлдиришга буюрди.

Кейинчалик Муҳаммад Султонга ҳам қасос қайт-

ди. У Мозандаронда ўз иниси Абулқосим Бобур билан тахт талашиб уруш бошлади-ю, жангда енгилиб асир тушди. Шунда Абулқосим Бобур Муҳаммад Султоннинг бобосига қилган хиёнатини ҳам юзига солиб, уни аёвсиз қатл эттирди.

Шоҳруҳ, Мирзо Рей ва унинг атофларини тинчи-тиб хут ойида Ҳиротга қайтиб кела бошлади. Аммо у қиш бўйи йўл юриб жуда толиққан эди. Рейдан беридаги Пешаворий деган қишлоққа келганларида меъдаси жуда қаттиқ оғриди. Табибларнинг муолажаси ёрдам бермади. Ўша эски яра ҳарбий юриш давомида яллиғланиб, бирдан очилиб кетган бўлса керак. Ярим кечада Шоҳруҳ, Мирзонинг ёнида ўлтирган Гавҳаршод бегим унинг оғзидан қон келганини кўриб кўрқиб кетди.

— Тақдир экан, — деб Шоҳруҳ, Мирзо хотинига тасалли берди, — мен ҳам ҳазрат отамга ўхшаб... ҳарбий юришда... кайвони хотиним қўлида... жон берадиганга ўхшаймен... Қўшинга... Абдулатиф бош бўлсин... Улуғбекка чопар юборинглр...

Чопар Самарқандга ўлим хабарини олиб келганда Улуғбекнинг тиниқ дарёдай оқаётган ҳаётига тоғ қулаб тушгандай бутун вужудини ларзага солди. Чопар келтирган машъум хабар илми сиёқ¹ ёзуви билан махфий усулда Абдулатиф томонидан ёздирилган экан. «Бобом ҳазратлари Маҳди Улё момомиз илкида жон бердилар, — деган эди Абдулатиф. — Ҳазрат момом ярим тунда мени ҳузурларига чорладилар. «Эллик минг қўшинга энди сиз саркардасиз», — дедилар. — Ҳазрат отажон, сиз билурсизки, бу улкан қўшиндан фақат ўн мингги сиз менга топширган туронлик бекунавкарлардир. Хуросону Балхдан йиғилиб келганлар биздан уч-тўрт баробар кўп. Ҳирот тахтига даъвогарлардан бири бўлган амакиваччамиз Мирзо Абулқосим Бобур менга итоат этишни истамай ўн минг қўшин билан биздан ажралиб кетди. Ҳиротда унинг оғаси Алауддавла ҳоким. Биз ҳазрат бобомнинг тобути билан Нишопур томонга қайтмоқдамиз. Вазият беҳад оғир. Менинг ниятим ҳазрат бобомнинг жисмларини Симнон орқали Самарқандга етказиб бориш. Аммо йўл узок. Хавф-хатар кўп. Ҳазрат отажон, бутун нажотни сиздан кутмоқдамен. Тезроқ ёрдамга етиб келмасангиз, интиҳосиз талофатлар гирдобида қолиши-

¹ Илми сиёқ — яширин ёзув, шифр.

миз мумкин. Сўзим тамом. Сизга содиқ фарзандингиз Мирзо Абдулатиф».

Яқинлашиб келаётган бу фалокатлар бошқа темуррийларни ҳам ўз гирдобига тортишини Улуғбек олдиндан сезиб қаттиқ изтиробга тушди. Мусибат чекиб ўлтирадиган пайт эмас эди. У дарҳол кўшин тўлаб, ўғли Абдулатифга яқинроқ боришга шошилди.

Бу гал кўшин Бухоро орқали Калифга эмас, Фузур орқали Термезга бошлаб кетилди. Бу йўл Амударёга яқинроқ эди.

Бойсунтоғдан нарида бодомлар, ўриклар қийғос гуллаган, қиру-адирларда ясан-тусан одамлар наврўз сайллари ўтказишмоқда. Аммо Улуғбекнинг кўнглига шодлик сиймайди, уйғонган табиат гўзалликларини кўзи кўрса ҳам уларнинг завқи дилига етиб бормайди.

Унинг бутун фикру-хаёли отасининг ўлими-ю тобутни қўриқлаб келаётган ўғли билан онасида эди.

Шоҳруҳ Мирзо Амир Темурдан кейинги энг улуғ давлат арбоби бўлганини одамлар унинг ўлиmidан кейин астойдил ҳис қилсалар керак.

Шоҳруҳ Мирзо Мўғулистондан Арабистонгача, Дашти Қипчоқдан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудларни ягона давлат қилиб, уни қирқ йил давомида оқилона идора этган нодир сиймо эди. Оилада ҳам шу қирқ йил давомида Шоҳруҳнинг тўрт ўғлидан бирортаси отасидан норози бўлиб, унга қарши исён қилган эмаслар. Фақат ношукур неваралардан бири — Бойсунқур Мирзонинг ўртанча ўғли Султон Муҳаммад исён кўтариб, кекса бобосини қиш кунда бемаврид ҳарбий юриш бошлашга мажбур қилди. Ўша Муҳаммад Султоннинг туғишган иниси Абулқосим Бобур эса узоқ элда вафот этган бобосининг тобутини абадий маконигача қўриқлаб келиш ўрнига, ўн минг кўшинни йўлдан уриб, Журжон томонларда мустақил давлат тузиш ҳаракатига тушибди. Шоҳруҳнинг ўлими ҳақидаги хабар Ҳиротга етиб борса, ким билсин, катта неvara — Алауддавла қандай ҳунарлар кўрсатаркин?

Улуғбекнинг кўнглига хиёл таскин берган хабар шуки, Гавҳаршод бегим билан Ўғли Абдулатиф мушкул бир вазиятда аҳил бўлиб, бирга қайтиб келишмоқда. Улуғбек сараланган кўшинлардан икки минг суворийни Термез яқинидан кемалар билан дарёдан ўтказдирди-ю, Бобо Ҳусайн деган ишончли одамни уларга қўшиб онаси билан Абду-

латифга кўмак юборди. Сирдош Бобо Ҳусайнга қайта-қайта тайинлади:

— Абдулатиф доим Ҳазрат момоси билан бамаслаҳат иш қилсин! Маҳди Улё онам неваралари орасида Абдулатифга шундай катта ишонч билдирибдир, элик минг қўшиннинг ихтиёрини унга топширибдир, энди ўғлимиз шу ишончни оқласин!

МОМОСИГА ҚАСД ҚИЛГАН НЕВАРА

Аммо Улуғбек юборган одамлар узоқ йўлларни босиб ўтгунча иявогарлар Абдулатиф билан Гавҳаршод бегимнинг орасига нифоқ солишга улгурдилар. Ҳамма бало Турон амирлари билан Хуросон амирларининг бир-бирига бўйсинмай, обрў талашлишларидан бошланди. Қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатиш учун Абдулатиф ўзи билан келган туронлик беку-навкарларга таянарди. Аммо Хуросону Балҳдан келган беку навкарлар Самарқандликларнинг итоатида бўлишни истамас, чунки улар кўпчилик эди ва Шохруҳ Мирзо даврида ўзларини туронликлардан баледа қўйиб ўрганган эдилар. Жаҳли тез Абдулатиф итоат этишни истаманган хуросонликлардан бир қанчасини чўп-ясоқ жазосига буюриб, дарра билан урдирди. Баъзиларини ўзи ҳам қамчи билан савалади. Орадаги низо кучайиб, қўшинда бузилиш бошланди. Хазар денгизи яқин, ҳавода нам кўп. Ҳут ойининг ёмғирлари ҳамма ёқни ивितिб юборган. Куни билан лой кечиб йўл юрган аскарлар кечаси қуруқроқ жойда ётиб дам олишга интилади. Қуруқ жойлар эса бир-биридан анча узоқда бўлган қишлоқларда. Қўшин ана шу қишлоқларда тунаш учун тарқаб кетганда ўнг қанот билан сўл қанот ораси ўнлаб чақирим масофани эгаллайди. Абдулатиф ёпиқ аравага солинган тобутни ва момоси Гавҳаршод бегимни қўриқлаб марказда боради. Кечаси улар ҳам қишлоқ кадхудоси¹ ёки шаҳар ҳокимининг кўргонида тунайдилар.

Хуросон амирларидан бир қанчаси Гавҳаршод бегим қароргоҳига арзга келиб, Абдулатифнинг шафқатсиз жазолар бераётганидан шикоят қилдилар. Бегимнинг хизматини қилиб юрадиган аёллар орасида

¹ Кадхудо — қишлоқ оқсоқоли.

Жунайид Бўта деган Абдулатифга яқин бекнинг хотини ҳам бор эди. Бу хотин Гавҳаршод бегим ҳузурига арзга келган амирларнинг гап-сўзларини зимдан эшитиб, эрига етказиб турадиган хуфия эди. Ҳиротлик Мирзо Солиҳ Гавҳаршод бегим ҳузурига келиб:

— Шаҳзода Абдулатиф ҳаддидан ошмоқдалар! — деди. — Ҳиротга қочиб кетамен деган йигитларнинг бирининг бошини кестирибдир! Ахир биз, Хуросону-Балхдан келганлар кўпчиликмиз! Бундай шафқатсиз жазолардан пичоқ бориб суякка қадалса, қўшинда исён кўтарилиши мумкин!

Гавҳаршод бегим овозини пасайтириб:

— Зинҳор бундай ёмон сўзларни офизга ола кўрманг! — деди. — Исёндан худо сақласин, мураса йўлини излайлик!

Бегимнинг паст товуш билан айтган сўзларини Жунайид Бўтанинг хотини аниқ эшитмади. Унинг назарида, бегим ҳам исёнга мойиллик билдириб, овозини пасайтиргандай бўлди. Бу гаплар ўша куни хуфтонда Жунайид Бўта орқали Абдулатифнинг қулоғига етиб борди. Абдулатиф бошқа нохуш хабарлар ҳам эшитиб, қаттиқ хавотирга тушиб ўлтирган эди. Ўтган кечаси узоқ қишлоқда тунаган беш юз хуросонлик беку-навкарлар Ҳиротга қочиб кетибди. Булар тўғри Алауддавланинг олдига бориб, уни қўзғатса, Журжон томондан Абулқосим Бобур ҳужум қилса... Шунинг устига қўшин ичидаги Мирзо Солиҳга ўхшаганлар Гавҳаршод бегим билан тил бириктириб исён кўтарсалар...

— Наҳотки момом бу исёнга қўшилса? — деб кўзлари ола-кула бўлиб сўради Абдулатиф Жунайид Бўтадан.

— Қўшилиш ҳам гапми, Мирзо Солиҳ билан пичирлашиб, исённинг маслаҳатини қилишибдир! Булар сизни ҳибс қилиб, Хуросон ихтиёрини Алауддавллага беришмоқчи! Момонгиз аввалдан Алауддавлани валиаҳдликка мўлжаллаб юрганини билардингиз-ку!

— Демак Момом қўшинни менга... вақтинча... Алауддавла етиб келгунча топширган экан-да!

— Айни шундай!

Абдулатифни ваҳима босди. Вас-вас бўлгандай телбаланиб:

— Бас! Мени туттирмақчи бўлганларнинг ўзлари ҳибс қилиниши керак! — деди.

— Амирзодам, фитнанинг олдини олмасак ютқазамиз!

— Бугун тун ярмида... энг ишончли йигитлардан икки юз кишини олинг! Момомизнинг эликтача кўриқчиси бор. Саҳар палла боринглар! Қаршилиқ қилганларни аямай қиринг!

Гавҳаршод бегим Шохруҳнинг тобути билан ёпиқ бир кўрғончада тунамоқда эди. Дарвоза ичкарасидан бекитилган экан. Жунайид Бўтанинг икки юз йигити деворга нарвонлар кўйиб ошиб тушишди. Қаршилиқ қилган соқчилардан ўн-ўн бештаси қиличдан ўтказилди. Гавҳаршод бегим ва унга ҳамроҳлик қилиб келаётган Амир Сўфи Тархон ухлаб ётган жойларида ҳибсга олинди. Кўллари боғлиқ ҳолда уларни тобут кўйилган усти ёпиқ аравага чиқаришди. Эрталаб бу арава кўшин билан бирга йўлга тушганда унинг атрофидаги кўриқчилар одатдагидан икки-уч баробар кўпайиб қолгани кўзга ташланди. Гавҳаршод бегимнинг ўз кўриқчи йигитлари бўлар эди, беклар уларни танир эдилар. Ҳозир бегимнинг кўриқчиларидан бирортаси ҳам кўринмади. Уларнинг ўрнини Жунайид Бўта бошлиқ бошқа хос кўриқчилар эгаллаган эди.

Етмиш ёшлиқ Гавҳаршод бегим ўз невараси томонидан ҳибсга олинганлигини сафар пайтида яшириш қийин эди. Ўша куниеқ бу ҳодиса Мирзо Солиҳ каби ҳиротлик бекларнинг қулоғига етиб борди.

Улар ўнг қанотда бормоқда эдилар. Бу кеча кўшинда тунаб қолсалар улар ҳам ҳибс қилиниши мумкин эди. Шунини сезиб, оқшом қоронғи тушган заҳоти уч минг киши Ҳиротга қараб қочди. Абдулатиф ўз қароргоҳида исён чиқишидан кўрқиб уларнинг кетидан қувгинчи юбора олмади.

Ҳиротда Алауддавла Абдулатифни ташлаб қочиб келганларни қучоқ очиб кутиб олди. Шохруҳ Мирзодан мерос қолган хазиналарни очтириб, қочиб келганларга ҳовуч-ҳовуч олтин улашди:

— Бизга содиқ беку-навкарлар минбаъд мана шундай мукофотлар олғайлар! — деди. — Аммо кўрнамак Абдулатиф... ўзини тарбиялаб ўстирган авлиё момосини занжирбанд қилгани учун жазо олмоғи лозим!

— Гавҳаршод бегимни қутқаришни бизга топширинг! — деди Аҳмад Тархон.

— Мен ҳам сизлар билан боргаймен, — деб Мирзо Солиҳ олдинга чиқди.

Гавҳаршод бегимга қариндошлиги бўлган Увайс Тархон ҳам уларга кўшилди.

Алауддавла бу уч амирнинг ҳар бирига зарбофт тўн кийдирди, исфахоний қилич ва учқур отлар ҳада қилди. Икки минг сара навкарларни уларнинг ихтиёрига бериб, кечаси Нишопурга жўнатди.

Бу орада Абдулатиф Нишопурга етиб келганди. Унинг қўшинлари шаҳар яқинидаги маҳаллаларни талаб, Нишопур ва унинг атрофидаги аҳолини қаттиқ норози қилган эди. Абдулатиф бутун Хуросонга донғи кетган Маҳди Улё момосини азадор аҳволига қарамай ҳибс қилгани ҳамма ёққа овоза бўлган, бундай ноинсоф неварга кўпчиликнинг нафратини келтирмоқда. Шу сабабдан нишопурликлар Хиротдан яшириқча келган Мирзо Солиҳ ва Увайс Тархонларга қўлларида келганича кўмаклашдилар. Улар кечаси Абдулатиф ётган қаср дарвозасини ҳиротликларга секин очиб бердилар.

Дарвозахонада фонус ёниб турган эди. Бирдан уйғониб кетган соқчилар шовқин кўтариб ҳиротлик беку навкарларнинг йўлини тўсдилар. Жанг бошланди. Ҳиротдан келганлар кўпчилик эди. Улар қоровулар қаршилигини енгиб ўтганларида дарвозахона яқинида Абдулатиф пайдо бўлди. Дарвозахонадаги фонус ёриғида унинг саман оти лой аралаш сув сачратиб чопиб келаётгани кўзга ташланди. Икки кун сурункасига ёмғир ёққан, ҳовлида кўлмаклар бор эди. Увайс Тархон отлик Абдулатифни мўлжаллаб ёйдан ўқ отди. Ўқ отга тегдими ёки саманнинг оёғи қоронғида чуқурга тушиб кетдими, ҳар қалай от тойилиб йиқилди¹. Эгардаги Абдулатиф ёмғир кўлмаги устига учиб тушди. Мирзо Солиҳнинг навкарлари унга томон ташландилар. Ҳаш-паш дегунча қўлини орқасига қайриб боғладилар. Абдулатифнинг ёнидаги Жунайид Бўта қилич яланғочлаган эди. Уни найза билан уриб йиқитдилар.

Бу орада Аҳмад Тархон дарвозадан сал наридаги омборхонани топди. Гавҳаршод бегимни Шохруҳнинг тобути билан шу зах, сассиқ омборхонага киргизиб, устидан қулфлаб олган эдилар. Омборхона қоровули калитни топиб берди. Ичкарига биринчи бўлиб кирган Аҳмад Тархон:

— Ҳазрат бегим! Қайдасиз? Мен жиянингиз Аҳмад Тархонмен! — деб қичқирди.

¹ Бу тафсилот Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи садайн» китобида келтирилган.

— Ё оллоҳ! — деб товуш берди Гавҳаршод бегим. — Ўзингга шукур! Аҳмаджон!.. Солиҳжон!.. Нажоткорларим!

Ҳибсда эзилган, захда бел оғригидан букчайган Гавҳаршод бегимни икки ёнидан суяб дарвозахона олдига олиб келдилар. Бегим фонус ёруғида қўли боғланган, шоҳона кийимлари лойга беланиб аянчли аҳволга тушган невараси Абдулатифни кўрди-ю, йиғлаб юборди:

— Ноинсоф неварамга яхшилик қилсаму, шундай ёмонлик кўрсам-а!.. Мана, қасос қайтибдир!.. Лекин бу қасосдан менинг дилим вайрон! Боламнинг боласини шу аҳволда кўриш менга азоб!

— Начора, Ҳазрат бегим! Мирзо Абдулатиф қилмишига яраша жазо олмоғи даркор! — деди Увайс Тархон.

Абдулатифни банди қилиб, Ҳиротга олиб кетдилар ва қўл етмас жойдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйдилар.

ОНА ВА ЎГИЛ ИЗТИРОБЛАРИ

Бу орада Улуғбек Амударёдан ўтиб Балхга келган эди. Шу ерда туриб сўнги мудҳиш воқеаларни эшитди-ю, чексиз бир изтироб ичида қолди. Ақлини йўқотиб кекса момосини ҳибс қилган Абдулатифни энди қандай қутқариш мумкин? Албатта, бу ҳодисада кўпчилик Гавҳаршод бегимни ҳақ деб билади. Лекин Улуғбек Алауддавнинг бандисига айланган ўғлини ҳибсдан чиқариб олмаса унинг оталиқ обрўси нима бўлади? Ҳиротга қўшин тортиб бориб, жанг қилса, у ерда онаси бор. Етмиш ёшлик онага қарши қилич яланғочлаш... Буни Улуғбек хаёлига ҳам келтира олмайди.

Бирдан-бир йўл — элчилар юбориб муроса йўлини излаш эди. Улуғбек Ҳиротда кўпчилик танийдиган энг эътиборли уламолардан Низомиддин Мирак Садрни элчи қилиб юборди. Элчи орқали Алауддавлага илиқ бир мактуб ёзиб, келгусида унга катта иноятлар ваъда қилди. Фақат орада хафачилик бўлмаслиги учун Абдулатифни ҳибсдан бўшатиб, отасининг олдига юборишини талаб қилди.

Бироқ Алауддавла ашаддий душмани Абдулатифни ҳибсдан бўшатишга рози бўлмади. Шундан сўнг элчи

Низомиддин Улуғбек номидан Гавҳаршод бегимга му-
рожаат қилди.

— Ҳазрат бегим, Мирзо Алауддавла сизнинг сўзин-
гиздан чиқмаслар. Шаҳзодага тушунтиринг, Улуғбек
ҳазратлари ўғилларини ҳибсда тутган одам билан сулҳ
тузсалар, эл-улус бунини маломат қилгай. Рост, Мирзо
Абдулатиф сиздек улуғ момосига зулм ўтказиб катта
гуноҳ қилган. Шу гуноҳи туфайли тангри унга жазо
берибдир, ўзини ҳибсга туширибдир. Агар бу жазони
кам деб ҳисобласангиз, Абдулатифни Улуғбек ҳазрат-
ларига топширайлик. Қолган жазони падари бузрук-
ворлари берсин! Бундан ўзга муроса йўли йўқдир, ҳаз-
рат бегим!

— Жаноби элчи, мен ҳам муроса тарафдоримен.
Ҳирот билан Самарқанд орасида сулҳ бўлсин, уруш
бўлмасин, қон тўкилмасин! Улуғбек Мирзо менинг
ёлғиз ўғлим, кўзимнинг оқу-қароси, жонимдан азиз
фарзандим. Раҳматли Шохруҳ Мирзонинг қонуний тахт
вориси — Мирзо Улуғбекдирлар. Бунини Ҳиротда барча
тан олар. Сулҳ тузилса, Ҳирот жомесида Мирзо Улуғ-
бекнинг муборак номлари ҳутбага қўшиб ўқилгай.
Аммо сулҳ мустаҳкам бўлиши учун Абдулатиф Их-
тиёридин қалъасидан чиқмаслиги лозим. Мен унинг
дастидан ҳибсда азоб тортганимни алақачон унут-
ганмен. Оналар кечиримли бўлурлар. Менда қасос-
корлик туйғуси йўқ. Аммо Абдулатиф ҳибсдан чиқса,
уруш қилмай туrolмагай. Унинг табиатида қон тўкиш
майли беҳад кучли. Момосига шундай ёмонлик қил-
ган Абдулатиф эрта-индин отасига ҳам ёмонлик қилиш-
дан қайтмагай!

— Ҳазрат бегим, Абдулатиф минбаъд бундай ёмон-
лик қилмасликка қасамёд қилди. Мана унинг мактуби.

— Аммо мен энди унинг сўзига ишонмаймен! Улуғ-
бек Мирзога бориб айтинг. Алауддавла Ҳиротда унинг
хизматида бўлгай. Самарқанд соҳибқирон Амир Те-
мур давридаги каби бош пойтахтга айлансин. Абдула-
тифнинг гуноҳи бўйнида. Ихтиёридин қалъасида би-
рор йил тинч ётсин. Васвасага бериладиган одати бор¹.
Табиблар даволасин. Майли, аҳли ҳарами ҳам ёнида
бўлсин. Қалъада шоҳона хоналар бор. Майдан бошқа
нозу неъматлар муҳайё қилингай. Бирор йилда Абду-
латиф шифо топиб, эҳтимол феъли ҳам ўзгарар. Унгача

¹ Абдулатифнинг васвас касали бўлганини ҳазрат Навоий «Ма-
жолисул Нафойсда» ёзган.

алғов-далғовлар ҳам босилгай. Мирзо Улуғбекнинг тинчини ўйлаб шу тақлифни қилмоқдамен. Бориб айтинг, жаноби элчи, мен ўғлимга фақат яхшилик истаймен!

Аммо Улуғбек бу тақлифни қабул қилишнинг иложини тополмади. Чунки унинг атрофидаги амиру улаломлар Абдулатифнинг Алауддавла томонидан ҳибс қилинишини Улуғбекнинг подшоҳлик шанига тушган доғ деб ҳисоблашарди. Улуғбек бу доғни ювиб ташла-масдан сулҳ тузса, Алауддаврани голиб деб тан олган бўлар, ўзи эса мағлубиятга учраган ҳисобланарди.

Улуғбек онасининг куюниб айтган гапларида жон борлигини, Абдулатиф ҳибсдан бўшаса яна уруш чиқариб, отасининг тинчини бузишини сезарди. Аммо шоҳлик удуми ғалабани Алауддавлага бериб, Улуғбекнинг мағлуб аҳволга тушишига йўл қўймасди. Шунинг учун Улуғбек Абдулатифни ҳибсдан бўшатишларини қаттиқ талаб қилди.

Бу орада Журжондан, Алауддавранинг иниси Абулқосим Бобурдан Улуғбекка элчи келди. Абулқосим Бобур Алауддавла билан уруш бошлаган. Ҳирот ҳокимлигига акасидан кўра ўзини муносиброқ деб билар ва бу мақсадга етиш йўлида Улуғбекдан мадад кутар эди. Абулқосим Бобур элчисига Улуғбек илтифот кўрсатиб, совғалар берди. Шу билан Абулқосим Бобурга хайрихоҳ эканини билдирди. Бундан дадилланган Абулқосим Бобур Машҳадни Алауддавладан тортиб олди ва Ҳиротга таҳдид сола бошлади.

Икки томонлама хатардан чўчиган Алауддавла энди қандай ҳунар кўрсатаркин? Улуғбек шу ўй билан Ҳиротдан хабар кута бошлади.

Музокаралар уч ойга чўзилди. Улуғбекнинг сабр косаси тўлиб, ердаги ишлардан безиб кетганда осмондан тасалли изларди. Кундуз қуёш нуридан жилоланадиган, тунда ой ва юлдузлар билан безанадиган осмон ўзининг бағри кенлиги, сокинлиги билан унинг руҳига ором беради. Ҳатто кўқдаги булутлар ҳам улкан, чақмоқлар ҳам ёрқин. Момоқалдироқлар илоҳий қудратни эслатиб, баъзи ҳовлиққан одамларнинг ҳовурини босади, инсонни камтар ва бардошли бўлишга ундайди.

Элчилар Балхдан Ҳиротга уч марта бориб келдилар. Ҳиротда Алауддавла тўплаган қўшин билан Балхда Улуғбек атрофига йиғилган лашкар Абдулатиф туфайли қонли уруш бошлашига сал қолди. Йўқ, хайрият, баҳор ўтиб ёз кирганда Улуғбек урушнинг ол-

дини олишга ва ўғлини тинч йўл билан ҳибсдан чиқаришга муваффақ бўлди.

Қамоқда ранги синиқиб озиб кетган Абдулатиф Балх саройидаги отасининг ҳузурига келиб, унинг оёғига бош қўйди. Кўзда ёш билан деди:

— Нажаткорим, падари бузрукворим, токи тирикмен, бу яхшилигингизни унутмасмен!

Улуғбек уни тез елкаларидан олиб тикка турғиздида, бағрига босди, Оталик меҳри товланиб:

— Фарзанди аржуманд, жигарбандим, озодлик муборак бўлсин! — деди.

— Қуллуқ, ҳазрат отажон! Қуллуқ!

Абдулатиф учун Балхнинг ҳушҳаво боғларидан бирида муҳташам кўшк ажратилди. Унинг қайтиши шарафига подшоҳ отаси шоҳона зиёфат берди. Улуғбекнинг ўғлига меҳрибонлигини кўрган беку амирлар Абдулатифни катта бир қаҳрамонлик кўрсатиб қайтган одамдек улуғлашар, кўпчилик орасида унинг нуфузи ошиб борарди. Буни сезган Улуғбек бир кун оқшом ўғлини Балх аркидаги усти очиқ шаҳнишинга чақиртирди. Ёз кириб, кунлар исиб кетган, осмон булутлардан тозаланган. Самарқанд расадхонасида Улуғбек тадқиқ қилган юлдузлар Балх осмонида ҳам порлаб турарди.

— Ҳозир Жавзо ойи, — деди Улуғбек ўғлига. — Қани, осмоннинг Жавзо буржини кўрсатинг-чи, амирзода.

Отасининг расадхонасида илми нужумдан сабоқ олган Абдулатиф осмондаги ўнлаб юлдузларни бир қарашда танир эди.

— Мана бу — Бургут юлдузлари... Нариги етти юлдуз — Дубби Акбар... — деб уларни нома-ном санаб ўтди-ю, бир-бирига жуда ўхшайдиган қўш юлдузни кўрсатди: — Адашмасам, Жавзо — ана ўшал жуфт юлдузлардир! Осмоннинг Жавзо буржи ҳам шу!

— Балли, ўғлим, топдингиз! — деб Улуғбек мамнун бўлди: — Нечун бу юлдузлар Жавзо деб аталур? Ривоятини эшитганмисиз?

Абдулатиф ўйланиб туриб:

— Эшитмаган эканмен, — деди.

— Бу ривоят Батлиму¹ давридан бери бор. Жавзо «эгизаклар» деган маънони билдирур. Ривоятга кўра,

¹ Батлиму¹ — Клавдий Птоломей. Бундан 1800 йил олдин ўтган қадимги юнон астрономи.

эғизак Ҳасан-Ҳусанлар қадим замонларда ёвлар билан жанг қилиб кўп қаҳрамонликлар кўрсатибдир. Аммо охириги бир жангда Ҳасан ҳалок бўлур. Иниси Ҳусан қаттиқ мусибат чекиб, яшагиси келмай қолибдир. Парвардигорнинг раҳми келиб, унга абадий умр инъом қилибдир. Шунда Ҳусан «Эй яратган эгам, мен Ҳасансиз яшай олмаймен, ё менинг ҳам жонимни ол, ёки Ҳасанни тирилтириб бер, бир кун бўлса ҳам бирга яшайлик» дейдир. Парвардигор Ҳусаннинг бу меҳру оқибатини тақдирлаб, ака-ука эғизакларни осмонда абадий порлаб турадиган ёруғ юлдузларга айлантирибдир... Биз инсонлар учун бу улут бир ибрат эмасми, ўғлим?

— Албатта, ибрат!

— Қаранг, осмон тўла юлдуз. Улар ердаги жонзоларнинг нодир фазилатларидан далолат бераркан. Бургут юлдузларини кўрдингиз. Ерда одамхўр девлар кўшайиб, инсон урувини қурутмоқчи бўлганда парвардигор Бургутни ҳимояга юборибдир. Унинг кўзларига девларни маҳв этадиган илоҳий оловни жойлабдир. Бургут жуда узоқни кўрадиган қуш. Одамхўр девларни юзлаб чақирим жойдан кўрган заҳоти Бургутнинг кўзларидаги олов девга бориб чақмоқ бўлиб урилар, дев куйиб кул бўлар экан. Шу тарзда Бургут одамхўр девларни тамоман йўқ қилиб, инсон зотини ўлимдан қутқарибдир. Парвардигор бунинг эвазига Бургутни ана ўшал ёруғ юлдузга айлантириб, осмондан абадий жой берибдир. Ёки, ана у кунботиш томондаги юлдузлар туркумига қаранг. «Она Бўри юлдузлари» деб аталадир. Онаси ўлиб етим қолган икки чақалоқ — бири ўғил, бири қиз — очдан ўладиган бўлганда шу Она Бўри уларни эмизиб катта қилган экан... Ривоятга кўра, Она Бўри эмизган ўшал қиз билан ўғил катта бўлгандан кейин уларнинг авлодларидан туркий қавмлар тарқаган экан. Бу ривоятлар минг йиллар давомида унутилмай яшаётганига сабаб недир, билурмисиз?

— Сабаб... юлдузларнинг жозибасимикан?

— Жозибадан ташқари, юлдузларда илоҳий бир ҳикмат бор. Инсон ўз ҳаётларини юлдузлардан ибрат олиб поклашга интисалар муродга етишлари мумкин. Осмондаги тартибу мувозанат доим кишининг ҳавасини келтирур. Ана, бир тўп юлдуз... Туркий тилда Ҳулкар. Арабчаси Сурайё. Форсчаси Парвин. Булар бир-биридан ажралмасдан ҳамшиша бирга юрур-

лар. Бошқа туркум юлдузлар ҳам бир-бирига Ҳасан-Ҳусанлардай содиқ. Ой доим ўз йўлидан юрғай. Сай-ёраларнинг ўз йўллари бор. Улар ҳеч вақт бир-бирлари билан тўқнашиб кетмағай. Ҳаммаси мувозанат сақлаб, уйғунлик билан ҳаракатланғай. Аммо биз, инсонлар, мудом урушу хунрезликлар билан бандмиз. Мана, сиз, менинг жигарпорам, ўғлим, нечун амаки-ваччангиз Алауддавла билан шунчалик душманмисиз? Нечун сизга бутун бир қўшинни ишониб топширган азадор момонгизни бегона юртда ҳибс қилиб, ҳазрат бобонгизнинг арвоҳини чирқиратдингиз? Кейин ўзингиз қамоққа тушиб, мени ҳам қанчалик маломату ташвишга қўйдингиз, — нечун?!

Отаси кутилмаган бир шиддат билан берган бу саволлардан Абдулатифнинг вужудини титроқ босди:

— Ҳазратим, Хуросон амирлари момом билан тил бириктириб менга қарши суиқасд қилмоқчи эканлар... Тирик қолиш... ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида...

— Ким сизни шу бўҳтонга ишонтирди?

— Жунайид Бўта... унинг хотини ўз қулоғи билан эшитган экан...

— Мен ҳаммасини тафтиш қилдирдим. Жунайид Бўта разилона тухмат қилган экан. Хотинининг гапи бўҳтон бўлиб чиқди... Иккови ҳам қатл қилинди. Уларнинг гапи ростми-ёлғонми, деб суриштирсангиз бўлмасмиди? Нечун момонгиз билан учрашиб бир оғиз сўрамадингиз?

— Момоннинг ҳузурига борсам... Мени туттиради, деб ўйладим.

— Ахир бу васваса-ку! Наҳотки бир умр сизга жон қуйдирган момонгиз сизга шу қадар ёмонлик қилса? Ахир сиз аразлаб кетганингизда қиш кунда Ҳиротдан Самарқандга келган ким эди?!!

— Лекин момом мендан кўра Алауддавллага кўпроқ ён босиши сизга ҳам маълум, ҳазрат отажон. Ҳатто сиздек буюк ўғилларидан кўра Алауддаврани баланд қўйиб, уни валиаҳд қилишга интилганлари ёдингиздадир. Ҳазрат бобом вафот этгандан сўнг мен унинг жасадини Самарқандга Гўри Амирга олиб бормоқчи бўлдим. Аммо момомиз бунга мутлақо қарши бўлдилар. «Ҳоқони Саййид Ҳиротни пойтахт қилдилар, рубъии маскуннинг энг обод шаҳарларидан бирига айлантирдилар, энди абадий маконлари Ҳиротда бўлмоғи керак» деб қаттиқ турдилар. Мана, охирида

шу ниятларига етдилар. Ҳазрат бобом Ҳиротдаги Гавҳаршоҳ бегим мадрасасига дафн этилибдирлар. Шундай улуф подшоҳни аёл кишининг номига қурилган мадрасага дафн этишлари адолатданми? Ҳиротда ҳазрат бобом номига ҳам мадраса қурилган-ку. Ҳеч бўлмаса ўшал мадрасага дафн этсалар бўлмасми-ди?

— Тўғри, бу иш бемаслаҳат қилинган, — деб Улуғбек ўғлининг сўнгги сўзларига қўшилишга мажбур бўлди. — Ҳазрат отам соҳибқирон бобомиз мақбарасига қўйилишга муносибдирлар.

— Аммо Ҳиротда момомиз атрофига шундай одамлар йиғилганки, улар Маҳди Улёнинг рутбасини Хоқони Саййид бобомнинг хотирасидан ҳам баланд кўюрлар. Агар сизу биз Ҳиротга бобомнинг қабрини зиёрат қилишга борсак, бундан момомизнинг обрўси яна бир даража ошгай, чунки сиздек улуф подшоҳ Гавҳаршоҳ бегим мадрасасида тиз чўкиб тиловат қилганингизда Маҳди Улёнинг номларига ҳам сажда қилгандай бўлурсиз...

Абдулатифнинг сўнгги сўзларидаги истехзо, момосининг обрўсига қарши қаратилган тиконли сўзлар Улуғбекка нохуш туюлди:

— Гавҳаршоҳ бегим — менинг онам эканини унутманг, амирзода. Оналар обрўси — бизнинг обрўимиздир. Оналарга сажда қилишни Қуръони Карим ҳам буюрганлар.

— Мени афу этинг, ҳазрат отажон... Қамокда ётганимда ўтган аламлар ҳали хотирамдан чиққан эмас.

— Лекин аламини аввал сиз момонгизга ўтказгансиз! Тазарру қилинг, шунда адоват туйғусидан халос бўлурсиз. Менинг дилимда сизга аталган оталик меҳри билан, онамга аталган фарзандлик меҳри бирга яшайдир. Сиз туфайли мен онамдан воз кечолмагаймен. Бу не кўргулик-ки, Ҳиротга отам қабрини зиёрат қилишга боролмаймен! Чунки сиз туфайли орада тоғдек монёликлар пайдо бўлди.

— Ижозат берсангиз мен бу монёликлар тоғини талқон қилгаймен! Алауддавла ҳозир иниси Абулқосим билан урушиб заифлашган. Уни бир ҳамла билан бартараф қилиб, Ҳиротни қўлга киритгаймиз!

— Ё алҳазар! Кечагина тузилган сулҳни бузиб яна уришайликми? Ҳиротдаги онамиз устига қўшин тортиб бориш биз учун уятли иш бўлмасми? Сиз адоват туйғусига бунчалик эрк берсангиз бошимиз уруш-жан-

жалдан чиқмай қолур... Шунинг учун мен сизга катта бир лавозим берай. Тинч иш билан банд бўлинг.

— Мен туғилган шаҳрим Самарқандни соғинган-мен... Туронга қайтгим бор...

— Вақти келганда Туронга ҳам қайтгайсиз. Аммо ҳозир Балх вилоятини идора этадиган кучли бир ҳоким керак. Балх ҳам Самарқанд каби қадимий шаҳар. Бир чети Турону Хуросонга туташса, нариги чети Қундузу Бадахшонгача борур. Мен сизга шу вилоят ихтиёрини бермоқчимен...

Абдулатиф бирдан бўшашиб кетди, бошини пастга эгиб... «отам мени Самарқандга йўлатмоқчи эмас!» деган гапни хаёлидан ўтказди. Балхдай чекка вилоятда, Ҳироту Самарқанддай пойтахтлардан йироқда яшаш унга бадарғадек туюлди.

Ўғлининг бўшашиб қолганидан ҳайрон бўлган Улуғбек:

— Ҳа, маъқул эмасми? — деб хиёл сергакланиб сўради.

Абдулатиф ҳушини йиғиб, тез ўрнидан турди, отасига икки букилиб таъзим қилди-ю:

— Йўқ, йўқ, бу юксак иноятингиздан бошим кўкка етди! — деди. — То абад хизматингизда бўлурмен, падари бузруквор!

— Омон бўлинг, ўғлим! Ҳирот билан доду муомалани мен ўзим қилгаймен. Сиз Балх вилоятини обод қилишда ҳазрат боболарингиздан ибрат олинг. Бир вақтлар Самарқанду Ҳирот ҳам ҳозирги Балхдан хароброқ эди. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан бу икки шаҳар бугун оламшумул гўзаллик кашф эди. Сиз ҳам Балхга сайқал берсангиз, номингиз боболарингиз қаторида тарихда қолур. Омин, илоҳим орамиздан меҳр кўтарилмасин, дунёда яхши ном қолдириш сизу бизга насиб қилсин!

— Омин! — деб Абдулатиф ҳам юзига фотиҳа тортди.

УЯСИДАН ИЛОН ЧИҚҚАН ЛОЧИН

Абдулатифга Балх юмушларини топшириб бир қадар енгил тортган Улуғбек энди Самарқанд ва Ҳиротга оид ташвишларни қандай бартараф қилиш ҳақида ўйлай бошлади.

Самарқандда қолган кичик ўғли Абдулла баъзи но-

жўя ишлари билан аҳолини норози қилгани ҳақида нохуш хабарлар келди. Дашти қипчоқдаги кўчманчи султонлар Зарафшон воҳасига бостириб келмоқда. Бу ҳаммаси Улуғбекнинг тезроқ Самарқандга қайтишини тақозо қилади. Аммо уч ой Балхда, Ҳиротга шундай яқин жойда туриб отасининг қабрини зиёрат қилолмагани ва мушфиқ онасини бориб кўролмагани унинг дилида оғир бир армон бўлиб турибди.

Ҳиротнинг жоме масжидида Алауддавла Улуғбекнинг номини хутбага қўшиб ўқитгани ҳақида хабар келди. Демак, ҳозир Улуғбек отасининг ўрнида қолган олий ҳукмдор деб тан олинди. Шундай бўлгач, нега Ҳиротга бемалол боролмайди? Элчилар орқали Алауддавлага шу савол берилганда, «Подшоҳ ҳазратлари бизни маъзур тутсинлар, инимиз Абулқосим Бобур билан уруш ҳаракатлари тўхтаган эмас, Ҳирот ҳарбий ҳолатдадир, олий ҳазрат келганларида уларнинг хавфсизлигини таъминлашимиз учун замон тинчимоғи зарур,» деган жавоб олинди.

Улуғбек ҳозир Ҳиротга қўшин билан борса уруш чиқади. Қўшинсиз бориш эса чиндан ҳам хатарли. Шунинг учун онаси ҳузурига махфий одам билан мактуб юборишга қарор қилди. Ўттиз йилдан бери Улуғбекка содиқ хизмат қилиб келаётган Бобо Ҳусайн Туркидонийни ҳузурига чақирди:

— Йўл ҳозирлигини кўринг, Ҳусайнбек! Ҳиротга бориб, онам ҳазратлари билан яккама-якка учрашгайсиз. Мана шу мактубни бериб, жавобини... Амударё бўйига... Калифга олиб борурсиз. Уч кундан сўнг мен ҳам Балхдан чиқиб, Калифга йўл олурмен.

Гавҳаршод бегим ҳар ҳафта чоршанбаи муродбахш куни азон паллада аёллар удуми бўйича офтоб чиқмасдан Шоҳруҳ Мирзонинг қабрини зиёрат қилишга борар эди. Бу қабр Гавҳаршод бегим мадрасасида бўлгани учун шу бинода мадраса мударрисларининг ҳужралари ҳам бор эди.

Мошгурунч соқолик Бобо Ҳусайн малла чакмоқ кийиб, бошига каттагина салла ўради, қўлтиғига китоб солинган жуздонни қисиб, мударрис қиёфасига кирди-ю, мадрасада ўзига узоқ қариндош бўлган ула-молардан бирини қидириб топди ва кечаси унинг ҳужрасида тунади.

Мадрасада Гавҳаршод бегимнинг ўзига ажратилган хос ҳужралар бор эди. Бегим Шоҳруҳ Мирзо ва ўртанча ўғли Бойсунқур қабрлари олдида ўлтириб ти-

ловат қилгандан сўнг, хос ҳужрасига кириб, қабулга келган мударрис ёки талабаларнинг арзини эшитар, муҳтожларга хайру эҳсонлар қилар эди.

Шуни суриштириб билган Бобо Ҳусайн тонг қоронғисида Гавҳаршод бегим ўз ҳужрасига ўтадиган йўлак олдига келиб, унинг мақбарадан чиқишини кутди.

Бегимни мадрасага иккита содиқ канизидан ташқари яна тўртта барваста соқчилар ҳам кузатиб келдилар. Бу соқчилар ташқи кўринишда бегимни кўриқлаб юрган бўлсалар ҳам, аслида Алауддавла томонидан қўйилган хуфиялар эди.

Ҳирот ҳарбий ҳолатда бўлгани учун Алауддавла момоси ташқи ганим ҳисобланган Улуғбек ёки Абулқосим Бобур билан алоқа бошлашдан ҳадиксирарди. Хусусан, Ҳиротда Гавҳаршод бегимнинг нуфузи жуда баланд, барча олиму фозил кишилар Маҳди Улёни Шохруҳ Мирзодан кейинги энг тажрибали ва доно давлат арбоби деб биларди. Алауддавлади алақачон ўз таъсирига олган қайнотаси Ёдгоршоҳ арлат, вазири Хожи Султон, лашкарбошиси Қора Баҳодирлар Гавҳаршод бегимнинг Ҳиротдаги обрўсига ҳасад кўзи билан қарашар, турли йўллар билан уни ёмонлаб, Алауддавлади момосига ишонмайдиган қилиб қўйишган эди. Алауддавла момосининг Улуғбекка ёки Абулқосим Бобурга ён босишидан хавотирда бўлгани учун бегимнинг ҳар бир қадамини кузатиб турадиган кўриқчилар қўйган эди.

Фақат сағана ёнидаги тиловат пайтида ва бегим ўзининг ҳужрасига кирганда кўриқчилар эркаклик одобига бўйсуниб ташқарида қолишарди.

Бобо Ҳусайн бегимнинг ўз ҳужрасига ёлғиз кирётганидан фойдаланиб ним қоронғи йўлақдан ёрувроқ жойга чиқди:

— Ассалому алайкум, ҳазрат бегим!..

Овози Гарҳаршод бегимга таниш туюлди. Юзига тикилиб туриб, эски қадрони Бобо Ҳусайнни таниди-ю:

— Келинг, келинг тақсир, не арзингиз бор? — деди.

Бобо Ҳусайн атрофга кўз ташлаб, биттагина каниздан бошқа ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, қўнидан Улуғбекнинг ўрам қилинган мактубини чиқарди.

— Мана, арзи ҳолим! — дея бегимга секин узатди. Гавҳаршод бегим зарҳал қоғознинг шоҳона белгисига

кўз ташлаб, «Улуғбекданми?» деган ўйдан ҳаяжонга тушди. Канизига шивирлаб:

— Менинг ҳузуримга бошқа ҳеч кимни киргизманг! — деди-да, Бобо Ҳусайнга — кетимдан юринг! — деб ишора қилди.

Ҳужранинг ичида хизматкор ўлтирадиган кичик бир хонача ҳам бор эди. Бегим Бобо Ҳусайнни ўша хоначага киритиб, шивирлаб ҳол-аҳвол сўради.

— Кутиб туринг! — деб хонача эшигини бекитиб қўйди.

Улуғбекдан келган мактубни ёруғ тушиб турган жойга олиб бориб, титроқ қўллари билан очди:

«Ҳазрат онажон, сизни соғинганмен, дийдорингизга ташна бўлиб шу мактубни йўлламоқдамен, — деган сўзларни ўқиганда бегимнинг кўзига бирдан ёш келди. — Аввало, мендан гуноҳ ўтган бўлса, тазарру қиламен, кечиринг! Сизни ранжитиб бўлса ҳам, гумроҳ ўғлим Абдулатифни ўз ёнимга олиб келдим. Мен ота бўлганлигим учун унинг кафилини зиммамга олиб тарбият қилишга мажбурмен. Абдулатиф четроқ жойда мушкilotлар билан олишиб чиниқиши учун уни Балхда қолдирмоқчимен.

Энди Самарқандга қайтишдан олдин сиз билан кўришиш учун Ҳиротга бормоқчи бўлдим. Аммо Мирзо Алауддавла Ҳирот ҳарбий ҳолатда эканини айтиб, боришимга мойиллик кўрсатмади.

Мен суянган энг улкан тоғ соҳибқирон бобомдан сўнг Хоқони Саййид отам бўлганини энди астойдил ҳис қилмоқдаман. Мени элик йилдан буён бало-қазодан асраб юрган отам энди йўқ. Мен суянган яна бир тоғ — сиз онам ҳазратлари эканингизни бирга сафар қилганларимизда айтган эдим. Эндиги умидим шулки, сизни бир вақтлардагидек Амударё бўйида кутиб олсам. Иложини топиб Бобо Ҳусайн билан бир кунга бўлса ҳам келсангиз. Ахир мен сизни кутиб олишу, кузатиш учун Самарқанддан Амударё бўйига неча марталар отлиқ келган эдим! Пешвоз олишу кузатишлар баҳонасида ҳафталар давомида она-бола ҳамроҳ бўлардик, тўйгунимизча суҳбатлашардик. Сиз менга ажойиб маслаҳатлар берардингиз.

Ҳазрат отам вафот этгандан буён ҳаммамиз интиҳосиз балолар гирдобида қолдик. Бу балолардан қутулиб кетишнинг иложи бормикин?

Уч ўғлингиздан ёлғиз мен тирикмен, ёшим эликдан ошгандан буён умрнинг кўпи кетиб ози қолгани-

ни сезиб юрибмен. Сиз ҳам менга ғаниматсиз. Шунинг учун мен волидаи муҳтарамам билан дийдор кўришишга мунтазирмен».

Гавҳаршод бегим кўзларига қуюлиб келган ёшдан мактубнинг охирини ўқиёлмади. Ипак рўмолчасини олиб кўз ёшини артар экан, юзлари ҳам ҳўл бўлганини сизди. «Оҳ, меҳри дарё ўғлим Тарағайжон! — деб пичирлади. — Кошки қанотим бўлса-ю, ҳузурингизга учиб борсам!»

Бегим ҳужрада узоқ қолиб кетса ташқаридаги соқчилар ҳадик олишлари мумкин. Агар улар бостириб кириб, қўшни хоначада ўлтирган Бобо Ҳусайнни топиб олсалар... ўлимга маҳкум этишади. Бегим йўлакдаги эшикни қўриқлаб турган садоқатли канизи олди-га чиқди:

— Мен тоат-ибодат билан бандмен. Ҳеч ким халақит бермасин! — деб буюрди-да, эшикни ичидан беркитди.

Сўнг ҳужрага қайтиб, миз устида турган жуздондан қоғоз, қалам олди.

«Кўзимнинг оқу қароси, буюк ўғлим Мағусиддин Муҳаммад Тарағай, — деб ёзар экан, кўзлари яна беихтиёр ёшланди: — Мен сизни кўриб, бағримга босиб жон берсам рози эдим. Мактубингизни ўқиганимда юзим неча бор кўз ёшларимга ювинди, иложсизликдан бағрим эзилди. Ҳозир менинг ҳар бир қадамимни ҳуфиялар кузатиб юрибдилар. Неварам Алауддавла кетимга соқчи шаклидаги айғоқчиларини қўйган. Боғи Сафеддаги хизматчиларимни ҳам алмаштирган. Агар мен бирор кун йўқ бўлиб қолсам, ҳаммани оёққа турғизиб, топиб олурлар. Нечунки мен Ҳиротнинг энг нуфузли Маҳди Улёси, сизнинг онангиз бўлганим учун Алауддавллага керак эмишмен. Булар билурларки, Ҳиротда мен турсам сиз онага қарши қўшин тортиб келишни ўз шаънингизга муносиб кўрмагайсиз. Шу сабабдан Алауддавла билан унинг атрофини ўраб олган ноинсофлар мени гаров каби ҳеч қаёққа кетказмай тутиб турурлар.

Журжондаги неварам Абулқосим Бобур ҳам мени ўз ҳузурига чорлаган эди. Оға-инини яраштириш мақсадида бормоқчи бўлдим. Лекин Алауддавла шунга ҳам рухсат бермади. Мен Абулқосим Бобур саройида қолиб кетсам инисининг обрўси ошишидан қўрқди.

Мен невараларим тарбиясига шунча куч, вақт сарфладим, уларга шунчалик меҳримни бердим. Охирида

улардан бу қадар шафқатсизлик, оқибатсизлик кўрган-
нимдан кўнглим вайрон...

Шоҳ ўғлим Улуғжон! Сиз соҳибқирон бобонгиз-
дек, марҳум отангиздек мушқилотлар оловида тобла-
ниб фозил бир даҳо даражасига кўтарилдингиз. Мен
ўйлар эдимки, невараларимни яхши тарбияласам, илму
амалга ўргатсам, ота-боболарининг тажрибасини дил-
ларига сингдирсам, улар ҳам сизлардек улуғ сиймо-
лар бўлиб етишгай!

Аmmo она берган тарбия озлик қиларкан. Ҳар бир
одамни ҳаёт ўз ҳумдонидаги оловлари билан пишиқ
ғишт каби тобламаса, сиз минг тарбия берганингиз
билан хом ғишт хомлигича қоларкан, бир-икки зар-
бадан уваланиб кетаркан.

Неварамиз Абдулатифнинг хомлигидан фойдаланиб,
иғвогарлар Нишопурдан нарида унинг илки билан мени
банди қилдилар. Ҳозир Алауддавланинг хомлигидан
фойдаланиб, зolimлар мени энди унинг асоратига со-
либ қўйдилар. Ўз аҳволимга йиғлаймену, қайғули бир
ривоятни эслаймен... Тоғда мен каби бир Она лочин
ўтган экан. Унинг уяси яқинида заҳарли илонлар яшар
экан. Улар хавф солганда лочин илонларни думидан
чангалаб осмонга олиб чиқар экану, қоятошлар ус-
тига ташлаб юбораркан. Қолган илонлар тоғ камарла-
рига бекиниб, лочиндан қасд олишнинг йўлини ўйла-
шибди. Она лочин ҳар йили пана бир жойдаги уясига
тухум қўйиб жўжа очар экан. Илонлар ҳам тухумдан
бола очади-ку. Лочин узоққа ов қилгани кетганда илон-
лар секин ўрмалаб келиб, унинг тухумларини ейи-
шибди-ю, ўрнига илонларнинг тухумидан қўйиб кети-
шибди.

Бундан беҳабар Она лочин қўйган тухумларига ву-
жудининг ҳароратини бериб, уларни бир неча кун
босиб ётибди. Вақти соати етиб, тухумлар тешилибди,
ичидан нимадир чиқа бошлабдилар. Она лочин қара-
са, тухумлардан жўжалар ўрнига илонбаччалар ўрма-
лаб чиқибди. Бундан даҳшатга тушган Она лочин чин-
қириб уясидан кўкка учибди. Илонларга ем бўлган
авлоди билан видолашиб фарёд чекканда тоғлар лар-
зага келибди... Мен ҳам меҳримни бериб ўстирган
невараларимнинг ёмонликларини кўриб, ўша лочин-
дек фарёд чекким, бу фоний дунё билан видолашгим
келур. Лекин... ноумид шайтон. Парвардигор бирор
жойдан нажот келтирур деган илинжим бор.

Мен-ку, ёшимни яшаб, етмишдан ошдим. Энди сиз

эхтиёт бўлинг, шоҳ ўғлим. Бу невараларим жўжахў-розлардек яна кўп уруш-юриш қилсалар керак. Сиздан илтимосим шулки, иложи борича буларнинг урушларига борманг. Ҳазрат отангизни эсланг: Халил Султон билан Пирмуҳаммадлар тахт таллашиб урушганларида Хоқони Саййид арқонни узун ташлаб, уларнинг урушига аралашмадилар. Охири йиллар ўтиб вазият етилганда Самарқандни жангсиз олдилар. Сиз отангиздай вазмин ва бардошли ўғилсиз... Менинг худодан эндиги тилагим шулки, тўрт мучам бутун пайтда хор-зор қилмай омонатини олсин. Илоҳим фарзанд доғини бошқа кўрмайин. Олим ўғлим, шоҳ ўғлим, парвардигордан куну тун тилагим шулки, сиз кетимда қолинг. Агар бу гал кўришиш насиб қилмаса, илоё келгусида сиз билан дийдор кўришиш менга насиб қилсин!»

Гавҳаршод бегим кўз ёшларини апил-тапил артиб, мактубни ўрам қилди-да, қўшни хоначага чиқиб, Бобо Ҳусайнга топширди:

— Жаноб Бобо Ҳусайнбек, аҳволни кўрдингиз, бориб айтинг, — деб шивирлади. — Ишқилиб уруш бўлмасин, ўлим бўлмасин! Сафарингиз бехатар бўлсин!

Улуғбек Мирзо онасини Амударёнинг чап қирғоғида кутиб турган эди. Бобо Ҳусайн ёлғиз қайтганини кўриб кўнгли бир чўқди. Сўнг онасидан келган жавоб мактубини ўқир экан, йиғлаб ёзилган сатрлардан ва Она лочин ҳақидаги ривоятдан этлари жимирлаб кетди. Лочин авлодидан бўлган Алауддавла ғаддор муҳит таъсирида илоннинг ишини қилаётгани, момосини асоратда тутиш бобида у ҳам Абдулатифдан қолишмаётгани Улуғбекни ларзага солди. Шундай мушкул аҳволда ҳам ўзини мардона тутаётган онасига бўлган меҳри ўн чандон ошди.

Амударёдан ўтиб, Самарқандга қараб от суриб борар экан, Турондаги ташвишлардан бўшагандан сўнг Хуросонга тинч йўл билан қайтиб келиш ва онасини илонлар асоратидан қутқариш ниятини дилига маҳкам тутди.

ТАҲЛИКАЛИ ЗАМОН

Ҳирот билан Самарқанд орасидаги обод йўллардан Амир Темур ва Шоҳруҳ даврларида карвонлар эмин-эркин қатнаган замонлар ўтмишга айланиб бо-

ради. Улуғбек ўз отаси билан иноқ ҳукм сурган даврда ҳам бу йўллар жуда серқатнов ва тинч эди. Шинам карвонсаройлар, чарчаган отларни алмаштириб берадиган емхоналар, йўловчилар тунаб қоладиган работлар туну кун меҳмонлар хизматида бўлар, барча бекатлар давлат томонидан қўриқланар эди. Шунинг учун гоҳ шарқдаги Хитойдан, гоҳ жанубдаги Ҳиндистондан, гоҳ ғарбдаги Фарангистонлардан келадиган элчилар ва савдо карвонлари бу йўллардан бежавотир қатнар эдилар.

Лекин Шохруҳ Мирзо вафот этгандан кейин бошланган алғов-далғовлар бу йўлларни жуда нотинч қилиб қўйди. Улардан энди карвонлар эмас, ички низоларга тортилган ҳарбий кучлар кўпроқ қатнайдиган бўлиб қолди.

Бултур олти ой ҳарбий юришларда бўлиб қайтган Улуғбек Самарқандда кичик ўғли Абулазиз издан чиқарган ишларни жой-жойига қўйгунча қиш бўйи ташвиш чекди. Баҳорда сал ором олиб, илму ижод билан шуғулланиш умидида эди. Бироқ яна Хуросондан келган бири-биридан ёмон хабарлар унинг тинчини бузди.

Алауддавла ва Абдулатиф Ҳирот билан Балх чегарасидаги Чечекту туманини талашиб уриш чиқаришибди. Икки орада қон тўкилиб, анчагина одам ҳалок бўлибди. Алауддавла Журжондаги иниси Абулқосим билан ярашибди. Энди икковлари бирлашиб Балхни Абдулатифдан тортиб олмоқчи эмишлар.

Алауддавла Абулқосим билан иттифоқ тузгандан сўнг ҳовлиқиб Улуғбекни адолатсизликда айбламоқда эмиш: «Балх Жўқий Мирзонинг ўғли Абубакрнинг мулки эди, — дермиш — Мирзо Улуғбек Абубакрни куёв қиламен деб алдаб, Самарқандга юбориб, Кўксаройда қатл эттирган, шундан кейин Балхни Абдулатифга берган». Қолбуки, Абубакр Балхни акаси Муҳаммад Қосимдан зўравонлик билан тортиб олган, Самарқандда эса фитна уюштиргани учун қатл этилган эди. Лекин Алауддавла Улуғбекнинг номини жоме масжидида ўқиладиган хутбадан олдириб ташлаш учун шунақа тухматлар қилган, сўнг ўз номини хутбага қўшиб ўқитган эди.

Шу билан Алауддавланинг Улуғбекка қарши исён кўтаргани ҳаммага маълум бўлди. Яхлит давлатнинг парчаланиши — кўп фалокатларга сабаб бўлиши муқаррар. Бу парчаланишнинг олди олинмаса Хуросонда

бошланган бебошликлар Туронга ҳам вабодай тарқалиши ҳеч гап эмас. Шунини ўйлаган Улуғбек яна ҳарбий кучларни тўплашга ва Алауддавланинг исёнига қарши юриш бошлашга мажбур бўлди.

У баҳор пайтида қирқ минг қўшин билан Амударёдан ўтиб, Хуросонга кириб келди. Балх томонидан чиқиб отасига қўшилган Абдулатиф элик минг қўшин тўплаган эди. Алауддавланинг лашкари сон жиҳатдан камроқ, аммо унинг ўзига ишончи ҳаддан зиёд бўлгани учун Ҳиротдан тап тортмай чиқиб келди. Ҳиротдан юз чақиримча шарқдаги Тарноб деган жойда умумий сони юз элик мингдан ошган икки тараф қўшини бир-бирига қарши жангга ҳозирлана бошлади. Ҳиротда туриб бу ҳодисани эшитган Гавҳаршод бегим Алауддавлани суҳ тузишга кўндирди: Улуғбек Мирзога Ҳирот Шайхулисломи Хўжа Баҳовиддин элчи бўлиб бораётганда бегим унга дил ёриб сўзлади;

— Ахир икки томонда ҳам бизнинг жигарбандларимиз! Қайси томон мағлуб бўлса ҳам жабрини биз тортгаймиз, жаноб Шайхулисломи! Шунини Улуғбек Мирзога айтинг, менинг оналик илтижоларимни етказинг!

Шайхулисломи Хўжа Баҳовиддин Тарнобга етганда аввал Абдулатифнинг илғорларига дуч келди.

Улуғбек Мирзо умрида бундай улкан — тўқсон минг кишилиқ лашкарни бошқармаган эди. Бу лашкарнинг элик мингига Абдулатиф саркардалиқ қилмоқда эди. Ҳиротдан элчи бўлиб келган кекса Шайхулисломи Хўжа Баҳовиддин олдинги марраларни эгаллаб турган Абдулатифдан илтимос қилди:

— Шаҳзодаи жувонбахт, мени ҳазрат момонгиз юбордилар, тезроқ Улуғбек ҳазратларига учрамоғим зарур!

— Учрашганда не арзингиз бор, тақсир?

— Суҳ тақлиф қилмоқчимиз.

— Эндими? Алауддавла нечун олдинги суҳ шартларини бузиб, бизга қарши тажовуз қилди?

— Ўтган ишга саловат, шаҳзода! Беҳуда қон тўкилмасин! Бизни Улуғбек Мирзо ҳузурига ўтказиб юборишингизни илтимос қилурмен!

— Мени шоширманг, тақсир. Ҳазратимга сиз келганингиз тўғрисида хабар юборгаймиз. Қабул қиламен, десалар, кейин боргайсиз!

Абдулатиф жанг қилиш ва Алауддавлдан қасос олиш истаги билан ёнади. Шунинг учун у элчини

атайлаб ўз ҳузурда узоқ тутиб қолди. Элчи келгани ҳақидаги хабар Улуғбек Мирзога вақт ўтганда — бутун қўшин саф тортиб жангга кираётганда маълум қилинди.

Тўқсон минг қўшинни бир иродага бўйсиндириш Улуғбек Мирзо учун амру маҳол бўлди. Абдулатиф Балх ва Бадахшондан бошлаб келган лашкар Улуғбек Турондан олиб келган қўшинга нисбатан кўпроқ эди. Шунинг учун Абдулатиф олдинги марраларни эгаллаб, ташаббусни ҳам ўз қўлига олиб қўйди.

Сулҳ тузишнинг иложи бўлмагандан кейин Гавҳаршод бегим урушга кетаётган невараларидан бири — Абдулла Мирзога дил ёрди:

— Улуғбек Мирзо сизга отадек меҳрибондирлар. Ҳиротда менинг тарбиямни олган қизлари Ҳабиба Султонни сизга никоҳлаб бермоқчи эдилар. Сиз ул зоти олийга икки томонлама фарзанд бўлишингиз мумкин. Наҳотки энди Алауддавла қўшини сафида Улуғбек Мирзога қарши жанг қилсангиз?

— Начора, ҳазрат бегим? Раҳматлик отам ҳоким бўлган Шерозни мендан амаким Муҳаммад Султон тортиб олди. Хайрият Ҳиротда Алауддавла Мирзо бизни яхши қабул қилдилар. Икки минг қўшиним ёнига яна уч минг аскар бериб, панжҳазора лавозимига муносиб кўрдилар.

— Энди шу беш минг навкарни Улуғбек Мирзога қарши урушга бошлаб бормоқчимисиз?

— Бунга ўзимнинг ҳам хоҳишим йўқ, ҳазрат момо!

— Бўлмаса узоқни ўйлаб иш қилинг, болам. Алауддавла мағлуб бўлса қайга борурсиз? Ундан кўра Сизга отадек меҳрибон бўлган Улуғбек Мирзога қарши зинҳор қилич яланғочламанг!

Ўн етти ёшлик шоиртабиат Абдулла Мирзога момосининг гаплари қаттиқ таъсир қилди. У Улуғбекнинг иниси Иброҳим Мирзонинг ўғли эди. Амакибаччаларга қиз бериш одатлари азалдан бор бўлган. Ҳиротда Гавҳаршод бегим яшайдиган Боғи Сафедда Ҳабиба Султон билан учрашиб, уни севиб қолган Абдулла Мирзо «Шерозий» тахаллуси билан бу қизга атаб оловли шеърлар ёзган эди. Мана шу сабабларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилди-ю, Тарноб жанги пайтида Абдулла Мирзо ўзининг беш минг кишилик қўшини билан Алауддавланнинг ўнг қанотидан чиқиб, Улуғбек томонга оқ байроқ кўтариб қочиб ўтди.

Улуғбек Мирзо уни қучоқ очиб кутиб олди:

— Фарзанди азиз, сен менга ғалаба муждасини келтирдинг! — деб суюнди.

Ўнг қанотнинг олдинги сафида жангга кирган Абдулатиф қасос туйғусига тўлиб, Алауддавланинг аскарлари билан шердай олишди, бир ўзи ўндан ортиқ душманининг бошини кесди, қўл остидаги жангчиларига шу тарзда ибрат кўрсатиб, рақибининг бир қанотини синдирди.

Чап қанотга Улуғбекнинг кичик ўғли Абдулазиз Мирзо бошчилик қилди. Унинг қаршисида турган Алауддавла лашкарларининг ўнг қанотидан Абдулла Мирзонинг қочиб ўтганлиги Абдулазизнинг ишини осонлаштирди. Алауддавланинг ўнг қаноти ҳам тезда мағлуб бўлиб, тўзғиб кетди. Фулдан берилган қақшатқич зарба бунинг устига қўшилди. Алауддавла тор-мор бўлиб, жанг майдонини ташлаб қочди. Изма-из келаётган қувғинчилардан кўрқиб, Ҳирот кўрғонига ҳам кирмай, Машҳад томонга ўтиб кетди.

Улуғбек ғалаба учун Аллоҳга шукроналар айтди-ю, қадрдон амири Бобо Ҳусайн Туркистонийни чақиртирди:

— Жаноб Бобо Ҳусайн, хос навкарлардан юз кишини олингу, Ҳиротга тезроқ етиб боринг. Онам ҳазратлари бизни Ҳиротда кутсинлар!

— Бош устига, ҳазратим!

* * *

Тарнобдан Ҳиротгача бир кунлик йўл бор эди. Бу йўлни Бобо Ҳусайндан ҳам олдин қўшиннинг илғор сафларида жанг қилган Абдулатифнинг беку навкарлари босиб ўтдилар.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлик қилган сал кам ярим аср давомида Ҳирот ва унинг атрофларига биронта талончи қўшин бостириб келолган эмас эди.

Бу ўн йилликлар мобайнида ёв қўшини томонидан таланиш ва топталиш нималигини билмайдиган бойу бадавлат одамлар кўпайган эди.

Абдулатифга Тарнобдаги жанг учун Балху Бадахшондан, Кўлобу Ҳисордан катта қўшин ёллаш осон бўлган эмас. Қўшинга йигитларни ёллайдиган тавочилар Ҳирот ва унинг атрофларида ярим асрдан буён фаровон ҳаёт кечираётган одамлар жуда катта бойликлар орттирганини, энди шу бойликларни қуролакчи билан тортиб олиб, яшин тезлигида бойиб кетиш

мумкинлигини ёлланма аскарларга айтишиб, уларни бу ҳарбий юришга қизиқтирган эдилар.

Мана энди жанг ғалаба билан тугагандан сўнг олдинги сафда бораётган Абдулатифнинг ёлланма аскарлари Тарнобда Ҳиротгача ястаниб ётган обод ва бой водийнинг шаҳару қишлоқларини остин-устун қилиб, ўлжа йиға бошладилар.

Улардан ярим кун кейин йўлга чиққан Улуғбек Мирзо Тарнобдан наридаги Санжоб довонидан ўтгандан кейин Ҳирот дарёсидан сув ичадиган шаҳару қишлоқларни кўрганда Самарқанд ва Фарғона атрофларини эслади.

Саф тортиб ўсган мирзатераклар, азим чинорлар, серсоя садақайрағочлар, узумзор, шафтолизор ва анжирзорлар бир-бирига уланиб, обод ва улкан Ҳирот водийсини вужудга келтирган эди. Бу водийга Ҳирот дарёсидан ўндан ортиқ катта шоҳариқлар чиқарилган, уларнинг сувлари қон томирларини эслатадиган юзлаб катта-кичик ариқларга таралиб кетган эди.

Улуғбек Мирзо ям-яшил Ҳирот водийсига узоқдан завқланиб кўз югуртирди-ю, лекин боғ-роғлар билан ўралган шаҳару қишлоқларни оралаб ўтаётганда голиб қўшин томонидан таланган маҳаллалар ва одамларни кўриб, изтиробга тушди.

Ҳирот водийсининг катта бир қишлоғида саксон ёшлик кекса шоир Лутфий истиқомат қиларди. Улуғбек уни Ҳиротда Гавҳаршод бегим мадрасасида ўтказилган шеърят мажлисида «Гул ва наврўз» достонини гўзал туркий тилда ўқиб бериб катта мукофот олганда кўрган, ўшанда ҳиротликлар уни «маликул калом» деб улуғлаганини эшитган эди.

Ҳозир Улуғбек Мирзо голиб аскарлар тўс-тўполон қилиб ўтган бир маҳаллада шу кекса шоирни учратиб қолди. Ҳожилардек оқ либос кийган, кўкрагини қоплаган бўлиқ соқоли ҳам оппоқ оқарган, ҳасса тутган кекса шоир отлиқ келаётган Улуғбек Мирзони кўриб йўлнинг ўртасига чиқди.

— Ҳазрати подшо, қадамингиз қутлуғ бўлсин! — деган сўзларни Лутфий негадир йиғламосираб айтди.

Улуғбек уни таниб отдан тушди. Қучоқлашиб кўришаётганларида Лутфий йиғлаб гапирди:

— Аъло ҳазрат, ота юртингизга хуш келибсиз! Лекин Ҳирот водийси сизнинг қўшинингизга не ёмон-

лик қилди?! Нечун бундай шафқатсиз талончиликлар бўлмоқда?

— Мавлоно, мен ота юртимизда талончиликка мутлақо йўл қўйилмасин деб бутун қўшинга фармон берганмен. Ким бу фармонни бузмоқда?! Қаерда?!

Балхдан келган Жаббор Сулдуз номли амир шу атрофдаги маҳаллаларга қўшин киритиб, ярим кунда ўндан ортиқ бадавлат оилаларни талатган, сандиқларга яширилган тиллолар, зарбоф буюмлар, туркман гиламлар, атласу кимхобларни етти туяга юклатиб, йигирматача навқари билан Балхга жўнатиш ниятида нариги бир кўчада турган эди.

Улуғбек Мирзо ўз маркаби билан ўша кўчага ўтиб, ўлжа юкланган туялардан ташқари араваларга ортилган сандиқлар, улар устига тахланган гилам ва бўхчаларни ҳам кўрди.

Аравалар ортида қўли боғланган асира қизлар ҳам канизакликка олиб кетилмоқда эди.

Улуғбек Мирзо ёнидаги ясовулар ва навқарларга буюриб, бу ишни қилган бир минг аскарга бошлиқ Жаббор Сулдузни туттирди. Тафтиш ўтказилганда маълум бўлдики, Жаббор Сулдуз бир хонадонда талончиларга қаршилик кўрсатган икки йигитни қиличдан ўтказдирган, бошқа бир хонадонда бокира қизнинг номусига теккан экан. Бечора қиз «Энди ҳаром бўлдим!» деб, номусга чидайолмай, ўзига ўт қўйибди, оловда ёниб ҳалок бўлибди.

Бу ҳодисалардан даҳшатга тушган Улуғбек Мирзо Жаббор Сулдузни қатл эттирмоқчи бўлди.

Шунда Жаббор ўз саркардаси Абдулатиф Мирзонинг рухсати билан ўлжа олганини айтиб, айбини оқлашга уринди. Улуғбек Мирзо ўғлини чақиртирди.

— Амирзода, наҳотки сиз шундай талончиликларга ижозат берган бўлсангиз? — деб сўради.

— Ҳазрат отажон, мен фақат бир кунлик чопқинга розилик берган эдим. Ахир соҳибқирон бобокалонимиз Олтин Ўрдада Тўхтамиш устидан ғалаба қозонганда қўшинга икки кунлик чопқинга рухсат берган эканлар-ку?

— Наҳотки сиз учун Ҳирот Олтин Ўрда каби душман мамлакат бўлса?! Тўхтамиш қаёқда-ю, амакибаччангиз Алауддавла қаёқда? Тўхтамиш давридан буён замонлар қанчалик ўзгарганини наҳотки тушунмасангиз? Ҳазрати отамиз Шохруҳ Мирзо сўнгги қирқ йил давомида Турону Хуросонда, Ироқу Озарбайжонда

қанча галабаларга эришиб, бирор марта чопқинга рухсат берган эмаслар. Биз ҳам махсус фармон билан талончиликни таъқиқ этган эдик. Сиз нечун бундай жиноятларга йўл бердингиз? Бегуноҳ қон тўкиш, бокира муслиманинг номусига тегиш... Буни қандай оқлаш мумкин?!

— Бу жиноятларни Жаббор ўзи содир қилган, энди жавобини ўзи берсин! — деб Абдулатиф ҳам отасининг ҳукмига бош қўшди. Улуғбек Мирзо махсус фармонда Жаббор Сулдуз қилган жиноятларни батафсил кўрсатиб, уни ўлим жазосига ҳукм қилди. Бу ҳукм кўшин тўпланган катта майдонда ижро этилди.

Подшо фармонини барча беку навкарларга ўқиб эшиттириш кўшин бошлиқларига топширилди.

Лекин Абдулатиф бу фармонга бармоқ орасидан қаради. У билан келган балхлик ва бадахшонлик беку навкарлар талончиликни Улуғбек Мирзонинг кўзи тушмайдиган жойларда давом эттирдилар.

* * *

Абдулатиф ва унинг кўшини ҳамма ёққа даҳшат солиб келаётгани ҳақидаги хабарлар Ҳиротта аллақачон етиб борган эди. Алауддавла ҳам шаҳарни ҳимоясиз ташлаб қочгани сарой аҳлининг ваҳимасини авжига чиқарди. Гавҳаршод бегим ҳам Боғи Сафеддаги энг керакли нарсаларини шоша-пиша йиғиштириб, Астрободдаги невараси Абулқосим Бобур томонга жўнади.

Бегим иниси Муҳаммад Сўфи Тархон ва бошқа яқинлари билан Машҳад йўлида кетаётганда Бобо Ҳусайн уларни қувиб етди.

— Ҳазрат бегим, Мирзо Улуғбек мени махсус юбордилар. Ҳиротга қайтинг! — деб илтижо қилди.

— Ҳиротта Абдулатиф ҳам келдими?

— Келган бўлса ҳам, сиз подшоҳ ҳазратларининг ҳимоясида бўлурсиз!

— Мен жон деб Улуғбек ҳузурига борардим, софинган фарзандимни бағримга босардим. Лекин Абдулатифдан кўрқамен. Унинг атрофига қиличидан қон томган бешафқат амирлар йиғилган. Улар биргалашиб Ҳирот атрофидаги маҳаллаларни кўшинларига талатибдирлар. Ҳирот аҳли буни Улуғбекдан кўриб, ўғлимиздан қаттиқ ҳафа бўлганларини ўзим эшитдим.

— Аммо Улуғбек ҳазратлари бутун кўшин аҳлини

махсус фармон билан огоҳлантирган эдилар. Фармонда «Ҳирот отамизнинг уйи, бизга мерос теккан мулк, бу ерда талончилик қилиш гуноҳи азимдир, бундай гуноҳни содир қилганлар аёвсиз жазоланур!» деган сўзлар битилганига мен ўзим гувоҳмен!

— Абдулатиф билан унинг тарафдорлари бу фармонни бузган бўлсаларчи? Улар кўпчилик, шунинг учун Улуғбекдан кўрқмайдилар, унга итоат этмайдилар! Шу вазиятда улар ўғлимнинг раъйига қарши бориб, менга ҳам бирон ёмонлик қилмайди, деб ким кафолат бера олмай?

— Биз кафолат берурмиз, бегим! Ҳазратимнинг биздек садоқатли беклари ҳам оз эмас!

Шу гапдан сўнг Гавҳаршод бегим Ҳиротга, Улуғбек ҳузурига қайтмоқчи бўлиб иниси Муҳаммад Сўфи Тархондан розилик сўради.

— Мен бу тўпалонда Ҳиротга қайтишга рози эмасмен! — деди Муҳаммад Тархон қатъият билан. — Абдулатиф отасининг буйруғига бўйсунмай ўзбошимчилик билан элни талаётган экан, ундан яхшилик чиқмамай!

Гавҳаршод бегим оғир «ух» тортди:

— Минг афсус, бултур Улуғбек Мирзо менинг гапимга кирмадилар. Абдулатиф Ихтиёриддин қалъасидан хонаки ҳибсдан чиқарилмаса, бутунги урушлар бўлмаслиги мумкин эди. Лекин энди бу дев кўзадан чиқиб олди. Қайтиб кирмамай, отасига ҳам бўйсунмамай!

— Биз унинг жабрини бир марта тортдик, энди бас! — деб Муҳаммад Сўфи Тархон опаси Гавҳаршод бегим билан бехатар жой қидириб кетди, Ҳиротга қайтмади.

Кўшин орасида чиндан ҳам Абдулатифнинг тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Чунки Абдулатиф жанг қилишни ва янги-янги ўлжалар олишни яхши кўради. Амиру навкарлар ҳам босиб олинган жойлардан катта бойликларни қўлга киритганларидан мамнун бўлиб, Абдулатифни ботир саркарда деб улуғлашади.

Улуғбекнинг Тарнобу Ҳирот атрофларида талончилик қилишни таъқиқлаган фармонларидан нафси катта амирлар норози бўлар эди. Ана шу амирлар орасида арғин уруғига мансуб икки минг навкарга бошчилик қиладиган йигирма беш ёшлик ёвқур йигит — Абусайид Мирзо ҳам бор эди.

Уруш ҳали тугаган эмас, Алавулдавла иниси Абулқосим Бобур билан тил бириктириб, қарши ҳужумга

ўтиши мумкин. Шунинг учун Улуғбек ҳарбий юришни давом эттириб, Машҳад ва Нишопурни ҳам ишғол қилди.

Абдулатифда отасига нисбатан норозилик кучайиб бораётганини сезган Абусайид Мирзо Нишопурда тўхтаганларида жайрон кийик сўйдириб, Абдулатифга зиёфат берди. Майинобга кабобни газак қилиб, кайфлари анча кўтарилганда:

— Амирзода, биз сиз билан қариндошмиз, амакиваччамиз! — деди Абусайид. — Мен ҳам соҳибқирон Амир Темур авлодиданмен.

— Ҳа, рост, сизнинг бобонгиз Мироншоҳ Мирзо билан бизнинг бобомиз Шоҳруҳ Мирзо туғушган оғанини бўлганлар.

— Бундан ташқари буюк саркарда Халил Султон менинг амаким эдилар. Сизнинг онангиз Ҳусн Нигор хоним Халил Султоннинг қизи бўладилар. Биз сиз билан ҳазрат онангиз орқали ҳам яқин хешмиз! Энди оғанидек яқин бўлмоғимиз лозим. Тарнобдаги жангда сиз чиндан ҳам қаҳрамонлик кўрсатдингиз, Мирзо Абдулатиф! Мен буни ҳазрат отангизга айтдим. «Фатҳнома Мирзо Абдулатиф номига ёзилса адолатдан бўлур» — дедим. Аммо минг афсуски, ҳазрат отангиз кўпроқ инингиз Абдулазизга меҳр қўйган эканлар.

— Ким билсин! Отам менга бошқа сабаб кўрсатдилар. «Ҳирот билан унинг атрофларида талончилик бўлмасин!» деб фармон чиқарган эдилар. Мен «Ғолиб беку навқарлар ўлжадор бўлсинлар!» деб талончиликка йўл бериб, фармонни бузган эмишмен! Шунинг учун фатҳнома менинг номимга битилмаган эмиш... Хуллас, ғалаба фатҳномасини Абдулазиз номига битиш билан ҳазрат отамиз бизнинг қадримизни ерга урдилар!

— Барибир қўшин орасида сизнинг саркардалик обрўйингиз... ҳазрат отангизникидан баландроқ, Мирзо Абдулатиф!

— Отам менинг кўтарилиб кетишимни истамайдиларми? Ҳайронмен, Ҳиротдаги казинада ҳазрат бобомдан менга мерос қолган икки юз туман тангани ҳам бердирмадилар. «Уруш тутагандан сўнг олурсиз» деб важ кўрсатдилар. Имод қалъасида ҳам Алауддав-ла яшириб кетган неча минг туман олтинлар бор эди. Мен бу қалъани алақачон забт этган бўлур эдим. Аммо ҳазрат отамиз «қалъа қўл етмас баландликда экан, кўп талофат берибсиз, беҳуда қон тўкилмасин,

кейинчалик сулҳ тузилганда Имодни жангсиз олгаймиз» — дедилару, яна жиловимдан тортиб, шаштимни қайтардилар...

— Ҳа, Мирзо Абдулатиф, сизда соҳибқирон Амир Темурнинг жасорати бор. Бобокалонимиз бундай қалъалардан қанча-қанчасини олганлар. Аммо ҳазрат отангиз... буюк олим бўлсалар ҳам подшолик истедодлари сизниқичалик буюк эмас. Сизни Самарқандга йўлатмай, обрўйингиз кўтарилишини истамай юрганликлари ҳам шундан бўлса керак...

Абусайид Мирзо Абдулатифнинг дилидаги гапларни топиб айтаётгандай бўлди. Яна бир қўлдан май ичишгандан кейин Абдулатиф унга дил ёриб деди:

— Барибир эртами, кечми, Самарқанд бизники бўлмай, Мирзо Абусайид! Билурсизки, отнинг жиловини беҳуда тортаверсалар, бир кун эмас бир кун жилов узилиб кетгай!

Абдулатифнинг кўзидаги исёнкорона оловни ёқтирган Абусайид овозини пасайтириб деди:

— Лутф қилдингиз, амирзода! Худо хоҳласа, жилов узилганда мен ёнингизда бўлурмен! Сизга илкимдан келган кўмакни берурмен!

Улар аҳду паймон қилган каби қўл олишдилар. Лекин дил тубида ҳар бири ўз манфаатини ўйлаб қўл берган эди; Абусайид ота-болани урушгириб қўйиб, бирини бошқасининг зарбаси билан бартараф қилгандан сўнг Самарқанд тахтини ўзи эгаллашни истарди. Чунки бу тахтга Абдулатифнинг қанчалик ҳаққи бўлса, темурийзода Абусайиднинг ҳам шунчалик ҳаққи бор эди. Буни яхши биладиган Абдулатиф эса Абусайиднинг кўмагидан фойдаланиб, ишини битиргандан сўнг уни четроқ бир вилоятга ҳоким қилиб жўнатиб қутулишни ўйларди.

Мана шундай ички зиддиятларга тўлиб ҳаракатланаётган Улуғбек кўшини Фирдавсий туғилган машҳур Тус шаҳри яқинидаги Родгон деган жойга етганда Журжондан Абулқосим Бобур ҳузуридан бошига қатта дастор кийган оқ соқоллик Шайхулислом элчи бўлиб келди. Улуғбекка Абулқосим Бобур номидан қимматбаҳо совғалар тошширгач:

— Ҳазрати олийлари, Мирзо Абулқосим Бобур сизга содиқ фарзанддурлар, — деди. — Бултур Балхда турганингизда ҳам элчи юбориб садоқат изҳор этган эдилар. Бу йил Тарнобдаги жангта оғалари ул зотни

кўп тарғиб қилдилар, аммо Абулқосим Бобур сизга қарши боришни мутлақо истамасди.

— Истамасди эмас, ким голиб чиқишни кутди! — деди Улуғбек. — Алауддавла билан ярашганидан хабаримиз бор. Агар оғаси Тарнобда голиб чиқса Мирзо Абулқосим ҳозир бизга эмас, Алауддавлага садоқат изҳор қилиб элчи юборган бўлув эди. Бу икки оғани бизнинг волидаи муҳтарамамизни ўзларига қалқон қилиб, бизнинг ҳузуримизга келишларига монета бўлмоқдалар. Алауддавла Ҳиротда шундай кекса Махди Улёни кўриқчи айғоқчилар асоратида тутганидан хабаримиз бор. Ҳолбуки, онам ҳазратлари Алауддавлага озмунча яхшиликлар қилганми? Шундай момосини асоратда тутиб, мен билан дийдор кўришишига монеликлар қилгани учун Алауддавла кўр бўлса арзирай!

— Сиз минг марта ҳақсиз, аълоҳазрат! — деди элчи таъзим билан. — Мирзо Абулқосим Бобур ҳам оғаларини беоқибатлиги учун ёмон кўрурлар. Шу сабабдан Алауддавла Журжонга бормай, иниларидан ҳам қочиб юрибдир. Абулқосим Бобур «кўрнамак оғам илкимизга тушса кўзларига мил торттириб кўр қилурмен!» — деган сўзларини мен ўзим эшитдим!¹

— Ундоқ бўлса, Мирзо Абулқосим Бобур биздан не истайдилар? — деб, Улуғбек хиёл юмшаган оҳангда савол берди.

— Уруш ҳаракатлари тўхтатилса, сулҳ тузилса, элулус тинчиса — ул зотнинг орзулари шулдир. Шу орзуга етсак, Мирзо Абулқосим Бобур сизнинг номингизни хутбага қўшиб ўқитгайлар, сизнинг буюк исмингиз билан пул зарб этгайлар!

— Аммо Алауддавла ҳам шундай ваъдалар бериб, кейин ёғийлик қилди. Аввал Мирзо Абулқосим шу ваъдаларини бажарсин! Кейин сулҳ тузишни ўйлайлик.

— Ҳар бир сўзингизни гавҳар ўрнида қабул қилгаймиз! — деди элчи ва Улуғбек шартларини Абулқосим Бобурга етказиш учун қайтиб кетди.

Абдулатиф отасининг Абулқосим Бобур билан сулҳ тузишини истамасди.

— Ҳазрат отажон, Абулқосимга куч йиғиш учун

¹ Чиндан ҳам кейинчалик Абулқосим Бобур акаси Алауддавланинг кўзига мил торттириб, қисман кўр қилгани тарихчилар томонидан қайд этилган.

фурсат бермайлик, уни заиф пайтида босайлик, токи оғаси Алауддавла каби тор-мор бўлсину, бизга иккинчи бош кўтара олмасин!

— Ҳар қалай, элчи юбориб, сулҳ сўрагани учун бунчалик босқин қилиш бизга муносиб эмас! Сиз менга ўғил бўлсангиз, Абулқосим Бобур — жияндир. Ҳазрат онамиз унинг даргоҳида. Буни унутиб бўлмайми? Энди элчи жавоб олиб келгунча биз Исфароинга бориб тургаймиз. Сиз қўшин билан Бистомни эгалланг. Аммо ортиқча ҳужумлар қилманг, амирзода, беҳуда қон тўкилмасин!

Абдулатиф буйруқ оҳангида айтилган бу сўзларга итоат этмай иложи йўқ эди. Аммо кечқурун амакиваччаси Абусайид билан ҳилватда май ичиб ўлтириб, яна отасидан ранжиб гапирди:

— Кўрдингизми, бутун яна жиловимдан тортдилар!

— Отангиз атайлаб шундай қилаётганга ўхшайдир, амирзода. Чунки ул зотда саркардалик салоҳияти заиф.

— Худо ҳаққи, нечун буни тан олмайдилар?

Абусайид овозини пасайтирди:

— Агар тан олсалар, тожи-тахт билан қўшинни сизга бериб, фақат олимлигу мударрислик қилишларига тўғри келур.

— Бу гапни иккинчи маротаба айта кўрманг, Мирзо Абусайид, эшитсалар бошимиз кеттай! Самарқандда Мирзо Абубакр қандай қатл этилгани ёдингиздами?

— Аммо мен бошимга қилич келса ҳам ростини айтурмен!

— Ростўйлигингиз учун ташаккур... Энди отам Исфароинда беш-ўн кун тўхтаб Абулқосимнинг элчисини кутсалар керак.

— Унгача биз Бистомни забт этгаймиз. Абулқосим Астрободга чекинса, тинчлик бермай, яна таъқиб этгаймиз. Ахийри элчи юбориш фикридан ҳам қайтиб, Ироққа қочгай.

— Ана бу режа менга маъқул! — деди Абдулатиф мамнун шивирлаб.

Худди шу дақиқаларда Улуғбек хуфтон намозини ўқиб бўлиб, жойнамоз устида тиз чўккан ҳолда паст товуш билан худога илтижо қилди: «Ё Аллоҳу Таоло, бири ўғлим, бири жияним, икки ўт орасида қолган мушфиқ онам, — бу интиҳосиз аросатдан ўзинг нажот бер, эй парвардигори азим!»

ДАҲОГА КЎЗ ТИККАН БАЛОЛАР

Ҳазар денгизига яқин бўлган Нишопур агрофла-рида ёз иссиқларига бардош бериш қийин, чунки ҳаво-да нам кўп. Улуғбек Исфароин деган хушҳаво жойда баланд бир тепаликка қурилган сердарахт қўрғонда тўхтаб ўн кунча дам олди. Шу орада кичкина оқ сала ўраган, малла чакмон кийган нуроний бир мўйсафид унинг қабулига келди. Анча-мунча одамни подшоҳ қабулига киритмайдиган қўриқчилар «кимсиз? не ар-зингиз бор?» деб суриштирдилар.

— Мен Ориф Озарий номи билан китоблар ёзган-мен, — деб «Ажойибул Фаройиб» ҳамда «Жавоҳирула асрор» деган иккита китобини қўрчибошига кўрсат-ди. — Асли исмим Ҳамза Ибн Али. Улуғбек ҳазратла-рига бундан элик йил олдин қиссахон бўлганмен...

Қўрчибеги китобларни қўлига олиб, подшоҳнинг ҳузурига кириб кетди-ю, кўп ўтмай кулимсираб қай-тиб чиқди:

— Ҳазратимнинг хотираларига қойилмен! Элик йилдан буён сизни унутмаган эканлар. Юринг!

Улуғбек ўзининг илк устозини ўрнидан туриб қар-ши олди. У билан кучоқлашиб кўришди, сўнг ўнг ёни-даги зарбоб кўрпачага таклиф қилди.

— Мавлоно, сизнинг мана бу китобларингиз ме-нинг Самарқанддаги кутубхонамда ҳам бор, — деди.

— Ташаккур, ҳазратим. Сизнинг оламшумул иш-лар қилганингизни узоқдан бўлса ҳам эшитиб ҳам-иша ифтихор қилурмен. Мадрасалар, расадхона... Ху-сусан, Зиж Жадиди Қўрғонидек буюк кашфиёт...

— Лекин бунинг ҳаммасидан ҳам подшоҳлик юки менга беҳад оғир туюлмай, мавлоно. Хусусан, отам ўлгандан буён... интиҳосиз низолар, жанглар, йўл азоб-лари... бунинг ҳаммасига бардош бериш учун қанча-лик чидам, сабр-тоқат...

— ...Балки улуғ бир матонат керак! — деб сўз қўшди мавлоно Ҳамза. — Сизда шундай матонат учқунлари болалигингизда ҳам бор эди. Ёш пайтингизда ҳам Таб-ризу Қорабоғдан Ҳироту Самарқандларгача отиқ бор-ганингизни бир эсланг. Ахир сиздек даҳоларга кўз тикувчи балолар кўп бўлмай! Қирқ йил давомида қил-ган улуғ ишларингиз қанчадан-қанча нурсиз амиру аёнларнинг ҳасадини кўзгатиб, бахилигини жунбишга келтирганини мен яхши тасаввур этурмен.

— Ана шу ҳасаду бахиликлар ҳозир авжига чиқ-

мишдир, мавлоно. Барча бахиллар ўғлим Абдулатиф атрофига тўпланиб, ифволар қилаётганини сезиб безовталигим ортадур. Ўғлимизнинг ҳовлиқма феъли бор. Ғалабадан ҳовлиқиб, талончиликларга йўл берибдур. Шунинг учун Тарнобадаги ғалаба фатҳномасини унинг номига ёздирмадим. Аммо буни гап-сўз қилиб, ота-бола орасига ғубор солувчилар пайдо бўлибдир. Шунини эшитиб, кечалари уйқум қочиб кетадир...

— Кўнгилини кенг қилинг, ҳазратим. Бу ҳаммаси сизга нисбатан тоғ этагида ғимирлаётган қурт-қумурсқалардек майда...

— Аммо фалакнинг гардиши билан мен ҳам Самарқанддан сизнинг ватанингизга қўшин тортиб келдим, мавлоно. Инонинг, жаҳонгирлик даъвойим мутлақо йўқ. Яна ғарбга қараб юрилса Рай, Табризу Боғдо, Ўшал томонларда соҳибқирон бобомнинг ўғиллари Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо жангу жадалларда ҳалок бўлди. Бу бизга аччиқ сабоқ эмасми? Жаҳонгирлик бас! Менинг худодан тилагим шулки, ўзи берган жонимни бегона юртда эмас, ватаним Туронда, Самарқандда қайтиб олсин!

— Аммо мен сизга худодан узоқ умр тилаймен!

— Ташаккур, мавлоно! Сиз менга ёшлигимда айтиб берган ривоятларга биноан парвардигор мурувватига сазовор бўлган жонзодлар юлдузга айланиб осмондан абадий макон қураб эканлар. Гуноҳларга ботган тана ахир бир кун ерга кўмилур, қабримиздан майса униб чиқур. Аммо руҳимиз... кошки руҳимиз осмонга учиб чиқса! Бу фоний дунё ташвишларидан бешиб кетганимда бир истак дилимда қайта уйғонур. Қанийди, руҳимни танамдан осонликча айириб олсаму, осмонга қушдек учуриб юборсам! Бу қуш юлдузлар орасидан ўзига макон топса! Руҳим юлдуз бўлмаса ҳам майли, фақат мусаффо осмонда бир ёруғ зарра бўлиб, юлдузларнинг сокин нуридан, улардаги мувозанату уйғунликдан баҳра олиб яшаса... Эндиги орзуйим шу!..

— Аммо нечун бунчалик маънос туйғуларга берилмоқдасиз, ҳазратим?

— Чунки... фоний дунёдаги ёмонликлардан тўйиб кетдим! Рост, ҳазрат отам билан мушфиқ онам менга умр бўйи яхшилик қилдилар. Афсуски, отамдан жудо бўлдим. Ҳазрат онам эса, ўғлим Абулатиф туфайли мендан юз ўгириб... ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолдилар.

Мавлоно Ҳамза Улуғбекнинг сўнги сўзларига эътироз қилди:

— Ҳазратим, мен Гавҳаршод бегимни Домғон йўлида кўрдим. Ул Маҳди Улё ҳали ҳам сизни оналик меҳри билан севиб тилга олдилар.

— Қани, қани, батафсилроқ сўзланг, мавлоно! Қаерда кўрдим дедингиз?

Абулқосим Бобурнинг Астрободдаги қароргоҳига Абдулатиф ҳужум қилгандан сўнг унинг оила аҳли Гавҳаршод бегим билан бирга Домғон томонларга кўчиб кетмоқда экан. Мавлоно Ҳамза уларни йўлдаги бир қишлоқда ҳовуз бўйида дам олиб ўтирганларида учратибди. Гавҳаршод бегим машҳур малика бўлгани учун мавлоно уни Ҳиротда ҳам кўрган, ёшлиқда эса Улуғбек туфайли у билан кўп учрашган эди.

Ҳовуз бўйида дам олиб ўлтирган бегимга мавлоно Ҳамза мулозимлари орқали ўзини танитиб, ёнларига борди. Ҳориб-чарчаган, озиб кетганидан гавдаси ҳам кичрайган Гавҳаршод бегим:

— Бизнинг бошимизга тушган кўргиликлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, мавлоно! — деб сўз бошлади. — Невараларнинг кўпи беоқибат чиққани устига ёлғиз ўғлим Улуғбек ҳам бизни бунчалик аёвсиз тақиб этганига лолмен! Ахир мен Абулқосим Бобурни мурасага келтирган эдим, элчи юбориб, Улуғбекни олий ҳукмдор деб тан олган эди. «Йўқ, аввал менинг номим билан пул зарб қилиб кўрсатсин!» — деб элчини қайтарибдилар. Ахир қочиб юриб қандай пул зарб қилиб бўлуур? Зарбхона Астрободда қолди. Золим Абдулатиф Абусайид Мирзодек бир ноинсофни ёнига олиб, бизни Астрободдан ҳам қувиб чиқарди. Энди беватан бўлиб Ироққа қочайлик-ми?! Ахир менда не гуноҳ? Мана бу мурғак болаларда не гуноҳ?!

Гавҳаршод бегим ҳовузнинг нариги четида кўчлар орасида катталардек хомуш ўтирган хушбичим бир болани имлаб чақирди:

— Алишержон, бери келинг!

Бола тез ўрнидан туриб, Гавҳаршод бегимнинг олдига келди-да қўл қовуштирган ҳолда мавлоно Ҳамзага одоб билан салом берди.

— Баракалло, шер ўғил. Кимнинг ўғли бўлуур-сиз? — сўради мавлоно Ҳамза.

Алишер Гавҳаршод бегимга бир қараб олди-да, масъум товуш билан жавоб беда:

— Амир Гиёсиддин Кичкинанинг ўғлимен.

— Нечун отангизни «Кичкина» дерлар?
— Билмадим, — деб Алишер уялиб ерга қаради.
Шунда Гавҳаршод бегим изоҳ берди:

— Бунинг тарихи анча узоқ, мавлоно. Алишернинг ота-боболари Амир Темурга яқин эканлар. Абусайид Чанг деган бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо билан бир онани эмган кўкалдош эканлар. Кейинчалик Алишернинг отаси амир Фиёсиддин Умаршайхнинг невараси Фиёсиддин Мансур билан бирга ўсадир. Темурийзода Фиёсиддиннинг ёнида юрган амир баҳодирона гавдалик одам бўлсалар ҳам, камтарлик билан ўзларини Фиёсиддин Кичкина деб атайдилар. Ҳозир ул зот Абулқосим Бобур даргоҳида Сабзавор шаҳрига ҳокимлар. Бу ҳаммаси Абдулатифга маълум. Шунинг учун булар ҳам Абдулатифнинг ғазабидан қўрқиб Ҳиротдан биз билан бирга қочиб чиққанлар.

Гавҳаршод бегим томирлари кексалиқдан бўртиб чиққан қўлларини Алишернинг елкасига қўйди:

— Алишернинг зеҳни ўткирлиги менга худди Улуғбекнинг болалиқдаги зеҳнини эслатур. Ёдингизда борми, мавлоно? Улуғбек беш хоналик сонларни шундай хотирасида зарблаб, ҳосиласини бехато чиқариб берур эди. Шундай буюк салоҳиятни бундан қирқэллиқ йил олдин Улуғбекда кўрган бўлсам, мана энди Алишержонда ноёб иқтидорнинг бошқа бир хилини кўриб қойил бўлмоқдамен. Қаранг, мана шу Алишер... тўрт ёшида савод чиқарур... Ҳозир етти ёшида минглаб байт шеърларни ёд билур. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайр» китобини бошдан-оёқ ёд олмиш...

— Чиндан, афсонавий иқтидори бор экан, Алишербекни ёмон кўздан худо асрасин. Ўзи ҳам шеър битса керак?

Алишер бу мақтовлардан ийманиб ерга кўз тикканча жим турибди. Шунда Гавҳаршод бегим унинг қўлчаларини қўлига олиб, юзини ўзига қаратди:

— Алишержон! Кеча бир шеър айтган эдингиз. Эшитиб кўзларимга ёш келди. Шунини яна бир айтинг.

Алишернинг бу қувғинлардан зада бўлган дили ҳозир шеър айтишга мойил эмас эди. Шунда Гавҳаршод бегим яна ундан илтимос қилди:

— Ҳеч бўлмаса икки сатрини айтинг, болам! Мавлоно бир эшитсинлар! Балки сизнинг масъум тову-

шингиз Улуғбек Мирзонинг қулоқларига етиб борар...

Алишер ниҳоят:

— Хўп, — деб кўнди ва катталардек жиддий, маюс оҳанг билан икки сатр шеър айтди:

*Фурбатга ғариб шогмон бўлмас эмиш.
Эл анга шафиғу меҳрибон бўлмас эмиш...*

Шу пайтда мавлоно Ҳамза ҳам Алишернинг бунча эрта уйғонган истеъдодини юракдан ҳис қилди.

— Бу ёш даҳога кўз тиккан балолар бор экан! — деди. — Мен шу бугуноқ Мирзо Улуғбек ҳузурларига йўл олурмен, бегим! Илоҳим парвардигор сизларни бу фурбату ғариблиқдан халос қилсин!

Ҳозир мавлоно Ҳамза Улуғбек ҳузурда ўлтирган-да ҳамма гапларни бир-бир айтиб берди-ю:

— Мунис онангиз билан шу масъум бола бутун нажотни сиздан кутмоқда, ҳазратим! — деди. — Эҳтимол, Алишер исми бу ёш шоир Хуросону Турон осмонида янги бир юдуз бўлиб порлар! Ўшанда сизнинг исмингизни улуғлаб шеърлар битгай!

Мавлоно Ҳамзанинг ҳикоясидан қаттиқ мутаъасир бўлган Улуғбек қарсақ чалиб ясовулбошини чақиртирди...

— Мен Мирзо Абдулатифга Бистомдан нари ўтманг деб буюрган эдим! Нечун Астрободга борибдир?!

Ўша куни барча қўшинларга «Амир Темур ҳимматидин Улуғбек кўрагон сўзум» деб бошланадиган қатъий фармон жўнатилади. Шу фармонга биноан Абулқосим Бобур билан бошланган уруш ҳаракатлари тўхтатилади. Астробод ва Бистом томонларга кетган барча аскарлар орқага қайтарилди. Абдулатиф Машҳадга қайтган Улуғбек ҳузурига чақиртирилди.

Нишопурда касал бўлиб иситмалаб ётган Абдулатифни Машҳадга Улуғбек келиб тушган қасрга тахтиравонда кўтариб келдилар. Иситмадан бўғриққан Абдулатиф тахтиравондан тушиб, қоида бўйича отасига таъзим қилаётганда хиёл гандираклаб кетди. Улуғбекнинг унга раҳми келди:

— Сизни Аллоҳ паноҳида асрасин, ўғлим! Не бўлди? Шамолладингизми?

— Диқ¹ бўлдим! Иситмам шамоллашдан эмас! Узул кесил зафарга етай деганимизда муҳарабани бирдан

¹ Диқ — сил

тўхтатиб, қўшинни орқага қайтарганингиз мени касал қилди! Ҳазрат отажон, ахир бу Абулқосим эрта-индин ўзини ўнглаб, яна Ҳиротга бостириб келгай-ку! Нечун мағлуб бўлай деб турганда сиз уни сақлаб қолдингиз?

— Чунки Абулқосим элчи юборди. Шартимизни бажарибдир! Номимизни хутбага қўшиб ўқитибдур! Эгилган бошга қилич урмоқ мардликдан эмас, амирзода! Абулқосим билан бирга менинг ҳазрат онам қувғинда қачонгача азоб тортгай? Ёш болалар... уларга раҳм қилиш керакми, йўқми? Ёки одамийликдан бутунлай воз кечайликми?

— Ҳазратим, мен одамийликдан воз кечмагаймен, аммо подшоҳликни ундан баланд деб билурмен. Чунки подшоҳлик инсонлардан юқорида — худога яқин жойда тургай!

— Саҳв қилдингиз, Мирзо Абдулатиф! Гарчи мен подшоҳмен, лекин худонинг бир бандасидурмен. Одамийлик эса Одам Ато Алайҳиссаломдан бизга меросдир. Шу сабабли мен одамийликни подшоҳликдан баланд кўюрмен!

— Саҳв қилган бўлсам маъзур тутинг, ҳазратим. Аммо давлату мамлакат манфаатлари қариндошчиликдан баланд турмагайми?

— Қариндошчилик деб кимни назарда тутмоқдасиз? Ҳазрат онамними?!..

— Йўқ, йўқ, Абулқосимни...

— Абулқосим ҳам туғишган инимнинг ўғли, менга сиз каби фарзанд. Агар мен давлату мамлакат манфаатларига сизни қурбон бериб, бултур Ихтиёриддин қалъасидаги ҳибсдан қутқариб олмаганимда... Ҳалигача Алауддавла ўлдириб юбориши мумкин эди-ку!

— Рост, ҳазратим, сиз бултур мени нақд ўлимдан олиб қолгансиз...

— Нақд ўлимдан қутқарилган фарзанд учун... Тарнобдаги фатҳноманинг иниси номига ёзилгани-ю, Ҳирот хазинасидаги неча туман ҳақини ололмагани ҳаёт-мамотга нисбатан арзимас нарсалар эмасми?!..

— Бу борада сиз ҳақсиз, отажон!

— Энди айтинг-чи, сизга қилган ўшал одамийликни мен нечун онамга нисбатан қилмаслигим керак? Ахир Ҳадиси Шарифда «яхшиликни энг аввал онангга қил, онангга, онангга!» деб уч қайта таъкидланган эмасми? Афсуски, бултур мен шу муқаддас ўғитни унутиб, онамдан ҳам олдин сизга яхшилик қилган экан-

мен. Бугун сиз туфайли оқ сут берган онамдан тирик-
лайин жудо бўлиб юрибмен!

Улуғбекнинг сўнги сўзлари Абдулатифга яшин зар-
басидай таъсир қилди. Касаллиги устига қўшилган бу
зарбадан оёқда туролмай йиқиладиган бўлганда муло-
зимлар уни икки томонидан суяб тутиб қолдилар.

Отасидан эшитган аччиқ ҳақиқат таъсирида мул-
зам бўлиб бўшашган Абдулатифни яна тахтиравонга
солиб, даволаш учун олиб кетдилар.

Отаси юборган хос табибларнинг дори-дармонла-
ридан ташқари Абдулатифга шифобахш қимизлар, дум-
ба-жигарлар, бошқа таомлар бериб, икки ҳафтада
оёқда турғиздилар.

Лекин отасининг сўнги сўзлари унинг дилига ти-
кандай қадалиб қолганди. Бу сўзлар ноҳақ бўлса, ти-
кани олиб ташлаш мумкин эди. Аммо ҳақ сўзлар
уни маънан мағлуб қилган, энди бу мағлубият алами
унинг борлигини куйдирмоқда эди.

«Майли!— деб ниҳоят у ўзига ўзи тасалли бер-
ди.— Отамиз яхшилик бобида мени енгди! Унинг ҳақ
сўзидан мен мағлубмен. Аммо ҳали жангда ҳам куч
синашиб кўргаймиз! Сўзда енгилган бўлсам, худо хоҳ-
ласа, жангда енгтаймен!»

* * *

Абдулатиф «диқ» деб ўйлаган касаллик зотилжам
экан. Хос ҳақимларнинг муолажаси ва яхши парва-
ришлар унинг соғлигини тез тиклади.

Ҳиротга қайтган кунларида Улуғбек Мирзо ўғли-
нинг Ихтиёриддин қалъасидаги хазиналарда Шоҳруҳ
подшоҳ давридан буён сақланиб турган икки юз минг
тилла тангасини ҳам олдириб берди.

У нима қилиб бўлса ҳам ўғли билан ўзининг ора-
сида пайдо бўлган губорни тарқатишга интиларди. Шу
мақсадда барча аркони давлатни Ҳиротнинг Боғи зо-
ғонига, отасининг тахтгоҳи бўлган муҳташам қабул-
хонага тўпади. Абдулатиф тахтнинг ўнг томонидаги
махсус ўринни олди.

— Амир Темур ҳимматидин Улуғбек сўзим!.. Биз
дорусалтана Самарқандга қайттаймиз, Хуросон ихтиёри
эса ўғлимиз Мирзо Абдулатифга берилгай! Балх ҳам
ўғлимизнинг қаламравига киргай!

Абдулатиф ўрнидан туриб отасига таъзим қилар
экан, бу иноятдан унча хурсанд эмаслиги юзидан се-

зида. Кечқурун Улуғбек Мирзо хонайи хосда ўғли билан яккама-якка ўлтириб, унинг кўнглида яна қандай истак борлигини билгиси келди.

— Ҳазрат отажон, — деди Абдулатиф қўлини кўксига қўйиб. — Бугунги фармонингизни тожи сардек қабул қилурмен. Аммо имкон бўлганда мени Туронга чақириб олишингизни сўраймен!

— Ажабо, сизга Шохруҳ Мирзодек улуғ хоқоннинг тахти насиб этмоқда-ку, шод бўлмайсизми? Бобонгиз сизни яхши кўрар эдилар, ўз қўшинини сизга ишониб топширган эдилар. Энди ул жаннатмакон хоқоннинг руҳини шод этиб, Ҳиротда савоб ишлар қилинг, эл-юртнинг дуосини олинг. Бобонгиздан сизга катта маблағлар мерос тегди. Буни илму маърифатга, бунёдкорлик ишларига сарфланг. Вақти келганда Самарқандга ҳам борурсиз. Аммо ҳозир биз кетсак Абулқосим Бобур Ҳиротга тажовуз қилгай. Сиз бунга йўл бермаслигингиз керак!

— Абулқосимни ўшанда йўқ қилишимиз мумкин эди-я, ҳазратим. Энди кеч! У яна куч йиғиб зўр бўлиб олди.

— Наҳотки у сиздан ҳам зўрроқ бўлса?

— Майли, ҳазрат отажон, тақдиру насибим шундай экан, сўзингизга шак келтирмагаймен!

Лекин дилида Абдулатиф отасидан норози эди. Бобосининг хазинасидан мерос олган сандиқ-сандиқ тиллаларни бунёдкорликка эмас, минглаб янги аскарлар ёллашга сарфламоқчи эди.

Унга яхши итоат этадиган беку навкарлар кўпроқ Балх ва Бадахшон томондан топиладди. Ҳиротликлар Абдулатифни Тарноб жангидан кейинги талончиликлари учун жуда ёмон кўрардилар.

Улуғбек ўз қўшини билан Самарқандга жўнаб кетгандан кейин Абулқосим Бобур Ҳиротга қўшин тортиб кела бошлади. Шаҳарда унга қўрғон дарвозаларини яшириқча очиб беришга тайёр турганлар кўп эди.

Буни сезган Абдулатиф иккинчи марта Ихтиёридин қалъасига ҳибсга тушишдан хавотирланди, Ҳиротни жангсиз ташлаб чиқиб, Балхга йўл олди.

Шундан кейин Ҳиротга Абулқосим Бобур, Гавҳаршод бегим амир Фиёсиддин Кичкинанинг ўғли Алишер билан бирга қайтиб келишди. Улар уруш ҳаракатларини тўхтатиб, сулҳ тузган Улуғбекдан астойдил миннатдор бўлишиб, аввалги маконларига жойлашдилар.

Мирзо Улуғбек онаси билан бирга ёш Алишерни ҳам уруш ва қувғин балоларидан қутқаргани бўлажак буюк шоирнинг хотирасида ўчмас из қолдирган бўлиши керак. Улуғбекнинг беназир яхшилигини Алишер Навоий болаликда ўз кўзи билан кўргани учун ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонида:

*Темурбек наслидан султон Улуғбек
Ки олам кўрмағи султон анингдек, —*

деган унутилмас сатрларни ёзди.

Аммо ўша йили Ҳиротдан аламзада бўлиб кетган Абдулатиф Балҳда қўшин йиғиб, энди отасига қарши жангга ҳозирлик кўра бошлади.

СУИҚАСА

Милодий 1449 йилнинг кузида Шоҳруҳия¹дан Самарқандга қайтаётган Улуғбек Мирзо Зарафшон дарёсидан ўтгандан кейин Чўпон ота тепаликларига отлиқ чиқиб борди. Ёнида кичик ўғли Абдулазиз ва садоқатли амири Бобо Ҳусайн бор эди. Уччовлари тепаликларнинг энг балаң нуктасига кўтарилиб, отларини тўхтатдилар.

Бу ердан Самарқанд қафтда тургандай аниқ кўринарди. Улуғбек Мирзо офтоб нурларида чарақлаб кўринган мовий гумбазларга завқ аралаш маънос ва хавотирли назар ташлади.

Ҳозир пойтахтда Абдулатиф ҳукмрон. Хиёнатчи амирлар жангни ютқизган Улуғбекни кўрғонга киргизмаганликлари сабабли у Шоҳруҳияга кетган эди. Бироқ Шоҳруҳияда ҳам шаҳар доруғасининг совуқ муносабатини сезгандан кейин Улуғбек Самарқандга вакил юбориб, тожу тахтни Абдулатифга ихтиёрий равишда топширмақчи эканини маълум қилди.

Шу шарт билан унга Самарқанд дарвозалари очиладиган бўлди. Абдулатифнинг одамлари бугун пешин намозидан кейин уни Обираҳмат арифи бўйида, расадхона олдида кутиб олиб, Кўксаройга бошлаб боришлари керак. Ким билсин, Кўксаройда уни қандай қисмат кутмоқда?

¹ Шоҳруҳия — Тошкентга яқин жойда, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида бўлган.

Ёмон дилсиёҳликлар бўлишини олдиндан сезаёт-
гандек кўнгли жуда безовта.

Шу безовталиқни босиш учун ҳам Улуғбек Чўпон ота баландлигидан яхши кўринадиган шаҳару қишлоқларга, тоғу водийларга тўйиб-тўйиб қараб олгиси келди.

Кузги ёмғирлар ва қавс ойида ёғиб ўтган дастлаб-ки қор ҳаводаги ғуборларни ювиб кетган. Қуёшли осмон беҳад тиниқ. Узоқдаги қорли тоғлар гўё яқин келиб қолган.

Самарқанд атрофидаги боғларда олтин куз манзаралари. Заррин дарахтзорларга бурканган қишлоқлардан нарида Шовдор ва Ҳисор тоғлари оппоқ қорга бурканиб, одатдагидан силлиқроқ кўринади.

Улуғбек Мирзо саман отини орқага буриб Нурота ва Ойқор тоғларига ҳам қор тушганини кўрди. Улардан нарида Чотқол тоғлари, Туркистон тизмаси, Кўксарой ва Тилла бешик деб ном олган энг баланд чўққилар. Амударё томонларда Бойсунтоғ ва Боботоғ... Буларнинг ҳаммасини Улуғбек Мирзо ҳозир хаёл кўзи билан кўриб тургандек бўларди.

Эллик беш йиллик умрининг катта бир қисмини узоқ сафарларда, уруш ва юришларда ўтказган Улуғбек Мирзо Туронзаминнинг ҳамма дарёларидан сув ичган, барча водийларига унинг меҳнати сингган, чарчаганда хаёлан ватанининг баланд тоғларига суяниб мадад олишга интилган.

Ҳозир у қорли тоғларга, олтин куз либосидаги водийлар ва қадрдон шаҳри Самарқанднинг мовий гумбазларига тикилиб қарар экан, «балки буларни охириги марта кўрмоқдадурмен?» деган таҳликали савол дилига ларза солиб ўтди.

Бу таҳлика бежиз эмас эди. Расадхона томондан от чоптириб Чўпон ота тепалигига чиқиб келган юздан ортиқ қуроли сипоҳийлар Абдуллатифнинг ҳарбий ишлар бўйича вазири Иброҳимшоҳ бошчилигида Улуғбек Мирзони бирдан ўраб олдилар.

Ўнбошилардан бири ўз навкарлари билан Абдулазиз Мирзони отасидан ажратиб олиб, Боғи Майдон томонга бошлаб кетди. Яна бир ўнбоши Бобо Ҳусайинни тутмоқчи бўлиб бораётганда Улуғбек уни тўхтатди.

— Жаноб Бобо Ҳусайн пастда кутиб турган увруқ олдига қайтсин! — деб буюрди.

«Увруқ» деганда оила аъзолари, аёллар назарда ту-

тиларди. Ўнбоши Улуғбекнинг подшоларга хос қатъий оҳанг билан берган буйруғини бекор қилолмади. Бобо Хусайн пастга қараб от чоптириб қутулиб кетди.

Ёлғиз қолган Улуғбек Мирзони бадқовоқ серсоқол Иброҳимшоҳ ўз навкарлари билан қуршаб олиб, Чўпон ота тепаликларидан пастга бошлаб тушди ва Самарқанднинг Феруза дарвозасига йўл олди.

Қуёшли кун эди. «Улуғбек Мирзо Шохруҳиядан Самарқандга қайтибди!» — деган хабар шаҳар бўйлаб тарқалди.

Улуғбекни Кўксаройга бошлаб кетаётган Иброҳимшоҳ ҳар қанча эҳтиёт чораларини кўрмасин, одамлар деворлардан мўралаб, текис томлар устига чиқиб, Улуғбек Мирзога назарлари тушар, уни бандига ўхшатиб қуршаб олиб кетаётганларини кўрган баъзи ихлосмандлари кўзларига ёш олишарди.

Абдулатиф шаҳарда жабру зулми кучайтирган сари Улуғбек Мирзодай адолатли подшонинг қадри ўтмоқда эди. Самарқанд қирқ йил давомида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган эди. Энди Абдулатиф Балх, Бадахшон ва Кундуз томонлардан бошлаб келган ўттиз мингдан ортиқ талончи беку навкарлар пойтахт устига даҳшатли бир дўл бўлиб ёғилаётгандай, дарахтларни қўпориб оқадиган улкан сел келиб, ўз йўлида учраган ҳамма нарсани бузиб, йиқитиб кетаётгандай туюларди.

Самарқанд бозорлари, заргарлик, базозлик ва бошқа расталар таланди. Расадхона ва мадрасалар ёпиб қўйилди. Улуғбек Мирзога ён босган одамларнинг кўпчилиги қиличдан ўтказилди, бир қисми ҳибс қилинди. Уларнинг ҳовли жойлари, боғ-роғлари Абдулатифга ғалаба келтирган вазиру амирларга тортиб олиб берилди.

Балхлик Камолиддин Абдулвосеъ дегани девонбегги, Мўминшоҳ Бадахший солиқ идораларига бошлиқ, Иброҳимшоҳ ҳарбий вазир, Хўжа Порсо уламолар пешвоси бўлди. Улуғбекка хиёнат қилиб, уни Самарқанд дарвозасидан киргизмай қайтарган Мироншоҳ қавчин ҳам Абдулатифдан катта мукофотлар олиб махфий ишлар вазири лавозимига тайин этилди.

Лекин Мироншоҳ қавчин кўча-кўйдан отлиқ ўтиб қолса баъзи ёш-яланглар том устидан унга кесак отиб қочишар, «хоин», «сотқин!» деб сўкиб яшири-нишар, уларни топиш ва тутиб олиб жазолаш амри маҳол эди.

Одамлар Улуғбек Мирзо даврида бошдан кечирган яхши ҳаётларини армон билан эслашар, ҳозир уни қуршаб Кўксарой томонга олиб келаётган золимларга нафрат билан қарашар, кўзлари орқали уларга қарши ёғдираётгандай бўлишарди.

Шоҳи Зинданинг ёнидаги тош йўлдан ўтаётганларида Улуғбек Мирзо устози Қозизода Румий мақбарасини зиёрат қилмоқчи бўлди. Аммо қовоғидан қор ёғаётган Иброҳимшоҳ бунга рухсат бермади. Улуғбек Мирзо Румий мақбарасига яқинлашганда отини бир лаҳза тўхтатиб, қисқагина дуо ўқиди-да, юзига фотиҳа тортди.

Ноинсофлар уни ҳатто Амир Темур мақбараси томон бурулишга, ота-боболарининг қабрини зиёрат қилишга ҳам қўймадилар.

Чунки Улуғбек Мирзо қайси кўчадан ўтмасин, йўл четларида, том устларида одамлар пайдо бўлар, унга таъзим қилиб салом беришар, кексалар:

— Худо сизни паноҳида асрасин! — деб дуо қилишарди.

Бунинг ҳаммаси вазир Иброҳимшоҳнинг қаҳрини келтирар, у навкарларига Улуғбек Мирзонинг атрофини маҳкамроқ ўрашни буюрар эди. Лекин Улуғбек минган саман отнинг бўйи бошқа ҳамма отларникидан баланд эди. Шунинг учун эгар устида қаддини тик тутиб бораётган Улуғбекка кўпчиликнинг назари тушарди.

Улуғбек Мирзони Регистон майдонидан Кўксарой томонга бошлаб ўтаётганларида эшиклари ёпиқ мадраса олдида асабийлашиб турган толиби илмлар уни кўриб югуриб келдилар.

Уларнинг уч-тўртгаси қўриқчи навкарлар сафини ёриб ўтиб Улуғбекнинг узангисидан ва отининг бўйнидан тутдилар. Устознинг этакларини кўзларига суртиб хитоб қилдилар:

— Ҳазратим, буюринг!

— Биз сиз учун жон беришга тайёрмиз!

Иброҳимшоҳ ва унинг навкарлари бу толиби илмларни қамчилар билан савалаб қувдилар.

— Буйруқни энди Абдулатиф ҳазратлари бергайлар! — деб қичқирди Иброҳимшоҳ, — Кимки унинг буйруғига бўйсунмаса боши кетгай!

Улуғбек Мирзодай одил подшо ва донишманд алломадан ажраб қолиш хавфи ва янги келган золимлар истибдоди нафақат ёшларни, балки ҳамма инсофли

самарқандликларни жунбушга келтирган сари Абдулатифни тахтга чиқарган беку аъёнларнинг хавотири ошиб бормоқда эди.

Улар эҳтиёт чораларини янада кучайтириб, Улуғбекни Кўксаройда хонаки ҳибсда сақлай бошладилар.

Кўксаройнинг ёнида подшонинг тахти қўйилган Бўстонсарой бор эди. Кечки пайт Бўстонсаройнинг олтин ва ложувард билан зийнатланган улкан қабулхонасига Абдулатифнинг аркони давлатлари йиғилишди. Уларнинг олдига Улуғбек Мирзони бошлаб чиқишди.

Абдулатиф ҳали тахтга чиқмасдан, тўрдаги баланд шоҳнишинда зарбоф кўрпачалар устида бахмал болишга суяниб ўлтирган экан.

— Ўғлим Абдулатиф Мирзо! — деб Улуғбек унга ва аркони давлатга мурожаат қилди: — Мана шу беку аъёнлар гувоҳлигида мен тожу тахтни сизга ихтиёрий равишда топширдим. Қолган умримни илму маърифатга бахш этмоқчимен. Менга энди саройларнинг кераги йўқ. Фақат бир илтимосим бор. Қилич тутган жаноблар аҳли қаламга соҳибқирон бобомиздек яхши муносабатда бўлсалар. Чунки қаламнинг иштирокисиз фақат қилич билан мамлакат обод бўлмагай, уй қурилмагай! Барча бунёдқорлик ишлари аҳли қалам ёрдамидагина амалга ошгай!

— Аммо қилич билан мамлакат олингай! — деди тепада ўлтирган Абдулатиф. — Мамлакатда эса уй ҳам бўлгай, ободончилик ҳам, аҳли қалам ҳам!

— Фарзанди анжуманд, — деб эътироз қилди Мирзо Улуғбек. — Мамлакат олмоқдин кўра уни бошқармоқ юз карра мушкулроқдир.

Шаҳнишининг ўнг томонида савлат тўкиб ўлтирган узун оқ соқоллик Хўжа Порсо Абдулатифдан ижозат олиб сўзлай бошлади:

— Соҳибқирон боболарига бугунги энг муносиб ворис тождори жувонбахт Абдулатиф ҳазратларидир! Аъло ҳазратнинг жанг майдонида қилич чопишлари ҳам, саркардалик даҳолари ҳам Амир Темур боболарини ёдга солур. Кўпни кўрган баҳодирлар Абдулатиф ҳазратларини бугунги куннинг Соҳибқирони деб атамоқдалар! Улуғбек Мирзо мударрисдирлар, олимдирлар, лекин саркарда эмаслар. Дашти қипчоқдан Чингизхон авлодлари Туронга бостириб кириб Сифноқни, Туркистонни эгалладилар. Мирзо Улуғбек уларга

қарши чора тополмади. Бундан дадилланган Дашти қипчоқ лашкари Амударё бўйига бостириб борди. Бултур кузда Ҳиротдан қўшин билан қайтаётган Улуғбек Мирзони Абулхайрхоң дарёдан ўтаётган пайтда талади. Агар ўшанда Абдулатиф ҳазратлари саркарда подшоҳ бўлганларида эди, бу даштий султонларни ер билан яксон қилган бўлардилар. Аммо Улуғбек Мирзо босқинчиларни тор-мор қилмадилар. Аҳвол шундай давом этаверса, чингизийлар бутун Туронни босиб олишлари ҳеч гап эмас эди! Шунинг учун биз Абдулатиф ҳазратларидан «Бобокалонингиз салтанатини қутқаринг!» деб илтимос қилдик. Ҳазратим Балхдан Самарқандга нажоткор сифатида келдилар! Буни Дашти қипчоқдаги ғанимлар ҳам сезган бўлсалар керак. Ҳар йили шу пайтларда Самарқанд атрофларига келиб талончилик қиладиган кўчманчи султонлар бу йил ҳазратимнинг сиёсати туфайли даф бўлиб кетди!

Улуғбек Мирзо Хўжа Порсога юзланди:

— Беайб парвардигор дейдилар, тақсир. Биз ҳам саркардалик ишида нуқсонларга йўл қўйган бўлсак, мана энди бу ишни подшоҳликка қўшиб ўғлимизга топширдик. Сиз соҳибқирон Амир Темурни эслатдингиз. Мен ул буюк даҳонинг тарбиясини олганмен. Ҳазрат бобом шунчалик оламшумул саркарда бўлсалар ҳам «Ҳамма ишни фақат қилич билан адо этиш мумкин» демас эдилар. Аксинча, давлат ишларининг ўндан тўққизи ақл-заковат, тадбиру машварат билан бажо келтирилгай, фақат ўндан бир қисмини қилич билан битирса бўлгай» дердилар. Бул сўзлар Соҳибқироннинг тузукларида ҳам ёзилган. Тадбир, машварат деганда, бобомиз маърифатли одамлар маслаҳатига суянишни назарда тутардилар. Ул зоти олий ўз атрофига ҳар соҳанинг энг маърифатли доно олимларини тўплаган эдилар!..

— Мирзо Улуғбек, — деб Хўжа Порсо унинг сўзини бўлди. — Сиз мудом «илму маърифат» деб, мударису муллабаччаларни талтайтириб юбордингиз, жанговар беку амирларни улардан паст қўйдингиз. Бунинг оқибатида, мана, бугун муллабаччалар Мироншоҳ қавчиндек нуфузли вазиримизга том устидан тошу кесак отиб, ҳақоратомуз сўзлар айтибдир!..

— Кимлар шундай қилган?! — ўшқириб сўради Абдулатиф. — Жаноб Мироншоҳ, сиз уларни том устида кўрган бўлсангиз нечун тутгирмадингиз?

Мироншоҳ қавчин ўрнидан турди:

— Тор кўчалардан қайси бирига қочиб яшири-
нишганини билмай қолдик, аъло ҳазрат! Маҳалла аҳли
уларни яширди, ҳеч ким «кўрдик» демади.

— Бундан исённинг ҳиди келади! Жаноб Мирон-
шоҳ, воқеа содир бўлган маҳалла аҳлининг ҳар ўнта-
сидан учтасини гаровга олиб, ҳибс қилдинг! То бу
исёнчиларни топиб бермагунларича қийноқларга со-
линг! Исёнчи муллабаччалар топилганда бизга хабар
беринг, майдонга чиқариб, сиёсат учун қатл эттиргай-
миз!

— Бош устига, ҳазратим! — деб Мироншоҳ орқаси
билан юриб чиқиб кетди.

Шундан кейин Абдулатиф Хўжа Порсога юзланиб,
овози сал юмшаб гапирди:

— Биз Самарқандни ёғийлар тажовузидан сақлаш
учун келганимиз ҳақида жуда асосли далиллар кел-
тирдингиз, мавлоно! Эртага Жоме масжидида бизнинг
номимизга хутба ўқилганда мана шу далилларни барча
намозхонларнинг дилига етказиб бермоғингиз керак!
Токи халойиқ бузғунчи мударрислару безори мулла-
баччаларнинг кетидан эргашмасин!

* * *

Абдулатифнинг лаганбардорлари уни мачитларда ва
машваратларда қанчалик кўкларга кўтариб мақтама-
син, кўпчилик аҳоли Улуғбекни беқиёс баланд кўяр,
отасига қарши қилич яланғочлаган ўғилдан нафратла-
нарди.

Улуғбек Мирзо ҳамма муҳим лавозимларга мум-
кин қадар билимли ва инсофли амалдорларни танлаб
қўйган эди. Лекин Абдулатиф билан келган жоҳил
вазирлар аввалги яхши амалдорларни ишдан қувиб,
ҳамма муҳим лавозимларни таъмагир ва порахўр си-
поҳиларга бермоқда эдилар.

Улуғбек мардлик қилиб, тожу тахтни ўглига ўзи
топширган бўлса ҳам, Абдулатифнинг отасига беан-
диша ва шафқатсиз муомала қилиши кўпларга онкўр-
лик бўлиб кўринмоқда эди. Буни сезган вазирлар кун-
дузи Улуғбек Мирзони халққа кўрсатмай Кўксаройда
хонаки ҳибсда сақлашди. Аҳли оиласи билан кўриши-
ши учун фақат кечаси эл ухлаганда рухсат беришди.
Шунда ҳам Иброҳимшоҳ бошлиқ йигирмата навқар
уни тўрт томондан қуршаб олиб, Боғи Чинорда турган
оила аъзоларининг олдига кузатиб борди.

Абдулатифнинг онаси Хусн Нигор хоним шаҳарнинг бошқа тарафидаги Боғи Дилкушога келинлари ва неваралари олдига кўчиб кетган экан. Улуғбек Боғи Чинорда суюкли қизлари Ҳабиба Султон, Робия Султон ва куёви Абдулла Мирзо билан кўришди.

Уларга кўриқчилар эшитмайдиган паст товуш билан хабар берди:

— Мен Самарқандга сизга маънайдиганга ўхшаймен. Эрта-индин ҳажга жўнатишмоқчи.

— Ундай бўлса мен навкарларим билан сизни кўриқлаб боргаймен! — деди Абдулла Мирзо. — Амударёдан эсон-омон ўтиб олсак, Ҳиротда ҳазрат момом борлар!

Ҳабиба Султон ҳам Ҳиротдаги момосини эслади:

— Момомга хат ёзган эдим. Яқинда жавоблари келди. Ҳазрат отажон, момом сизни меҳр билан қаламга олибдирлар... Ҳиротга жанг билан борганингизда Абдулатифнинг қазабидан кўрқиб Астрободга қочган эканлар. Сиз Бобо Хусайнни изларидан юбориб қайтармоқчи бўлган экансиз. Момом Абдулатифдан кўрқиб қайтмаган эканлар. Шуни эслаб, «Энди армон қиламен, пушаймон бўламен, ахир неваралар билан сарсон бўлиб юргандан кўра, подшоҳ ўғлимининг даргоҳида яшаганим афзал эмасмиди?» деб ёзибдилар.

— Мен ҳам армон қиламен, пушаймон бўламенки, Абдулатиф Ҳиротда Ихтиёриддин қалъасида ҳибсда ётганда онам ҳазратларининг маслаҳатларига кирмадим. «Абдулатиф бирор йил шу қалъада ётсин, ҳақимлар даволасин, замон тинчиганда чиқаргаймиз» дедилар. Агар онамининг маслаҳатига кирганимда, эҳтимол, Тарноб жанги ҳам бўлмас эди, Ҳирот билан Самарқанд орасига нифоқ ҳам тушмас эди.

— Начора! Бу ҳаммаси тақдиримизда бор экан, отажон!

— Болаларим, мабодо бошқа кўришолмасак, мендан рози бўлинглар!..

Улар йиғлаб хайрлашдилар. Саройдан келган беку навкарлар Улуғбекни яна қуршаб олиб, тун қоронғусига кириб кетдилар.

Эртаси куни хуфиялар Абдулла Мирзонинг ҳаж йўлида қайноғасига кўриқчилик қилиш нияти билан Кешга кетаётганини Абдулатифга етказдилар.

— Дарҳол тутиб келинлар! — деб буюрди Абдулатиф.

Абдулла Мирзони шаҳардан чиқаётганда тутиб олиб, Кўксаройга келтирилди ва энг қаттиқ қўриқланадиган ҳибсхонага қамаб қўйди.

Абдулатиф иниси Абдулазиз Мирзони Боғи майдонда яшириқча қатл эттирди. Шу тарзда у тахтга даъвогарлик қилиши мумкин бўлганларни бартараф қилгандан сўнг сарой мулозимларидан бўлган Ҳожи Муҳаммад Хусравни ўз ҳузурига чақиртирди.

— Сиз ҳажга бориб келгансиз, барча қоидаларини билурсиз. Шунинг учун бизнинг отамизга ҳаж сафарига ҳамроҳ бўлишни сизга топширмакчимиз!

— Бош устига, аълоҳазрат!

— Аммо шарт шуки, бунга ҳеч кимга, ҳатто аҳли аёлингизга ҳам айтмайсиз!

— Нечун, ҳазратим? Ахир йўл тайёрлиги... Хайр маъзур...

— Сабабини кейин билурсиз. Аммо шу дақиқадан бошлаб ҳар бир қадамнингиз давлат сирини ҳисоблангай. Сирини ошкор қилганлар омон қолмагай!

— Фаҳмадим, подшоҳ ҳазратлари! Фармонингизни сўзсиз адо этгумдир.

Қаттиқ сир тутилаётган нарсалар Улуғбекни ҳаж йўлида бартараф қилишга қаратилганини Ҳожи Муҳаммад кейин тушунди.

Абдулатифни чирмовуқдай ўраб олган вазирлар ва аъёнлар унинг ҳовлиқма феълени кўзгатирилди.

— Отангиз тирик бўлса Абдулла Мирзога ўхшаганлар яна бош кўтаргай!

— Уларга Ҳиротдан Гавҳаршод бегим кўмак юборгай!

— Кеш билан Термеда ҳам отангизнинг тарафдорлари куч тўпламоқда эмиш.

— Бунга ким айтди?! — кўзлари ола-кула бўлиб сўради Абдулатиф.

— Мана, хуфиялар маълумотини ўқиб кўринг, аъло ҳазрат, — деб девонбеги унга махфий ахборотларни берди.

Абдулатиф бу ахборотларни ўқир экан, донишманд отаси ҳаёт бўлгани учун уни эл-юрт подшо деб тан олмаётганини баралла сизди. Отасининг бу даражада машҳур бўлиб кетганига унинг ҳасади келди. Ҳасаддан ўртаниб хитоб қилди:

— Бирон йўл топинглар! Мени отамнинг соясидан офтобга олиб чиқинглар!

Абдулатифнинг агрофидагилар Улуғбек Мирзони яшириқча қата эттиришдан бошқа йўл йўқлигини айтдилар.

Бирок Абдулатиф падаркуш бўлишдан қўрқарди. «Шоҳнома»даги машҳур Заҳҳоки Морон отасини ўлдириб тахтни эгаллагани учун унинг икки елкасидан иккита очкўз илон бош кўтаргани ҳақидаги ривоятларни яхши биларди. Бу илонлар Заҳҳокнинг бошига етганига ҳам ишонарди.

Камолиддин девонбеги ўйлаб-ўйлаб бошқа йўл топди:

— Ҳазратим, сиз бир четда бетараф бўлиб тургайсиз. Отангизнинг душманлари кўп. Ҳамма ишни ўшалар қилгай: Аълам ҳазратлари отангиз томонидан таъмагирликда айбланиб ишдан бўшатиш экан. Бу ҳазрат отангиздан норози бўлиб юрган қози-ю, уламоларни йиғиб, фатво тайёрлагай. Бултур Гарноб жангидан сўнг Ҳирот бўсағасида Жаббор Сулдуз деган амирни отангиз қата эттирган эканлар.

— Рост, мен Жаббор Сулдузга шафоат сўраган эдим. «Тортиб олган ўлжаларини эгаларига қайтарсин, қонидан кечайлик» дедим. Отам Жабборбекнинг бошқа жиноятлари ҳам борлигини айтиб уни ўлимга ҳукм қилган эди.

— Ҳозир Аълам ҳазратлари бу ҳукмни ношаръий деб топмоқдалар. Жабборбекнинг Аббос Сулдуз деган ўғли бор экан. Ҳозир шу Абос Улуғбекдан отасининг хунини талаб қилмоқда. Қўйиб берайлик, қолган ишни булар ўзлари битирсин. Сиз бу ишни шарият пешволарига топширинг. Уларнинг фатвосини Чингизхон авлодидан бўлган Муғлуқхонга тасдиқлатгаймиз. Бобокалонингиз Амир Темур даврида шундай одат бор экан-ку.

— Аммо бу ҳаммаси қаттиқ сир сақланмоғи лозим! — буюрди Абдулатиф.

* * *

Суиқасдни ими-жимида амалга ошириш яна ўша вазир Иброҳимшоҳга топширилди.

Бомдод номозидан кейин Улуғбек Мирзо ва Ҳожи Муҳаммад Хусравни Иброҳимшоҳ ўз навкарлари билан ўраб олиб, Самарқанддан Оҳақлик тоғлари томон

бошлаб кетдилар. Ҳаж йўли ўша тоғ тепасидаги Тахти Қорача довони орқали ўтарди.

Улуғбек Мирзо Кўксаройдаги хонаки хибсдан қутулиб, ҳавоси тоза кенг жойларга чиққанда ўзини анча энгил ҳис қилди. Ҳамроҳи Ҳожи Муҳаммад Хусрав унга диёнатли, мўмин-мусулмон одам бўлиб кўринди.

— Худо хоҳласа ҳаж йўлида Ҳиротга ҳам киргаймиз! — деди Улуғбекка далда бериб. — Ҳазрат онангиз билан дийдор кўришгайсиз!

— Онамдан қизимиз Ҳабиба Султонга мактуб келган экан. Ҳазрат онам «қолган умримни ўғлим Улуғбекнинг даргоҳида ўтказиш орзусидамен» деб ёзибдилар.

— Илоё шу орзулари рўёбга чиқсин! — деб дуо қилди Ҳожи Муҳаммад Хусрав.

Шу тарзда бир-бирларининг кўнгилларига таскин бериб кечгача йўл юрдилар. Қош қорайганда орқадан яна отлиқ сипоҳилар етиб келди. Иброҳимшоҳга нималарнидир айтишди.

Шундан кейин Улуғбек Мирзо билан ҳамроҳини «Оби Суж» деб аталадиган бир ариқ бўйидаги кўрғончага бошлаб кирдилар.

— Бутун шу ерда тунагаймиз! — деб эълон қилди Иброҳимшоҳ.

Кўрғонча кимсасиз бефайз жой эди. Ички-ташқи ҳовлида ҳеч ким йўқ, гўё эгалари кўчиб кетган.

Улуғбек Мирзо бу ерда ёмон бир ният борлигини сизди. Лекин қайтиб чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди.

Улуғбекни қуршаб олиб келган беку навкарлар ташқи ҳовлида кўриқчилик қилмоқда эди. Хувилаган ички уй совуб ётарди. Ўчоқ ёнига тараша ва пайраҳалар тахлаб қўйилган экан. Ҳожи Хусрав куруқ пайраҳалар устига тарашаларни қалаштириб, олов ёқди.

Самур¹ пўстин кийган Улуғбек Мирзо қўлларини оловга тутиб исинаётганда эшик бирдан шарақлаб очилди.

Кўзлари ғазаб билан ёнган девдай бир йигит ичкарига отилиб кирди.

— Мен Аббос Сулдузмен! Отам Жаббор Сулдузнинг хунини талаб қилиб келдим!

Улуғбек сапчиб ўрнидан турди:

— Жаббор Сулдуз бултур Тарноб жангидан сўнг

¹ Самур — собол.

талончилик қилиб иликка тушганмиди? Отанг бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан! Ҳиротлик бокира қизнинг номусига теккан! Бунинг ҳаммаси учун шарият қонунига биноан қатл этилган!

— Сиз отамни ноҳақ қатл эттиргансиз! Ҳозирги подшоҳимиз Абдулатиф ҳазратлари отамга ёғий молини мусодара қилишга руҳсат берган эдилар. Буни ўшанда сизга айтиб шафоат ҳам сўраганлар. Лекин сиз жаҳлга берилиб отамни аёвсиз қатл эттирдингиз! Буни шарият пешволари тафтиш этиб фатво чиқардилар!

Аббос қўйнидан ўрам қилинган ва муҳрланган бир қоғозни олиб кўрсатди:

— Мана, Аълам ҳазратлари билан яна олтита қози менинг хундорлик талабимни «қондирилсин!» деб имзо чекдилар.

— Бу имзолар ҳаммаси бекор! Темурийлар давлатида ўлимга ҳукм қилиш ҳуқуқи фақат подшога берилур! Қани Абдулатиф Мирзонинг имзоси?! Қани муҳри?!

— Амир Темур Кўрагон даврида энг муҳим ишларни Чингизхон авлодига мансуб хонларнинг тасдиғи билан амалга ошириш одати бор экан. Абдулатиф ҳазратлари ана шу одатга риоя қилдилар. Сизни қатл этиш ҳақидаги ҳукмга подшомизнинг розилиғи билан хонлар авлодига мансуб Мўғлуқхон имзо чекиб муҳр босган! Мана, унинг имзоси, мана муҳри!

— Малъунлар! — деб Улуғбек Аббоснинг кўкрағига бир мушт урди. Фатвони унинг қўлидан юлиб олиб ўтга ташламоқчи бўлди. Лекин айиқдай зўр Аббос фатвони бермай, Улуғбекни итариб юборди. Орқасида турган иккита навқарига:

— Чилвир қани? — деди. — Илкини боғлаш керак! Ариқ бўйига машъала ёқинглар!

Ранглари оқариб кетган, ҳансираб оғир нафас олаётган Улуғбек Ҳожи Муҳаммадга юзланди:

— Бу ерда бизга қопқон қўйилган экан-ку! Сиз бу ёвуз ниятдан хабардормидингиз?!

— Тепамизда худо турибдир, ҳазратим! Мен бир ғариб мулозиммен! Бундан мутлақо беҳабармен!

— Ундай бўлса, илоҳим сиз тирик қолинг! Сўнги хоҳиш-иродамни сизга билдиргаймен!

Ҳожи Муҳаммад кўзига ёш олиб эшик томонга ўтди. Улуғбек сўнги сўзларини айтиб улгуриши учун эшикни ичкаридан ёпиб, тутқичидан маҳкам тутиб турди:

— Онам ҳазратлари мендан рози бўлсинлар! Бобо Хусайнга, Али Қушчига, Абдулла Мирзога, барча яхшиларга ҳақиқатни етказинг! Қонли қиличларни синдирадиган энг зўр куч — ҳақиқатдир! Менинг руҳим ёзган китобларимда қолгай! Шоядқи парвардигор менга умри соний иноят этса!.. Ҳайҳот! Менга берилган ҳаёт жомининг тубидан энг аччиқ қисмат чиқди! Пушт қамаримдан бўлган ўлим мени разил талончилар қиличи билан ўлдирмоқчи!.. На илож! Бир ўлим ҳамиша бошимизда бор. Мен парвардигордан тўрт мучам бутунлигида хор-зор қилмай омонатини олишини сўрар эдим. Шу илтижо бугун ижобат бўлса начора! Бу мальунлар мени судраб хор қилмасинлар. Эшикни очинг, мавлоно! Узим чиқай!

Мирзо Улуғбек эшиқдан дадил қадамлар билан ҳовлига чиқди.

Ариқ бўйидаги дарахтга осилган машғала чарсиллаб ёнмоқда эди. Чилвир тутган бир навкар Улуғбекнинг қўлини орқасига боғлагунча у сокин туриб берди. Қилич яланғочлаб олган баҳайбат Аббос Улуғбекка машғала қаршисидан жой кўрсатди. Улуғбек юзини қиблага қаратиб: — Ё оллоҳ! Адолатни ўзинг ўрнатгайсен — деб илтижо қилди.

Бунинг ҳаммасини очиқ эшик орқали кузатиб турган Ҳожи Муҳаммад машғала ёриғида ялтираган қилич Улуғбекнинг бўйнига келиб зарб билан урилганини кўрди-ю, даҳшатли манзарага бардош беролмай ичкарига қочиб кириб кетди...

Ўша кеча марҳумнинг жасадини кесик боши билан бирга арчадан қилинган мустаҳкам тобутта солдилар. Тобутни ҳеч ким очолмайдиган қилиб бекитдилар. Тонг, қоронғусида Ҳожи Муҳаммад Хусравга жаноза ўқитиб, марҳумни ими-жимидида Амир Темур мақбарасига дафн этдилар. Кейин Абдуллатиф номидан маҳалла-қўйга худойи ош беришиб, «Ҳазратнинг оталари ҳаж йўлида хасталаниб вафот этдилар» деган расмий хабар тарқатдилар.

ҚОНЛИ ҚИЛИЧ ВА ҲАҚ СЎЗ

Ҳирот боғларида гилос ва олчалар оппоқ бўлиб гуллаган. Боғ оралаб ўтган Гавҳаршод бегим эса ўғли Улуғбекка аза тутиб қора либос кийган.

Бугун чоршанба. Гавҳаршод бегим эрталабдан ўз

номидаги олти миноралик улкан мадрасага келиб, толиби илм ва мударрисларни қабул қилмоқда.

Қабулхона эшигида бегимнинг Турканшоҳ деган содиқ навқари соқчилик қилиб турибди. Мадраса маъмуриятини бошқарадиган мутавалли ташқи эшиқдан симоби салла ўраган, мошгурунч соқолли барваста кишини бошлаб кирди. Қабулхонада ўлтирган кекса канизакка:

— Бу жанобни ҳазрат бегим яхши биладилар, ҳузурларига бошлаб киришг, — деб топшириқ берди.

Юзига оқ ҳарир парда тутган канизак барваста кишини Гавҳаршод бегим ҳузурига олиб кирди.

Бегим бу одамни юз-кўзидан ва таъзим қилиб салом берганда овозидан таниди-ю, бирдан кўнгли бузулди:

— Бобо Ҳусайн! Ўғлим Улуғбекнинг содиқ амири! — деб йиғлаб сўрашди. — Бу не кўргилик?! Шундай улуғ сиймодан нечун жудо бўлдики?!

Бобо Ҳусайннинг кўзлари ҳам намланди:

— — Золимлар бошимизга шу мусибатни солди... Тақдир экан...

— Қайси золимлар? «Мирзо Улуғбек ҳаж йўлида хасталаниб вафот этди» деган расмий хабар олдики. Шу ростми?

Бобо Ҳусайн орқасига қараб, эшик ёпиқ эканига ишонгач, паст товуш билан:

— Бу ахборот ғирт ёлғон, ҳазрат бегим! — деди.

Гавҳаршод бегим неча кунлардан бери дилини ўртаб юрган мавҳум саволларга ҳозир жавоб олиши мумкинлигини сизди. Ҳаяжондан нафаси титраб, Бобо Ҳусайнни ичкариги хонага таклиф этди. Саккиз оёқлик миз атрофида бахмал қопланган курсилардан бирига ўзи ўлтирди-ю, қаршисига Бобо Ҳусайнни таклиф қилди. Кўз ёшларини кўк ипак рўмолча билан апил-тапил артди. — Сўзланг, болам! Сиз менга фарзанддек азизсиз... Ақлга сиғдириб бўлмайдиган бу фожиа қаёқдан келди?

— Қиличидан қон томган золим бекларнинг бу галги исёни Мирзо Абдулатифнинг ҳовлиқма феълию, телбаликларидан куч олиб, улкан бир ёнғинга айланиб кетди, ҳазрат бегим! Бу ёнғин Балхдан, Амударё бўйларидан бошлангани маълумингиздир. Биз ҳазрат Улуғбек бошчилигида уларнинг йўлларини тўсиб, икки ойгача исёнчиларни дарёдан Самарқанд томонга ўтгани

қўймадик. Бизнинг қўшинлар орасида йигирма олти ёшлик теурийзода Султон Абусайид ҳам бор эди. Шу одам ота билан ўғилни уруштириб қўйиб, Самарқанд тахтини ўзи эгаллаш фикрида юрган экан. Бир кун кечаси Абусайид беш минг қўшин билан бизнинг қароргоҳдан яширинча чиқиб, Самарқандга йўл олибди. Пойтахтга тажовуз қилиб, уни босиб олиш ҳаракатига тушибдир. Ҳазратим бу ташвишли хабарни эшитгандан сўнг қўшиннинг озроқ қисмини дарё бўйига қоровул қилиб қолдирдилар-да, асосий кучларни шитоб билан Самарқанд ҳимоясига бошлаб бордилар. Абусайид Мирзо бизнинг қўшинга бас келолмай, Бухоро томонга қочди. Аммо бу орада Абдулатиф қўшини Амударёдан ўтиб, биз қолдирган қоровулни тормор қилибди-ю, отларини елдириб, Кеш шаҳрига етиб келибдир.

— Султон Абусайид Улуғбекка хиёнат қилиб, Абдулатифга кўмак берибди-да!

— Айни шундай!.. Аммо Султон Абусайиднинг ёмонлиги кейинчалик ўзига қайтди. Абдулатиф унинг Самарқанд тахтига даъвогар эканини сезиб, дарҳол ҳибс қилдирди. Абусайид ҳозир Бухорода зиндонда ётибди! Абдулатифга ҳам қасос қайтадиган кун келгай, ҳазрат бегим!

— Лекин энди ўғлим Улуғбек қайтиб келмагай! Наҳотки уни қасддан ўлдирган бўлсалар, жаноб Хусайнбек?

— Не тил билан айтай, бегим! Умрларининг сўнги кунигача бирга бўлишга интилдим. Ҳазратимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз жонимни қурбон қилишга ҳам тайёр эдим. Лекин Шоҳруҳиядан Самарқандга бош эгиб борган кунимиз ҳазратимни Абдулатиф юборган беку навкарлар ўраб олди-ю, Кўксаройга бошлаб кетди. Кейин суриштириб билсам, Абдулатиф ўзининг одамларидан Ҳожи Муҳаммад Хусрав деган бир уламони Улуғбек Мирзога қўшиб ҳаж сафарига жўнатган экан. Бу одамни мен яхши танир эдим. Бир кун Самарқанд билан Кеш оралигидаги Тахти Қорача довонида уни учратиб қолдим. Ҳазрати Башир мазорини зиёрат қилгани кетаётган экан.

— Қочиб юрибмен, мен билган сирларни бошқа ҳеч ким билмайди, билганларнинг кўпини ўлдириб юборишди, — дейди. — Улуғбек ҳазратларининг ўлим олдидан айтган гаплари бор, зиммамда қиёматлик қарз

бўлиб турибдир, дейди. Охирги дақиқаларда онҳазрат сиз билан мени эслабдилар, ҳазрат бегим! Шунинг учун Ҳожи Муҳаммад Хусрав бизни ҳоли бир жойда учратиб, бутун воқеани сўзлаб бермоқчи бўлиб юрган экан.

— Оҳ, жаноб Ҳусайнбек уни ҳам Ҳиротга бирга олиб келсангиз бўларди-ку!

— Чегарада иликка тушиб қолишдан қўрқди. «Кейинроқ замон тинчиганда борурмен» деди. Лекин довон устида хилват бир жойда ўлтириб, менга фожианинг бутун тафсилотларини сўзлаб берди.

Бобо Ҳусайнбек ҳозир Ҳиротда ўлтириб, Ҳожи Муҳаммад Хусравдан эшитганларини ўзи кўрган-билган воқеалар билан тўлдириб, бирма-бир айтиб берар экан, Гавҳаршод бегимнинг кўзи олдида ўғли Улуғбекнинг охирги кунлари, сўнгги дақиқалари фожиавий тафсилотларга тўлиб гавадаланди.

— Э, воҳ, шаҳид кетган ўғлим Тарағайжон! — деб юм-юм йиғлади. — Кетиш навбати меники эди-ку! «Ўғлим изимда қолсин!» деб, жойнамоз устида ўлтириб парвардигордан илтижолар қилган эмасмидим?! Ёшим етмишдан ошганда яна фарзанд доғида куйиб ёниш пешонамда бор эканда, жаноб Ҳусайнбек!

Биз ҳам валенеъматимиз доғида куйиб ёниб юрибмиз, ҳазрат бегим! Мен сизнинг дил яраларингизни янгилаган бўлсам, ўтиниб узр сўраймен! Лекин ул зоти олийнинг сўнгги хоҳиш-иродаларини сизга етказиш менинг бурчим эди.

Гавҳаршод бегим кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб, овози бўғилиб гапирди:

— Садоқатингиз учун сизга минг раҳмат! Ўғлимни бағримга босиб видолашиш менга насиб қилмади. Энди Самарқандга бориб қабрини қучоқлаб ўлсам ҳам рози бўлурмен!

— Ҳозир Самарқандлар жуда нотинч, бегим. Абдулатифнинг сизга адовати чексиз... замон тинчимасдан борсангиз сизга ҳам қасд қилишлари аниқ.

— Ҳирот тождори Абулқосим Бобур ҳам шундай дедилар. Бу неварам ҳийла инсофли, менга ғамхўр. Ҳозир эмин-эркин юрибмен. Лекин Самарқандга борадиган йўлларимга Абдулатиф чиндан ров бўлиб турибдир. Бу ровни олиб ташлашнинг ҳеч бир иложи йўқми, жаноб Ҳусайнбек?

Бобо Ҳусайн овозини пасайтириб:

— Худо хоҳласа, иложи топилгай, — деди. — Улуғ-

бек ҳазртлари сўнгги сўзларида «қонли қиличларни ҳақиқат синдиргай» деб башорат қилибдирлар. Биз бу башоратни рўёбга чиқариш ҳаракатидамиз. Золимлар ҳақиқатни яширишга қанчалик тиришмасин, эл-улус Абдулатифнинг падаркушлик қилганидан воқиф бўлмоқда. Одамларнинг унга нафрати кун сайин ортиб борур. Ўзи ҳам буни сезса керак, жума номозига келишдан ҳам кўрқиб қолган. Ўз халқидан бу даражада кўрқадиган подшоҳи умримда биринчи кўришим. Ободончилик йўқ. Қурилишлар тўхтатилган. Мадраса-ю, расадхоналар берк. Олиму фозил кишилар таъқиб остида. Ҳатто Абдулатифнинг атрофида юрганлар унинг ёвуз феълидан қандай жон сақлашни билмайдилар. Балху Бадахшондаёқ борган амирлар баланд лавозимларни эгаллаб олиб, порахўрликни авжига чиқарган. Барча амалдорлик ўринлари тиллага сотилмоқда. Ким кўпроқ тилла берса, энг ёғлиқ жой ўшаники. Буни биладиган сарой мулозимлари ҳақиқатни Абдулатифга айтишдан кўрқадилар, Иброҳимшоҳ Бадахший деганлар тепада ўлтириб олиб, рост гапни айтганларнинг пайини қирқмоқда. Мамлакатда аҳвол кун сайин ёмонлашаётганидан изтиробга тушган баъзи инсофли сарой мулозимлари биз билан яшириқча ҳамкорлик қилурлар. Мен ўшалардан эшитдим. Нохуш ҳодисалар тўғрисида рост гапни айтган одам Абдулатифдан балога қолармиш. «Сен ўзинг айбдорсен, нечун вақтида чора кўрмадинг?!» деб, ҳақиқатни айтган одамга жазо берармиш. Лекин унга ширин ёлғонларни айтиб, «Сизнинг доно подшоҳлик қилаётганингиз туфайли ҳамма иш аъло!» деганларнинг ошиғи олчи эмиш. Ҳар куни май базми қилармиш. Тунлари гўзал қизлар билан айшу ишрат... бу кетишда падаркуш мамлакатни бутунлай харобага айлантиргай. Ўзи ҳам оғриқ тишга ўхшаб лиқиллаб турибдир. Бир зарб билан уни суғуриб олиб ташлаш — виждони бор туронликларнинг энг зўр мақсади бўлиб қолди. Сиз бизнинг Маҳди Улё — авлиё онамизсиз. Оқ фотиҳангизни олайлик деб ҳузурингизга келдим.

— Жоним билан сиздек мард ўғлонларни дуо қилурмен. Фақат... боламнинг боласини ҳар қанча ёмон бўлса ҳам... қатл этишга бош қўшолмагаймен.

— Балки ҳибс қилгаймиз. Вазиятга қарагаймиз ҳазрат бегим. Тарафдорларимиз кўп. Очиқчасига исён кўтармоғимиз ҳам мумкин.

— Исёндан худо сақласин, Ҳусайнбек! Абдулатиф-

нинг қиличидан қон томган беку навқарлари кўп экан. Минг-минг одам ҳар икки томондан беҳуда ҳалок бўлмай.

— Ҳа, исённинг оқибати ёмон бўлмай. Ундан кўра Абдулатифнинг ўзини бартараф этмоқчимиз.

— Уни ўртадан кўтарсаларингиз, ўрнига кимни тахтга чиқармоқчисизлар?

— Ҳазрат бегим, бу ишда ҳам сиздан маслаҳат сўрамоқчимиз. Биз Абдулла Мирзога мойилмиз... Ўзи ҳозир ҳибсда. Бизнинг ниятимиздан беҳабар.

— Абдулла Мирзонинг кўзига мил тортиб, кўр қилибдирлар деб эшитдик. Ростми?

— Абдулатиф шундай буйруқ берган экан. Биз саройдаги махфий одамларимиз орқали буни билиб қолдик. Ҳабиба Султон бегим оталаридан мерос олган қимматбаҳо нарсаларини соттирдилар. Юз минг тиллани жаллодларга, ҳибсхона бошлиғига яшириқча бердик. Ҳаммаси порахўр, тиллога сотилурлар. «Абдулла Мирзони кўр қилдик» деб, Абдулатифга ёлгон ахборот беришибдир. Аслида, кўзлари соғ, фақат Абдулатифнинг одамлари келиб қолса кўзини боғлаб, ўзини кўр қилиб кўрсатар эканлар.

— Хайрият!

— Биз бу ёвузларни ўз иллатлари ёрдамида бартараф қилмоқчимиз. Мен ҳозир Ҳиротга подшоҳ карвонини кўриқлаб келдим, ҳазрат бегим. Абдулатифнинг кўриқчилари сафига хизматга кирдим. Туну кун тиним йўқ. Абдулатифнинг Қаноатшоҳ деган бадахшонлик кўрчибошиси бор экан. У ҳам порани яхши кўраркан. Ҳар ойда минг тилладан бериб, у билан иноқ бўлиб қолдим. Сир олиш учун керак-да.

— Ҳа, ганимнинг ичида бўлган одам билиб иш қиладир. Абдулла Мирзога катта яхшилиқлар қилибсиз, жаноб Хусайнбек. Сизга минг раҳмат! Агар уни тахтга чиқарсаларингиз, Улуғбек Мирзонинг руҳи ҳам шод бўлмай. Охириги пайтда Улуғбек Абдулла Мирзони валиаҳд қилмоқчи бўлган экан. Менга буни Ҳабиба Султон бегим мактубида ёзиб юборган эди.

Гавҳаршод бегим суюкли ўғлининг ўлим олдидан ўзини қандай мардона тутганини яна бир кўз олдига келтирди-ю, юм-юм йиғлаб гапирди:

— Оҳ, мен ҳам шундай ўғилнинг қадрига етмаган эканмен-а! Тарноб жангидан кейин Машҳад йўлида кетаётганимизда сиз Улуғбекдан чопар бўлиб келган эдингиз, жаноб Хусайнбек! Ушанда мен ҳам узоқни

ўйламай рад жавоби берган эканмен! Нуқул неваралар гамини егунча Улуғбекдек даҳонинг ёнида бўлганим яхши эмасмиди?! Ахир у подшоҳ эди-ку. Сиздек амирлари бор эди, мени Абдулатифнинг тажовузларидан ҳимоя қилишга кучи етмасмиди? Мушкул вазиятларда мен унинг ёнида бўлсам, фойдам тегар эди-ку! Ахир Шоҳруҳ Мирзодай улуғ подшоҳ оғир дамларда мендан озгина бўлса ҳам мадад олар эдилар-ку. Ана шундай мададни Улуғбек Мирзога берсам, балки бундай фожиалар содир бўлмасмиди?! Ахир мен ёшимни яшаган эдим, етмишдан ошган эдим, қолган умримни Улуғбекдай ўғлимга бағишласам арзимасмиди?! Ичим тўла армон, жаноб Ҳусайнбек! Ўзимдан ҳам ўтди, минг пушаймонмен!

— Ҳазрат бегим, бу ҳаммаси тақдирда бор экан. Бандалари чидашга мажбур экан! Худо сизга қувват берсин, бизга нажот берсин! Улуғбек ҳазратлари умрининг энг сўнгги дамларида оллоҳдан адолат сўраган эканлар...

— Энди сиз билан бизга Улуғбек Мирзо илтижо қилган ўша адолат насиб этсин! — Гавҳаршод бегим кўзда ёш билан фотиҳага қўл очди: — Оллоҳу таоло, ҳар куни беш вақт намозларимда сендан мағфират сўрайман, билиб-билмай қилган гуноҳларимни афу этгайсен! Адолат йўлида фидойилик қилаётган Бобо Ҳусайн Туркистоний каби мард ўғлонларга ўзинг қушойиши қор бергайсен! Неварам Абдулла Мирзога ўзингдан нажот тилаймен! Илоё ҳақ жойида қарор топсин! Яратганининг ўзи бизни яхши ниятларимизга етказсин. Омин!

— Омин, Аллоҳу акбар! — деб Бобо Ҳусайн ҳам юзига фотиҳа тортди.

РУҲИЙ ҚИЙНОҚЛАР

Савр ойининг момоқалдиروقли ёмғирларидан кейин Самарқанд атрофидаги боғлар ям-яшил бўлиб яшнаб турибди. Олма ва беҳилар гулини тўккандан сўнг анор ва жийдалар энди гулга кирган.

Амир Темур давридан мерос қолган боғларнинг энг улкани ва ободи Боғи Дилкушо эди. Абдулатиф тахтта ўлтиргандан сўнг Улуғбек Мирзонинг қизлари ва ҳарамини Ургут йўлидаги кўримсизроқ Боғи Зонга кўчиртириб юборди. Боғи Дилкушодаги уч оши-

ёнлик мухташам қаср қайтадан жиҳозланиб, унга Абдулатифнинг онаси Хусн Нигор Хоним жойлаштирилди.

Бёғи Дилкушонинг тўрт томонида тўртта чиройли кўшқлар бор эди. Абдулатиф уларга ўзининг тўрт хотинини кўчиртириб келди.

У жуда эрта уйланган эди. Бу хотинлардан тутилган беш ўғилнинг тўнғичи Абдураззоқ Мирзо ўн ёшда, Жўқий ва Аҳмад Мирзолар тўққиз ёшлик, Қайду Мирзо еттига кирди, Боқий Мирзо ҳам йил сайин бўйга тортиб боряпти. Абдулатиф йигирма саккиз ёшдаёқ беш ўғилнинг отаси бўлгани унинг толе юдузи нақадар порлоқ эканидан далолат бераётгандек туюлади.

Бу толе юдузи эл-юртнинг кўзига яққолроқ ташланиши учун Абдулатиф ҳамал ойида Самарқандда катта ўғил тўйи ўтказди, барча маҳаллаларга ош берди. Чўпон ота тепаликлари ортида уч кун эртадан кечгача сайил ва кўпкари бўлди.

Улоқни маррага элтиб ташлаганларга от ва туядан тортиб, ипак гиламларгача ўнлаб қимматбаҳо совринлар берилди.

Айни вақтда, подшонинг ўғил тўйига барча вилоят ва туманлардан, хусусан, Самарқанднинг ўзидан шунча кўп совға ва тўёналар келдики, Абдулатиф тўйга қилган харажатини ўн баробар ортиғи билан чиқариб олди.

Аммо чекка-чеккада юрган баъзи уламо ва мударрислар «отасининг йил ошини бермасдан бурун ўғилларига дабдабали тўй қилди, падаркушлигини шу билан яна бир кўрсатиб қўйди!» деб Абдулатифдан нафратланиб гапиришарди.

Бу гаплар узун қулоқ хуфиялар орқали Абдулатифга етиб борганда унинг ғазаби қайнаб кетди:

— Кимлар бу нонкўрлар?! Мен тўй қилиб, элга ош бериб, яна маломатга қолайми?! Туттиринг ҳаммасини! Ҳибс қилдиринг!

Девонбеги Камолиддин ўзи ёмон кўрган олиму фозилардан яна беш олти кишини қамоққа ташлади. Уларнинг орасида Улуғбек Мирзонинг севимли шогирди Али Қушчи ҳам бор эди.

Лекин Абдулатиф ва Камолиддин Балхий илму ижод аҳлини қатагон қилганлар сари эл-юрт орасида норозилик кучайиб борар, «отасини ўлдиртирган падаркуш худонинг ғазабига учрасин!» деган қарғишлар Улуғбек

Мирзо қабрини зиёрат қилишга келганлар орасида ҳам қулоққа чалинади.

Бугун азонда аёллар одатига биноан офтоб чиқмасдан олдин Амир Темури мақбарасига зиёратга келган Хусн Нигор хоним бу қарғишни нуроний бир аёлнинг оғзидан эшитди-ю, қанг-манг бўлиб сўради:

— Холамулло, ким у падаркуш?!

Хусн Нигор хоним Абдулатифнинг онаси эканини сезиб қолган кайвони:

— Билмаймен, кўчада одамлардан эшитдим, — деди-ю, хонимни қўриқлаб юрган соқчилардан ҳайиқиб, ўзини зиёратга келган халойиқнинг орасига урди ва кўздан ғойиб бўлди.

Хусн Нигор хоним ҳазрати Амир Темури ва Шоҳруҳ Мирзолар арвоҳига атаб тиловатлар қилгандан сўнг, уларнинг ёнига қўйилган Улуғбек Мирзо қабрининг оёқ томонига тиз чўкиб, кўзига ёш олди.

Хоним одамларнинг «падаркуш» деган сўзларига ишонмаса ҳам, лекин у тукқан ўғил отасига қарши қилич яланғочлаб, жанг майдонида уни енггани ва отани мажбуран ҳажга жўнатгани учун она ўзини алланечук гуноҳкор сезарди.

Балки бу шафқатсизлик ва ҳаддан зиёд тахтпарастлик Абдулатифга она сути орқали ўтгандир? Ахир хонимнинг отаси Халил Султон худди шу ёшда бобосининг васиятига қарши бориб, Самарқанд тахтини зўравонлик билан эгалламаганмиди?! Кейин Халил Султон ўзини тарбиялаб ўстирган ва суюкли хотини Шодимулк бегимни нақд ўлимлардан қутқариб қолган Биби Хонимнинг Бобо Турмуш томонидан заҳарлаб ўлдиришига сабаб бўлмаганмиди?! Улуғбек Мирзо бу воқеаларни Хусн Нигор хонимга айтиб берганда: «Эҳтиёт бўлинг, ўғлимиз Абдулатиф бобоси Халил Султонга ҳеч ҳам ўхшамасин!» демаганмиди?

Лекин ирсият орқали келган ва сут билан ўтган иллат қаршисида Хусн Нигор хоним нима қила олади?

Улуғбек Мирзодай унутилмас сиймо билан бирга ўтказган масъуд дамларини эслаганда унинг кўзларига ёш қуюлиб келди. Қабрининг совуқ мрамарига юзини қўйиб шивирлади: «Барча гуноҳларим учун афу сўраймен, парвардигор мени фарзанд доғидан асра-син!» деб кўзда ёш билан илтижо қилди.

Абдулатиф Боғи Дилкушодаги барча аёллар, болалар, хизматкорлар ва тарбиячиларга онасини бош назоратчи қилиб қўйган эди. Ўзи бу боққа беш-тўрт кунда бир келар ва энг аввал онаси турадиган уч ошиёнлик қасрга кирар эди. Ҳар сафар подшонинг келишига қуюқ зиёфат тайёрланар, ўғиллар байрамона кийинтириларди. Абдулатиф ўғилларининг олтин камар боғлаб, қурол тақиб юришини яхши кўрарди.

Мана бугун кечки пайт катта қасрнинг қабулхонасига Абдураззоқ Мирзо бўйи-бастига мослаб ясалган олтин сопли қилич тақиб келиб, отасига таъзим бажо келтирди. Ундан кейин кирган Аҳмад, Жўқий ва Қайду Мирзоларнинг белидаги ханжар қинига зумрад ва ёқут тошлар қадалган эди. Абдулатиф ўғилларини суйиб эркалатар экан:

— Қилични ҳам ўнг, ҳам чап илик билан чопишга ўрганинглар, — деб буюрди. — Ҳар икки илик билан ханжар уришни ҳам болаликдан ўрганмоқ зарур.

— Подшоҳ ўғлим, булар ўқиш-ёзишни ҳам яхшироқ эплашсин! — деди Ҳусн Нигор хоним. — Ахир сиз шу ёшларда илму ижодга ҳам қизиқар эдингизку. Шеър ҳам ёзар эдингиз.

— Албатта, китоб ўқишсин! Аммо муаллимлари буларни китоб дафтарга қизиқтиришсин! Сиз ҳам, ҳазрат момоси, буларнинг яхши ўқишини назорат қилинг.

Абдулатиф ўғилларига тўй пайтида тушган энг нодир совғалардан бериб, ҳаммасини хурсанд қилиб жўнатди.

Ҳусн Нигор хоним ўғли билан ёлғиз қолганда:

— Шоҳ ўғлим, мен марҳум отангизнинг қабрини зиёрат қилгани борган эдим, — деди. — Қабр ёнида ёмон бир сўз эшитдим. Сизга айтмай десам тилим қуядир, айтмай десам дилим.

— Қандай сўз экан? Қани, мен ҳам эшитай...

— Гўё сиз отангизни ўлдирган падаркуш эмишсиз...

Бу сўзлардан Абдулатифнинг ранги қув ўчди. Уни бирдан қалтироқ босди:

— Ёлгон! Тухмат! Ким айтди?! Нечун туттирмадингиз?!

— Бир кекса аёл... Мен уни туттирганим билан...

бошқа яна қанчаси бор. Шоҳ ўғлим, эл оғзига элак тутиб бўлмагай! Наҳотки сиз?!..

— Йўқ, йўқ! Аълаам бошлиқ қозилар фатво берган... Аббос Сулдуз отасининг қасдига отамни ўлдирган экан... Мен буни кейин билдим!..

— Кейин?.. Ахир отангизни ҳажга сиз жўнатган эмасмидингиз? Нечун бу қотилликка йўл бердингиз?!

— Мени аврашди. Ваҳима қилишди. «Отангиз тирик бўлса сизни халқ подшо ўрнида кўрмагай» дейишди.

— Ким шундай деди? Ким?!?

— Амир Иброҳимшоҳ... Кейин ўзи бутун айбни менга тўнкабдир! Бир ичкилик базмида маст бўлиб мақтанибдир. «Биз подшони кўндирдик, бўлмаса отасини ўлдиришга ким журъат этарди?» дебди. Буни эшитган Эсон Буқо билан Таваккал барлос ҳаммасини менга келиб айтди. Аблах Иброҳимшоҳ «Сиз бетараф тургайсиз, бутун айб Аббосга тушгай» деб мени ишонтирган эди. Энди бутун айбни менга тўнкабдир... Мени падаркушиликда айблабди! Шу аблаҳлиги учун Амир Иброҳимшоҳни ҳибс қилдирдим! Моли-мулки мусодара бўлди!

— Айтилган гап — отилган ўқ, қайтиб келмайди! Ахир отангиз тахтни ўз ихтиёрлари билан сизга топшириб мардлик қилган эдилар-ку?! Бунга жавобан унинг жонига қасд қилиш... Қандай даҳшат!

Бирдан Абдулатифнинг лаблари кўкариб кетди, пешонасини совуқ тер босди. Кўзлари ола-қула бўлиб, бадани қалтираб гапирди:

— Мен... отамнинг қасдини олдим!.. Аббоснинг қўлини орқасига боғлатиб тиз чўқтирдим... Оёғимга бош уриб афу сўради. Лекин кечирмадим! Мен қиличимни суғурдим! «Сен менинг отамни қандай ўлдирган бўлсанг, ўзинг ҳам шундай ўлгайсен!» дедим. Қиличнинг бир зарби билан бошини кесиб ташладим!

Ҳусн Нигор хонимни ҳам титроқ босди:

— Ё алҳазар! Сиз... менинг ўғлим... бош кесдингиз?! Ўз илқингиз билан одам ўлдирддингиз?!

— Мен отамнинг кушандасидан қасд олиб бир аламдан чиқдим! Ўғлингиз жангларда қилич чопиб ёғийларни ўлдирганини билмасмидингиз?!

Абдулатиф ҳозир шу туришда Ҳусн Нигор хонимга марҳум отаси Халил Султонни эслатди. Икки қўллаб қилич чопадиган Халил Султон ҳам жангларда жуда кўп одамларнинг бошини кесган ва бу иши билан

фахрланиб юрар эди. Ҳусн Нигор хонимнинг дилида ўғлига нисбатан совуқ бир туйғу — нафратми, қўркувми пайдо бўлди.

— Менга бу гапларни айтманг, болам! Сиз гапирманг, мен эшитмай! Қўрқиб жинни бўламен!

— Онамга дил ёриб гапирмасам дардимни кимга айтай? Кечалари уйқум ўчиб кетадир. Қулоғимга арвоҳларнинг чирқираши эшитилгандай бўладир. Ухла-сам тушимга отам кирадир... Устида ҳожиларнинг оқ эхромни. Менга ўқрайиб қарайдир, аммо гапирмайдир. Кейин оқ эхром ўрнига кафан кийиб устимга бостириб келади. Қўрқиб уйғониб кетамен!

Ҳусн Нигор хоним ўғлининг бу руҳий қийноқлардан қони қочган сўлғин юзига қаради-ю, яна оналик туйғуси устун келди:

— Хос ҳақимингиз бор эди-ку, болам! Асабни тинчитадиган дорилардан бермадимми?

— Э, дори-пори қор қилмайди. Гулобга афъюн қўшиб ичадиган бўлдим. Бир неча соат қаттиқ ухлай-мен. Кейин шундай бўшашиб, ақлим заифлашганга ўхшаб бемадор бўлиб уйғонамен! Афъюн таъсирида одамнинг кўзига ҳар хил нарсалар кўринадиган бўлиб қоларкан. Бир марта тонг ёришганда уйғонсам, хоб-гоҳимга қора кийган барваста аёл кириб келди. Тикилиб қарасам, момом Гавҳаршоҳ бегим! Кўзларини ўқдай тикиб менга қараганда қўрқиб қичқириб юборибмен... Билмадим, бу ҳодиса тушимда бўлдимми, ўнгимдами?.. Кун бўйи жиним чиқиб юрдим. Ҳозир ҳам эсласам юрагим така-пука бўладир. Онажон, бу қийноқлардан мени ким қутқаргай?! Тушимга кесик каллалар кирадир. Бир марта тушимда ўзимнинг бошимни ҳам кўрдим. Кимдир олтин барқашга кесилган бошни солиб, устига оқ ҳарир мато ёпиб кўтариб кирди. Очиб қарасам, ўзимнинг бошим!

— Вой-ей, энди мен ҳам қўрқиб жинни бўламен!! Буни менга нега айтасиз, болам?!

— Бошқа кимга айтай?! Агар менинг руҳий касалим бўлса, бунинг учун фақат ўзим айбдорми? Бобом Халил Султоннинг жунуни бор дер эдилар. Бу жунун оталари Мироншоҳ билан оналари Хонзода бегимдан ўтган дейишарди. Эшитган бўлсангиз керак, Соҳибқирон бобомизнинг катта ўғиллари Жаҳонгир Мирзо вафот этганда, хотинлари Хонзода бегимнинг икки ўғли бор экан. Ёши Мироншоҳ Мирзодан катта экан. Бу келин икки ўғли билан бегона хонадонга кетмасин

деб, Хонзода бегимни Мироншоҳ Мирзога учинчи хотин қилиб никоҳлаб берган эканлар. Лекин Мироншоҳ Мирзо келинойиси бўлган ёши катта Хонзода бегимга кўнгилисиз экан. Момолари Биби Хонимнинг Хонзода бегимга раҳми келаркан. Мироншоҳ Мирзонининг хобгоҳига бир ой — қирқ кунда мажбур қилиб юборар экан. Мироншоҳ Мирзо кўнгилисиз бўлгани учун Хонзода бегимнинг олдига май ичиб, кайф қилиб борар экан. Мана шу мажбурий никоҳдан бобомиз Халил Султон туғулган эканлар. Эҳтимол, Халил Султоннинг жунунига шу ҳам сабаб бўлгандир? Ахир бечора Халил Султон йигирма етти ёшида касал бўлиб ўлиб кетган-ку!

Хусн Нигор хоним ўзининг ҳам кўнглидан ўтган бу гапларни алланечук карахт аҳволда жим ўлтириб тинглади. «Яқин қариндошлар никоҳидан кўпинча носоғлом болалар туғилгай» деган сўзлар эсига тушди. Гап мавзусини ўғлининг тушига қирадиган васвасалардан узоқроқ олиб кетиш учун:

— Хўп, шоҳ ўғлим, сиз шундай фикрга келган бўлсангиз, ўғилларингизни яқин қариндошларга зинҳор уйлантирмагаймиз! — деди.

— Бу-ку, сизу бизга боғлиқ. Аммо отам билан момом... Нуқул менинг тушларимга кириб, кўзларимга кўриниб, ақду ҳушимни бошимдан учирадирлар. Бунинг не чораси бор?

— Чораси — худойи қилиш, тиловат... Тавба... Сиз билан мен отангизнинг арвоҳи олдига гуноҳқормиз. Буни тан олиб афу сўрайлик, жон болам!

Абдулатиф яна бирдан ўзгарди. Ҳазабдан ранги оқариб, титраб-қалтираб сўради:

— А, не дедингиз?! Тан олай?! Тавба қилай?! Сиз ҳам мени падаркуш демоқчимисиз?! Мен — падаркуш?!

Абдулатифнинг қонталаш кўзлари ва таҳдиди ва жоҳати йиртқич йўлбарсни эслатарди. Хусн Нигор хоним ўғлининг ҳазабидан қўрқиб, унга беихтиёр ён берди.

— Сиз эмас! Йўқ! Сиз эмас!

— Э, агар мен буни тан олсам ўзимга ўлим чақиргандай бўлурмен, ҳазрат она! Ахир Низомийни ўқимаганмисиз? Падаркуш олти ойдан ортиқ умр кўрмагай деб ёзмаганми Ганжавий? Тарихда бу каромат неча бор исбот бўлганини мен билурмен! Наҳотки сиз ёлғиз ўғлингизнинг олти ойда ҳалок бўлишини тилайсиз?!

— Йўф-ей, худо сақласин! Мен намозларимда сизга узоқ умр тилаймен!

— Ҳа, мен ҳам узоқ яшашни истаймен! Шунинг учун мени падаркуш деганларни йўқ қилгаймен! Отамни ўлдирган Аббосдан қасд олдим! Мени авраб шу ишга аралаштирган Амир Иброҳимшоҳни зиндонда чиритгаймен! Керак бўлса бошқаларининг ҳам жазосини берурмен! Сиз, менинг онам, бир нарсага қаттиқ ишонинг! Мен падаркуш эмасмен!

— Инондим, шоҳ ўғлим! Ўзингизни босинг! Душманингиз кўп, эҳтиёт бўлинг! Худо сизни паноҳида асрасин!

Мушфиқ она ўғлининг гуноҳини гўё ўзига олди. Абдулатиф унга ичини бўшатиб ҳийла енгил тортди. Онаси билан хайрлашиб, яқинда никоҳига олган самарқандлик гўзал ёш хотини жойлашган тилакори кошонага қараб кетди.

Боғи Дилкушога тун қоронғуси тушганда қаср ва кўшклар тилла қандиллар ёруғидан чароғон бўлди. Абдулатиф кириб кетган кошонада созандалар шўх куйлар чалаётгани эшитилди.

Аммо Ҳусн Нигор хоним мусибат тўла бир дилсиз ёҳлик ичида қолди. Ўғлидаги руҳий қийноқлар энди онага ўтди. Ёлғиз ўғлининг тилла баркашга солинган кесик боши онанинг кўзига кўриниб кетгандай бўлди. Абдулатифдан эшитган қўрқинчли гаплар хаёлидан кетмай туриб олди.

Нариги кошонада шўх куйлар янграган сари Ҳусн Нигор хонимнинг дили тилка-пора бўлаётгандай азоб тортарди.

Абдулатиф онаси олдида ўзини ҳар қанча оқлама-син, Улугбек Мирзонинг ўлимига бош сабабчи — ўғли экани бугун хоним учун инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди.

Одамлар уни «падаркуш» деб аташга ҳақли эканликларини Ҳусн Нигор хоним тан олмай иложи қолмади.

Аммо бунга тан олиш — ёлғиз ўғлининг ўлимига рози бўлишдек даҳшатли туюларди.

Боғ тўрида эса ҳамон рақс куйлари янграр, ўзининг тунги васвасаларини онасига ташлаб келган Абдулатиф Мирзо кайфу сафо қилиб, уларни бутулай унутишга интиларди.

ЧАҚМОҚДАЙ ЯТИЛААБ СЎНГАН УМР

Кўксаройнинг тўртинчи ошиёнида энг қаттиқ кўриқланадиган четки хонада ўн тўққиз ёшлик Абдулла Мирзо олти ойдан буён қамоқда ётибди.

Хонанинг деразаси йўқ, фақат қўл етмас баландликда туйнути бор. Яқинда шу туйнуқдан турналарнинг майин қурув-қурувлари эшитилиб қолди. Ўша куни кечаси тепада кучли момақалдироқ қасур-қусур қилди.

Абдулла Мирзо баҳор кирганини ана шу товушлардан пайқади.

Олти ойдан бери бу бегуноҳ йигитни не кўйларга солишмади! Абдулатиф унинг тахтга даъвогар бўлиши мумкинлигини, бир вақтлар Улуғбек Мирзо бу ёш куёвини валиаҳд қилмоқчи бўлганини баҳона қилиб, Абдулла Мирзони ҳам қатл эттирмоқчи эди.

Бундан хабар топган Ҳабиба Султон акасидан шафоат сўрашга борди. Абдулатиф уни қабул қилмади. Ҳабиба Султон вазири аъзам Камолиддин Балхий ҳузурига кирди. Отасидан мерос қолган йирик гавҳарни вазирга совға қилиб, уни юмшатди. Шундан сўнг вазири аъзам орага тушиб, ўлим жазосини кўзига мил тортиб кўр қилиш жазосига алмаштирди.

Бу ҳам дард устига чипқон бўлди. Шунда Бобо Ҳусайн ёрдамга келди. Тилла ва жавоҳирлар қутқарувчи куч эканини Ҳабиба Султон яна бир бор билди. Кўзга мил тортувчи жаллодни олтинга сотиб олишиб, Абдулла Мирзони ёлғондакам кўр қилишди.

Ҳибсхона назоратчисига ҳам бир ҳамён тилла беришди. Шундан сўнг бу назоратчи орқали Абдулла Мирзога сархил егуликлар, иссиқ кийимлар, ўзи сўраган бошқа нарсаларни яшириқча юбориб туришди. Бу нарсалар орасида қоғоз ва қалам ҳам бор эди.

Ҳабиба Султон умр йўлдошининг руҳини кўтарадиган мактублар ёзар, уларга Абдулла Мирзо муҳаббат изҳорига тўлган шеърлар билан жавоб берарди.

Жуда қаттиқ момақалдироқ бўлган куни тушга яқин ҳибсхона эшиги олдида тапир-тупур қадам товушлари кўпайиб кетди. Ҳибсхонанинг пўлат қулфига шопилинч калит солинди. Эшик очилганда Абдулла Мирзо Ҳабиба Султоннинг овозини эшитгандай бўлди.

Қулоқларига ишонмай, эшик томонга интилди. Ку-

тилмаганда ҳибсхонага Ҳабиба Султон кириб келди. Абдулла Мирзо уни бағрига босар экан:

— Тушимми ўнгим? — деб сўради.

— Ўнгингиз, жоним! — деб Ҳабиба Султон ўнинг сарғайиб кетган юзига юзини босиб, ўсиб кетган сочларини нозик бармоқлари билан силади.

— Офтоб қаёқдан чиқди, Ҳабиба? — деб Абдулла Мирзо соғинч тўла лаблар билан Ҳабибанинг кўзларидан, қошларидан ўнди.

— Офтоб парвардигори оламнинг даргоҳидан чиқди! Сизни ҳибс қилган зolim акамиз нариги дунёга кетди!

— Ростми? Қачон?.. Ким?

Эшик ташқарисида кимлардир одоб сақлаб таклиф кутиб турар эди.

— Ана, сизга нажот келтирган сиймолар! — деб Ҳабиба Султон эшик томонни кўрсатди.

Абдулла Мирзо эшик олдига бориб, оқ соқолик нуроний Хўжа Бурҳониддин билан Бобо Ҳусайн Баҳодирни кўрди-ю, улар билан қучоқлашиб кетди.

— Хайрият-е! Худо шу кунга етказганига минг шукур!

— Чиқинг энди бу касофат ҳибсхонадан ёруғ дунёга! — деди Хўжа Бурҳониддин ва Абдулла Мирзони Кўксаройнинг иккинчи ошиёнидаги кенг, муҳташам қабулхонага бошлаб тушди. — Энди бу жойларнинг эгаси сиз бўлурсиз!

— Эртақ эшитаётибменми ёки чин? Абдулатиф Мирзо не бўлди?

— Ўлди! Бобо Ҳусайн Баҳодир отган адолат ўқи уни йиқитди. Баҳодирнинг навкарлари падаркушнинг бошини кесиб келиб, Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйдилар! Токи одамлар огоҳ бўлсинлар, падаркушга қандай жазо берилишини етти пуштигача унутмасинлар! Бундай гуноҳи азим юртимизда ҳеч вақт такрор бўлмасин!

Абдулла Мирзо Бобо Ҳусайннинг қўлини олиб, баҳодирона иш қилгани билан табриклади.

— Абдулатифнинг қўриқчилари кўп эди-ку! Уларнинг орасидан қандай омон чиқдингиз? — деб сўради.

— Худо ўзи ўнг келтирди. Боғи Баланддан чиқаверишда катта садақайрағочларнинг ортида навкарим

билан паналаб турган эдим. Абдулатиф тўртта қўриқ-чиси билан яқин жойдан ўтиб қолди. Мен орқадан отган ёй ўқи юрагига бориб қадалган экан, отдан йиқилибоқ жон берибди. Қўриқчилари менга ҳамла қилар деб ўйладим, навкарим иккаламиз камонга ўқ ўрна-тиб, ҳужум қилишса отгаймиз деб шайландик. Йўқ, қўриқчилар Абдулатифнинг жасадини ташлаб тира-қайлаб қочиб қолди. Шундан сездимки, қўриқчилари ҳам ундан безор бўлиб, қутулишнинг йўлини ўйлаб юрган эканлар.

— Сизнинг шу жасоратингиз туфайли биз ҳибсдан озод бўлдик. Бу нажоткорлигингизни умрбод унут-масмен, жаноб Бобо Ҳусайнбек!

— Бир мен эмас, мана, шайхулисломимиз ҳазрат Ҳўжа Бурҳониддин бошлиқ юзлаб адолатпарвар одам-лар маслаҳатлашиб шу ишни қилдик.

— Энди нажоткорлик навбати сизга келмоқда, амирзодам! — деди Ҳўжа Бурҳониддин. — Мамлакат-ни золимлардан покламоқ учун давлатни яхши одам бошқармоғи керак. Раҳматлик Улуғбек Мирзо сизни ўзларига валиаҳд қилиш ниятлари борлигини менга айтган эдилар. Ул зоти олийнинг шу ниятларини биз васият ўрнида қабул қилурмиз.

— Ташаккур, ҳазратим. Аммо менга имкон беринг... Сал ўзимга келай!

Абдулла Мирзонинг кўпдан бери тарашланмаган қоп-қора соқол-мўйлови ўсиб лабларини бекитиб қўйган, сочлари пешонасини ва бўйинларини қоплаб ётарди.

Ҳабиба Султон ясавулбоши ва сарой хизматчилари-ни зўрға топди. Чунки Абдулатифнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар бутун сарой аҳлини ваҳимага солиб, қочириб юборган эди.

Кўксаройдан Бўстонсаройга ўтдилар. Тахт турган қабулхона, вазирлар девонхонаси бўм-бўш. Илгариги амалдорлар тумтарақай бўлиб қолган эди. Лекин Бўстон саройда ювинадиган жой ҳам, овқатхона ва ошпаз ҳам, шоҳона кийимлар сақланадиган бўлма-лар ҳам ҳаммаси бор эди.

Кечагина Абдулатифга хизмат қилган ва унинг қўрқинчли феълидан титраб-қалтираб юрган офтоба-чи энди сартарошни топиб келиб, Абдулла Мирзонинг соч-соқолини олдирди, унинг ювинишига ва шоҳона тоза кийимлар кийишига ёрдамлашди. Бошига жиға қадалган чиройли заррин салла кийдирди.

Бунгача ошхонада бедона кавоб тайёрланди. Абдулла Мирзо севгилиси Ҳабиба Султон ёзган дастурхондан тўйиб овқатланди, узум шарбатидан ичиб, чанқоғини босди.

Бу орада Бобо Ҳусайн ва бошқа содиқ амирлар Хўжа Бурҳониддин билан бирга шаҳарда осойишталикни сақлаш ва Абдулла Мирзони тахтга чиқариш тайёрлигини кўрдилар.

Жоме масжидида имомлик қилган Хўжа Бурҳониддин Абдулатифнинг падаркуш сифатида ҳалокатга учраганини ва Улуғбек Мирзонинг васиятига биноан Абдулла Мирзо тахтга чиққанини эълон қилди.

Орадан бир кун ўтгач, Жума куни Абдулла Мирзонинг номи хутбага қўшиб ўқилди.

Янги тождор Бобо Ҳусайн баҳодирни вазири аъзам қилиб таъйин этди. Иккови кўриқчи навкарлар ва мулозимлар қуршовида Амир Темур мақбарасини ва Шоҳи Зиндани зиёрат қилдилар. Сўнг Улуғбек Мирзо мадрасасига йўл олдилар.

Мадраса пештоқида кечадан буён падаркушнинг боши осилганича одамларга томоша бўлиб турар эди.

Отлиқ Абдулла Мирзо мадраса ҳовлисида кўринганда ичкаридан марҳумнинг онаси юзларини юлиб-қонатиб, дод фарёд қилиб чиқди:

— Вой, мен она бўлмай ўлай! Боламнинг жасадини кўмгани кўймайдилар-а! Танаси бошқа жойда, боши бу ерда! Бу қандай шафқатсизлик! Вой, рухсат беринглар! Шўрликни тупроққа топширай!

Мотамзада онага кўпчиликнинг раҳми келди. Абдулла Мирзо марҳумни шу бугуноқ дафн этишга буйруқ берди.

Лекин Абдулатифни темурийлар хилхонасига — отасининг ёнига қўйишни мўйсафидлар маъқул кўрмади. Марҳумни кечки пайт четроқдаги қабристонга олиб бориб тупроққа топширдилар.

* * *

Ноҳақ ҳибс қилинган олиму мударрислар ҳам қамоқхоналардан чиқарилди. Уларнинг орасида Абдулла Мирзога илми нужумдан сабоқ берган Али Қушчи ҳам бор эди. Абдулла Мирзо Али Қушчини ҳибсхона олдида кучоқ очиб кутиб олди, яхши бир отта миндирди.

— Уйга бориб дамингизни олинг, мавлоно, — де-

ди. — Кейин расадхонани қайта ишга тушириш бўйича неки таклифингиз бўлса бирга кўриб чиқурмиз.

Қатагон кунларида ҳар қаёққа тарқаб кетган муллабаччалар ҳам мадрасаларга қайтдилар. Самарқандда ҳаёт аста-секин Улуғбек давридагидек изга туша бошлаган кунларда Бухоро томондан ташвишли хабар келди.

Абдулатифнинг ҳукми билан Бухоро аркига қамаб қўйилган Султон Абусайид Самарқандда юз берган ўзгаришлардан фойдаланиб ҳибсдан бўшаб чиқибди. Бухоро уламоларининг пешвоси Хўжа Арқуқий Султон Абусайиднинг Абдулла Мирзодан олти ёш катта эканини ва Шохруҳ Мирзонинг акаси Мироншоҳ авлодига мансублигини важ қилиб кўрсатибди.

— Самарқанд тахтига Султон Абусайид муносиброқдир! — деган фикрни кўпчилик орасида тарғиб қила бошлабди.

Бу тарғибот бултур Самарқандни Улуғбек Мирзодан тортиб олишга уринган арғин уруғига мансуб беку навкарларни яна Султон Абусайид атрофига тўплайди. Хўжа Арқуқийнинг кўпчилик муридлари ҳам Абусайид Мирзо томонига ўтади.

Бу хабарлар ишончли одамлар орқали Самарқандга етиб келгандан сўнг Абдулла Мирзо ҳам шошилинич равишда қўшин тўплашга киришди.

Султон Абусайид Бухородан икки минг аскар билан йўлга чиқиб, Самарқандга таҳдид солиб кела бошлади.

* * *

Саратон ойи кирган, кунлар иссиқ. Абдулла Мирзо ўз қўшинини Зарафшондан ажралиб чиққан Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги салқинроқ йўллардан бошлаб борди.

Султон Абусайид қўшинининг асосий қисми яйдоқ чўлларда от чоптириб ўрганган кўчманчи арғинлар эди. Миёнқол деб аталадиган икки дарё оралиғидаги довдарахтлар ва шолиторлар уларнинг ҳаракатини қийинлаштириб қўйди. Суғориладиган ерларга от қўйиб кирган арғинларнинг анча-мунчаси сув тўлдирилган шолиторларда балчиққа ботиб, юролмай қолди ва Абдулла Мирзо навкарларининг ўқларига нишон бўлди. Ёв қўшинлари полизларни топтаб, бошоқлари сарғайиб етилган буғдойзорларни пайҳон қилди, боғлардаги ме-

вали дарахтларни синдириб кетди. Бу ҳаммаси Миёнқол аҳолисининг қазабини келтирди.

Очиқ майдонда Абдулла Мирзо қўшини Абусайид аскарлари билан юзма-юз туриб қаттиқ жанг қилаётган пайтда минглаб Миёнқол йигитлари орқадан аргинларга кучли зарбалар бердилар.

Икки ўт орасида қолган Султон Абусайид жангни бой бериб, Добусия қалъасига қараб чекинди. Аммо бу қалъадагилар уни дарвозадан ичкарига киргизмай ҳайдадилар. Бухоро қалъасидагилар ҳам қамалда қолиш эҳтимолидан чўчиб, Абусайидга дарвоза очмадилар.

Абдулла Мирзонинг қувғинчилари Абусайидни таъқиб этиб келмоқда эди. Султон Абусайид ўнг ёнида от чоптириб келаётган Хўжа Арқуқийнинг маслаҳати билан жиловни Туркистон томонга бурдилар. Бироқ Бобо Ҳусайн бошлиқ қувғинчилар унинг изидан Туркистонга ҳам етиб бордилар. Шундан кейин Султон Абусайид Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхонга қарашли ерларга қочиб ўтиб зўрға жон сақлади.

* * *

Абдулла Мирзо номига битилган галаба фатҳнома-си мамлакатнинг барча вилоятларига тарқатилди ва махсус чопар билан Ҳиротга ҳам юборилди.

Гавҳаршод бегим Абдулла Мирзонинг тахтга чиққанини эшитгандан буён:

— Менинг Самарқандга борадиган йўлларим энди очилибдир! — деб сафарга тайёрланмоқда эди. Шунинг устига суюкли неварасининг Абусайид билан жанг қилиб қолиб чиққани ҳақидаги хушхабар ҳам келди-ю, бегим қувонганидан қанот чиқариб учгудек бўлди.

Асад ойи кириб, иссиқнинг тапти сал пасайгандан сўнг Ҳирот тождори Абулқосим Бобур момосини узоқ сафарга кузатиб қўйди. Кекса бегим йўлларда кўп озор чекмаслиги учун ипак пардалар тутилган шоҳона маҳофа унинг ихтиёрига берилди. Маҳофада толиққанда бақувват йигитлар бегимни юмшоқ тахтиравонда кўтариб борадиган бўлишди.

Замон ҳали унча тинчиган эмас. Абдулатифнинг ўлиmidан кейин қувғинга учраган Балх ва Бадахшон сипоҳилари Самарқанддан ўз юртларига аламзада бўлиб қайтиб кетаётганда талончилик қилаётгани ҳақида ташвишли хабарлар бор эди.

Шунинг учун Абулқосим Бобур момосининг хавфсизлигини таъминлаб боришни Низомиддин Аҳмад Тархон бошчилигидаги беш юз кишилиқ кўриқчи аскарларга топширди.

Ҳиротдан момоси келаётганини эшитган Абдулла Мирзо Ҳабиба Султонни ёнига олиб, Термизга етиб келди. Гавҳаршод бегимни кемага солиб Пайғамбар оролига олиб ўтдилар. Бу ерда Улуғбек Мирзо қурдирган чиройли кўшк бор эди. Шу кўшқда энг аввал Улуғбек Мирзони ёдга олиб тиловат қилдилар. Бошларидан ўтган мудҳиш воқеаларни эслаганда дил яралари янгилашиб, кўз ёш тўқдилар. Эсон-омон дийдор кўришганлари учун парвардигорга шукроналар ҳам айтишди.

Гавҳаршод бегим келин-куёвга Ҳиротдан бир сандиқ саруполар, дуру гавҳар тақинчоқлар, куёвга бедов отлар, ов қушлари олиб келган эди. Буларнинг ҳаммасидан беҳад қувонган Ҳабиба Султон момосининг бир елкасидан, Абдулла Мирзо унинг иккинчи елкасидан қучди.

— Моможон, биз икковимиз ҳам сизнинг тарбиянгишни олганмиз-а! — деди Ҳабиба Султон бувисини оппоқ сочидан ўлиб.

— Рост, сизнинг дуоларингиз билан шу кунларга етишдик! — деб Абдулла Мирзо момосининг оқ фотиҳа тилаб ёзган жавоб мактубини эслади.

— Ох, айланай, сизлардан! Келин-куёвлик икковларингга ҳам беҳад ярашибди! Гулдай очилиб, шундай кўҳлик бўлибсизларки, илоҳим ёмон кўздан асрасин!

— Ҳа, дунёда бизга кўз тиккан ёмонлар кўп!

— Раҳматлик бобонгиз Шохруҳ Мирзо менга неваралар тарбиясини топшириб, «буларни лочиндай юксақда парвоз этадиган қилиб тарбияланг» деган эдилар. Аксига олиб, мен тарбиялаган неваралардан бири Алауддавла... илоннинг ишини қилди. Бири Абдулатиф... падаркуш бўлди. Бундан кўнглим вайрон бўлиб юрган эдим. Хоқони Саййиднинг топширган неки ишини удалай олмадим деб ўксинар эдим. Лекин, хайрият, Самарқандда, мана Абдулла Мирзо билан Ҳабибажон... Ҳиротда Абулқосим Бобур... Ҳозир учовингиз менинг энг меҳру оқибатлик невараларимсизлар. Раҳматлик боболаринг орзу қилган лочинлар сизлардан ортиқ бўлмас!

— Ундай бўлса бизнинг она лочинимиз — ўзингизсиз! — деди Ҳабиба Султон.

— Шундай ширин сўзларни айтган тилгинангдан ўргилай! — деб момоси Ҳабибани қучоқлаб, суйиб ўпди.

Дарё салқинида роҳатланиб, Пайғамбар оролида бир кеча тунадилар. Эртаси куни ўнг қирғоққа ўтиб, Самарқандга йўл олдилар.

Бора-боргунча тоғлар ҳам, водийлар ҳам, шаҳару қишлоқлар ҳам бегимга ўғли Улуғбекни эслатарди. Ана, Бойсунтоғ. Ундан нарида Ҳисор тизмаси, Хўжайи пок чўққиси... Сайроб чашмасида сузиб юрган балиқлар... Булар ҳаммаси Мирзо Улуғбекни кўп марта кўрган. Фузор, Шаҳрисабз, Тахти Қорача довони... Бу гўзал манзиллардан Гавҳаршод бегим ўғли Улуғбек билан неча марта бирга ўтган эди. Энди бу жойлар ҳаммаси бегимдан Мирзо Улуғбекни сўроқлаётгандай бўларди. Ҳатто кечаси осмонни тўлдириб чиққан юлдузлар ҳам ер юзидан Улуғбекни тополмай, унинг онасига маъюс термилиб тургандай кўринарди.

Самарқандга, Амир Темур мақбарасига етиб борганларида Гавҳаршод бегим Улуғбек қабрини худди бешик каби қучоқлаб, елкалари силкина-силкина узоқ йиғлади. Улуғбек гўдаклик пайтида бегим кечалари унинг бешигига бағрини бериб, бола эмизганлари ёдига тушди. Шундан кейинги элик беш йиллик ҳаёт кўз олдидан яшин тезлигида ўтди. Лекин хаёли ўзига келганда гўдакнинг илиқ нафаси келадиган бешикни эмас, қирралари кўкрагига ботиб турган совуқ қабр тошини қучоқлаб йиғлаётганини кўрди...

* * *

Гавҳаршод бегим учун Улуғбек Мирзо яхши кўрадиган Боғи Майдонда, Чиннихона қасрида махсус жой тайёрлаб қўйилган эди. Бу ердан расадхона яқин. Эртаси куни бегим Абдулла Мирзо билан Ҳабиба Султонни икки ёнига олиб, расадхонага борди.

Ер тагидан чиқиб келган ва уч қаватлик улкан бинонинг шифтигача кўтарилиб борган зинапояларда Улуғбекнинг руҳи кезиб юргандай туюларди. Гавҳаршод бегим Улуғбекнинг руҳига садоқат сақлаб келадиган ва расадхонада унинг ишини давом эттираётган Али Қушчи бошлиқ олимларга саруполар кийгизди.

Алғов-далғов пайтларида расадхонадаги қимматбаҳо асбобу-олотлардан анчаси ўғирланган экан.

— Бу асбобларни янгидан ясатиш мумкин эмасмикин? — сўради Гавҳаршод бегим Али Қушчидан.

— Лойиҳалари бор, усталарга буюртма бериш мумкин, аммо катта маблағ керак.

— Маблағни топиб берурмиз, мавлоно! — деди Абдулла Мирзо.

— Момонгиз ҳам бу ишга озгина ҳисса қўшгай! — деди Гавҳаршод бегим ва Ҳиротдан пўлат сандиққа солиб келинган тилла тангалардан беш мингтасини расадхона харажатлари учун инъом қилди.

Эртаси куни Улуғбек мадрасасига бориб, мударрислар ва толиби илмлар билан учрашдилар. Гавҳаршод бегим мадраса эҳтиёжлари учун ҳам беш минг тилла совға қилди.

— Моможон, бобомдан қолган олтин захираларингиз ҳали кўпми? — деб ҳазиллашиб сўради Абдулла Мирзо. — Бизга атаганингиз ҳам бордир?

— Бор, шоҳ ўғлим. Ҳиротта қайтсам сизга бир сандиқ олтин бериб юборгаймен.

Самарқандда Улуғбек Мирзо хотираси учун Гавҳаршод бегим номидан жума куни элга ош тортилди, хушовоз қорилар тиловоглар қилишди.

Куз кириб, боғларда барча мевалар етилган пайтда маҳаллаларда яна дастурхонлар ёзилиб, Улуғбек Мирзонинг йил ошииси берилди.

Бу орада Гавҳаршод бегим Боғи Дилкушога бориб, Абдулатифнинг онаси ва болаларидан хабар олди.

Ҳусн Нигор хоним касалманд бўлиб, ҳассаса суяниб қолган эди. У дарвоза олдига етиб келгунча Абдулатифнинг беш ўғли бирин-кетин югуриб чиқиб катта момоларини таъзим билан кутиб олдилар. Бир йилда сочлари ошпоқ оқариб кетган Ҳусн Нигор хоним Маҳди Улё қайнонасининг оёғи остига ўзини ташлаб, уввос солиб йиғлади.

Гавҳаршод бегим уни елкасидан олиб, зўрға оёққа турғизди.

— Афу этинг, ҳазрат бегим, кечиринг!

— Парвардигорнинг ўзи кечирсин, келинпошшо! Сиз билан биз энди мана шу невараларни меҳру оқибатлик қилиб ўстирайлик.

— Бу болалар ҳам маломатта қолди, ҳазрат бегим. Мактабга борса тенгдошлари «Падаркушнинг ўғли» деб даврага қўшмас эмишлар.

— Ё, тавба! Бу норасида болаларда не айб? Ундай бўлса, мен бу чевараларимни Ҳиротга олиб кетайми?

— Борасенларми Абдураззоқ? Жўқий? Қайду?

— Боргаймиз! — дейишди катта чеваралар.

Кичиги Боқий Мирзо ҳали энди беш ёшга кирган эди.

— Майли келин, кичиклари сиз билан қолсин. Невара ширин бўлур. Овунгайсиз. Шу қарорга келишиб, йўл тарадудини кўришаётганда Дашти Қипчоқ томондан нохуш хабар келди.

Ёзда Самарқандга ҳужум қилиб уни ололмаган Султон Абусайид энди Саброн ва Сигноқ томонларга бориб, Жўжихон авлодидан бўлган Абулхайрхонга қуллуқ қилаётган эмиш. Абулхайрхоннинг ўттиз мингдан ортиқ қўшини бор эди. Ўзи Улуғбек даврида бир неча марта Самарқанду Бухоро атрофларига талончилик юришлари уюштириб, катта ўлжалар билан Дашти Қипчоғига қайтиб кетган эди. Бу гал агар у Темурийзода Абусайид билан иттифоқ тузиб, Самарқандга бостириб келса, Абдулла Мирзо уларга бас келиши амри маҳол.

Бундан ташвишга тушган Гавҳаршод бегим тезроқ Ҳиротга қайтиш ва Абулқосим Бобурни Абдулла Мирзога кўмак юборишга кўндириш ниятини кўнглига тугди.

Бегим энди чеваралар тақдири учун ҳам ўзини жавобгар сезарди. Шу сабабли Абдулатифнинг ўғиллари, яъни Улуғбек Мирзонинг неваралари Абдураззоқ ва Жўқий Мирзоларни ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетди.

* * *

Бир вақтлар Улуғбек Мирзо давридаги уруш ҳаракатларини тўхтатишда Гавҳаршод бегим аллома Ориф Озарий орқали катта иш қилгани ва шундан кейин Ҳирот тахтини эгаллашда Абулқосим Бобурга ўз маслаҳатлари билан ёрдам бергани учун бу невара момосини жуда эъзозларди, ҳафта-ўн кунда бир марта Боғи Сафедга келиб, бегимдан хабар олиб кетарди. Абулқосим Бобур саройининг Гавҳаршод бегимга эҳтироми ҳам шунга яраша жуда баланд эди.

Бегим Самарқанддан қайтаётгани ҳақида Ҳиротга хабар келганда подшонинг топшириғи билан бош вазир ва шаҳар доруғаси бир кунлик йўлга пешвоз чиқиб, Гавҳаршод бегимни кутиб олдилар. Эртаси куни эрталаб Боғи Сафедга Абулқосим Бобурнинг ўзи ҳам

момосини кўргани келди. Гавҳаршод бегим тождор неварасини бағрига босиб кўришар экан, ундан хушбўй май ҳиди келаётганини сезди.

Абулқосим Бобур ўттиз ёшлик хушсурат ва шоир-табиат йигит бўлиб, отаси Бойсунқур Мирзога ўхшаб, май базмларини яхши кўрар эди. Бугун кечаси ҳам тонготар май базми қилган бўлса керак, кам ухлаганидан кўзлари қизариб турибди. Овози ҳам дўриллаб эшитилди:

— Ҳазрат моможон, қалай, Самарқанддан хурсанд бўлиб қайтдингизми?

— Хурсандчилик кўп бўлди, сиз менга қўшган одамлар узоқ сафарда оғиримни енгил қилганларидан миннатдор бўлиб, беш вақт намозларимда сизни дуо қилдим!

— Ташаккур, момо!

Бегим Ҳирот тождорига аввал қувончли воқеаларни сўзлаб берди-да, кейин Дашти Қипчоқ томондан Самарқанд устига бостириб келиши мумкин бўлган хавф-хатардан сўз очди:

— Абусайид Мирзо йигирма еттига кирган, кўп балоларни кўриб пишиган тадбирлик рақиб. Агар у Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, Самарқандни олса, Ҳирот ҳам хавф остида қолгай. Соҳибқирон Амир Темур Туронни Чингизийлардан озод қилган эдилар. Чиватой авлодларни Мўғулистонда, Жўжи авлодларидан бўлмиш Тўхтамишхонни Олтин Ўрдада мағлуб этган эдилар. Шундан бери Чингизийлар аламзада бўлиб, темурийларга қарши неча бор тажовуз қилдилар. Уларнинг қанча ҳужумларини Улуғбек Мирзо билан раҳматли бобонгиз Хоқони Сайид қайтардилар. Лекин ҳали темурийлардан биронтаси Дашти Қипчоқдаги Чингизийларга ёрдам сўраб борган эмас эди. Султон Абусайид Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, душман кўшинини Самарқандга бошлаб келса, темурийлар сулоласининг иддизига болта ургандай бўлур. Ҳазратим, сиз ҳам шу шажара дарахтининг яшнаб турган бир шохисиз. Иддизга урилган болта барча шохларга зарар келтирур. Шунинг учун мен сиздан илтижо қилур-мен, Самарқандга, Абдулла Мирзога кўмак юборинг. У сизга совға-саломлар билан шайхулислом Хўжа Бурҳониддинни элчи қилиб юборган. Ҳозир сиз Ҳиротда, Абдулла Мирзо Самарқандда менинг икки қанотим бўлиб турибсизлар. Илоё бу қанотларим доим бир-бирларидан куч олиб парвоз этсинлар!

— Айтганингиз келсин, ҳазрат момо. Мен Абдулла Мирзонинг элчисини яқин кунларда қабул қилгаймен. Ғарбий чегараларимиз нотинчроқ бўлиб турибдир. Қора қўюнли туркманлар Табризу Исфаҳонга қаноат қилмай, Журжону Астрободга кўз олайтирмақдалар. Уларни даф қилгандан сўнг амиру аёнлар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, Абдулла Мирзога, албатта, кўмак юборгаймиз.

Лекин ғарбий чегараларни тинчйтиш Абулқосим Бобур ўйлаганидан кўпроқ вақт олди. Хуросонлик амиру аёнлар, айниқса, уларнинг энг эътиборлиси бўлган Амир Шерҳожиги Туронга бориб, Чингизхон авлодлари билан урушиб юришни истамас эди. Юмшоқ табиатли Абулқосим Бобур бу амирларга доим ҳам ўз сўзини ўтказолмасди.

Абдулла Мирзодан элчи бўлиб келган Хўжа Бурҳониддин киши бўйи Ҳиротда қолиб, кутилган натижага эришолмади. У Самарқандга қайтаётганда Гавҳаршод бегим Шохруҳ Мирзодан мерос қолган сўнги хазинани очтириб, Абдулла Мирзога ваъда қилган олтинларини усти ёпиқ бир аравага юклатди. Элчига ишончли кўриқчилар ҳам бериб, бу бойликни Самарқандга жўнатди.

Ҳаёт-мамот жангига тайёрланаётган Абдулла Мирзо учун момоси юборган олтинлар жуда асқотди. Ёзгача ўн минг кишилиқ аскарлар ёлланиб, улар от улов ва қурол яроғ билан таъминланди.

Жавзо ойининг охирларида Султон Абусайид қўшини Шохруҳия ва Жиззах орқали Самарқандга яқинлашиб кела бошлади. Абдулла Мирзо ўз лашкари билан Самарқанддан чиқиб, унинг йўлини Булунғурда тўсиб чиқди.

Абусайид Мирзонинг қўшини саккиз минг атрофида эди. Абдулла Мирзо тап тортмай бу қўшин билан жангга киришди.

Кўп урушларни кўрган тажрибали Абулхайрхон атайлаб Султон Абусайид қўшинини олдинроқ жангга солди. Ўзи эса йигирма минг аскар билан анча орқада — Санзор дарёсига ва Маржонбулоқ томонларга борадиган сувсиз сойлар ичида, тепаликлар ортида пистирма бўлиб паналаб турди.

Абдулла Мирзо Абулхайрхоннинг алоҳида қўшин билан орқадан келаётганини биларди. Унинг назари-

да, аввал Султон Абусайидни тор-мор қилса, кейин Абулхайрхон билан яккама-якка олишиш осонроқ бўладиганга ўхшарди.

Бироқ Султон Абусайид лашкари орқага чекиниб бориб, Абулхайрхон қўшини билан бирлашди-ю, жуда катта кучга айланиб кетди.

Самарқандликлар Абусайидни Булунғурдан Сангзор томонга қувиб бораётганда пистирмада турган Абулхайрхоннинг йигирма минг қўшини сойлардан, тепаликлар ортидан селдай ёпирилиб чиқди.

Даштий Султонлар тўлғама усулини ишлатиб, Абдулла Мирзо қўшинининг икки қанотига тегмай айла-ниб ўта бошлади.

Буни кўрган Бобо Ҳусайн Абдулла Мирзо минган отнинг жиловини тутди:

— Ҳазратим, қайтмоқ керак!

— Қочайликми, а? Қайси юз билан Самарқандга қайтгаймиз?!

— Иложи йўқ, Даштий Султонлар бизни қуршовга олмоқчи! Қаранг, қанотларимизга тегмай орқадан зарба беришмоқчи!

Абдулла Мирзо ғудда ўзи билан бирга жанг қилиб келаётган икки минг отлик йигитни орқага қайтарди. Аммо даштий Султонлар бу орада от чоптириб, қайтиш йўлини ҳам бекитиб олишга улгурдилар.

Абдулла Мирзо отнинг жиловини ёли устига ташлаб, чаш қўлига ҳам қилич олди. Икки қўлда икки қилични сермаб, ёв аскарларининг уч-тўрттасини эгардан афанатди. Бобо Ҳусайн бошлиқ юзтача беку навкарлар Абдулла Мирзони икки ёндан ва орқадан ҳимоя қилиб, қуршовни ёриб ўта бошладилар.

Шу пайт очик турган олд томондан ёв камончилари ўқ ёғдирдилар. Бу ўқлардан беш-олтитаси Абдулла Мирзонинг зирҳди дубулғасига ва жибасига урилиб қапчиб кетди. Шунда душман мергани Абдулла Мирзонинг бўйинини мўлжалга олди.

Бош ҳаракатда бўлиши учун зирҳди кийимнинг бўйинга ёпилган қисмида озгина очик жой қолдирилди. Ёв мергани эпчиллик билан отган ёй ўқи ана шу очик жойни топиб ўтди-ю, Абдулла Мирзонинг бўйнига санчилди.

Бўйиннинг йўғон томири ўтган жойдан қон тизиллаб отилди. Абдулла Мирзонинг ҳушдан кетиб, эгардан оғиб тушаётганини кўрган Бобо Ҳусайн тез бориб уни ушлаб қолди ва ўзининг отига ўнгариб олди.

Навкарлар энди Бобо Хусайн минган отни ўраб олиб, ёв қуршовини ёриб ўтдилар. Беҳуш Абдулла Мирзони жанг майдонидан олиб чиқдилар. Лекин Самарқандга етиб боргуналарича Абдулла Мирзо ҳушига келмай жон берди.

Мархумни бобокалонлари мақбарасига дафн этдилар. Унинг руҳига бағишлаб тиловат қилган Хўжа Бурҳониддин:

— Абдулла Мирзо чақмоқдай ятиллаб сўнди, боқий дунёга шаҳид бўлиб кетди! — деб кўзига ёш олди.

Ҳабиба Султон бегим мусибатдан ўртаниб йиғлаётган пайтда амакиваччалари Абусайид Мирзо Самарқандга галаба карнайини чалдириб кириб келди.

У билан изма-из келган Абулхайрхоннинг ғолиб лашкари бир вақтлар Амир Темур аскарларига қароргоҳ бўлиб хизмат қилган Конибилни эгалладилар.

Абусайид Мирзо ўзига ҳомийлик қилиб тожу тахтни олиб берган Абулхайрхонни хурсанд қилиш ҳаракатига тушди. Абдулла Мирзо тарафдорларининг молу мулки аёвсиз мусодара қилинди. Бутун шаҳар аҳолисидан Абулхайрхон фойдасига жуда катта моли омон йиғиб олдилар.

Ғолиб султонлар бу билан қаноатланмадилар. Султон Абусайид уларнинг талабига бўйсуниб, Улуғбек Мирзонинг ўн саккиз ёшлик гўзал ва оқила қизи Робия Султонни элик ёшлик Абулхайрхонга ўлжа тарзида мажбуран никоҳлатиб берди.

Темурийлар тарих саҳнасига чиққандан буён ҳали чингизийлар орасидан чиққан бирорта хон темурий маликаларни ўлжа тарзида ўз никоҳига ололган эмас эди.

Абулхайрхон бу шарафга биринчи бўлиб эришганидан ғурурга тўлиб, Дашти Қипчоққа обрўси бениҳоя ошиб қайтди.

Бу ғурур бежиз эмас эди. Чингизийлар билан темурийлар орасида бир асрдан буён давом этиб келаётган курашлар кескин бурилиш палласига кирганини мана шу ҳодисалар илк бор намоён қилди. Лекин бунга кўп одам эътибор бермади.

Чунки темурийлар салтанати ҳали мустақкам кўринарди.

Орадан элик-олтмиш йил ўтар-ўтмас Абулхайрхон очган йўллардан унинг невараси Шайбонийхон бостириб келишини, бутун Турону Хуросонни забт

этиб, темурийларни Самарқанддан ҳам, Хиротдан ҳам сиқиб чиқаришини, тоғ кўчкисидай шафқатсиз босқинлар натижасида Султон Абусайиднинг невараси Заҳриддин Муҳаммад Бобур ватанидан жудо бўлиб, Ҳиндистонга кетишини ҳали ҳеч ким тасаввур ҳам эта олмасди.

КУЙГАН ҚАНОТЛАР

Боғи Сафедга ҳар ҳафтада келиб турадиган Хирот тождори Абулқосим Бобур сўнги дафъа уч ҳафтагача кўринмай кетди. Ниҳоят, йигирма кун ўтгандан кейин момосининг ҳузурига маъюс бир қиёфада кириб келди-ю Абдулла Мирзонинг ҳалок бўлгани тўғрисидаги мусибатли хабарни айтди.

Абусайид Мирзо Самарқандда тахтга чиққанини, Робия Султон бегим Абулхайрхонга ўлжа тарзида бериб юборилганини эшитган Гавҳаршод бегим даҳшатга тушиб, ўрнидан туриб кетди. Қўларини осмонга чўзиб:

— Ё пока парвардигор, фалак бунчалик чаппа айланди?! — деб ўртаниб йиғлади. — Нечун Абусайид ўлмайди-ю, Абдулла Мирзодай мардларга ажал келади?! Абдулла менинг Самарқанддаги қанотим эди! Қанотим куйиб тушди! Катта бир умидимдан айрилдим!

Абулқосим Бобур ўз вақтида Абдулла Мирзога кўмак юбора олмагани учун момосидан ҳижолат бўлиб, унга тасалли беришга интилди:

— Ҳазрат моможон, ноумид бўлманг, Абусайидга қасос қайтғусидир! Унинг чингизийлар кўмагида ўз қариндоши Абдулла Мирзони ўлдиргани — темурийлар сулоласига хиёнатдир! Яна Робия Султондай жигарбандимизни Жўжиҳон авлодларга ўлжа тариқасида бериб юборгани — биз учун иснод! Мен буни жазосиз қолдирмагаймен! Худо хоҳласа вақти соати билан ғарбий чегараларни тинчитиб, Абусайидга қарши қўшин тортгаймиз!

— Илоё яхши ниятингизга етинг, жоним болам! Менинг эндиги суянган тоғим сизсиз! Бутун умидим сиздан!

Гавҳаршод бегим неварасини дуо қила-қила кузатиб қўйди.

Абулқосим ғарбий чегараларни тинчитгунча яна бир-икки йил ўтди. Бу орада Туронда қурфоқчилик

бўлиб, ёмон касалликлардан от-уловлар қирилгани, Султон Абусайиднинг аҳволи оғирлашгани ҳақида хабарлар келди. Абулқосим Бобур фурсатдан фойдаланиб, милодий 1454 йилнинг кузида Самарқанд юришига отланди.

* * *

Шу йилларда Абулқосим Бобур саройида тарбия олаётган Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларда ҳам Самарқандга бориш иштиёқи кучли эди. Улар Боғи Сафедда Улуғбек Мирзонинг неваралари Абдураззоқ ва Жўқий Мирзолар билан бирга Гавҳаршод бегимдан темурийлар тарихи бўйича ҳар ҳафтада сабоқ олар эдилар.

Бегимнинг кутубхонасидаги нодир қўлёзмалар, Амир Темури тузуқларининг асл нусхалари, фақат тождорлар учун бир неча нусхагина кўчирилган Яздий «Зафарнома»си ёш Алишерни жуда қизиқтирарди. Гавҳаршод бегим тарих китобларидаги воқеаларга ўзи кўрган билган тафсилотларни қўшиб гапирганда Ҳусайн Бойқаро ҳам эртак эшитаётгандай мароқ билан қулоқ соларди.

Мана, ҳозир Ҳусайн Бойқаро ўн олти ёшга кириб, елкалари кенг, полвонтахлит йигитга айланиб бормоқда. Болалик пайтидан бери Гавҳаршод бегимга беҳад жозибали кўринадиган Алишербекнинг истараси иссиқ, қадди-қомати нозик, ўзи ҳам Ҳусайн Бойқародан уч ёш кичик — энди ўн учга кирган.

Қиличбозлик машқларида Ҳусайн Бойқаро баъзи катта ёшли навқарларни ҳам енгиб чиқарди. Аммо мактабда муаллимлар берган сабоқларни Алишербек ундан яхшироқ ўзлаштирарди. Низомий Ганжавий, Ҳусрав Дехлавий каби шоирлар ёзган «Хамса»ларни улар йккови бирга ўқишарди, Гавҳаршод бегим уларни доим бирга кўрарди.

Ҳусайн Бойқаронинг ёши каттароқ бўлса ҳам, Алишернинг ўткир зеҳнига, ақлу фаросатига тан бериб, билмаган нарсаларини ундан сўраб оларди.

Бу икки ўспириннинг ота-оналари ҳам Гавҳаршод бегимнинг қадрдон кишилари эди.

Ҳусайн Бойқаро — Амир Темурининг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо авлодларидан эди. Ҳусайн Бойқаро етти яшарлигида отаси Фиёсиддин Мансур вафот эт-

ган, шундан бери уни онаси Феруза бегим тарбиялаб катта қилмоқда эди.

Феруза бегим ота томондан ҳам, она томондан ҳам Амир Темур авлодларига мансуб жуда оқила ва шижоатли аёл бўлгани учун Ҳиротда энг нуфузли оналардан саналар, Гавҳаршод бегим у билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашишни яхши кўради.

Алишербекнинг отаси Фиёсиддин Кичкина Баҳодир Абулқосим Бобурнинг энг ишонган амирларидан бўлиб, уч йил бурун подшоҳ уни Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлаган эди. Орадан бир йил ўтгач Сабзаворда ёмон бир касаллик тарқалди. Фиёсиддин баҳодир бу касалликка учраганларни қутқаришда ҳакиму табибларга бош бўлди. Аксига олиб, бу ёмон касаллик унинг ўзига ҳам юқди. Алишер ўн бир яшарлигида отасидан жудо бўлди.

Алишернинг онаси Абулқосим Бобурнинг ёлғиз ўғли — ҳозир еттига тўлган шоҳ Маҳмудга мураббия бўлиб хизмат қиларди. Гавҳаршод бегим бу аёл билан ҳам жуда қадрдон эди.

Шунинг учун бегим Самарқанд юришига қатнашмоқчи бўлаётган Ҳусайн Бойқаро ва Алишербекдан:

— Оналарингиз розими? — деб сўради.

— Ҳазрат бегим, аввал сиздан маслаҳат олгани келдик.

— Хўп, мен маслаҳат бериш учун мақсадни билишим керак. Самарқандга... томоша қилгани бормоқчимисизлар?

— Йўқ, биз қасос олмақчимиз, — деди Ҳусайн Бойқаро. — Абдулла Мирзо яхши йигит эди. Робия Султон учун ҳам ориятимиз келур. Биз уларни мана бу боғда кўрган эдик...

— Сиз ҳам жанг қилмоқчимисиз? — деб бегим кулимсираб Алишердан сўради.

— Мен Улуғбек Мирзо қабрини зиёрат қилмоқчимен, — деб уялиқираб жавоб берди Алишер. — Биз қувғинда юрганда Улуғбек Мирзо катта яхшилик қилган эдилар. Ўзингиз билурсиз, ҳазрат бегим... Биз ул олий зотнинг руҳлари олдида қарздормиз.

— Ниятларингиз яхши, болаларим. Лекин ҳарбий юриш хатардан холи бўлмас. Она рози — Худо рози дейдилар. Аввал оналарингиздан розилик олмақ керак.

— Оналаримиз сизнинг гапингиздан чиқмаслар, — деди Ҳусайн Бойқаро: — Ҳазрат бегим, бир оғиз уларга айтсангиз...

— Хўп, мен ҳам айтай. Аммо олдин ўзларингиз...

— Оналар кўнса ҳам, балки подшоҳ рухсат бермас? — иккиланиб сўради Алишер.

— Буни кейин гаплашгаймиз. Ҳозир бориб, оналарингизни менинг ҳузуримга таклиф қилинглар.

Ўша куни оқшом Гавҳаршод бегим Феруза бегим билан Гулруҳ бонунини Боғи Сафедда қабул қилиб, уларнинг ўғиллари тўғрисида узоқ суҳбатлашди.

— Соҳибқирон қайнотамиз яшаган даврлардан бери, — деб гап бошлади Гавҳаршод бегим, — бир неча авлод ёшларни кўриб, кузатиб, кўзим анча пишиб қолган. Феруза бегим, Гулруҳ бону, сизлар шу ўспиринларга ҳам ота, ҳам она бўлиб, ўзларингизни фидо қилиб юрибсизлар. Булар энди қанот чиқариб парвоз этадиган ёшга етяпти. Шу ёшда ўспиринлар узоқ сафарларга чиқишни, хавф-хатар билан олишишни яхши кўрадилар. Мен сезиб турибмен, Ҳусайн Бойқаро ҳам, Алишербек ҳам, иншоолло, толеи балаңд сиймолар бўлиб етишгай. Улуғбек билан унинг отасида бўлган нодир фазилатлар куртагини мен шу икки ўспиринда кўргандай бўлурмен.

— Башоратингизни худо рост келтирсин, ҳазрат момо, — деди Феруза бегим. — Ҳусайнжоннинг ўзи ҳам адолатсизликларни кўрганда тутақиб кетадир, «мен тахтта чиқсам фақат адолат ўрнатиш учун чиқгаймен!» дейди. Унинг адолатли подшо бўлиш орзуси беҳад кучли.

— Алишербекнинг орзуси-чи? — деб сўради Гавҳаршод бегим Гулруҳ бонудан.

— Ўғлимиз шоир бўлиб, «Хамса» ёзиш орзусидалар.

— Икки дўстда икки хил орзу, аммо мен уларни доим бирга кўрамен, — ҳайратланиб деди Гавҳаршод бегим.

— Чунки Алишербек адолатли подшога дўсту ҳамкор бўлишни истайдир, — изоҳ берди Гулруҳ бону.

— Агар Ҳусайн Бойқарога подшолик насиб қилса, Алишербек унинг энг ишонган вазири бўлғайлар! — деб қўшиб қўйди Феруза бегим.

— Лекин бундай улуғ мақсад йўлида қанча машаққат, қанча хавф-хатарлар бор! — Гавҳаршод бегим гапни Самарқанд юришига бурди: — Қалай, бу икки дўстнинг Самарқандга боришига розимисизлар?

Табиатан дадил аёл бўлган Феруза бегим:

— Мен таваккал қилмоқчимен! — деди. Тоқайгача онасининг қаноти остида ўлтиради? Ота-боболари шу ёшда Ироқу Ажамларгача юриш қилиб борган эканлар. Ўғлимни худонинг паноҳига топширмоқчимен. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб чиниқсин.

Гулуруҳ бону бошини ҳам қилиб, хижолат чеккандай бўлиб гапирди:

— Куз кирди... Булар Самарқандга етгунча қиш яқинлашгай. Алишержон жуда нозик. Мен кўрқамен... Отаси ўлгандан буён мен Алишерга суяниб қолганмен.

— Ёши ҳам энди ўн учга кирибдир, — деб Гавҳаршод бегим Гулуруҳ бонунинг гапини маъқуллади. — Ҳали ўн олти-ўн етти ёшга кирганда бундай юришларга қатнашса бўлур. Уни ҳозир эҳтиёт қилайлик.

* * *

Ҳусайн Бойқаро онасининг розилиги ва Гавҳаршод бегимнинг тавсияси билан Абулқосим Бобур қўшини сафида Самарқанд юришига жўнади. Одатда, ҳарбий юришлар эрта баҳорда бошланиб, қиш тушгунча тугатилар эди. Лекин Абулқосим Бобурнинг амирлари тайёргарлик ишларини чўзиб юбордилар. Кузги Қавс ойи кирганда зўрға йўлга чиқдилар. Амуредан ўтишда кемалар тезда топилмай яна анча вақт йўқотишди. Самарқандга етиб келишганда ақраб¹ ойи кириб, дастлабки қор ёғиб ўтган эди.

Абусайид Мирзо вақтдан ютиш учун, шаҳардан чиқмай, кўрғон дарвозаларини ичкаридан маҳкам бекиттирди. Абулқосим Бобур қўшини шаҳарни қирқ кун қамал қилди. Бу орада қиш кириб, қаттиқ совуқлар бошланди. Ҳиротликлар шаҳар атрофидаги маҳаллалардан иссиқ жой қидириб тарқаб кета бошладди.

Абусайид Мирзо кўрғон деворлари устидан мўралаб, қамал сиртмоғи бўшашган жойларни аниқлади. Сўнг ичкаридаги иссиқ жойларда куч йиғиб ётган беш минг отлиқ аскарни кўрғон ташқарисига тўсатдан бошлаб чиқди. Кутилмаганда берилган зарбадан Абулқосим Бобур қўшини катта талофот кўрди. Шундай бўлса

¹ Ақраб — ноябрнинг 21 да киради.

ҳам, Ҳирот қўшини ҳали Абусайидникидан икки ба-
робар кўп эди. Ҳиротликлар ўзларини ўнглаб жангга
киришганда Абусайид очиқ турган қўрғон дарвозала-
рини тезроқ бекиттириш учун аскарларини ичкарига
бошлаб кириб кетди.

Бу кетишда Абулқосим Бобур шаҳарни забт этол-
маслиги, қиш совуқлари уни чекинишга мажбур қили-
ши кўпчиликка аён бўлиб қолди. Қамалда шаҳар
аҳолиси ҳам қийналмоқда эди.

Ахийри қўрғон ичидан Хўжа Аҳрори Вали оқ бай-
роқ кўтарган муриди билан Бобур қароргоҳига элчи
бўлиб келди. Музокараларда Ҳирот томондан ташқи
ишлар вазоратининг тажрибали мулозими Абдураз-
зоқ Самарқандий иштирок этди.

Икки орада пайдо бўлган низонинг асосий саба-
би — Султон Абусайиднинг Шоҳруҳ Мирзо авлод-
ларига, хусусан, Улуғбек Мирзонинг меросхўрларига
адолатсиз муносабатда бўлаётгани эди. Абдулла Мир-
зонинг ўлдирилиши, Робия Султоннинг Абулхайрхон-
га мажбуран бериб юборилганидан ташқари Улуғбек
Мирзонинг тўрт невараси, — Абдулатифнинг ўғилла-
ри ота-боболарининг меросидан бутунлай маҳрум этил-
ган эди. Уларни Ҳиротда Гавҳаршод бегим тарбиялаб
вояга етказмоқда. Ҳозир Улуғбекнинг катта невараси
Абдураззоқ Мирзо ўн уч ёшда, Жўқий Мирзо ўн ик-
кида, Қайда ва Аҳмад Мирзолар ҳам ўн ёшдан ош-
ган. Уларга тажрибали бек-аткалар, оталиқлар тайин
этилса, алоҳида шаҳару вилоятларга ҳоким бўлишля-
ри мумкин эди.

Хўжа Аҳрори Вали Абдураззоқ Самарқандий би-
лан бирга бу талабларнинг асосли эканини Абусайид-
га тушунтирдилар. Абусайид Ҳирот томоннинг талаб-
ларидан бир қисмини қондиришга мажбур бўлди. Икки
тождор тузган сулҳга биноан, Улуғбекнинг катта не-
вараси Абдураззоқ Мирзо Балхга, Жўқий Мирзо Шоҳ-
руҳияга ҳоким қилиб тайинландилар. Уларнинг ёш ини-
ларига акалари ҳоким бўлган жойлардан муносиб
лавозимлар бериш Ҳирот томонининг ихтиёрида қол-
дирилди.

Шу тарзда икки томон бир-бирлари билан яраш-
дилар.

* * *

Ҳиротликлар бу ҳарбий юришдан ҳориб-чарчаб,
қиш чилласида Хуросонга қайтганларида уларнинг ора-

сида Хусайн Бойқаро йўқ эди. Хавотирга тушган Феруза бегим ўғлини сўроқлаб Абулқосим Бобур саройига борди.

— Подшо ҳозир бандлар! — деб бегимни ясовулбоши қабул қилди.

— Ўғлим Хусайн Бойқаро нечун қайтмади? Тирикми? Ё ярадор бўлдимиз?

Ясовулбоши истехзоли кулимсираб:

— Ўғлингизга Самарқанд ёқибдир, — деди. — Биздан ажралиб, Абусайид саройига хизматга кирибдир.

— Йўғ-ей, ҳазил қилманг, жаноб ясовулбоши! — деб Феруза бегим бу гапга ишонмади. — Ахир ўғлимнинг бугун ихлосу эътиқоди ҳазрати Абулқосим Бобур тарафида эди-ку!

— Яна билмадим. Ўғлингиз Улуғбек Мирзога ҳам ихлосманд эканлар. Расадхонага бориб юрганларидан хабарим бор. Балки ўша ерда Улуғбек Мирзонинг шоғирлари билан тил топишгандирлар?

Феруза бегим баттар хавотирга тушди. Абулқосим Бобур бошқа ишлардан бўшагунча унинг қабулини кутди. Ҳар қалай, бегим ўғлини шу подшога ишониб топширган эди.

Абулқосим Бобур хонайи хосида шахнишин устида ўлтирган эди. Таъзим қилиб кирган Феруза бегимга ўнг ёнидан жой кўрсатди.

— Афсус, бегим, ўғлингиз бебошроқ экан. Биздан берухсат Самарқандда қолган эди. Оқибати ёмон бўлибдир.

— Не бўлибдир, ҳазратим? Яна бирон шум хабар келдимиз?

— Ҳа, мана, бугун эрталаб Самарқанддаги бизнинг одамлардан махфий ахборот келди. Сизга айтмай иложим йўқ... Абусайиднинг ўғай укаси Султон Вайс Мирзо яна бир неча Темурий шаҳзодалар билан тил бириктириб, акасига қарши исён кўтармоқчи бўлган экан. Назаримда, исёнчиларнинг бир қисми Абусайиддан Абдулла Мирзонинг қасдини олмоқчи бўлганлар. Лекин ораларидан айроқчи чиқиб, исён тайёрланаётганидан Абусайидни хабардор қилмишдир. Шафқатсиз Абусайид Темурий шаҳзодалардан ўн иккитасини туттириб, Кўксаройдаги ҳибсхонага қаматибдир. Шуларнинг орасида сизнинг ўғлингиз Хусайн Бойқаро ҳам бор экан.

Феруза бегим қаттиқ изтиробга тушиб, кўзига ёш олади:

— Вой, ўғлимни Самарқандга юбормай мен ўлай! Энди уни ким қутқаргай?! Абусайид уни Абдулла Мирзога ўхшатиб ўлдириб юборса не қилурмиз? Отаси бўлмаса!.. Ҳазратим, менга ёрдам беринг! Мен ўзим Самарқандга борай! Ё ўғлимни қутқариб олиб келур-мен, ё, майли, ўлигим ўша ёқларда қолсин!

— Ниятни яхши қилинг, бегим. Борамен десангиз ишончли одамларга қўшиб юборгаймиз.

Феруза бегим шоша-пиша йўл тарадудини кўрди. Гавҳаршод бегимнинг олдига кириб, оқ фотиҳа олди.

Унинг Самарқандга жўнаётганидан хабар топган Алишербек қадрдон мактабдоши Ҳусайн Бойқарога аталган бир байт шеърини соғинчли мактубига қўшиб, Феруза бегимдан бериб юборди.

Феруза бегим ўттиз етти ёшлик забардаст аёл эди. Қиш охирлаганда Ҳиротдан карвон билан отлиқ йўлга чиқди-ю, ҳут ойининг ёгин-сочинларига қарамай, Самарқандга эрта баҳорда етиб борди.

Бу ерда уни биладиган беку, аъёнлар кўп эди. Амир Темурга ҳам ота, ҳам она томондан авлод бўлгани учун «каримут тарафайн», яъни «икки томонлама мўътабар» деб ҳурмат қилувчилар бор эди. Абусайиднинг ўзи ҳам илгари Улуғбек қўшини сафида оддий мингбоши лавозимида юрган пайтларида Феруза бегимни кўрса икки букилиб таъзим қиларди.

Аммо бу гал ўттиз ёшлик Абусайид олтин тахт устида савлат тўкиб ўлтирганда Феруза бегим унинг қабулига кириб, ергача эгилиб таъзим бажо келтирди.

— Келинг, бегим, — деб Абусайид тахт қаршисидаги курсидан жой кўрсатди.

— Ҳиротдай жойдан сизнинг ҳузурингизга шафотат сўраб келдим, ҳазратим!

— Сиз мўътабар онасиз. Аммо ўғлингиз бадкирдорлар тўдасига қўшилмишдир!

— Ёшлик қилиб алданган бўлса кечиринг!..

— Бу не алданиш?! Биздан Абдулла Мирзонинг қасдини олмоқчи бўлганмиш! Ўғлингизнинг бу ниятини ўз оғзидан эшитган одам менга келиб айтди.

— Ҳазратим, баъзида қўшиб-чатиб йўқ гапни бор қилиб айтадиганлар ҳам кўп. Ўғлимнинг гапига эмас, ишига қараб баҳо беришингизни сўраймен. Ўғлим сизнинг даргоҳингизни афзал кўриб, Абулқосим Бобур-

дан ажралиб Самарқандда қолган. Шу иши унинг сизга ихлоси баландроқ эканини кўрсатмайдими?

— Биз ҳам шундай деб ўйлаган эдик. Ўғлингиз ёш бўлса ҳам довюрак, қилични яхши чопар экан. Мен уни тарбиялаб қўшин боши қилмоқчи эдим. Бироқ кейин билсам, исёнчи шаҳзодалар тўдасига қўшилибдир. Биз бундай тўдаларни йўқ қилмасак, улар бизни йўқ қилурлар! Ҳаммага ҳам жон ширин туюладир, бегим!

— Сиз ҳақсиз, ҳазратим. Худо омадингизни берсин. Ўғлим тажрибасизлик қилиб ёмон одамларнинг таъсирига тушган бўлса, уни мен ўзим тўғри йўлга солиб олурмен. Менга инонинг; айланай сиздан! Ахир сиз билан биз қон-қариндошмиз. Илдизимиз бир. Ҳаммамиз ҳам темурийлар хонадониданмиз!

— Лекин «мен ҳам темуриймен» деб, кучи етса-етмаса тожу тахтга даъвогар бўлаётганлар жуда кўпайиб кетди, бегим! Қўйиб берсак, бу майда-чуйда даъвогарлар бир бутун мамлакатни парча-парча қилиб, заифлаштириб юборурлар. Биз соҳибқирон бобомиз давридаги ягона марказий давлатни қайта тиклаш орзусидамиз. Бунинг учун яганалаш сиёсатига амал қилмоқдамиз.

— Яганалаш? Бу қандай сиёсат, ҳазратим?

— Деҳқонлар экинларини не тавр яганалайдилар, билурмисиз? Битта яхши тупни қолдириб, ҳосил бермайдиган бошқа заиф тупларни юлиб ташлайдилар. Биз ҳам ана шундай яганалаш усулига амал қилмасак муродга етолмағаймиз!

Бу сўзларнинг тагида қандай шафқатсиз маъно борлигини, Абусайид ўзи якка-ю ягона ҳукмдор бўлиши учун Ҳусайн Бойқарони юлиб ташлаб маҳв этишлари мумкинлигини сезган Феруза бегим бирдан кўрқиб кетди:

— Ҳазратим, агар ўғлимнинг гуноҳи бўлса, майли, жазосини мен тортай! Уни бир марта кечиринг! Лозим топсангиз унинг ўрнига мени ҳибс қилдиринг. Мени ўлимга буюрсангиз ҳам майли, фақат ўғлимни кечирсангиз бас!

Абусайид Феруза бегимнинг бу мардона гапларига қарши нима дейишини билмай иккиланиб қолди.

Феруза бегим унга яна кўп илтижолар қилиб, ахийри ўғлини ҳибсдан бўшаттириб олди.

Уч ой ҳибсда ётиб ранглари сарғайиб кетган Ҳусайн Бойқаро ёруғ дунёга чиққан куни онасини бағрига босиб, кўзлари ёшланиб миннатдорчилик билдирди. Онаси унга Алишербек ёзган мактубни берганда ўғлининг қувончи яна бир даража ошди.

Мактуб шундай илик, шундай ёқимли туюлдики, Ҳусайн Бойқаро уни кўзларига суртиб ўқди. Алишербек ёзиб юборган бир байт шеърни онасига завқ билан ўқиб берди:

*Кўзим учарки Ҳумоюн юзингни кўргай бот
Баайниҳ анга киприқлар ўлмиш икки қанот.*

Қандай гўзал мажоз! Кўз учганда киприқлар чиндан қанот қоққандек бўлур! Мен ҳам ҳозир қанот чиқариб Ҳиротга, дўстим Алишер томонга учгум келур!

Она-бола баҳор кунларида ям-яшил қиру адирлар оша Ҳиротга қайтаётганларида Феруза бегим ўғлидан сўради:

— Ростини айтинг, Абусайиддан Абдулла Мирзонинг қасдини олиш учун Самарқандда қолганмидингиз?

— Бошқа қасоскорлар билан яшириқча маслаҳат қилган эдик. Уларнинг орасида Абдулатифдан Улуғбекнинг қасосини олган Бобо Ҳусайн Баҳодир ҳам бор эди. Абусайид шу Бобо Ҳусайндан хавфсираб, унинг кетига жуда пихини ёрган хуфияларни қўйган экан. Бу хуфиялар яширин маслаҳатдан хабар топиб, подшога етказадилар. Абусайид тунда Бобо Ҳусайинни туттириш учун йигирмадан ортиқ қуроли навкарларини юборибдир. Бобо Ҳусайин иликка тушса, қата этилишини сезган бўлса керак. Илкига қиличу ханжар олиб, Абусайиднинг беку навкарларидан беш-олтитасини йиқитибдир. Аммо булар узоқдан ўқ ёғдириб, ярадор қиладилар. Бобо Ҳусайин ярадор бўлишига қарамай яна қилич чопадир, ёвларига то қолдан тойиб йиқилгунча қаршилиқ кўрсатадир. Ахийри иликда қилич тутганича мардона жон берибдир... Шундан кейин бизни ҳам ҳибс қилдилар.

— Бобо Ҳусайинни худо раҳмат қилсин. Қаҳрамон амир эди. Лекин сиз ҳам бир ўлимдан қолибсиз, ўғлим! Иккинчи марта Абусайид саройига яқин бора кўрманг! Балодан ҳазар!

— Ўзим ҳам унинг қанчалик хатарли аждаҳо эканини энди билдим. Бир қарашда жуда келишган, алп қомат, қиличбоз йигит бўлиб кўринди. Лекин қилган ишларини билиб даҳшатга келдим. Гуноҳ қилган амалдорларидан бирининг терисини тириклай шилдирибдир. Яна бирини қайнаб турган қирққулоқлик қозонга ташлаб ўлдирибдир.

— Қайнаб турган қозонга ташлаб ўлдириш!.. Бундай ваҳший жазо темурийларда йўқ эди-ку.

— Абусайид буни жоҳил хонлардан ўрганган бўлса керак. Китоб ўқимас экан. Саройида мушоира йўқ, фақат ичкилик базмлари. Шоиру олимлар қувғинда. Дағал муомалалик жангарилар тўрда.

— Абулқосим Бобурнинг қадрига энди етсангиз керак?

— Ҳа, мен ундан ажралиб қолганимга кўп пушаймон бўлдим.

Ҳиротга қайтганларида она-бола аввал Гавҳаршод бегимнинг ҳузурига кириб, бошдан кечирганларини унга сўзлаб бердилар.

— «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмассен» деганлари рост экан, — деди Феруза бегим. — Абусайиднинг жабрини тортган одам Абулқосим Бобурдек маърифатли шоҳни бошига кўтарса арзига! Шунини подшоҳ ҳазратларига бир оғиз айтсангиз, ҳазрат бегим! Зора ўғлим Хусайнбек яна ул зоти олийнинг хизматларига қабул қилинса.

Гавҳаршод бегим орага тушгандан кейин Абулқосим Бобур «йўқ» деёлмади:

— Майли, саройга келсин, ўзим бир сўзлашиб кўрай.

* * *

Алишербек ҳозир подшо саройида мулозимлар орасида хизматда эди. Ун тўрт ёшида қадди қомати тўлишган, билимли, фаҳми-фаросати баъзи катта ёшлик мулозимларниқидан ҳам баланд эди. Шунинг учун подшоҳ Алишербекни:

— Фарзандим, — деб атар, илму санъатга оид энг нозик ишларни унга топширарди.

Алишербек подшоҳ қабулига келган шоирлар, олимлар, санъаткорлар, меъморларнинг арзларини эшитиб, муҳимларини подшога кириб маълум қилар, Абулқосим Бобур рухсат берганларини унинг қабулига олиб

кирар, вазирлар билан ҳал бўладиган муаммоларни уларнинг ихтиёрига юборар эди.

Мактабдош дўсти Хусайн Бойқарони подшоҳ қабулига олиб кириш ҳам Алишербекнинг зиммасига тушди. У подшонинг девони хосига таъзим қилиб кирди-да, арз қилди:

— Ҳазратим, Хусайн Бойқаро... Сиздан берухсат Самарқандда қолгани учун афу сўрамоқчи бўлиб келди. Қабулхонада иноятингизга мунтазир.

— Бетайинроқ йигитга ўхшайдир Хусайнбек...

— Аммо фақир уни болалик пайтимиздан билурмен. Сизга эътиқоди баланд. Самарқандда қолганининг сабаби ҳам — Абусайидга хизмат қилиш эмас экан. Сиз кўзлаган мақсадни амалга оширмақчи экан. Абдулла Мирзо учун қасд олмоқчи бўлган!

— Биз кўшин тортиб бориб етолмаган мақсадга унинг бир ўзи етмоқчи эмишми?.. Жуда катта кетибдилар-ку.

— Ёшлик ғўрлиги туфайли шундай бўлибдир. Бир марта афв этинг, ҳазратим. Минбаъд сиздан берухсат бундай ишларни қилмагай. Фақир кафил бўлурмен!

— Ҳазрат момом ҳам айтган эдилар. Майли, кирсин. Ўзим бир яккама-якка сўзлашиб кўрай-чи.

Алишербек қабулхонага чиқиб, Хусайн Бойқарони подшонинг ҳузурига киргизиб юборди. Ярим соатлар ўтгандан кейин Хусайн Бойқаро қизариб, терлаб чиқди. Аммо кўзлари қувноқ чақнаб, Алишербекка қулимсираб қаради:

— Роса адабимни бердилар. Лекин охирида сарой хизматига қабул қилдилар!

— Муборак бўлсин!

— Қуллуқ, дўстим. Энди яна бирга бўлурмиз.

— Илоё тоабат ажрашмайлик! — деди Алишербек, Хусайн Бойқарони бағрига босиб.

* * *

Абулқосим Бобур илму-ижод аҳлининг суҳбатини яхши кўрар, давлат ишларидан вақт ажратиб, мадрасаларга борар, Абдураҳмон Жомий ва Лутфий ҳузурда бўладиган мушоираларда иштирок этарди. Эл-юрт уни «дарвештабиат шоҳ» деб эъзозларди.

Аммо жангу-жадалга мойил амирлари унинг дарвешона ишларини ёқтиришмас, махсус зиёфатлар беришиб, уни кўпроқ, май базмларига тортишга интили-

шарди. Хос Ҳақимлар унинг жигар хасталиги борлигини Гавҳаршод бегимга эслатиб туришарди. Невараси кўп май ичган кунларида кўзининг оқи сарғайиброқ қолишини Гавҳаршод бегим ҳам сезган эди. Шунинг учун саройга борганда ҳам, Абулқосим Бобур момосини кўриш учун Боғи Сафедга келганда ундан доим май ичмасликни илтимос қиларди.

— Парвадигор отангизнинг умрини ҳам сизга қўшиб берган бўлсин! — дерди. Лекин Бойсунқур Мирзо ўттиз уч ёшида майнинг касофати билан оламдан ўтгани мени ҳанузгача ларзага соладир.

— Шукур, мен ўттиз бешга кирдим-у, момо!

— Э, ҳали сиз ёш йигитсиз. Менга ўхшаб етмиш еттига кириш! Ундан ҳам ортиқ умр кўринг! Бекларингиз май базмига таклиф қилавермасинлар. Илму ижод аҳли сизни яхши кўради. Ўшаларнинг даврасида кўпроқ бўлинг.

— Айтмоқчи, мадрасангизда бир мушоира бўлибдир. Боролмаганимга афсус қилдим. Маликул калом Лутфий Алишербек ҳақида ажойиб сўзлар айтган эмиш. Сиз бормидингиз, ҳазрат момо?

— Бор эдим. Мушоирада Алишербек шундай ажойиб шеърлар ўқидики, маликул калом Лутфий уларнинг бир байтини ўзининг ўн икки минг мисра шеърларидан аъло деб улуғлади.

— Аммо туркий тилда Лутфийга тенг келадиган шоир ҳали дунёга келган эмас эди. Энди шундай хасос шоир ўн беш ёшлик Алишербекни ўзидан балоқд қўйган бўлса, бу жуда катта тантилик ҳам башорат бўлибдир!

— Мен ҳам раҳматлик Улуғбекда кўрган даҳо даражасидаги истеъдод нишонларини Алишербекда кўрмоқдамен. Илоҳим ёмон кўздан худо уни асрасин! Сизнинг даргоҳингиздан шундай улуғ бир шоир етишиб чиқса номингиз тарих зарварақларига битилгай, шоҳ ўғлим! Унинг дўсти Ҳусайн Бойқаро дуруст хизмат қилмоқдами?

— Ҳа, баҳодир саркарда бўладиган кўринадир. Сипоҳилар орасида нуфузи балоқд. Яқинда минг кишилик қўшинга саркарда қилиб кўтармоқчимиз. Шеър ҳам машқ қилар экан. Ҳусайний тахаллуси билан ёзган шеърларидан ўқиб берди. Туркийси яхши. Аммо ҳамма шеърлари бир вазнда. «Нечун бошқа вазнларда ёзмайсиз?» десам, «Шу вазни яхши кўрамен. Бошқа вазндаги шеърларни қилич билан ёзгаймен» дейдир.

Гавҳаршод бегим сўнги гапдан завқланиб:

— Ҳазратим, сизнинг қанотингиз остида аҳли қалам билан аҳли сайф¹ иноқ бўлиб яшамокда. Мен буни мана шу икки ёш истеъдод мисолида кўриб қувонамен. Аҳли сайф мамлакатнинг хавфсизлигини таъмин этса аҳли қалам эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилур. Ана шунда эл-юрт сизни адолатли шоҳ деб бошига кўтаргай. Бу улуғ мақсадга етмоқ учун майпараст беклардан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сизнинг саломатлигингиз мана шу истиқболли ёшлар учун ҳам жуда керак!

Абулқосим Бобур Ҳиротда Боғи Зоғонда турган пайтда Гавҳаршод бегим неварасини иложи борича май базмларидан эҳтиёт қилиб юрди.

Лекин милодий 1456 йилнинг кузида қорақуюнли туркманларнинг саркардаси Жаҳоншоҳ Қазвин ва Исфохонларни эгаллаб, Машҳадга таҳдид сола бошлади.

Машҳад Хуросон таркибига кирар ва Ҳиротдан кейинги энг муҳим шаҳар ҳисобланарди. Машҳадда Гавҳаршод бегим номи билан аталадиган саккиз гумбазли улкан масжид-мадраса қурилган эди.

Амир Шерҳожи бошлиқ беклар Жаҳоншоҳ тажовузининг олдини олиш учун подшоҳ саройини вақтинча Машҳадга кўчиришни таклиф қилдилар. Гавҳаршод бегим бунга қарши эди. Лекин Амир Шерҳожи ва бошқа нуфузли амирлар май базмларидан бирида Абулқосим Бобурни бу режага кўндирдилар.

Сарой аҳли қаторида Алишербек ва Ҳусайн Бойқаролар ҳам қишни Машҳадда ўтказдилар. Абулқосим Бобур ўзининг саройи ва қўшинлари билан ғарбий чегаралар ҳимоясида турганлиги сабабли Жаҳоншоҳ қорақуюнли Машҳадга ҳужум қилишга журъат этмади ва Табризга қайтиб кетди.

Шунинг хурсандчилигига Машҳадда тонготар май базмлари бошланди. Бу базмларга Абулқосим Бобурнинг энг нуфузли вазири амир Шерҳожи бошчилик қиларди.

Машҳадда бодом ва ўриклар гулга кирган баҳор кунларининг бирида Амир Шерҳожи подшоҳ шарофига катта зиёфат берди. Шоҳона дастурхонга каклик ва кийик гўштларидан тайёрланган, зира ҳиди келиб турган кабоблар тортилди. Хумда ўн-ўн беш йилдан

¹ Сайф — қилич.

буён. куч йиғиб ётган ўткир майиноблар олтин қадаҳларга тўлдирилди.

Подшоҳ ўлтирган шоҳнишин қаршисида туркман гиламлари тўшалган очиқ саҳнда юзини ҳарир парда билан бекитган хипчабел канизақлар рақс тушмоқда. Орқароқда ўлтирган созандалар шўх куйлар чалмоқда.

Тун ярмидан ошганда Абулқосим Бобур қадаҳдаги ўткир майинобни яна бир марта сипқорди. Шунда тўсатдан нафаси қайтиб, боши айланиб кетди. Ёнида ўлтирган Шерҳожи унинг ҳушдан кетиб, дастурхон устига юзтубан тушаётганини кўрди-ю:

— Ҳазратим, сизга не бўлди?! — деб уни тутиб қолди ва ўнг ёнбошига ётқизди.

Дарҳол хос ҳақимни чақирдилар. Бироқ муолажа ёрдам бермади. Ҳамон беҳуш ётган подшони кўриқчи йигитлар кўтариб олиб чиқиб кетдилар.

Ичкилик базми азага айланди.

Ўттиз олти ёшлик Абулқосим Бобур жигар касалидан вафот этдими, ёки у ичган майга билинтирмай заҳар солганмидилар, — шундан кейин бошланган алғов-далғовда буни аниқлашнинг иложи бўлмади.

Амир Шерҳожи дарҳол жиловни қўлга олди. У подшонинг ўн бир яшар ўғли норасида Шоҳмаҳмудни тезроқ тахтга чиқариб, давлатни унинг номидан ўзи бошқариш ҳаракатига тушди.

Беку аёнлар орасида «Шерҳожи олдиндан мана шу мақсадни кўзлаб подшога заҳар бермадимикин?» — деган тахминлар ҳам пайдо бўлди. Лекин бу тахминлар қанчалик асосли эканини текшириб ҳақиқат қиладиган одам бўлмади.

Ҳамманинг хаёли «энди тожу тахтчи ким эгаллайди?» деган савол билан банд. Бу саволга дафн маросимидан кейин аниқ жавоб топиш мумкин эди. Ҳамманинг кўзи Гавҳаршод бегимда. Ҳал қилувчи сўзни шу кайвонидан кутаётганлар кўпчилик эди.

Абулқосим Бобур жасадини Машҳаддан Ҳиротга олиб келиб, Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги Бойсунқур Мирзо қабри ёнига дафн этдилар.

Азадорлик маросимини Гавҳаршод бегим бошқарди. Марҳумнинг ўн бир яшар норасида ўғли Шоҳмаҳмуд момоси ёнида айвонда бел боғлаб кўз ёш тўкиб турарди.

Таъзияга келувчиларнинг кети узилмас, уларни

Амир Шерҳожи бошлиқ мулозимлар кутиб олишар ва тиловатдан сўнг кузатиб қўйишар эди.

Сарой аҳли орасида ўн олти ёшлик Алишер Навоий ва ўн тўққиз ёшлик Ҳусайн Бойқаро ҳам бор эдилар.

Таъзияга оппоқ соқоллик мавлоно Лутфий билан ҳали соқол-мўйловига оқ тушмаган қирқ тўрт ёшлик барваста Абдураззоқ Самарқандий бирга келдилар.

Йиғи-сиғидан беҳад толиққан Гавҳаршод бегим айвон ичкарасидаги хонага кириб ўлтирган эди. Алишербек Гавҳаршод бегимнинг рухсати билан мавлоноларни ўша хонага бошлаб кирди.

Қадрдон мавлоноларни кўрганда Гавҳаршод бегим яна кўзига ёш олди.

Ноз-неъмат қўйилган хонтахта атрофида ўлтирганларида саксон беш ёшлик мавлоно Лутфий таъсирли овоз билан марҳумнинг арвоҳига бағишлаб тиловат қилди. Шундан сўнг Гавҳаршод бегимга таъзия билдириб, кўнгил сўрадилар.

— Бегим, худо сизга қувват берсин! — деди мавлоно Лутфий, мусибатингизга биз ҳам шерикмиз, — деб гап қўшди Абдураззоқ Самарқандий. — Ҳазрат бегим, яна тожу тахт талош бўлишидан хавотирдамиз. Подшоҳ хонадонининг сиздан улуғ кайвониси йўқ. Шунинг учун барча маърифат аҳли умид кўзини сизга тикканлар.

— Ташаккур, мавлоно. Аммо мен ҳозир қаноти куйган қушнинг аҳволидамен. Охирги қанотим — Аблуқосим Бобур эди. Худо уни ҳам бизга кўп кўрди.

— Аммо сиз маърифат аҳли учун оловдан тирик чиқадиган Қақнус кабисиз! — деди мавлоно Лутфий.

— Кўп оловларда ёниб тирик чиққанам рост, мавлоно. Аммо энди қариб қолдим. Ёшим саксонга борди.

— Шукур, ҳали бақувватсиз.

Мавлоно Лутфий орада бўлаётган гапга қўл қовуштириб қулоқ солиб турган Алишербек билан Ҳусайн Бойқарони Гавҳаршод бегимга кўрсатди:

— Худо хоҳласа мана бу янги авлод сизу бизга қанот бўлгусидир. Фақат буларни қонли можаролардан омон сақлай олсак бас.

— Невара-чевараларингиз сизнинг сўзингизга қулоқ солурлар, — деди сўнги кунларда тожу тахт учун кураш бошланаётгандан хабардор бўлган Абдураззоқ

Самарқандий. — Илоё уларни мурасага келтириш Сизга насиб қилсин, ҳазрат бегим!

— Дуоларингиз ижобат бўлсин, мавлонолар!

Меҳрибон алломаларнинг дуосидан мадад олган Гавҳаршод бегим ўзаро низони алақачон бошлаб юборган чеваралар Султон Иброҳим билан Шоҳмахмудни мурасага келтириш ҳақида ўйлай бошлади.

НОҚОБИЛ ЧЕВАРАЛАР КАСОФАТИ

Аслида отасидан жудо бўлиб мусибат чекаётган ўн бир ёшлик Шоҳмадмудга ҳозир тожу тахтнинг унча кераги ҳам йўқ эди. Лекин унинг кетида тожсиз подшо бўлиш иштиёқи билан ёнган оталиғи Амир Шерҳожини турар ва норасида меросхўр атрофига кўпроқ тарафдорлар йиғишга интилар эди.

Яна бир тахт даъвогари — Алауддавланинг ўн саккиз ёшлик ўғли Султон Иброҳим эди. У бундан икки йил аввал отаси уюштирган фитнага қатнашгани учун Абулқосим Бобур буйруғи билан Ихтиёриддин қалъасига ҳибсхонага қамаб қўйилганди. Кўп урушларга сабаб бўлган Алауддавла инисидан мағлуб бўлиб қўлга тушганда, Абулқосим Бобур унинг кўзини кўр қилишни буюрган эди. Лекин Алауддавла жаллодларга пора бериб, жазони енгиллатишга муваффақ бўлган, унинг бир кўзи соғ қолган, шу бир кўз билан ҳали Дашти Қипчоққа қочиб борар, ҳали Бадахшон ва Ҳисорда пайдо бўлар, лекин Ҳиротга қайтишга журъат этолмай тентираб юрарди.

Мана энди Абулқосим Бобур вафот этгандан кейин Алауддавланинг собиқ вазири Қора Баҳодир ҳаракатга тушди. У Ихтиёриддин қалъасининг қутволи билан илгари ҳамтовоқ бўлган эди. Ҳозир унга ва ҳибсхона қоровулларига катта пора бериб, кечаси Иброҳим Султонни қочаришга муваффақ бўлди. Султон Иброҳим она томондан тархон амирларига қариндош эди. Ўша кеча Низомиддин Аҳмад Тархоннинг уйига бориб яшириниб ётди.

Аксига олиб, бу ёш йигит ҳибсхонада тутқаноқ касалига йўлиққан экан. Тутқаноғи тутганда қўл-оёғи қалтираб, ҳушидан кетиб қолар эди.

Уни даъволаб ўзига келтириш ва кўпроқ қўшин йиғиш мақсадида Қора Баҳодир бошлиқ тарафдорлари Султон Иброҳимни Мурғоб дарёси бўйдаги баҳаво жойларга олиб кетди.

Абулқосим Бобурнинг дафн маросими ва еттиси ўтгандан кейин Гавҳаршоҳ бегимга қариндош бўлган Низомиддин Аҳмад Тархонлар кечки пайт Боғи Сафедга келиб, Гавҳаршоҳ бегимни Султон Иброҳимга ён босишга ундай бошладилар.

— Ахир Султон Иброҳим ёш жиҳатидан ўлкан, насаб жиҳатидан ҳам катта оғанинг ўғли, тахт уники бўлиши керак! — деб ваз кўрсатдилар.

— Кексайганимда мени тинч қўйинглар, — деди Гавҳаршоҳ бегим. — Невараларнинг тахт талашинларига аралашиб нима топдим? Энди чевараларнинг жанжали қолдими? Бунинг охири бўлмас экан. Яна неча кунлик умрим бор? Шу ерда беш вақт намозимни ўқиб тинчгина турай, мени бу ишларга аралаштирманглар.

— Ҳеч бўлмаса маслаҳат беринг, ҳазрат бегим! Об-рўйингиз катта. Амирлар гапингизга қулоқ солурлар.

Тажрибасиз ёш чеваралари аждаҳодай оғиз очиб келаётган амалпараст амирларнинг қурбони бўлиши мумкинлигини Гавҳаршоҳ бегим ич-ичидан сезиб турарди. Буни кўра била туриб, уларга ҳатто дуруст бир маслаҳат ҳам бермасдан четда лоқайд туришга Гавҳаршоҳ бегимнинг кўнгли бўлмади.

— Агар менинг маслаҳатимни олсаларинг, Султон Иброҳим билан Шоҳмансурни яраштиринглар. Ҳар икки томоннинг амирлари иттифоқ тузсинлар! Чунки Турондан Абусайид қўшин тортиб келмоқда эмиш. Менга аниқ ахборот келди. Агар чевараларим биргалашиб унга қарши бормасалар, Хуросонни Абусайид босиб олғай. Икки шаҳзода тахт талашиб урушса, иккови ҳам заифлашгай. Шу аҳволда Султон Абусайидга бас келиб бўлурми, айтинглари?

— Бу томонини ўйламабмиз, — деб тан олди Увайс Тархон. — Лекин ғарбдаги Жаҳоншоҳ ҳам яна Хуросон томонга қўшин тортиб келмоқда эмиш.

— Ана, икки томонимиздан шундай кучли ёғийлар бостириб келаётган пайтда ички низоларни унутиш керак эмасми?

Шу тарзда бегим Тархон амирлари билан узоқ гаплашди. Ахийри Тархон амирлари Султон Иброҳимни Шоҳмаҳмуд билан яраштиришга рози бўлдилар.

— Энди Шерҳожини сиз кўндилинг, — деб Гавҳаршоҳ бегимдан илтимос қилдилар. Бегимнинг оёғи тортмаса ҳам Боғи Мухторга бориб, азадор келини Мақсуда бегим ва Амир Шерҳожилар билан учрашди.

Амир Шерхожи Султон Иброҳим билан сулҳ тузгиси келмай анча тихирлик қилди. Шунда Шоҳмаҳмуднинг онаси Мақсуда бегим қайнонасининг тарафини олди:

— Султон Абусайид бостириб келаётган бўлса, ўғлимиз икки ўт орасида қолмасин, майли, сулҳ тузайлик!

— Аммо Иброҳимни турмадан қочирган Қора Баҳодир албатта Ҳиротга тажовуз қилгай! — деди Амир Шерхожи. — Мен унинг қанчалик ғаждор одам эканлигини билурмен.

— Лекин Султон Иброҳимнинг ёнида менинг жианларим Тархон амирлари ҳам бўлулар. Мен уларнинг розилигини олдим.

— Агар момом орада кафил бўлиб турсалар, биз сулҳга розимиз! — деди Шоҳмаҳмуд.

Шерхожи яккаланиб, тумтайиб қолди, аммо бошқа эътироз қилолмади.

Сулҳ тузиш ҳақида Султон Иброҳим номига ёзилган мактубга ҳар икки томоннинг Ҳиротдаги амирлари имзо қўйдилар. Гавҳаршод бегимнинг Турконшоҳ деган энг ишончли навқари бу мактубни Мурғоб бўйида турган Султон Иброҳимга тезроқ етказиб бериш учун чопар бўлиб кетди.

Шаҳзодалар иттифоқ тузиб, Абусайидга қарши чиқмоқчи бўлаётганининг хабари хуфиялар орқали Самарқанд подшосига ҳам етиб борди.

Султон Абусайиднинг Ҳиротга юборган элчиси Саид Жалолидин Мазид бу иттифоқни бузиш ҳақида яширин топшириқ олди.

Бу элчи Абулқосим Бобур вафоти муносабати билан унинг момоси, ўғли ва оиласига таъзия билдиргани келган эди. Марҳумнинг маъракаларига қатнашиб, Ҳиротда бир-икки ой турди. Шу орада Амир Шерхожи билан яшириқча учрашиб, Султон Абусайид буюрган гапларни унинг қулоғига айтди:

— Шоҳмаҳмуд билан Султон Иброҳим орасида тузилмоқчи бўлган сулҳ — аслида ҳийла. Тархон амирлари сизни рафлатда қолдириб, тахтни Султон Иброҳимга олиб бермоқчи эмишлар.

— Йўғ-е, буни ким айтди?!

— Ҳазрат Султон Абусайид айтдилар. Мурғоб бўйида ҳам у зоти олийнинг хуфиялари бор. Султон Иброҳимни ҳибсдан қочирган Аҳмад Тархон «Ҳиротга борсак, энг аввал Шерхожини йўқ қилгаймиз» де-

ганини бизнинг одамлар ўз қулоқлари билан эшитибдилар.

Шерҳожи Султон Абусайиднинг хуфиялар хизматидан жуда усталик билан фойдаланишини биларди. Султоннинг яширин одамлари Дашти Қипчоқдан тортиб Хуросону Ироқча ҳамма жойдан аниқ хабарлар юбориб туришарди. Султон Абусайид улардан маблағни аямас, ҳар бир муҳим маълумот учун ҳамён-ҳамён нақд олтин берар эди.

Бундан хабардор бўлган амир Шерҳожи Абусайиднинг элчиси яшириқча айтган гапларга сўзсиз ишонди.

— Султон ҳазратларига минг раҳмат, сизга ҳам ташаккур, элчи жаноблари! — овози титраб шивирлади Шерҳожи. — Мен бу Тархон амирларига унча ишонмас эдим. Лекин кекса Гавҳаршод бегим орага тушди...

— Э, у бегим ҳам Тархонлар уруғидан-ку!

— Ҳа, ҳаммаси бир! Мени ҳийла билан йўқотмоқчи бўлсалар, мен аввал уларнинг ўзини бартараф қилмоғим керак!

Шерҳожи ҳеч нарсани сездирмай Тархон амирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб юрди.

— Энди дўст бўлдик, сулҳ тузилиши аниқ, шунинг шодиёнасига мен бир дастурхон ёзай! — деб Шерҳожи Ҳиротда турган энг нуфузли Тархон амирларини ўзига қарашли чорбоғга зиёфатга таклиф қилди.

Чорбоғда мевали дарахтлар қийғос гуллаган, лолалар ҳам очилган ёқимли пайт эди. Гулзорлар ўртасидаги кошонанинг энг муҳташам танобийсига анвойи ноз-неъматлар билан безалган дастурхон ёзилди. Амир Хусрав Тархон, Муҳаммад Тархон, Увайс Тархон ва унинг йигирма ёшлик ўғли Юсуф Тархон ҳаммалари кийик гўштлардан еб, тотли майлардан кайф қилиб ўтирганларида Амир Шерҳожи ўзининг «Девона» лақаблик филдай улкан Паҳлавон Ҳусайн деган амирига яширин бир ишора қилди. Паҳлавон «тушундим!» дегандай бош ирғаб ташқарига чиқиб кетди. Унинг кетидан Шерҳожи ҳам чиқмоқчи бўлиб турганда Увайс Тархон уни этагидан тутди:

— Жаноб амир, ўтиринг ёнимга! Қани, иттифоқ бўлганимиз шарафига яна бир қўлдан олайлик! — деди.

Шерҳожи май тўлдирилган қадахни қўлига олиб, бирга ичишга мажбур бўлди. Увайс Тархон дандон

сопли пичоқ билан кийик гўштидан газак қилиш учун кесиб олаётган пайтда бирдан уларнинг боши устида тиф яланғочлаган Паҳлавон Девона ва яна беш-олтита каллакесарлар пайдо бўлишди. Биринчи қилич Увайс Тархоннинг ўғли Юсуфни отасининг кўзи олдида чопиб ташлади. Кимдир орқадан Увайс Тархоннинг елкасига ҳанжар санчди.

Бу малъунлик Шерҳожининг иши эканини пайқанган Увайс Тархон елкаси ярадор бўлганига қарамай қўлида гўшт кесиб ўлтирган дандон сопли пичоқни Шерҳожининг биқинига урди. Пичоқни бураб чиқариб, унга яна бир санчмоқчи бўлаётганда Паҳлавон Девона етиб келиб, Увайс Тархонни қилич билан уриб йикитди.

Биқинига санчилиб, бураб олинган пичоқ жароҳатидан Шерҳожи ҳам беҳуш бўлиб дастурхондаги таомлар устига юз тубан ағанаб тушди.

Зиёфат пайтидаги ваҳшиёна қирғинда Увайс Тархон, унинг ўғли Юсуфбек, амакибаччалари Муҳаммад ва Аҳмад Тархонлар ҳалок бўлдилар. Дастурхонга қўйилган нози-неъматлар уларнинг қонларига беланди.

Бу қонли фожиадан фақат ёзилиш учун ташқарига чиққан Амир Ферузшоҳ омон қолган эди. У боғдан қочиб чиқиб, Тархон амирларининг тарафдорларини оёққа турғизди. Улар Шерҳожидан қасос олиш учун ярим тунда унинг уйига бостириб бордилар, лекин қотилни тополмадилар.

Шерҳожини яқин қариндошлари шаҳар ташқарисидаги Нирату қалъасига олиб бориб яширган эдилар. Биқинига санчилган пичоқ ярасидан унинг ички аъзоларига қон қуюлиб, оғзидан қон келди, ўлишига сал қолди. Катта пуллар эвазига Ҳиротдан яшириқча чақирилган ҳаким ва жарроҳлар уни бир амаллаб қутқариб қолдилар.

Шерҳожининг олчоқлик қилгани унинг ҳимоясидаги норасида Шоҳмаҳмуд учун ҳам оғир зарба бўлиб тушди. Энди унинг Султон Иброҳим билан сулҳ тузиши ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Шаҳид бўлган Тархонларнинг барча қариндошлари ўз навкарлари билан Султон Иброҳим томонига ўтдилар. Шоҳмаҳмуд онаси Мақсуда бегим, яқин бек ва навкарлари билан Ҳиротни ташлаб чиқиб, Машҳадга кетишга мажбур бўлди.

Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ҳам мар-

ҳум Абулқосим Бобурнинг хотирасига садоқат сақлаб, унинг ўғли билан Машҳадга бордилар.

Подшосиз ва бошқарувсиз қолган Ҳиротга Султон Иброҳим ўз тарафдорлари билан баҳор охирида қолган кунларда етиб келди.

Гавҳаршод бегимнинг икки шаҳзодани яраштириш бўйича қилган саъй ҳаракати Шерҳожининг уюштирган қонли фожиалар билан тутагани учун бегим энди давлат ишларига бутунлай аралашгиси келмай қолди. Боғи Сафедда кунларни тоат-ибодат билан ўтказа бошлади.

Султон Иброҳим Ҳирот тахтини эгаллагандан кейин ўзига алам ўтказган душманларидан қасос олишга берилиб кетди. Уни ҳибсхонада қийнаган собиқ вазир Исмоил Симноний билан ҳибсхона бошлиғи Мир Ражабни дорга осиб ўлдиртирди.

Тархон амирлари Шерҳожининг яқинларидан бўлган Малик Қосим, Қаҳрамон Туркман, Давлат Келди Тағойи каби амирларни тутиб келиб, подшодан уларни ўлимга буюришни талаб қилдилар.

Шу орада Исфахон томондан Жаҳоншоҳ Қорақуюнли Журжон ва Астрабодни босиб олганлиги ва Мурғоб дарёси бўйига — туркманлар яшайдиган томонга қўшин тортиб бораётгани ҳақида хабар келди.

Балхда Султон Абусайид Хуросонга бостириб кириш учун тайёргарлик кўрмоқда эди. Шундай бир қалтис пайтда ўч олишга берилиб кетиб, Ҳиротнинг ўзига ҳам ички адоватни аланга олдириш ҳеч бир ақлга тўғри келмайдиган иш эди.

Гавҳаршод бегим чевараси Султон Иброҳимнинг бу хато ишларига лоқайд яна қараб туrolмади. Тахтиравонга тушиб, подшо саройига борди.

— Мурғоб бўйларига яна ишингиз тушгай, подшоҳ ўғлим! — деди. — У ёқда сизга хайрихоҳ туркманлар кўп. Уларни ўзингизга душман қилманг. Амир Қаҳрамон Туркман билан Давлат Келдини Шерҳожининг айби учун беҳуда қатл эттирманг! Буларга меъ шафе бўлурмен!

Момоси орага тушгандан кейин ҳар икки туркман амири омон қолди. Аммо Ҳожининг Халил ва яна икки Амир Ҳирот шаҳрига қутвол бўлиб тайинланган Қора Баҳодирнинг қутқуси билан қатл этилдилар. Шунда бу амирларнинг юзлаб навкарлари ва қариндош-уруфлари Султон Иброҳимдан юз ўтириб, Балхдаги Абусайид томонига ўтиб кетдилар.

Бу орада Машҳаддан ёш Шоҳмаҳмуд қўшин тўдлаб, Ҳиротга бостириб келаётгани маълум бўлди. Султон Иброҳим ҳам ўз беку навкарларини жангга ҳозирлаб, амакибаччасига қарши майдонга чиқди. Икки орада куни бўйи давом этган жанг ахийри Султон Иброҳим галабаси билан тугади. Шоҳмаҳмуд энди тожу тахтдан умидини узиб, Машҳадга чекинди, ундан кейин Қобулга қочиб кетди. Ўша ёқларда ўн тўрт ёшида ўқ еб ҳалок бўлди.

Бир уруш тугар-тугамас иккинчиси яқинлашиб келмоқда эди. Қорақуюнли Жаҳоншоҳ Ашхобод томонлардан ўзига тарафдорлар топиб, Хуросонга шимолдан бостириб кирди.

Яқиндагина бир урушдан талофат кўриб чарчаб чиққан Султон Иброҳимнинг қўшини Жаҳоншоҳ лашкаридан икки баробар кам эди. Шунинг учун бир гуруҳ амирлар:

— Ҳиротда захира тайёрлайлик, кўрғон дарвозаларини бекитиб, ёғийни шу ерда кутайлик! — дейишди.

Лекин қамал азобини ёмон кўрадиган бошқа бир гуруҳ амирлар:

— Ўзимизда куч оз бўлса, Султон Абусайиддан кўмак сўрайлик, — дейишди. — Ахир у ҳам Темурийлардан-ку. Ҳиротнинг етти ёт бегоналар илкига ўтиб кетишини истамаса керак.

Шунинг устига Балхдан Саид Жалолиддин Мажид элчи бўлиб келди ва Султон Иброҳимга Абусайид номидан сулҳ таклиф қилди:

— Мирзо ҳазратлари, сиз Ҳиротдан Мурғоб томонга қўшин тортиб чиқсангиз, бу орада Балх томондан Султон Абусайид аълоҳазрат ҳам ўз лашкари билан Мурғоб бўйига етиб боргайлар. Агар сиз олдинроқ борсангиз Жаҳоншоҳнинг Ҳиротга келадиган йўлини тўсиб тургайсиз. Алҳал Султон Абусайид бориб ёнингизга киргайлар. Биргаллашиб Жаҳоншоҳни тормор этгайсизлар, иншоллоҳ!

Ўн саккиз ёшлик тажрибасиз Султон Иброҳим Саид Жалолиддиндек маккор вазирнинг гапига ишониб, ундан ҳам шумроқ Абусайид билан иттифоқ тузмоқчи бўлаётгани Гавҳаршод бегимни яна хавотирга солди. Бегим ҳокимият можароларига араллашишдан нечоғли тўйган бўлишига қарамай, чеварасининг ёшлик гўрлиги сабабли хатарли ишга бош қўшаётганини сезиб, яна лоқайд қараб туролмади. Подшо саройига бориб, Мур-

ғоб юришига тайёрланаётган Султон Иброҳимни бу ниятидан қайтаришга интилди.

— Сиз бир-бирига қараб юмалаётган иккита зўр харсангтошнинг орасига тушманг! — деди. — Қўйиб беринг, аввал Жаҳоншоҳ Абусайид билан тўқнашсин! Бу иккови бири-бири билан урушмай туролмағай!

— Лекин биз Султон Абусайид билан битим туздик, шартлашдик!

— Майли, битим ўз ўрнида турсин. Лекин Сиз Жаҳоншоҳ билан биринчи бўлиб урушга кирманг, жоним болам! Шошилманг! Аввал Абусайид Балхдан Мурғоб бўйига етиб борсин. Унинг кучи кўп, тажрибаси катта. Олдин у жангга кирсин, қўйиб беринг!

— Аммо Жаҳоншоҳ Балхга эмас, Ҳиротга бостириб келмоқда. Биз Жаҳоншоҳнинг йўлини тўсмасак, Абусайид умуман жангга кирмаслиги мумкин.

— Абусайид ҳам Ҳиротга кўз тиккан. Жаҳоншоҳга Ҳиротни бериб қараб турмас!

— Хўп, ҳазрат момо! Бу маслаҳатингизни яна ўйлаб кўргаймиз. Амирлар билан маслаҳат қилурмиз!

— Лекин адданиб қолманг, жоним болам! Абусайид ҳам, Жаҳоншоҳ ҳам макру ҳийлага жуда уста! Шунини унутманг!

Бу гаплардан Султон Иброҳим қаттиқ хавотирга тушди. Устма-уст келаётган ташвишлардан унинг асаби чарчаган эди. Жаҳоншоҳга қарши қўшин тортиб бораётганда уни яна тутқаноқ тутди.

Хос Ҳаким дору дармон билан уни ўзига келтирган бўлса ҳам, тутқаноқдан кейин бир неча кун унинг боши ғовлаб дармони кетиб юрарди. Ана шу бедармонлик ҳам сабаб бўлиб, у Жаҳоншоҳ билан жангга ошиқаётган ҳовлиқма бекларнинг шаштини қайтаролмади.

Балхдан етиб келиши керак бўлган Султон Абусайид негадир йўлни Ҳирот томонга буриб кетди. Жаҳоншоҳнинг Балхдаги хуфиялари: «Абусайид аввал Ҳиротни эгалламоқчи эмиш!» деган маълумот юбордилар.

Яқиндагина тахтга чиққан ёш Султон Иброҳимнинг Абусайид қароргоҳидан аниқ хабар юбориб турадиган хуфияси ҳам йўқ эди. У Абусайид битимга мувофиқ, албатта, Мурғоб бўйига етиб келади, деган ишончда эди.

Жаҳоншоҳ эса Абусайид етиб келмасдан олдин Султон Иброҳим билан яккама-якка олишишдан ман-

фаатдор эди. Шу сабабли у қўшинини Мурғобнинг Ҳирот томонидаги ўнг қирғоғига олиб ўтди ва Султон Иброҳим қароргоҳига тўсатдан ҳужум қилди.

Кучлар тенг эмас эди. Ҳиротликлар кўп қурбонлар бериб, Балх томонга чекиндилар. Улар ҳали ҳам Абусайиднинг Балхдан ёрдамга етиб келишига ишонар эдилар.

Лекин Султон Абусайид бу орада бутунлай бошқа йўлдан Ҳиротга яқинлашиб келмоқда эди. Унинг тадбиркор вазири Саид Жалолиддин Ҳиротдан Абусайид қароргоҳига элчи бўлиб борган Шайхулислом Тафтазанига қўшилиб шаҳарга Малик дарвозаси томондан келди. Шаҳар доруғаси Қора Баҳодир Саид Жалолиддинни иттифоқдош ҳисоблаб, унинг қўриқчи навкарлари билан қўрғонга киришига рухсат берди.

Кейин Саид Жалолиддин Қипчоқ дарвозасига ўз одамлари билан етиб борди-ю, уни ўша томондан қўшин тортиб келган Султон Абусайидга очиб берди. Фафлатда қолган шаҳар доруғаси Қора Баҳодир шаҳарни Абусайидга жангсиз топширгандай бўлди.

Фақат Аҳмад Ясавулбоши Абусайиднинг битимни юзсизларча бузиб, Ҳиротни ҳийла билан эгаллаганини сезиб қолди-ю, мустаҳкам Ихтиёриддин қалъасини ичдан бекитди ва Абусайид юборган амирларга дарвоза очмади.

Унинг Султон Иброҳим қайтиб келишидан умиди бор эди. Лекин Абусайид Қора Баҳодирни, Султон Иброҳим тайин этган девонбоши ва бошқа амалдорларни туттириб ҳибс қилдирди, қаршилик кўрсатганларини қатл эттирди. Дарвозалардаги ҳамма посбонларни ўзининг ишончли одамлари билан алмаштирди.

Шу билан Ҳирот дарвозалари ёш боладай алданган Султон Иброҳим учун тақа-тақ бекилди.

УЯТ ЎЛИМДАН ЁМОН

Гавҳаршод бегимнинг тасаввурида бу воқеалар улкан бир қуюнга ўхшарди. Бу қуюн уни шиддат билан чирмаб, айлантриб ҳалокат сари олиб кетаётгандай туюларди.

Султон Абусайид Ҳиротни қандай усталик билан эгаллаганини эшитгандан бери бегимнинг руҳи тушган, вужуди бўшашган, энди бутун умиди охиратга ёруғ юз билан боришга қаратилган эди.

Бу йил рамазон саратон ойига тўғри келди. Бегим одатда рамазон кирмасдан икки-уч кун олдин рўза тутишни бешлар эди. Бугун ҳам тонг қоронғусида туриб, Боғи Сафедда канизлари тайёрлаган енгил овқатлар билан саҳарлик қилди. Боғ ўртасидаги қасрнинг салқин бир хонасида тоат-ибодат билан таскин топагандай бўлди. Шу пайт ташқарида отлар дупури, шошилич қадам товушлари эшитилди. Хос навкар Турканшоҳ бегим ўлтирган хонанинг эшигини тақиллатди.

— Ким? Кириг! — деган рухсатдан кейин Турканшоҳ иссиқдан бўғриқиб, алланарсадан ҳовлиқиб кириб келди:

— Тинчингизни бузган бўлсак афу этинг, ҳазрат бегим! Саройдан вазир Саид Жалолиддин келди. Подшоҳ Султон Абусайид бу ерга ташриф буюрармиш!

Бу номларни эшитганда Гавҳаршод бегимнинг юраги нохуш туйғулардан «шиғ» этиб кетди.

— Мени тинч қўйсалар бўлмасмиди? Подшоҳлардан тўйганмен!

— Ким билсин? Балки бу яхшилик аломатидир?

Бегим ҳозир Султон Абусайидни кўришни бутун вужуди билан истамаса ҳам, лекин кўнглининг бир четида «балки инсофга келиб мураса қилмоқчидир?» деган илинж пайдо бўлди.

Савдарларни чақириб, кўп подшоҳларни кўрган муҳташам қабулхонани тартибга солдирди. Заррин матолар қопланган шоҳона курсилар қўйдирди. Олтин гулдонларда гўзал гулдасталар пайдо бўлди. Рўза бошлангани учун дастурхон ёздирмади.

Султон Абусайид ўзига ярашиқли шоҳона ипак кийимлар кийган алпқомат йигит эди. Гавҳаршод бегимга енгил бир таъзим билан салом берди. Бегим ҳам уни подшоҳларга муносиб таъзиму тавозе билан қарши олди.

Абусайиднинг кўпчилик темурийлар каби забардаст қиёфаси борлигини, ёши ўттиз бешларга кирган бўлса ҳам, соқол-мўйлови сийрак, ҳали ўсиб юзини қопламаганини бегим энди яқиндан кўрди. Унинг овози ҳам салобатли эшитилди:

— Биз раҳматлик Абулқосим Бобур билан хеш бўлганмиз, Самарқандда Сулҳ тузган эдик. Бандаликни бажо келтирибдирлар. Худо раҳмат қилсин. Сиздан кўнги сўрагани келдик.

— Ташаккур, аълоҳазрат!

Султон Абусайид билан бирга келган Ҳирот шай-

хулисломи Хўжа Тафтазани марҳумнинг арвоҳига бағишлаб тиловат қилгандан сўнг мақсадга ўтди.

— Энди қолганлар омон бўлсин, бегим! Ўзингизга маълум, темурийлар салтанатининг бугунги энг қудратди тождори Султон Абусайид Мирзо ҳазратларидир. Буни Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхондан тортиб, Мўғулистондаги Юнусхонгача ҳаммалари тан олмоқдалар. Аммо Хуросонда ички низолару, ўзаро урушлар сизу бизга беҳад кўп балою офат келтирмоқда. Бу офатлардан бизни, аввало худо, сониян, Абусайид ҳазратлари қутқармоқлари мумкин. Сиз, темурийлар хонадонининг энг нуфузли кайвониси, энди бул ҳазратга оналик қилсангиз...

— Ахир сиз бизга ҳам момосиз! — деб гап қўшди Абусайид.

Аммо Улуғбек билан Абдулла Мирзонинг ўлимига сабаб бўлган Абусайиднинг момосига айланиш бегимни алланечук сескантирди. Рўздор бегимнинг лаблари қуруқшаб, тили қийинлик билан айланди:

— Тақсир, тепамизда худо турибдир. Яхшилик қилганларга мен доим яхшилик истайман. Момолар дуоғўй бўлурлар. Мен дуоларимни ҳеч кимдан дариф тутмагаймен. Султон Абусайид ҳазратлари ҳақ йўлда адолатлик бўлсинлар деб дуо қилурмен. Илоё маърифатлик ҳукмдор бўлсинлар! Илоё жабр-зулмдан узок юрсинлар!

Бу дуолар Абусайидда йўқ фазилатларни бегим истеҳзо билан унга ёпиштираётгандай туюлди. Айниқса, сўнгги гап Абусайиднинг вашини келтирди.

Буни сезган Тафтазани бегимнинг подшога ёқмайдиган яна бирон гап айтиб қўйишидан чўчиб, орани силиқлашга шошилди:

— Омин, бегимнинг яхши тилаклари ижобат бўлсин! Бегим, сизнинг қарамонингизда улкан мадраса бор. Мударрису толиби илмлар сизнинг сўзингиздан чиқмаслар. Ана ўшаларга айтсангиз. Барча аҳли қалам, аҳли маърифат — сизнинг ихлосмандаларингиздир. Давлат тепасида подшоҳ турса, маданият ва маърифат аҳлининг бошида сиз турибсиз. Илму маърифат аҳлига тушунтирсангиз, улар Абусайид ҳазратларини қўлаб-қувватласинлар. Бу олий зотни Турону Хуросоннинг энг олий ҳукмдори деб тан олсинлар!

Гавҳаршод бегим Абусайиднинг ҳозирги ташрифидан мақсади нималигини энди фаҳмлай бошлади. Бу айёр одамнинг ўзига ишончи шунчалик катта эканки,

Гавҳаршод бегимдай кўпни кўрган маликанинг қирқ-эллик йилда эришган обрўси ва нуфузини бир йўла ўз мақсадларига хизмат қилдирмоқчи бўляпти. Шунча йил умр кўриб, саксонга кирганда мадрасаларга бориб, мударрислар ва толиби илмлар олдида ўғли Улугбек Мирзога шунча ёмонликлар қилган Абусайидни «Нажоткоримиз!» деб мақташ уятлик иш бўлмасми? Одамлар бу тождорнинг кимлигини билмасларми? Гавҳаршод бегимнинг Ҳиротда, бошқа жойларда қанча ихлосмаңдлари бор. Агар у ўғлига хиёнат қилган одамга хушомадлар қилиб обрў орттирмоқчи бўлса, бу билан эл-юртнинг назаридан қолмайдими? Бегимдан одамларнинг ихлоси қайтгандан кейин Абусайид ҳам уни кераксиз нарсадай бир четга суриб ташламайдими? Бегим бундай ҳодисаларнинг кўпини кўрган-ку.

Лекин ҳозир Абусайид гўё таъзия билдириб, «Кўнгил сўраш учун келдим» деб турган пайтда унга қарши гапириш ақлдан эмас эди. Гавҳаршод бегим ерга қараб, қийналиб, ётиқроқ бир жавоб излади:

— Менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда... Нариги дунёга риёкор бўлиб кетишдан кўрқамен. Неча кунлик умрим бор, худо билади. Қолган умримни тоатибодат билан тинчгина ўтказмоқчимен!..

— Ниятингиз олижаноб, — деб сайраб кетди Тафтазани, — сиздан фақат дуою фотиҳа лозим! Абусайид ҳазратларини Ҳиротнинг олий ҳукмдори деб эълон қилмоқчимиз. Жума намозида номларини хутбага қўшиб ўқитмоқчимиз. Шунга сиз оқ фотиҳа берсангиз бўлди!

— Аммо... тақсир... мен аёл зотиданмен, масжидга боролмагаймен...

— Албатта, сиз боришингиз шарт эмас! Биз сизнинг рози бўлганингизни, оқ фотиҳа берганингизни эл-юрт олдида ўзимиз эълон қилгаймиз.

Гавҳаршод бегим эл-юрт олдида қандай уятга қолиши мумкинлигини кўз олдига келтирди-ю, ўзини ортиқ тутиб туrolмади.

— Тақсир, уят ўлимдан ёмон дейдилар! Мени эл-юрт олдида уятга қўйманг!...

— Бу сизга уят эмас, балки шараф келтиргай!

— Сулҳни бузиб, иттифоқдошининг елкасига пичоқ уриш ҳам шарафми? Нечун Султон Абусайид ҳазратлари Жаҳоншоҳ билан жанг қилишга бормадилар?

— Ҳазратим Ҳиротда мустақкам бўлиб, кейин Жаҳоншоҳ билан албатта жанг қилурлар!

— Бундан уч ой олдин сиз Султон Иброҳимнинг номини хутбага қўшиб ўқиган эдингиз, тақсир. Энди у алданиб қолаберсинми?

— Унга ҳазратим Балхни бермоқчилар...

— Аммо Балх ҳокими Шайх Ҳожи ҳам Султон Иброҳимни алдади-ку. «Келинг, Балх бергаймен!» деб одам юборибдир. Султон Иброҳим бунга ишониб Балхга бораётганда пистирмадан Ҳазрат Абусайиднинг аскарлари чиқиб, унинг қанча одамини ўлдирибдир. Султон Иброҳим Марвга қочиб бориб зўрға жон сақлабдир. Наҳотки иттифоқдош, қариндош одам шунчаликка борса?! Мен бундай макру ҳийлаларга оқ фотиҳа берсам иймондан айриламен-ку! Абусайиднинг ранглари оқариб кетди. Ўрнидан сакраб турар экан:

— Биз бу бегимнинг фотиҳасига муҳтож эмасмиз! — деди ва хайрлашмай чиқиб кетди.

Шу соатдан бошлаб Гавҳаршод бегимни чирмаб айлантираётган қуюннинг шиддати беҳад кучайиб кетди. Бегимнинг ишонган навқари Турконшоҳ Абусайид кетиши билан ҳибсга олинди.

Боғи Сафедни кўриқлаб турган содиқ навқарлар ҳам кечга бориб алмаштирилди. Уларнинг ўрнини Абусайиднинг баджаҳл ҳарбийлари эгаллаб олдилар.

Боғнинг ташқари бурчагидаги қоровулхона уларнинг ихтиёрига ўтди. Улар боғ ва қасрда хизмат қиладиган савдарларни ҳам ҳайдаб юбордилар. Боғ тўридаги хизматкорхонани ўзлари овқат ейдиган жойга айлантирдилар.

Гавҳаршод бегимнинг ихтиёрида фақат битта кекса каниз билан ошпаз қолдирилди.

Эртаси куни чоршанба эди. Гавҳаршод бегимнинг ўз номидаги мадрасага борадиган пайти бўлди. Уни тахтиравонда эъзозлаб олиб борадиган йигитлар келишди. Лекин уларни боққа киргизмай қайтариб юбордилар. Гавҳаршод бегим канизи билан мадрасага пиёда бормоқчи бўлган эди, уни дарвозадан ташқарига чиқармадилар:

— Рухсати олий бўлмагунча ҳеч ёққа бормағайсиз! — деди боғни қуршаб олган кўриқчилар сардори.

— Ахир мадрасада мени одамлар кутиб ўлтириб-

дир! — деди Гавҳаршод бегим. — Канизим бориб мутавааллига¹ айтсин. Балки ўзларидан бирор киши келар. Мен мударрисларга маош бермоғим зарур.

— Мадрасага биз ўзимиз хабар юборурмиз, — деди қўрбоши ва боғдан канизнинг чиқишига ҳам рухсат бермади.

Бегим хонаки ҳибсга тушганини, асорат ҳалқаси тобора сиқилиб бораётганини шундан сезди.

* * *

Амир Шерҳожи эса Абусайиднинг алоҳида илтифотига сазовор бўлди. Сўнгги уч ой давомида Нироту қалъасида яшириниб ётиб, соғайиб қайтган Шерҳожи-га Абусайид томонидан панжҳазора деган юксак унвон берилди. Тархон амирларини зиёфат пайтида қатл эттириб, Абусайиднинг Ҳиротга келадиган йўларини очиб берганлиги учун Шерҳожи энди машваратларнинг тўрида, Абусайиднинг ёнида ўлтирадиган бўлди.

Сўнгги машваратда Абусайид аввалги ҳукмдорларга хизмат қилган амалдорларнинг молу мулкларини мусодара қилишни, яширган олтинларини топиб, хазинага топширишни вазир Саид Жалолиддинга буюрди.

— Сиз, жаноб Шерҳожи, Ихтиёриддин қалъасининг дарвозаларини очтиринг! — деди. — Аҳмад ясовул деган бир девона қалъани ичидан бекитиб олган эмиш! Ҳиротдай қўрғон бизга жангсиз дарвоза очганда қаёқдаги ясовул қалъага бизни киргизмаса, бунга қандай чидаш мумкин?

Шерҳожи ўрнидан туриб, қўли кўксида Абусайидга таъзим қилди:

— Олампаноҳ, фармонингиз бош устига, уни сўзсиз адо этгаймен!

Шерҳожи машваратдан чиқиб, ўзига берилган беш минг кўшин билан Ихтиёриддин қалъасини ўраб олди. Замбараклардан қўрғоннинг пўлат дарвозаларига ўқ оттирди. Лекин дарвозалар «қилт» этмади.

Қалъа баланд бир қоя устига қурилган, атрофитик жарлик, ҳеч қандай нарвон иш бермас эди.

Шерҳожи қалъани куч билан ололмагач, ҳийла ишлатмоқчи бўлди. Дарвоза ичидаги қоровуларга айтиб, Аҳмад ясовулбошини чақиртирди:

¹ Мутаваалли ← мадраса маъмури.

— Майли, дарвоза ичиданми, ёки девор устиданми бизга ўз талабларини айтсинлар, — деди.

Аҳмад ясовулбоши дарвоза девори устига чиққанда унга энг кучли ёйдан ўқ отадиган мерганни пана жойга пойлоқчи қилиб қўйди.

Аҳмад ясовулбоши ҳам анойи эмас экан. Унинг одамлари юқоридаги девор шинакларидан мўралаб, пистирмада турган мерганни кўргандан кейин Аҳмад ясовулбоши пўлат дарвоза ортида туриб Шерҳожини роса сўқди.

— Сен, хоин, мени ҳам тархонларга ўхшатиб алдаб ўлдирмоқчимидинг?! Б... ебсан! Жўна бу ердан! Сенга дарвоза очадиган сотқин йўқ!

Шерҳожи Ихтиёриддин қалъасини куч билан ҳам, ҳийла билан ҳам ололмагач, Султон Абусайид ҳузурига келиб, айбни Гавҳаршод бегимга тўнкади:

— Аҳмад ясовул шу кампир орқали Султон Иброҳимдан дарвоза очмаслик ҳақида буйруқ олган. Қалъага жуда катта олтин захиралари яшириб қўйилганидан менинг хабарим бор, ҳазратим. Бу захираларнинг катта бир қисмини Гавҳаршод бегим Шоҳруҳ Мирзо давридан бери асраб юрибдир. Аҳмад ясовул ўша бегимнинг қутқуси билан бизга дарвоза очмай турибдир!

— Наҳотки Ҳиротда бу бегимнинг одами шунчалик кўп бўлса?! — деб таажжубланди Абусайид ва махфий ишлар амирини чақирди. Ҳиротда яширин иш олиб бораётган хуфияларнинг маълумотларини ўқитиб эшитди.

Мадрасадан келган махфий ахборотда мударрислар Гавҳаршод бегимнинг жасоратини мақтаган эмишлар. Абусайид Ҳирот тахтига чиқиш учун оқ фотиҳа сўраганда, бегим бунга рози бўлмаганлиги қандайдир йўллар билан ҳиротликлар орасида овоза бўлиб кетибди. Бозор расталарида юрадиган хуфиялар ахбороти бўйича ҳам авом халқ бегимга қойил бўлмоқда эмиш, подшони эса «сулҳни бузган, аҳдида турмайди-ган маккор одам!» — деб қораламоқда эмиш.

Сўнгги маълумотларни эшитганда Абусайиднинг ғазаби қўзғалди:

— Аблаҳлар! Ким бундай овозаларни тарқатган бўлса дарҳол туттиринг! Бизни ёмонлаганларнинг тилини кестиринг!

«Амири ғазаб» деб Аталадиган жаллодлар бошлиғи бу буйруқни бажаришга киришди.

Шундан кейин Абусайид яна Шерҳожини чақиртирди.

— Битта кампирга сиздек амирнинг кучи етмай қолдимиз, а?!

— Олампаноҳ, сиз ҳукм қилсангиз, мен бу яломғизни бир пасда йўқ қилурмен!

— Ҳукмга асос керак. Гавҳаршод бегимнинг илди-зи жуда чуқур экан, ихлосманглари кўп экан. Уларнинг оғзини бекитадиган шаръий далиллар топинг.

— Ҳазратим, энг катта далил шуки, сизга қарши Марвада қилич қайраётган Султон Иброҳим мана шу момоси билан илгаритдан тил бириктирган. Момоси Тархон амирларига имзо қўйдириб юборган махфий номани Турканшоҳ деган навқари Мурғоб бўйича элтиб берганидан мен ўзим хабардормен.

— Лекин бу далил эскирган. Ундан ҳам фойдаланиш мумкин. Турканшоҳ ҳозир қибсада. Аммо сиз янги далиллар топинг. Бизнинг посбонларимиз ҳозир Боғи Сафедни ўраб олган. Балки улар Иброҳимдан келадиган махфий алоқачини тутиб олишар?

— Доно фикр бердингиз, олампаноҳ! Мен алҳол Боғи Сафеддаги қўриқчиларимиз олдига бориб, бу ишга ўзим бош бўлурмен!

Шерҳожи бошлиқ қўриқчилар Боғи Сафедга Гавҳаршод бегимни сўраб келган ҳар бир одамни синчиклаб кузата бошладилар. Оқ салла ўраган мадраса мударрислари уч киши бўлиб келган эди. Улар бегимнинг ҳузурига кириб чиққанларидан кейин учовини қоровулхонага олиб кириб, киссаларини, кийимларини тинтишди. Гавҳаршод бегим уларга маош тарзида тилла тангалар берган экан. Навқарлар тангаларни олиб қолишди:

— Буни хазинага топширгаймиз! — дейишди.

Мударрислар бадвахима қўриқчилардан омон қутулганларига шуқур қилиб, уйларига тарқаб кетишди.

СЎНГИ ТАСАЛЛИ

Шундан сўнг Боғи Сафедга Гавҳаршод бегимни йўқлаб келиш ҳам хатарли бўлиб қолгани бутун шаҳарга овоза бўлди. Бу муҳташам саройни ичидаги бутун бойликлари билан Гавҳаршод бегимдан тортиб олиб, ўзиники қилиш Султон Абдусайиднинг қатъий

мақсадига айлангани кўпчиликка сезилди. Бу даргоҳга юрак ютиб келадиган одам жуда камайиб кетган кунларнинг бирида Боғи Сафедга Феруза бегим, Алишербек ва унинг онаси Гулруҳ бону кириб келдилар. Гавҳаршод бегим уларни бағрига босиб, кўзига ёш олиб кўришди:

— Ҳайрият, мени унутмаган қадрдонларим бор экан!

— Не бўлди, ҳазрат бегим? Бу Абусайид нечун бунча ўчакишди?

— Менга эски адовати борлигини билурсиз. Мени тиз чўктириб, эл-юртнинг назаридан қолдирмоқчи бўлди. Лекин нийятига етолмади. Бари бир эртамикечми, мана бу қасрни бор бисотларим билан тортиб олиши аниқ. Шунини билганим учун иззатимни сақлаб, қаттиқ турибмен. Алишержон, сиз фариштадек пок йигитсиз. Шундай золимга эл-юрт орасида маддоҳлик қилиб яшагандан кўра, ҳақ йўлда ўлган афзал эмасми?

Алишер кўлини кўксига қўйди:

— Ҳазрат бегим, Ҳиротдаги барча аҳли қалам, аҳли маърифат сизнинг ҳақ йўлда собит турганингизга таҳсин айтмоқда. Абусайид Мирзо Ҳиротда ҳарбий ғалабага эришган бўлса ҳам, маънавиятда сиз уни мағлуб этмоқдасиз. Илоё умрингиз узоқ бўлмай!

— Маънавият — бу умри боқий эмасми? Ўткинчи дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Мен ёшимни яшаб, ошимни ошадим. Энди худо сизларга умр берсин, Феруза бегим! Нечун Ҳусайн Бойқаро кўринмай-дир?

— Абусайид уни Самарқандда ҳибс қилдиргандан буён ўғлим уни кўртиси келмайди. Марв ҳокими Султон Санжар Мирзо уни ўз саройига таклиф қилибди. Ҳусайнжоннинг баҳодирлиги унга жуда ёқиб қолган эмиш. Қизи Бека бегимни бизга келин қилиб бермоқчи эмиш. Ҳусайнжон мендан розилик сўраб одам юборибди. Сиздан маслаҳат олгани келдим.

— Ҳусайн Бойқаро ҳозир неча ёшдалар?

— Ўн тўққизда.

— Айни уйланадиган пайтлари экан. Султон Санжарни мен билурмен, мардона иш юритадиган мирзолардан. Ўзи сизу-бизга қариндош темурийзода. Она томони — машҳур салжук подшоси Султон Санжарнинг авлодидан. Марвда Султон Санжар мақбараси ҳануз сақланиб турибди. Ўғлингизнинг толеи бор экан.

Бундай аслзодаларга куёв бўлиш катта шараф. Илоё бахти очилсин!

— Ташаккур ҳазрат бегим! Ҳиротда яшаш хавfli бўлиб қолди. Абулқосим Бобур саройида хизмат қилганларнинг уй-жойини, молу мулкини Абусайид мусодара қилиб, ўзининг беку аъёнларига инъом этмоқда. Шунинг учун мен ҳам Марвга ўғлимнинг ҳузурига кетмоқчиман.

— Ундай бўлса мен келинингизга совғалар бериб юборай.

Гавҳаршод бегим жовонда турган садаф қутидан гавҳар кўзли узук ва ёқут қадалган олтин исирға олиб Феруза бегимга узатди.

— Олинг, бегим, Ҳиротда ҳозир сизлардан яқин қадрдоним қолмади!

Феруза бегим ўрнидан туриб, совғаларни таъзим билан олди-да, кўзларига суртди:

— Ҳазрат бегим, сизники табаррук! Минг бора ташаккур!

— Муборак бўлсин! — деб Феруза бегимни Алишербек билан унинг онаси Гулруҳ бону табрикладилар.

Гавҳаршод бегим Гулруҳ бонуга юзланди.

— Сиз анча хомуш бўлиб ўтирибсиз, Гулбиби... Тинчликми?

— Бизни таладилар, ҳазрат бегим. Алишербекнинг оталаридан қолган ҳовли жой, молу мулк — ҳаммасини Абусайиднинг амирлари тортиб олдилар. Ҳатто уй жиҳозларини, сайисхонада турган отларимизни тортиб олиб кетдилар. Ўзимизни кўчага ҳайдадилар. Фақат эғнимизда бор кийим билан қолдик.

— Э-воҳ, бу қандай бедодлик! — деб куюнди Гавҳаршод бегим.

— Мен Алишербекни оналари билан ўз уйимизга олиб кетдим, — деди Феруза бегим. — Борини баҳам кўриб бирга турибмиз.

— Лекин бу золимлар сизни ҳам тинч қўймасалар керак, бегим. Султон Иброҳим Марвда Санжар Мирзо билан иттифоқ тузибдир. Ҳусайн Бойқаро улар билан бирга эканини Абусайид билиб қолса, сизга ҳам зулм ўтказурлар!

— Шунинг учун биз тезроқ Марвга жўнаб кетиш ниятидамиз.

Ҳаммалари рўзадор бўлганликлари учун дастурхон ёзилмади. Гавҳаршод бегим яна ўрнидан туриб, са-

даф кутидан олмос доналари қадалган ноёб бир тилла билакузук олди.

— Сандиқларимда олтиним ҳам бор. Худога шукур, шунча йил Ҳиротнинг энг бадавлат маликаси бўлиб яшадим. Лекин олтин тангаларни ташқарида турган нокас кўриқчилар мударрислардан тортиб олиб кўйибдир. Яна сизларни ҳам овора қилмасин. Гулбиби, билакузукни тақиб, енг ичида яширин олиб ўтгайсиз. Ишончли заргарга берсангиз ўн минг тилла тангага сотиб олгай. Оғир кунингизга ярасин деб бермоқдамен.

— Тоабад сиздан миннатдормен, ҳазрат бегим! Лекин бу унутилмас совғангизни зинҳор заргарга сотмасмен. Менинг ҳам орзу-ҳавасларим бор. Худо хоҳласа буни бўлажак келинимга атаб сақлаб кўйгаймен!

— Ундай бўлса, мен сандиқни очай! — деди Гаҳваршод бегим. — Ҳиротда ҳозир сизлардан яқинроқ қадрдоним қолмади. Йиққан бисотларимни нариги дунёга олиб кетармидим? Абусайд олтину жавоҳирга жуда ўч эмиш. Эрта-индин унинг талончилари бу ерга келиб, бор бисотимни мусодара қилишлари ҳеч гап эмас. Ҳозир Боғи Сафедни ўраб олган пойлоқчилар фақат мени эмас, бу қасрдаги бойликларни ҳам кўриқлаб турган бўлсалар керак. Қашқирларга талатгандан кўра, сизларга берганим афзал эмасми? Феруза бегим, сизнинг каримату-тарафайн эканлигингиз кўриқчилар бошлиғи Амир Шерҳожига кўндан маълум. Сизга улар даҳл қилолмаслар.

Гавҳаршод бегим иккита чарм ҳамён тўла тилла тангаларни сандиқдан олиб, Феруза бегимга берди.

— Гулбиби сизникида эканлар, бирга баҳам кўргайсизлар, — деди.

— Бу саховатингиз умрбод ёдимизда қолгай, ҳазрат бегим! — деди Гулруҳ бону. — Биз Марвга ҳам Феруза бегим билан бирга кетмоқчимиз. Менинг оғам Мирсайд Қобулий Марвда Ҳусайн Бойқаро билан бирга эканлар. Бизни чорлабдилар.

— Алишербек, сиз ҳам бирга борурмисиз?

— Ҳа, йўллар нотинч, оналарни фақир кўриқлаб бормоқчимен. Яна Марвда қадрдон мактабдошим Ҳусайн Бойқарони тўй билан табриклаш ниятидамен.

— Ҳусайн Бойқаро қилични кўп чопган довюрак баҳодир деб эшитдим.

— Айни вақтда ул зот таъби назмлари баланд шоирдирлар, — деди Алишербек. — Хусайний тахаллуси билан битган ажойиб шеърлари бор.

— Лекин шеърини эшитмаган эканмен, — деди Гавҳаршод бегим.

— Алишербек дўстининг энг яхши шеърларини ёд билурлар, — деди Феруза бегим.

— Хусайн Бойқаро баҳодирона бир журъат билан ажалнинг юзига тик боқиб ғазал битганлар. Ҳазрат бегим, мен сиз учун ўша ғазалдан бир матлаъни айтиб берай:

*Эй, ажал, осуда қил, ҳижрон балосидин мени,
Бир йўла қутқар улуснинг можаросидин мени.*

— Ҳаҳ! — деб таажжубланди Гавҳаршод бегим. — Шундай йигит ҳам улуснинг можаросидан бу қадар безор бўлган эканларми? Бизнинг бошимизда ҳам ҳозир шундай можаро! Яхши шеър дил дардига малҳамдек таъсир қилар экан.

Гавҳаршод бегим яна нодир буюмлари сақланадиган сандиқ устига эгилиб, қўйма олтидан муқова қилинган жажжи бир дафтарча олди. Олтин муқоваси нодир феруза тошлар билан зийнатланган бу дафтарчанинг ҳали ҳеч нарса ёзилмаган варақлари нафис ипақдан қилинган эди. Гавҳаршод бегим қафтдек дафтарчани Алишербекка берар экан:

— Мавлоно Лутфийни қойил қилган шоҳ сатрларингизга олтин дафтар муносибдир, Алишербек, — деди. — Мен сизни кўрсам ўғлим Улуғбекнинг ёшлигини эслаймен. Даҳолардагина бўладиган пок бир оловни тенгсиз зеҳну истеъдодни, фариштадек масъумликни мен Улуғбекда кўрган эдим. Энди сизда кўрмоқдамен. Мана шу олтин дафтарчага янги шоҳ сатрларингиз битилсин. Мендан ёдгорлик тарзида олинг, болам!

Алишербек бегимнинг қўлини олтин дафтарча билан бирга авайлаб қафтларига олди-ю, бир тиззасини гиламга қўйиб юкунди ва совғани кўзига суриб қабул қилди:

— Миннатдормен, ҳазрат бегим. Рухсат берсангиз, икки сатр шеър айтсам. Зора бу шеър сизнинг кўнглингизга озгина бўлса ҳам таскин берса. Фақир бу шеърда Абусайид билан келган золимларни чингизий улусга ўхшатмишмен. Хусайн Бойқаро ғазалида ҳам ана шу улус зулмидан безганлик битилмишдир. Мана, ўша улус ҳақидаги байт:

*Парим бўлса, учиб қочсам улусдин то қанотим бор.
Қанотим куйса учмоқдин югурсам то ҳаётим бор!*

— Оҳ, ёш бўлсангиз ҳам авлиёдек дилимдагини топиб айтдингиз, Алишержон! Неча йиллар мен бу золимлар улусидин қанотим борича учиб қочдим. Аммо бир қанотим Самарқандда куйди, яна бир қанотим Хиротда куйди, энди, мана, қанотсиз қушдек аросатда қолдим. Аммо ҳамон ҳаётим борича югуриб, ҳақ таоло даргоҳиға руҳимни пок етказиб бориш ҳаракатидамен.

— Парвардигор сизга мадад берсин! — деди Алишербек.

— Сизнинг шеърингиз ҳам дилимга қувват берди, — деб, Гавҳаршод бегим канизакни чақирди: — Баҳринисо, мураққасни¹ олиб келинг.

Нафис зарварақларига Гавҳаршод бегимнинг энг яхши кўрган ҳадислари, ҳикматли сўзлари ёзилган мураққас келтирилди. Саккиз оёқлик нақшин миз устида олтин қалам ва кумуш довот турган эди. Гавҳаршод бегим Алишербекдан илтимос қилди:

— Ҳозир айтган шеърларингизни шу мураққасга ёзиб кетинг, болам.

— Жоним билан! — деб Алишербек миз ёнига қўйилган зарбоф курсига ўтиб ўлтирди. Мураққаснинг ҳали ҳеч нарса ёзилмаган зарварақлари кўп эди. Улардан бирига ўзининг юқорида айтган икки сатр шеърини чиройли настаълик ёзуви билан битди.

— Ҳусайнийнинг байтини ҳам ёзинг! — деб илтимос қилди бегим. — Мен ҳам шу кунларда ажал билан юзма-юз турибмен. Руҳимга мос келди.

Алишербек мураққаснинг яна бир зарварағига дўстининг сатрларини ёзди. Сўнг мураққасни икки қўллаб Гавҳаршод бегимга таъзим билан тутди.

— Биздан ҳам кичкина эсдалик қолди, қабул этинг, ҳазрат бегим!

— Бу кичкина эсдалик мен учун барча бисотлару хазиналардан қимматлироқдир. Соҳибқирон Амир Темури давридан буён мен қанча хазина-ю, қанча бойликларни кўрдим. Ҳаммаси оқар сувдек ўтиб кетди. Аммо мана бу мураққасга битилган маърифату маънавият гавҳарлари абадий қолгай. Минг афсуски, Улуғбек даврида эркин парвоз этган илму маърифат яна қайтадан босқинчи сипоҳилар асоратига тушди. Ҳусайн

¹ Мураққас — альбом.

Бойқаро билан Алишербек улғайиб давлатни бошқарсалар илму маърифат аҳлига нажот келтирурлар деган умидим бор эди.

— Бу икки дўст адолатли шоҳу донишманд вазир бўлиш орзусидан ҳали ҳам воз кечганлари йўқ, — деди Феруза бегим.

— Лекин ҳозир булар ҳам қувғинда. Ёвуз кучлар давлат тепасига келди, Алишержон. Мен сизларнинг орзуларингиз ушаладиган кунларга етиб боролмайдиган кўринамен. Зора масъуд кунларга оқ фотиҳаларим етиб борса!

Бегим дуога қўл очди:

— Ё оллоҳу таоло! Муқаддас рамазон кунинда рўза тутиб қилган илтижоларимизни ижобат айлагайсен! Илоё Шоҳруҳ Мирзо билан Улуғбек давридаги тинчлик, бунёдкорлик, фаровонлик яна қайтиб келсин, адолатни тиклаб, илму маърифатни юксалтириш Алишербек билан унинг дўсти Хусайн Бойқарога насиб этсин! Ўшал масъуд кунларга мен етиб боролмасам, илоҳим мана бу мушфиқ оналар етиб борсинлар! Омин!

— Омин! Илоё ўша кунларга сиз ҳам етиб боринг, ҳазрат бегим! — деди Алишербек.

— Кошки! — деб Гавҳаршод бегим кўзига ёш олди.

Феруза бегим унга тасалли берди:

— Ҳазрат бегим, Марвдан қайтиб яна дийдор кўришгаймиз. Биз ҳузурингизга албатта келурмиз.

— Қани эди сизларни яна кўрсам! Лекин мен ҳеч балодан қайтмайдиган зўр бир маккорнинг асоратига тушдим. Чеварам Султон Иброҳим касалманд, ёш йигит. Абусайиддай тажрибали ғанимга бас келолмагай. Уни Марвда кўрсангиз айтинг, яна Абусайид билан урушиб мағлуб бўлиб юрмасин. Тақдирга тан бермоқдин ўзга чора йўқ.

— Ахир улар сизни бу асоратдан қутқаришлари керак-ку!

— Энди парвардигор мени ўз боқий дунёсига олиб кетиб қутқармоғи мумкин. Қолган умидим охиратдан. Агар қайта кўришолмасак, хайр! Масъуд кунларга етиб борганда мени ҳам ёд этинглар. Алвидо, азизларим!

Учовлон ташқарига чиққанларида дарахт соясида пойлоқчилик қилиб турган қилч таққан шопмўйлов қўрчибоши йўллари тўсиб чиқди. Қўлини қиличининг сопига қўйиб:

— Тўхтанглар! — деди.

Феруза бегим юзига тутилган оқ ҳарир парда орқали даст, аммо таҳдидли товуш билан гапирди:

— Ифбат пардаси остидаги муслималарни тинти-моқчимисиз? Бизга тегинган номаҳрам илик шариатга биноан кесиб ташланмоғи керак!

— Сизни эмас! Ёнингиздаги йигит қоровулхонага кирсин.

Алишербек қўйнидаги олтин муқовали дафтарчанинг салмоқли вазнини сезиб, юраги «шиғ» этди. Шунда яна Феруза бегим қўрчибошига шиддат билан сўз қотди:

— Наҳотки сиз авлиёдай пок бу шоир йигитни танимасангиз? Шеърларини бутун Ҳирот ёд билур, ғазаларини куйларга солиб тўйларда айтурлар. Сиз қўрчибоши бек бўлатуриб наҳотки Алишер Навоий деган номни эшитмагансиз?

— Эшитганмен... Лекин бул зот жуда ёш кўринадирлар. Навоийни мен катта ёшлик шоир деб ўйлардим.

— Бўладиган йигит ўн беш ёшида ҳам бош бўлур. Мен-чи? Мени танидингизми, жаноб бек? Амир Те-мур ҳазратларининг қиз авлодларидан ёлғиз мен қолганмен. Султон Абусайид Мирзо мени яхши танийдилар. Ҳазратнинг қаҳрига учрамайин десангиз бизга йўл беринг!

Қўрчибоши қоровулхона томонга бир аланглаб қараб олди. Ҳозир у кўпроқ амир Шерҳожининг қаҳридан кўрқар эди. Лекин Шерҳожи қоровулхонанинг салқин бурчагига тўшалган кўрпачага ёнбош қилганича ташқаридаги жазирама иссиқдан бўшашиб уйкуга кетган эди.

— Майли, боринглар. Лекин бу ерда кўрган-билганларингни ҳеч кимга айта кўрманглар. Жазоси ёмон!

— Хўп, тушундик. Хайр!

ҚАТАҒОН

Кечки пайт офтобнинг тапти қайтгач, амир Шерҳожи ҳам қоровулхонадан чиқди.

У хипча гавдали, баланд бўйли, қотмадан келган,

ёши қирқдан ошган одам эди. Сийрак қора соқоли кўпроқ энгагида ўсган эди. Кўзлари йиртқичнинг кўзидек сарғиш тус бериб ёниб турарди.

Намози асрга яқин Боғи Сафедга Гавҳаршод бегим мадрасасининг маъмуриятини бошқарадиган мутавалли келди.

Қалин қора соқол қўйган оқ саллалик бу одамни Шерҳожидан танир экан. Мутаваллининг таъзим қилиб берган саломига алик олди-ю, у ичкарига кириб кетгандан сўнг кўрчибошчига секин шипшитиб қўйди:

— Мана шуни тутмоқ керак. Бегимнинг ишонган одами. Асли Марвлик.

Ўша ёқлар билан алоқаси бор...

Гавҳаршод бегим мадраса мутаваллисининг ҳаромдан ҳазар қиладиган диёнатли одам эканлигига ишонар эди.

— Мадрасадаги менинг қабулхонамда пўлат сандиқ бор, шунинг калитини мен сизга бермоқчимен! — деди Гавҳаршод бегим. — Мен энди мадрасага бора оламанми-йўқми, маълум эмас. Агар боролмасам, сизни худога, мадраса ихтиёрини сизга топширурмен.

— Иноятингиздан миннатдормен, ҳазрат бегим!

— Пўлат сандиқда мадрасанинг бир йиллик сарфу харажатига етадиган олтин захиралари бор... Мударрислар, толиби илмлар, ошпазу фаррошлар, мушарифлар — ҳаммасининг биз сиз билан таъйин этган маошлари дафтарга ёзилган. Ҳеч кимни таъминотдан қисманг. Мударрисларга ҳар ойда юз йигирма тиллодан маош, бир йилда йигирма тўрт юк ошлиқ¹. Талабаларнинг яхши ўқиганларига ҳар ойда йигирма тўрт тилла пул, бир йилда беш юк ошлиқ. Яна ойига икки тиллодан шам пули. Ҳар мавсумга мувофиқ бепул бериладиган уст-бош кийимлар. Мен ўлтириб ҳаммасини ҳисоблаб чиқдим. Беш юз жариб вақф ерларимиздан келадиган даромадлар барча харажатларни қоплагай. Етмаганига пўлат сандиқдаги захиралардан сарфлагайсиз. Ўзингизга ҳар ойда икки юз тилла маош, бир йилда ўттиз юк ошлиқ белгиланди.

— Саховатингиздан миннатдормен, ҳазрат бегим! Бутун мадраса аҳли, барча мударрису толиби илмлар туну кун сизнинг дуои жонингизни қилмоқдалар.

Мутавалли Гавҳаршод бегим топширган ишларни

¹ Бир юк — тахминан 60 килога тўғри келади. Ошлиқ — бу ерда буғдой ва гурунч.

қоғозга ёзиб олди. Калитни қўйин чўнтагига солиб, боғ ташқарисига чиққанда уни икки навкар икки қўлидан тутиб, четроқдаги қоровулхонага бошлаб кетди.

Ўша ерда эшикни ичидан бекитиб, мутаваллини хушидан кетгунча калтакладилар. Беҳуш ётганда қўйнидаги калитни олдилар ва қоғозлари орасига олдиндан тайёрланган махфий мактубни солиб қўйдилар. Гўё Гавҳаршод бегим томонидан ёзилган бу мактубни мутавалли Марвга Султон Иброҳимга яшириқча олиб кетаётган пайтда қўлга тушган бўлди.

Амир Шерҳожӣ Абусайид ҳузурига шошилди. Гавҳаршод бегим Марвдаги чеварасини исёнга ундаганини, Ҳирот қўрғонининг дарвозасини унга тунда яшириқча очиб бермоқчи бўлганини, бу гаплар ёзилган мактуб қўлга тушурилганини Абусайидга хабар қилди.

* * *

Ёз жазирамаси авжида. Рамазон ойининг тўққизинчи куни эрталаб Гавҳаршод бегимни усти ёпиқ соябон аравага солиб, эл-юртга кўрсатмай, подшоҳ саройига олиб кетдилар. Устига қора мато ёпилган бу арава бегимга тўсатдан Шохруҳ Мирзо вафотини эслатди. Марҳумни узоқ Рейдан мана шундай аравада Ҳиротга олиб келгани, йўлда невараси Абдулатиф ифвогарларнинг қутқусига учиб момосини ҳибс қилдиргани хаёлида қайта гавдаланди.

У галги ҳибсдан бегим қутулиб кетган эди. Аммо бу гал Абусайид шафқатсизликда Абдулатифдан ҳам ўтиб тушса эҳтимол. Бегимнинг дили сезиб турибди. Ҳозир аркони давлат йиғилган саройда бегим ўзини Абусайиднинг оёғи тагига ташлаб афу сўраса, балки тирик қолиши мумкин. Лекин қайси гуноҳи учун афу сўрасин? Бундай беобрў бўлиб яшашнинг нима қизиги бор?

Беихтиёр кеча Алишербек мураққасга ёзиб кетган икки байт шеър бегимнинг ёдига тушди. Кечқурун ва эрталаб бу сатрларни ҳар ўқиганда улардан руҳий мадад олгандай бўларди. Қайта-қайта ўқигани учун улар ёд бўлиб қолди. Бу байтларнинг бири уни то ҳаёти борича адолат ва ҳақиқат сари югуришга, яъни курашишга ундарди. Иккинчиси эса ажалдан ҳам қўрқмасликка чорлар, мардона ўлим улуснинг можароси ичида қул бўлиб яшашдан афзал эканини эслатар эди.

Бегим дардли қалбини тинчитиш учун «Эй, ажал, осуда қил қуллик балосидин мени!» деб такрорларди. «Хижрон» ўрнига «қуллик» сўзини қўйиб айтганда ўзининг ҳозирги асирлик дардига мосроқ келарди. «Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор» деган сўзлар эса фоний дунёда қанотлари куйган одам боқий дунёга ўз ҳаётини пок етказиб боришга интилиши кераклигини таъкидлагандай бўларди.

* * *

Боғи Зовон қасрининг муҳташам қабулхонасига гавҳар ва ёқутлар билан безатилган баланда тахт ўрнатилган. Бир вақтлар бу тахтда Шоҳруҳ Мирзо ўлтирар эди. Ҳозир уни бошига тилла тож кийган Султон Абусайид эгаллаган. Подшонинг икки ёнидан аркони давлат, беку аъёнлар жой олганлар.

Қаршидаги ўймакор эшиқдан икки барваста навкар оқ либос кийган Гавҳаршод бегимни икки томондан тутиб олиб кирдилар.

Сўнги кунларда бегим эт ташлаб, гавдаси анча кичрайиб қолган. Лекин кўзлари тахтда ястаниб ўлтирган Абусайидни кўрганда чақмоқ ёруғи тушгандай чақнаб кетди. Бегим қўлларини навкарлардан бўшатиб олиб, улардан бир қадам олдинга чиқди. Тўрда оқ соқоллик қозикалон ва шайхулисломлар ҳам ўлтирганини кўриб, қўлини кўксига қўйганича паст товуш билан салом берди.

Аммо подшо қовоқ солиб жим ўлтиргани учун ҳеч ким алик олмади.

Абусайид биринчи сўзни қозикалон Шамсиддин Имомийга берди. Бу одам яқиндагина Гавҳаршод бегимга садоқат изҳор қилиб юрган шариат пешвоси эди. Энди бирдан янги тождор хизматига ўтиб, Гавҳаршод бегимни муқаддас рамазон ойида, Султон Абусайидга қарши фитна уюштиришда айблаб бошлади.

Ашъвий далил тарзида мутаваллининг қўйнидан топилган ва Султон Иброҳимни исёнга даъват этиб ёзилган мактуб келтирилади.

— Қани ўша мутавалли? — сўради Гавҳаршод бегим. — Тақсир, уни мен билан юзлаштиринг. Бу сохта, уйдирма мактубни ким унинг қўйнига солиб қўйган? Ўзи айтсин!

— Мутавалли айбини бўйнига олган! Мана, имзоси бор! — деб қозикалон қўлидаги бир варақ қоғозни кўрсатди.

— Бечорани қийнаб сохта айбномага имзо чектирган бўлсалар-чи? — сўради Гавҳаршод бегим. — Жаноб қозикалон, сиз худодан қўрқмайсизми? Шариат номидан бундай тухматлар қилиш гуноҳи азим эмасми?

— Пешгарлик қилманг! — деб, қозикалон жеркиб берди. — Энг катта гуноҳ — подшоҳ ҳазратларига қарши фитнага бош бўлмоқдир!

— Мен фитнадан мутлақо беҳабармен! Саксонга кирган рўзадор аёлмен!.. Парвардигор ўзи шоҳид! Мен Марвга кетганларга таъйинлаган эдим. Мирзо Иброҳим касалманд, ўзи ёш, Султон Абусайидга кучи етмагай, бошқа урушмасин, тақдирга тан берсин, деб айтиб юборганмен!

Қозикалон сўнги гапга илмоқ ташлашга шошилди:

— Кимга айтгансиз? Кимга?

Гавҳаршод бегим Алишербек билан Феруза бегимни бирон балога гирифтор қилмаслик учун уларнинг номини тилга олмади.

— Яқинларимга айтганмен, — деб қўя қолди.

— Демак, Султон Иброҳим билан алоқада бўлгансиз. Буни ўзингиз тан олмоқдасиз.

Шерҳожиди тахтда ўлтирган Абусайиднинг ишораси билан ўрнидан турди:

— Жаноб қозикалон, бу бегимнинг гапларига мутлақо ишониб бўлмагай! Мутаваллининг қўйнидан топилган мактуб асосий далилдир. Бу махфий мактуб ичкаридан олиб чиқилган пайтда мен Боғи Сафед қўриқчиларининг ёнида эдим.

— Демак, бу бўҳтонни сиз ўйлаб топгансиз! — деди Гавҳаршод бегим. — Илоё, ким ёлғон гапирса, ким бўҳтон қилса, худонинг ғазабига учрасин! Қани, ким ҳақ бўлса, омин десин!

Гавҳаршод бегимдан бошқа ҳеч ким бу дуога омин қилмади. Аксинча, бегимнинг дуоси Абусайидга қаршидайдй эшитилди. У тахт устидан пастга қарата қаҳр билан гапирди:

— Бу бегимнинг қарғиши ўзига теккай! Чунки қачонлардан буён бизга қарши ёғийлик қилиб келмоқда. Самарқандда Абдулла Мирзо бизга қарши уруш қилганда унга мана шу бегим кўмак берди. Абулқосим Бобур Ҳиротдан Самарқандга қўшин тортиб бориб, биз билан жанг қилганда бу бегим унга ён босди. Бегимнинг тарбиясини олган яна бир илонбачча — Абдулатифнинг ўғли Балх томонларда бизга қарши исён қилмоқда. Марвда Султон Иброҳим, Санжар Мир-

зо, Султон Хусайн Мирзо — учови ҳам бизга қарши куч йиғмоқда. Лекин бизнинг жиловимизда Хўжа Аҳро-ри валидек пири комил бормоқда. Мана бу саройга йиғилган ғолиб амирларимиз ёғийларимизни тор-мор қилмоқда. Бизга қасд қилганлар паст бўлмоқда. Ҳирот-дай буюк пойтахтни биз қон тўкмасдан жангсиз эгал-ладик. Ақли бор одам шундан ҳам хулоса чиқариши мумкин. Биз соҳибқирон бобокалонимизнинг буюк сал-танатини қайта тикламоқчимиз. Бунинг учун бизга ёғий-лик қилганларни аёвсиз маҳв этмоғимиз лозим. «Бу ҳам теурийлар хонадонидан» деб фитначиларга эрк бер-сак, улар мамлакатни хароб қилурлар. Ягона марказий давлат тузмоқ учун исёнчиларни шумғиядек илдизи билан юлиб ташлагаймиз! Ана ўшанда ишларимиз ми-ришкор деҳқоннинг экинларидек яхши ривож топгай! Фитначи шаҳзодаларни, уларнинг мана бу бегимга ўхша-ган раҳнамоларини даламиздан юлиб ташлаб, сафи-мизни яганалаб туришимиз лозим!

«Паҳлавон Девона» лақаблик амир Мубарризд-дин сакраб ўрнидан турди:

— Ҳақ гапни айтдингиз, олампаноҳ!

Унга Шерҳожи жўр бўлди:

— Доно сиёсат учун ташаккур!

— Амир Темурнинг ҳақиқий ворисига тасанно! — деб Саид Жалолиддин Мажид мақтовни яна бир да-ража баланд кўтарди.

— Соҳибқирони сонийга офарин! — деб Қозика-лон Имомий Абусайидга қуллуқ қилди.

Бундай лаганбардорликларни жуда кўп кўрган Гав-ҳаршод бегим мийиғида кулимсираб қўйди. Мадҳия-бозликлар босилгандан кейин Абусайидга мурожаат қилди:

— Ҳазрат, сиз бобокалонингиз Амир Темурни тилга олдингиз. Мен бу улуғ даҳонинг назари тушган ке-линлари эдим. Ул зоти олийнинг олтамғалик¹ муҳрла-рига «Рости-расти» деган сўзлар битилганини ўз кўзим билан кўрганмен. «Куч адолатдадир» «ростини айт-санг нажот топгайсен» деган эътиқодга мен умр бўйи амал қилиб келдим. Модомики сиз мени ўлимга ҳукм қилмоқчи экансиз, сўнги сўзимни айтишга рухсат сўраймен. Ростини гапирмоқчимен!

Сарой аҳли «бегим ростини айтиб, айбига иқроп

¹ Олтамғалик — қизил герб.

бўлмоқчими?» деган хаёл билан жимиб қолди. Абу-сайид ҳам сукут сақлади.

Рўздор Гавҳаршод бегим саратон иссиғи устига қўшилган руҳий ларзадан қуруқшаган лабларини намлаб, сўнгги кучларини тўшлади.

— Амир Темурнинг вафотларидан кейин унинг буюк салтанати қандай парчаланиб кетганидан хабарларингиз бор. Шоҳруҳ, Мирзо ўғлимиз Улуғбек билан бирга ягона марказий давлатни қандай қайта тиклаганларига мен гувоҳ бўлганмен. Улар доим илму маърифат аҳлига, ҳалол одамларга таяндилар. Барча темурийларга бағрикенглик билан муносабатда бўлдилар. Халил Султон бобокалонларининг васиятига қарши бориб, овир хатолар қилган бўлса ҳам, уни кечирдилар. Оталарининг мулкани унга қайтариб бердилар. Катта оғаларининг ўғли Пирмуҳаммад Мирзо ҳалок бўлганда унинг ўғли Қайду Мирзони Балхта ҳоким қилиб қўйдилар. Яна бир оғаларининг ўғли Аҳмад Мирзони эъзозлаб, Фарғона водийсини унга иноят қилдилар. Ана шу тарзда барча соғлом темурийларни атрофларига йиғдилар, натижада шажара дарахти гуллаб-яшнаб, бугунги кунларга етиб келди. Деҳқонлар ягана қиладиган мавсумий экинлар бошқа. Аммо темурийлар шажараси асрдан-асрга ўтиб келаётган азим бир дарахтдир. Бу дарахтнинг қуриган шохларини олиб ташласалар майли. Аммо шажара дарахтини гўзага ўхшатиб яганалаш — унинг тирик шохларига, иддизига болта уриш билан баробардир!

Гавҳаршод бегим лахча чўғдай ёнган кўзларини Абусайидга тикди:

— Сиз ўғилларингиздан бирита Улуғбек деб ном қўйибсиз. У ҳозир Қобулда ҳоким экан. Эҳтимол, сиз Улуғбек Мирзодек оламшумул даҳога энди тан бергандирсиз. Аммо Улуғбек Мирзо тириклигида сиз унга қарши исён кўтардингиз Абдулатифнинг голиб келишига ёрдам бердингиз, шу билан Улуғбекнинг қатл этилишига ҳисса қўшдингиз. Шажара дарахтининг энг яшнаган буюк бир шохига болта урганингиз шу эмасми? Абдулла Мирзо темурийлар сулоласининг истеъдодли вакилларидан эди. Ёш бўлса ҳам, Самарқандда адолатни тиклашга астойдил киришган эди. Сиз Дашти Қипчоқдан Абулхайрхонни бошлаб келиб, чингизийлар ўқи билан Абдулла Мирзони ўлдирдингиз. Кейин инингиз Вайс Мирзо сизга қарши бош кўтарганда унинг гуноҳи учун ўн икки нафар бегуноҳ темурий-

ларни Кўксарой ҳибсхонасига қамаб қўйдингиз. Улардан бири ўн тўрт ёшлик Ҳусайн Бойқаро эди, ҳайрият онаси Феруза бегим уни қутқариб олиб келди. Қолганларини сиз «яганалаб» йўқ қилдингиз. Аслида, бу яганалаш эмас, шажара дарахтини каллаклашдир. Унинг яшнаб турган шохларига болта уриб қуритишдир!

Абусайиднинг тоқати тоқ бўлди. Тахт устидан:

— Ваъзхонлик бас! — деб ўшқирди.

— Ҳазратим, бу хотин сизга шундай беандиша гапларни айтгани учун тилини кестирмоқ керак! — деди Шерҳожи.

— Сиз фақат тилимни эмас, бошимни ҳам кесишга ташна сиз, жаноб амир! — деди Гавҳаршод бегим. — Лекин ялтоғланган бу хушомадгўйларга унча ишонманг, ҳазрат! Бизга хиёнат қилганлар эрта-индин сизга ҳам хиёнат қилурлар. Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхон билан Мўғулистондаги Юнусхон учун Сиз Турон дарвозаларини кенг очиб бердингиз. Энди кўчманчи султонлар сиз очган йўллардан келиб, темурийларни аста-секин Турону Хуросондан сиқиб чиқариш имконига эга бўлмоқдалар. Улар Самарқанду Ҳиротда яна чингизийлар ҳокимиятини ўрнатганда келгуси авлодлар сизни қандай сўзлар билан эсларкин, шуни бир ўйланг, ҳазрат!

Ғазабдан рангги оқариб, кўзлари қисилган Абусайид чап томондаги эшикка юзланиб:

— Жаллод! — деб қичқирди.

Подшонинг овозидаги ғазабни сезган жаллодларнинг бирдан иккитаси чопиб келди.

— Қилич билан бошини кесинглар бу ялмоғизнинг! Овози ўчсин!

Фариштадек оқ либослик момони жаллодлар икки қўлидан тутиб олиб чиқиб кетаётганларида бегим охириги сўзларини йиғиб айтди:

— Худо бор! Қасос қайтгай!

ШАҲИД МОМО ЁДИ

Гавҳаршод бегимни худди ўғли Улугбек Мирзо каби қилич билан чопиб ўлдирганлари ҳиротликларни зилзила каби ларзага солди. Бегимнинг оқ либосига, оппоқ сочларига жаллод қиличидан қонлар томганини кўрган қадрдонлари кўз ёшларини тўхтатолмай, ўкириб йиғладилар. Бегимнинг номидаги мадраса ҳовли-

сига тумонат одам йиғилиб, жаноза ўқилди. Имомлик қилган кекса мударрис жаноза сўнгида:

— Авлиё момо ҳақ йўлда шаҳид бўлдилар! — деб эълон қилди.

Бегимни шаҳидларга муносиб қоидалар билан қабрга қўйганларида кўзига ёш олмаган одам қолмади.

Шаҳид момони йиғлаб дафн этганлар орасида муаррих Абдураззоқ Самарқандий ҳам бор эди. Кўп йил Шохруҳ Мирзо саройида хизмат қилган, унинг ўлимидан кейин ҳам Гавҳаршод бегимдан яхшиликлар кўрган мавлоно Абдураззоқ дилида унинг кушандаси Абусайидга нисбатан чексиз бир нафрат сезарди. Ёни-веридагилар:

— Мусулмон подшоси ҳам шу қадар ноинсоф бўлурму? — дейишади.

— Саксон ёшлик рўзадор онани ўлимга ҳукм қилишга қандай ҳаққи бор эди?!

— Худодан кўрқмадимми, а? Бундай катта кетишнинг оқибатини ўйламадимми?

Мавлоно Абдураззоқнинг дилидан ҳам шу изтиробли саволлар ўтиб турар, аммо кўпчилик ичида тилини тийиб, дардини ичига ютарди. Чунки ҳамма жойда Султон Абусайиднинг айғоқчилари борлигини биларди.

Султон Абусайид тарафдорлари эл-юрт орасида ҳар хил миш-мишлар тарқатмоқда эди. Гўё Гавҳаршод бегим чевараси Иброҳим Мирзо фойдасига жосуслик қилганмиш. Саксонга кириб ҳам тахт талашини қўймаган эмиш. Бир вақтлар шу бегим Абдулатифни отасига қарши гиж-гижлаб, Улуғбекнинг ўлимига ҳам сабаб бўлган эмиш. Буни биладиган Султон Абусайид бегимнинг ҳамма гуноҳлари учун бир йўла шундай қаттиқ жазога буюрган эмиш.

Мавлоно Абдураззоқ оғзига кучи етмаган одамлар бир-бирларига айтиб юрган бу уйдирмалардан нафрати келар, лекин уларга қарши очиқ гапиролмай эзиларди. Чунки бу ёлғонларни фош қилиш — Абусайидни қоралаш билан баробар эди. Абусайид эса ўзини қоралаган одамни йўқ қилмай қўймас эди.

Энди қирқ беш ёшга кирган мавлоно Абдураззоқ йиғирма йилдан буён подшо саройида хизмат қилиб, мулозимлар орасида бири-бирининг оғзини пойлаш, подшога қарши айтилган гапни дастурхон қилиб етказиш ва рақибини чалиб йиқитиш одати нақадар ривож топганини амалда кўрган эди.

Адолатсиз гаплардан эзилиб, дардини айтадиган сирдош дўст тополмаган Мавлоно Абдураззоқ дилидаги ҳақиқатни қоғозга туширгиси келди.

Мавлоно кўпдан бери ёзиб юрган умр китоби «Матлаъи садаъйн...» («Икки саодатли юлдузнинг қўшилиши») ҳали тугалланмаган эди. «Ҳеч бўлмаса авлодлар Гавҳаршод бегимнинг бегуноҳ ўлдирилганини билсинлар» деган ният билан қуйидагиларни қоғозга туширди:

«Замон бонуси¹, жаҳон маликаси... Гавҳаршод бегим баланд мартабали, покизалик ва иффат пардаси ўралган, хатти-ҳаракати одилона, пок, олийҳиммат ва улуғ мақсадли бир малика эди. Бу машҳур маликадан тириклар оламида кўп хайрли ёдгорликлар қолди»².

«Шундай олийҳиммат, покиза, иффатли, улуғ мақсадли, адолатли, художўй момони қатл эттирган Абу-сайиднинг қилмишига парвардигор ўзи жазо берар» деган умид билан Мавлоно Абдураззоқ подшонинг номини бу ўринда қаламга олмай ўтди.

Мавлоно Абдураззоқ Гавҳаршод бегимни «жаҳон маликаси» деб атаганда шаҳид момо қабрини зиёрат қилишга нафақат Турону Хуросондан, балки Қазвин ва Шероздан, ҳатто узоқ Табриздан ҳам ихлосмандлар келаётганини назарда тутган эди. Қора-қуюнли туркман подшоларининг орасида энг нуфузлиси ҳисобланган Жаҳоншоҳ милодий 1558 йилда Абу-сайид билан сулҳ тузгандан кейин Ҳиротга қисқа муддатга келиб, Гавҳаршод бегим қўйилган мақбарани зиёрат қилиб кетганлиги кўпчиликнинг эътиборини тортган, Султон Абу-сайидга эса яна бир маломат тоши отилгандай бўлган эди.

Айниқса, рамазон ҳайити кунларида бегимнинг қабрини зиёрат қилувчилар кўп бўлди.

Марвдан Алишербек Гулруҳ бону ва Феруза бегимлар билан Ҳиротга келиб, шаҳид момодан кўрган яхшиликларини кўзда ёш билан эслашди, унинг руҳига бағишлаб тиловатлар қилишди.

¹ Бону — аслзода аёл.

² Ушбу кўчирма «Матлаъи садаъйн»нинг ҳали чоп этилмаган учинчи китобидан олинди. Бу китобнинг ўзбекча таржимаси таниқли шарқшунос олим Асомиддин Ўринбоев томонидан йигирма йил бурун амалга оширилган, лекин ҳанузгача чоп этилмай келади. Домла ўз таржимасини қўлёзма ҳолида менга ўқишга бергани учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Боғи Сафедни ичидаги жиҳозлари ва бойликлари билан Султон Абусайиднинг онаси ва ўғли Маҳмуд Мирзо эгаллаб олдилар.

Ҳайит кунлари Гавҳаршод бегимнинг жияни Низомиддин Аҳмад Тархон мадраса ҳовлисида бегимни ёд этиб келган илму-маърифат аҳлига худойи ош берди.

Султон Абусайид ўз мулозимлари билан кўчалардан ноғора чадириб, бедов отда виқор билан ўтарди. Шунда салом ёки олқиш ўрнига ҳўмрайган юзларни, нафрат ёғдираётган кўзларни кўрарди. Кўпчиликнинг нафрати ва қарғиши хуфиялар орқали ҳам саройга етиб бормоқда эди.

Шу орада Балхдан Улуғбекнинг невараси, Гавҳаршод бегимнинг тарбиясини олган Абдураззоқ ва Аҳмад Мирзолар момосининг кушандаси Султон Абусайидга қарши исён кўтарганлари ҳақида хабар келди.

Абусайид катта кўшин билан Балхга йўл олди. Исённи бостириб, ҳар икки оға-инини ўлимга буюрди.

Унга қарғиш ёғдираётганлар янада кўпайганини сезиб, Ҳиротга қайтгиси келмади, қишни Балхда ўтказди.

Шохруҳ Мирзо авлодларининг Абусайидга қарши исёнлари бири-бирига уланиб кетди. Ҳисор томонларда қочиб юрган Алауддавла Марвдан нари Сарахс қўрғонида куч йиғаетган ўғли Иброҳим Мирзонинг ёнига келиб, беш юзтача навқарини унинг лашкари сафига қўшди. Марв ҳокими Султон Санжар Мирзо ҳам Абусайидга қарши исён кўтариб, Султон Иброҳим ва Алауддавралар билан бирлашди.

Лекин Абусайиднинг лашкари бу ҳар уч мирзоникидан икки баробар кўп эди. Абусайид бор бойлигини кўшин ёллашга сарфлар, унинг суянган тоғи сипоҳилар эди.

Сарахс қўрғони яқинида ҳаёт-мамот жанги бўлди. Султон Абусайид бу гал ҳам зўр чиқди. Санжар Мирзо жанг майдонида ярадор бўлиб қўлга тушган эди. Абусайид уни қатл эттирди.

Султон Иброҳим бу галги мағлубият аламини кўтаролмади, эски тутқалоқ, касали қаттиқ хуруж қилиб, оламдан ўтди.

Қочиб юрган Алауддавланнинг ўлиги Каспий денгизининг жанубидаги Рустамдор деган жойдан топилди. Унинг жасадини қизи Руқия бегим Ҳиротга олиб келтириб, момоси Гавҳаршод бегимнинг мақбарасига дафн этди.

Гўзал қиз — Руқия бегимни Абусайид ўзига тўртинчи хотин қилиб никоҳлаб олган эди. Ундан ўғил кўрганда отини Шоҳруҳ Мирзо қўйди. Шу билан Абусайид гўё Шоҳруҳ Мирзо хотирасига тан берган бўлди.

Лекин амалда шажара дарахтини каллаклашни давом эттирди.

Шоҳруҳия шаҳрида исён кўтарган Улуғбекнинг ўртанча невараси Жўқий Мирзо Ҳиротга келтирилиб, Ихтиёридин қалъасида қатл этилди.

Фақат Ҳусайн Бойқаро бир марта Абусайиднинг чангалидан кутулиб чиққандан буён унга тутқич бермай Марв ва Астробод томонларда юрарди. Абусайид энди уни ҳам яганалаб юлиб ташлашга ҳаракат қила бошлади.

ҚУВГИН ҚИЛИНГАН ИСТЕЪДОДЛАР

Абусайид бошлаб келган шафқатсиз қуюнлар Қорақум саҳросида чанг-тўзон кўтариб, Марвга ҳам яқинлашиб келмоқда эди. Марвда бир қанча вақт Ҳусайн Бойқаро билан бирга бўлган Алишербек ва уларнинг оналари Абусайид томондан келаётган балолардан сақланиш учун бошқа бехатарроқ жой излашга мажбур бўлдилар.

Ҳигирма ёшга кирган девқомат Ҳусайн Бойқаро Марв атрофларида бўлган жангларда жасорат кўрсатиб чиниққан, унинг уч юзтача содиқ навқари бор эди. Онаси ва дўсти Алишербек билан хайрлашар экан:

— Мен энди таваккал қилмоқчимен! — деди. — Абусайидга қарши куч тўплагаймен. Астробод томонларда бизни чорлаган қадрдонлар бор.

Алишербекнинг ундан ажрашгиси келмас эди.

— Дўстим, — деди Ҳусайн Бойқаро. — Сиз ҳарб ишига унча мойил эмассиз. Сизнинг шоирлик қаламингиз халққа юз минг сарбоздан кўпроқ наф келтириши мумкин. Оналаримиз билан бирга Ҳиротга қайтсангиз. Биз билан тавойингиз Муҳаммад Қобулий бирга бўлурлар.

— Ҳирот Абусайид илкида, аёғим тортмийдир, — деди Алишербек.

— Ҳиротда сизга ҳомийлик қилган Ҳасан Ардашер борлар, — деди Феруза бегим. — Уй-жойдан қийналсангиз, Гулбиби билан бизникида тургайсизлар. Раҳматли Гавҳаршод бегим инъом қилган ол-

тинларимиз ҳали тутаган эмас. Бир амаллаб рўзгор тебратгаймиз.

Маслаҳат шунга қарор топди-ю, Хусайн Бойқаро оналарни ва дўстини уч отга миндириб, ёнларига тўрт нафар қўриқчи навкарини қўшиб Ҳиротга жўнатди. Шундан сўнг ўзи Астробод йўлидаги Нисо вилоятига йўл олди.

Бу вилоятда Хусайн Бойқарога омад илк бор кулиб боқди. Уч юз кишилиқ аскар билан Бобо Ҳасан деган ғанимнинг беш баробар кўп қўшинини енгиб чиқди. Бобо Ҳасаннинг ўзи Хусайн Бойқаро билан яккама-якка қилич чопишиб ҳалок бўлди. Унинг кўпчилик навкарлари Султон Хусайн Бойқаронинг баҳодирлигига тан бердилар. Улар ҳам аслида Абусайид ва қорақуюнли Жаҳоншоҳ зулмидан қочиб юрган сипоҳилар экан. Хусайн Бойқаро бу мустабид шоҳларга қарши куч тўплаётгани маълум бўлгач, Бобо Ҳасаннинг тирик қолган мингдан ортиқ беку навкарлари Хусайн Бойқаро хизматига ўтдилар.

Шундан олдин Астрободни Жаҳоншоҳ босиб олган ва Хусайнбек деган тоғасини бу ерга ҳоким қилиб қўйган эди. Шоҳруҳ Мирзо ва Абулқосим Бобур замонларида тинч ва фаровон яшаган астрободликлар қора қуюнли Хусайнбекнинг жабру зулмидан безор бўлиб, ботир бир нажоткорга умид боғлаб турган эдилар.

Қорақуюнлиларни ғафлатда қолдириб, Астрободга тонг саҳарда тўсатдан қўшин тортиб кирган Хусайн Бойқарога шаҳарнинг ботир йигитлари ёрдам бердилар. Қорақуюнлилар қўшинининг жанг майдонига чиққан қисми қириб ташланди. Тирик қолганлари шаҳарни ташлаб қочдилар.

Катта оқ чўғирма кийган элик ёшлиқ семиз Хусайнбекнинг ўзи асир тушди.

Унинг жабру жафосидан ва ахлоқсизликларидан қаҳру ғазабга тўлган астрободликлар Хусайнбекни аёвсиз жазолашни талаб қилдилар.

Бойқаронинг фармони билан золим Хусайнбек дорга осиб ўлдирилди.

Астрободликлар бу довюрак, ёш темурийзодани адолатли ҳукмдор сифатида тан олдилар.

Бунинг хабари шарқу ғарбга яшин тезлигида тарқалди. Журжон томонларда Абусайидга қарши жангга тайёрланаётган Жаҳоншоҳ Астрободдай муҳим шаҳар яна темурийлар қўлига ўтиб кетганидан чўчиди.

Агар Абусайид Хусайн Бойқаро билан иттифоқ тузса уларга бас келолмаслигини сезиб қолди.

Ҳиротдаги Абусайид ҳам Жаҳоншоҳни ўзининг энг хатарли душмани деб биларди. Хусайн Бойқаронинг Астрободни шундай кучли душмандан тортиб олганлиги қорақуёнлилар олдида Абусайиднинг ҳам мушқулини осон қила бошлади.

Жаҳоншоҳ Журжондан Ҳиротга элчи юбориб, сулҳ тузишни таклиф қилди. Бу сулҳнинг шартларидан бири — Жаҳоншоҳнинг Ҳиротга келиб қадамжоларни, жумладан, Шохруҳ Мирзо биринчи марта дафн этилган, кейин Гавҳаршод бегимнинг қабри қўйилган мақбарани зиёрат қилишига шароит яратиш ҳақида эди.

Абусайид бу шартга ич-ичидан қарши бўлса ҳам, лекин Туронда, Тошкент ва Шохруҳияда исёнлар бўлаётгани, исёнчиларга Сифноқ томондан Абулхайрхон кўмак бераётгани уни қаттиқ хавотирга солмоқда эди. Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузиб, ғарбий чегараларни тинчитгандан сўнг Абусайид Сирдарё бўйларига от сурмоқчи ва у ердаги хавф-хатарни тезроқ бартараф этмоқчи эди. Шу вазиятда Хусайн Бойқаронинг Астрободда эришган ғалабасидан Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузишда фойдаланиш Абусайиднинг манфаатига мос келиб қолди. Хусайн Бойқарога душманлик кайфиятида юрган бу айёр одам бирдан саройга Абдураззоқ Самарқандийни чақиртирди.

— Астрободга, Хусайн Бойқарога биздан элчи бўлиб борсангиз, — деган таклифни қилди.

Мавлоно билан Абусайид бундан тўрт йил аввал Абулқосим Бобур Самарқандга қўшин тортиб борганда танишган эди. Мавлононинг элчилик қобилияти борлигини, Шохруҳ Мирзо уни бир вақтлар Ҳиндистонга элчи қилиб юборгани бежиз бўлмаганини Абусайид ўшанда сезган эди.

Мавлоно Абдураззоқ баҳайбат ҳукмдорнинг бу таклифини ўрнидан туриб, таъзим билан қабул қилди.

— Олампаноҳ, сиздек подшоҳи аъзамнинг ишончу инояти фақирга тожи сар бўлсин!

— Шарт шуки, — деди Абусайид, — Сиз Астрободга борган кундан бошлаб Хусайн Бойқаро бизни Астрободнинг олий ҳукмдори деб тан олоғи керак. Номимизи хутбага қўшиб ўқитсин! Токи бу янгилик Журжондаги Жаҳоншоҳнинг қулоғига ҳам етиб борсин!

— Бу фармонингиз, иншоолоҳ, сўзсиз адо этилур.

— Бойқарога яхши совғалар элтинг. Девонхонага буюргаймен, от-улов, сарупо, улуфа¹ ҳаммасини Сизга тайёрлаб берурлар. Қўриқчи навқарлар ҳам бўлур.

— Ҳамроҳликка яна бир ёрдамчи олсам... Ҳусайн Бойқаронинг баҳодирлиги билан бирга шоирлиги ҳам бор. Алишер Навоий деган шоир дўсти ҳозир Ҳиротда. Бирга борса, фармони олийни тезроқ амалга оширишга ёрдам бергай.

Абусайид хуфиялар маълумотида Алишер Навоий номи бир неча марта учраганини эслади. Қовоғини солиб:

— Бу шоирингиз Гавҳаршод бегим мадрасасига кўп борар эмиш. Бизни ғийбат қиладиган мударрису толиби илмлар орасида юрармиш.

— Олампаноҳ, ўн етти яшар бу йигитнинг нуфузи баланд. Уни ёмон таъсирлардан узоқроққа олиб кетганимиз маъқул эмасми? Эҳтимол, у ҳам Бойқаро каби келгусида сизга наф келтиргай?

— Мен шоирлардан наф кутмагаймен! Лекин бирга олиб борсангиз, ишимизга зарари тегмайдирган бўлсин!

— Бунисига фақир кафилмен!

* * *

Абусайид аввалги подшолар хизматида бўлган бадавлат одамларнинг уйдан олтину жавоҳир қидириб, тинтувлар ўтказмоқда эди. Алишербекнинг ҳомийси Ҳасан Ардашер бир вақтлар Улуғбекнинг иниси Бойсунқур Мирзо хизматида бўлганда каттагина мулк, ер сув ва бойлик орттирган кишилардан эди. Абусайиднинг одамлари унинг уйини тинтиб, бор бойлиги ҳовлижойини тортиб олганларидан кейин мавлоно узоқ қишлоқдаги қариндошлариникига кетиб қолган эди.

Алишербек ҳомийси Ҳасан Ардашерни тополмай Ҳиротда жуда қийналиб қолган, сўнг Машҳадга кетган, Гавҳаршод бегим қурдирган мадрасанинг бир хужрасида жуда оғир ҳаёт кечириб касал бўлиб қолган эди. Унинг толеига машҳур Паҳлавон Муҳаммад ҳам шу пайтда Машҳадда экан.

Алишер Навоийни ёшлиқдан биладиган, унинг шеърларини суйиб ёд айтиб юрадиган Паҳлавон Муҳаммад

¹ Маош ва йўл харажатларининг маблағи.

шерозлик бир ҳакимни чақириб келиб, Алишербекни даволатди. Ўн саккиз яшар йигит муолажа ва дўстининг рамхўрлиги билан тез оёққа турди. Унинг Машҳадда ёзган янги ғазалларига Паҳлавон Муҳаммад куй басталаб, зўр истеъдод билан ижро эта бошлади. Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ каби машҳур куйларни кашф этган Паҳлавон Муҳаммад Навоий ғазалларини ўз куйлари ва ижроси орқали Машҳадда ҳам тарғиб қилмоқда эди. Соғайиб кетган Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг Астрободда катта валабага эришганини эшитиб беҳад суюнди. Мадрасада таҳсил олаётгани учун қизгин ўтаётган дарс машғулотларини ташлаб кетолмади, дўстини мактуб орқали табриклади. Сўнгги ёзган ғазалларидан бир нечтасини мактубга қўшиб юборди.

Мадраса машғулоти тутаб, таътил бошланганда Алишер Навий Ҳиротга қайтган эди. Ана шу пайтда Мавлоно Абдураззоқ Самарқандий уни Астрободга бирга боришга таклиф қилди. Бу таклиф Алишербекни тақдирнинг кутилмаган инъомидек қувонтирди.

Лекин йўлда бораётганларида Султон Абусайиднинг Ҳусайн Бойқарога қўйган қаттиқ талабини эшитиб, Алишербек хавотирга тушди:

— Астрободда ҳам Абусайид номига хутба ўқилса, Ҳусайн Бойқаро унинг қарамоғига ўтиб тузоғига тушиб қолмасмикин, мавлоно? Бу одам хийла-ю, найрангга қанчалик уста эканини амалда кўрдик-ку. Раҳматлик Султон Иброҳим Жаҳоншоҳга қарши курашда Абусайид билан иттифоқ тузиб қандай алдангани ёдингиздами?

— Лекин бу гал вазият бошқача, Алишербек. Агар Ҳусайн Бойқаро Султон Абусайид қаламравига ўтмас, икки ёқлама хатар орасида қолгай, Журжонда Жаҳоншоҳ пайт пойлаб турибдир. Ҳусайн Бойқаро унинг Астрободда ҳоким бўлган тоғасини дорга осдирмишдир. Агар Ҳусайн Бойқаро билан Абусайиднинг ораси бузилса, Жаҳоншоҳ катта кўшин билан Астрободга ҳужум қилиши аниқ. Ундан кўра вақтинча бўлса ҳам Абусайид қаламравига ўтиб, Жаҳоншоҳ тажовузидан сақланиш мақсадга мувофиқроқ эмасми, Алишербек?

— «Вақтинча» деган сўзингиз менга асосли туюлди, мавлоно!

Астрободда Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишербек билан мавлоно Абдураззоқни кучоқ очиб кутиб олди. Аммо хутбани Абусайид номига ўқитишдан олдин у

ҳам кўп иккиланди. Алишербек дўстининг кайфиятига мос келадиган бир қитъа ўқиб берди:

*Жаҳон гажига шоҳ эрур аждаҳо
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомидга.
Анинг коми¹ билан тирилмоқ эрур
Маош айламоқ аждаҳо комидга.*

Ҳусайн Бойқаро дўстининг нафис ўхшатишлари-дан завқи келиб:

— Дутф қилдингиз, Алишербек! — деди. — Чиндан ҳам, Абусайид жаҳон ганжларига аждаҳо каби оғиз очиб, ўтлар сочиб турибдир. Унинг қаламравига ўтмоқ — аждаҳо сочган ўт билан ўйнашиб, унинг оғзидан маош олмоқ каби хатарлидир!

— Аммо Алишербек бошқа бир маънони ҳам чиройли қилиб ифода этмишлар! — деб эътироз қилди мавлоно Абдураззоқ.

— Яъни? — сўради Ҳусайн Бойқаро.

— Ком, яъни мақсад омон қолмоқдир. Бунинг учун агар зарур бўлса аждаҳо оғзида маош айламоққа ҳам журъат этабилмоқ керак! Ҳозир вазият биздан ана шундай жасорат талаб қилмоқда.

Мавлоно Абдураззоқ Абусайид номидан элчилик қилиш билан ўзи ҳам аждаҳо оғзидан маош олишга мажбур бўлаётганини «биздан» деган сўз орқали билдирди ва икки дўст билан яқдил эканига ишора қилди.

— Сиз ҳақсиз, мавлоно! — деди Ҳусайн Бойқаро. — Таваккал қилмоқдан ўзга чора йўқ.

Шундан кейин жума куни Астрободнинг катта масжидида Султон Абусайиднинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Журжондаги Жаҳоншоҳнинг ҳужумидан сақланиш учун Астрободни Абусайид қаламравига ўтказиш зарур бўлганини, шаҳар ихтиёри Ҳусайн Бойқарога берилганини хатиб мачитга йиғилган намозхонларга эълон қилди.

Қоидага биноан, Ҳусайн Бойқаро Абусайид элчисига сарупо кийдириб, подшонинг ўзига қимматбаҳо совғалар ва «сочиқ» деб аталадиган олтин пуллар жўнатиши зарур эди. Бу совғалар ва олтинларни Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳиротга элчи қилиб жўнатишган нуфузли бир мўйсафид олиб кетди.

¹ «Ком» сўзи икки маънода сўз ўйини тарзида ишлатилади. Биринчисида «ком» — мақсад, ният. «Комонлик» ҳам шу маънодан олинган. «Ком»нинг иккинчи маъноси — оғиз бўшлиғи. Бу ерда аждаҳо оғзи, ҳалқуми назарда тутилади.

Абдураззоқ Самарқандий ўз элчилик вазифасини бажариб қайтгани Абусайидни мамнун қилди. У Ҳусайн Бойқаро юборган элчини совға-саломлари билан хуш қабул қилгандай бўлди.

Лекин Абусайиднинг дилида Ҳусайн Бойқарога нисбатан қандайдир бир ишончсизликми, кекми ҳамон сақланиб турганини мавлоно Абдураззоқ унинг гап-сўзларидан ва кейинги муомаласидан сезди.

Султон Абусайид Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузиб, ғарбий чегараларни тинчитгандан кейин Астрободни Ҳусайн Бойқародан тортиб олиш ҳаракатига тушди.

Абусайиднинг Муҳаммад Муштоқ деган амири Астробод вилоятининг қулфи-калити ҳисобланган энг муҳим туманлардан бирига — Биёржуманд шахрига тажовуз қилди. Шаҳар ҳимоячилари Муҳаммад Муштоқ қўшинини тор-мор қилиб, ўзини асир оладилар ва Ҳусайн Бойқаро ҳузурига жўнатадилар.

Ҳусайн Бойқаро Абусайид билан орани бузмаслик учун Муҳаммад Муштоқнинг қонидан кечди. Муштоқнинг ёнига ўзининг энг ишонган одамларидан бири — Сайидбек Кўкалдошни қўшди. Уни қимматбаҳо совға-саломлар билан Ҳиротга Абусайид саройига элчи қилиб жўнатди.

Бироқ Муҳаммад Муштоқнинг шармандаларча мағлуб бўлгани ва Ҳусайн Бойқарога асир тушгани Султон Абусайиднинг аламини келтирди. У аламини ўз мулозимидан олиш ўрнига, Ҳусайн Бойқаро юборган элчидан олди. Бегуноҳ Сайидбек Кўкалдошга захрини сочди:

— Ҳусайн Бойқаро подшо бўлмоқчимми, сени менга элчи қилиб юборибди?!

— Аълоҳазрат, Ҳусайн Бойқаро сизни подшоҳ деб тан олганлар, номингизни хутбага қўшиб ўқитмоқдалар. Сизга атаб совға-салом, сочқи юбордилар!

— Керак эмас совғаси! Жаллод!

— Ҳазратим, элчига ўлим йўқ дейдилар-ку!

— Сен элчи эмассен, душманимнинг жосусисен! Мендан сир олгани келгансен! Жаллод, буни олиб бориб бошини кес!

Ҳусайн Бойқаронинг энг содиқ амирларидан бири — Сайидбек Кўкалдошнинг ўлдирилиши икки орада уруш чиқишига сабаб бўлди. Ҳусайн Бойқаронинг ботир йигитлари Абусайиднинг Сабзавот ва Нишопурдаги қўшинларига қаттиқ зарбалар берди. Бундан

ғазабланган Абусайид ўн беш минг кишилиқ улкан лашкар тўплаб, Астрободга хужум қиладди.

Ҳусайн Бойқаронинг қўшини уч мингдан ошмас эди. Унинг бир қисм амирлари Султон Абусайидга бас келолмасликларини сезиб, кечаси жанг арафасида ўрдагоҳни ташлаб қочдилар.

Ҳусайн Бойқаро сийраклашиб қолган қўшинини ҳалокатдан сақлаб қолиш учун Астрободни ташлаб чиқди ва Амударё бўйларига чекинди.

Султон Абусайид Астрободни жангсиз эгаллагач, иккинчи ўғли саккиз ёшли Маҳмуд Мирзони бек аткаси Ҳусравшоҳ билан бу муҳим шаҳарга ҳоким қилиб тайинлади.

Орадан кўп ўтмай Туронда Абусайид қўйиб кетган амирлар зулмига қарши исёнлар бошланди. Бинокент, Тошкент ва Сайрам шаҳарлари илгари Улуғбекнинг невараси Муҳаммад Жўқий Мирзо ҳоким бўлган пайтда осуда ва барқарор ҳаёт кечирарди. Абусайид бу шаҳарларни Жўқий Мирзодан тортиб олиб, ўзига ўхшаган золим амирларни ҳоким қилиб қўйгандан кейин аҳоли уларнинг жабру жафоларига бардош беролмай исён кўтарди. Бу исёнга ўн саккиз ёшлиқ Муҳаммад Жўқий бошчилик қилди. У исёнчилар номидан ёрдам сўраб, Туркистонда яшаб турган аммаси Робия Султон бегимнинг ҳузурига боради.

Ўтган давр ичида Робия Султон бегим Абулхайрхон саройида энг нуфузли маликага айланган эди. Робия Султондан туғилган икки ўғил, айниқса, уларнинг тўнғичи Кўчкинчихон ўзининг иқтидори, билими ва одоби билан хоннинг бошқа ўғилларидан устун турар ва суюкли фарзанд ҳисобланарди.

Олдинроққа кетиб айтиш жоизки, кейинчалик Кўчкинчихон Абулхайрхон наслига обрў келтиради, Шайбонийхон ўлганидан кейин йигирма йилга яқин тахтада ўлтириб, давлатни бошқаради.

Робия Султон бегим ўғлининг дилида она томондан бобокалони Амир Темурга нисбатан теран ҳурмат уйғотган бўлади. Кўчкинчихон хонлик қилган йилларида Яздий «Зафарнома»сини биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилдиради.¹

Ясси шаҳрида туриб, суюкли момоси Гавҳаршод

¹ Истеъдодли адиб Муҳаммад Али қаламига мансуб бўлган бу таржима ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмай келади, ҳамон мароқ билан ўқилади.

бегимнинг Абусайид томонидан қатл этилганини эшитган Робия бегим бу золимга қарши исён кўтарган туронликларни қўллаб-қувватлади. Бегимнинг воситачилигида Абулхайрхон Жўқий Мирзога Бўрка Султон бошчилигидаги катта бир қўшинни ёрдамга юборди. Бу қўшин Кармана яқинида Абусайиднинг аскарлари билан жангга кириб, уларни тор-мор қилди. Шундан кейин Бўрка Султон Шоҳруҳия, Тошкент ва Сайрамга Абусайид томонидан қўйилган ҳокимларни қувиб юборишда Муҳаммад Жўқий Мирзога ёрдам беради. Шу кетишда Жўқий Мирзо Самарқандни ҳам Абусайиддан тортиб олиши мумкин эди. Чунки Абулхайрхон энди Абусайидга эмас, Жўқий Мирзога ёрдам бераётгани бежиз эмас эди.

Узоқни кўзлаб иш олиб бораётган Абулхайрхон те-мурийларни мутгасил бир-бирлари билан уруштириб, бутунлай заифлаштиришни истар, шундан кейин Турон ва Хуросонда чингизийлар ҳокимиятини қайта тиклаш хоннинг ўзига бўлмаса, келажак авлодларига насиб этишини ўйларди.

Бироқ ҳозирги фурсатда Абусайиднинг Ҳиротни ҳам қўлга киритиб, тобора кучайиб бораётгани Абулхайрхоннинг манфаатига зид эди. Бу те-мурийзоданинг кучини синдириш учун ҳам Абулхайрхоннинг одамлари Туроннинг ўзларига яқин вилоятларида кўтарилаётган исён оловларини тобора алангалантиришдан манфаатдор эдилар.

Ҳиротдан шоша-пиша Сирдарё бўйларига етиб келган Абусайид Шоҳруҳияда кўтарилган исённи бир йилгача бостиrolмади. Шаҳар қамалда қолиб, одамлар очдан ўла бошлади.

Шундан кейин улар Абусайиднинг пири-комили Хўжа Аҳрорга мурожаат қилдилар.

— Агар Султон Абусайид қуръони каримни ўртага қўйиб, барча исёнчиларнинг гуноҳидан кечишга қасамёд қилсалар, биз исённи тўхтатиб, дарвозаларни подшоҳга очиб бергаймиз! — дедилар.

Оқ хачир миниб юрадиган Хўжа Аҳрор Абусайид ҳузурига борди. Абусайид ўзини шунча қийнаган исёнчиларнинг гуноҳидан кечишни истамас эди.

Лекин Хуросондан келган чопар Ҳусайн Бойқаро Астрободни қайтадан босиб олгани, Шаҳзода Маҳмуд Ҳиротга чекингани, бу шаҳар ҳам қамалда қолаётгани тўғрисида таҳликали хабар келтирди. Икки томонла-

ма исён олови орасида қолган Абусайид энди Хўжа Аҳрори валий орқали қўйилган шартни қабул қилишга мажбур бўлди.

Шохруҳия, Тошкент ва Сайрамлар қайтадан Абусайид қаламравига ўтгандан кейин бу одам бари бир қасамёдини бузди. Исёнчиларга бош бўлган Жўқий Мирзога Ҳиротда катта лавозим беришни ваъда қилиб, олиб келди-ю, Ихтиёриддин қалъасига қаматди. Бошқа ташвишлардан бўшагандан кейин Абусайид уни қамоқда қатл эттирди.

* * *

Алишер Навоий ўз шеърида аждаҳога ўхшатган Абусайид билан олишиш нақадар хатарли эканини Ҳусайн Бойқаро ҳам билиб қолган эди. Лекин эл-юрт бу ҳукмдорнинг шафқатсизликларидан ниҳоятда тўйиб кетган эди. Баднафс амалдорлардан баъзилари мусодара қилинган олтину жавоҳирларнинг бир қисмини хазинага топширмай, ўз уйларига олиб бориб яширган эканлар. Абусайиднинг тинтувчилари хуфиялар ёрдамида бу яширилган бойликларни ҳам топиб оладилар. Шундан сўнг Абусайид ўз амалдорларидан Шайх Аҳмад деганнинг терисини тириклай шилдирди. Хўжа Музиддин деган амирни қайнаб турган дошқозонга тириклай ташлаб ўлдиртирди.

Бу амалдорларнинг қариндош уруғлари ҳам Абусайиднинг хундор душманига айландилар ва Астро-бодга қайтиб келган Султон Ҳусайн Бойқаро аскарлари сафига қўшилдилар.

Абусайиднинг ёш ўғли Маҳмуд Мирзо ва унинг оталиғи Хусравшоҳ Ҳиротга қочиб бориб, қўрғонни ичкаридан бекитиб олган эдилар. Ҳусайн Бойқаро таваккал қилиб Ҳиротга бостириб бораётганда Нишопур, Сабзавор ва Машҳад шаҳарлари ҳам унинг томонига ўтди.

Машҳадда Гавҳаршод бегим мадрасасида таҳсил олаётган Алишер Навоий дўстининг янги валабасидан руҳланиб, унинг қўшини билан бирга Ҳиротга бормоқчи бўлди.

— Лекин Турондан биз учун нохуш хабарлар келди, Алишербек, — деди Ҳусайн Бойқаро. — Султон Абусайид Жўқий Мирзо исёнини бостириб, Хурсонга от чоптириб келаётган эмиш. Сизни бу хатарли ёғийга рўбарў қилгим келмайдир.

— Аммо ўзингиз унинг беҳисоб лашкари билан қандай олишгайсиз? Балки яна куч йиғмоғингиз лозимдир, амирзодам?

— Мен учун хавотир бўлманг. Мен таваккал қилишга ўрганганмен. Чунки илоҳий қудратга ишонурмен. Бир ғазал битдим. Шундан икки байтини сизга айтай:

*Ғал ўлмаса анинг¹ амри
фалак бу суръат ила
Ўз-ўзидан ҳаракат
айда олмагай асло.
Ҳусайний, ўлса саросар
гуноҳу журм² неғам
Чунки дўст лутфининг
умиди бор, басгур анго.*

Алишербек вазн ва қофия андак сайқалга муҳтож эканлигини сезди, аммо мазмундаги мардона руҳ ва дўстига ишонч унга завқ берди. Қилич чопиб, ўлим билан олишиб юрган йигитнинг шундай шоирона кайфият билан осмондаги илоҳий қудратга ва ердаги дўстига суяниб қалам тебратгани унинг қалбини илиқ бир меҳрга тўлдирди:

— Амирзодам, шундай ажойиб сатрларни битганингиз учун ҳам мен сизнинг Шоҳ Султони Фозий, Саодат ахтари³, эл-юрт нажотқори бўлишингизни парвардигордан илтижо қилурмен!

— Ташаккур дўстим! Мадрасада мен учун ҳам таҳсил олинг. Бори илмингизни келгусида бирга баҳам кўргаймиз.

— Илоҳим ўша кунларга худо бизни етказсин!
Улар кучоқлашиб хайрлашдилар.

* * *

Йигирма ёшлик Ҳусайн Бойқаро Абусайиднинг Хуросон шаҳарларига ҳоким қилиб кетган Сайид Мурод ва Асил Арғун деган амирларини таъқиб этиб, Ҳиротнинг Боғи Зоғонига етиб борди.

Бир вақтлар Шоҳруҳ Мирзонинг тахти турган бу боғда бир ой турди. Ҳирот қалъасини эгаллаш учун қайта-қайта жанг қилди. Ичкарида унинг ғолиб чиқшини кутиб ётганлар кўп эди.

¹ «Анинг» бу ерда илоҳий қудратни билдиради.

² Журм — жазо, хатар.

³ Ахтар — юлдуз.

Аммо қўрғоннинг ҳар тўртала дарвозасини Абусайиднинг икки мингдан ортиқ беку навкарлари қўриқлаб турар, мустаҳкам қалъага кириб боришнинг бошқа ҳеч йўли йўқ эди.

Асад ойи ўтиб, сунбула кирди. Қамал давом этмоқда эди. Мезон ойи бошланганда Амударё томондан Абусайид ўттиз минг қўшин билан бало қазодай Ҳиротга яқинлашиб келаётгани маълум бўлди.

Ҳусайн Бойқаронинг тўрт минг аскарини Абусайиддай тажрибали саркарданинг ўттиз минг кишилик улкан қўшини йўқ қилиб юбориши мумкин эди.

Шуни сезган Ҳусайн Бойқаро Боғи Зоғонни жангсиз ташлаб чиқди ва Астрободга чекинди.

Ғазаб отига минган Абусайид Ҳиротда кўп тўхтамай, Ҳусайн Бойқарони таъқиб этиб, Астрободга ҳужум қилди.

Ҳусайн Бойқаро қўрғонда қолган қўшинларини ҳам ёнига олиб, Амударё томонга чекинди. Абусайид Астрободни эгаллагач, амир Шерҳожи билан Аҳмадёр деган беkning ихтиёрига ўн минг қўшин берди:

— Бойқарони осмонга чиқса оёғидан тортиб олиб келинглр! — деб буюрди. — Мен бу жўжаҳўрозни Самарқандда бир марта ҳибсдан бўшатиб хато қилган эканмен. Энди уни яганалаб юлиб ташламагунча тинчимайдиганга ўхшаймен! Ё тириги, ё ўлиги топилмагунча қайтиб келманглр!

Қорақум саҳросида, Амударё бўйларида Шерҳожи ва Аҳмадёрнинг қўшини Ҳусайн Бойқарони қувиб этиб, бир неча марта қуршовга олди. Бойқаронинг аскарларидан анчаси ҳалок бўлди, катта бир қисми таъқиб этувчилардан қочиб, турли томонга тарқаб кетди. Унинг ёнида қолган уч юзтача ботир йигитлари Ҳусайн Бойқарони ўртага олиб, ёв қуршовини қўлда қурол билан ёриб ўтдилар.

Зирҳли кийим кийган Бойқаронинг ўзи ёв ҳалқасини ёриб ўтишда энг кўп қилич чопган баҳодирларнинг биринчиси бўлди.

Абусайид Хоразмга ҳоким тайинлаган амалдор ўзининг золимлиги билан халқни безор қилган эди. Ҳусайн Бойқаро хиваликларнинг ёрдамида бу ҳокимни даф қилиб, бир қанча вақт Хоразмда элбоши бўлиб турди.

Аммо қўли узун Абусайид Хоразмга ҳам ўз қўшинларини юбориб, Ҳусайн Бойқарони таъқиб қилишни давом эттирди.

Бир неча йил чўли-биёбонларда ломакон бўлиб

қувғинда юрган Хусайн Бойқаро милодий 1468 йилда Туркистонга, Улугбек Мирзонинг қизи Робия Султон бегим ҳузурига борди.

Абусайид билан мардона олишиб юрган ўттиз ёшлик алпқомат Хусайн Бойқарони Робия Султон бегим эъзоз билан қарши олди. Абулхайрхон ўрнидан туrolмай касал бўлиб ётган экан. Хон сал ўзига келганда Робия бегимнинг тавсияси билан Хусайн Бойқарони қабул қилди ва унинг Абусайидга қарши курашига ёрдам беришини айтди. Лекин унинг ваъдаси амалга ошгунча бўлмай Абулхайрхон вафот этди.

Хоннинг ўлиmidан кейин унинг саройида ҳам тахт талашишлари бошланди. Робия Султон бегим ўз ташвишидан ортмай қолди. Бегим Хусайн Бойқаро билан хайрлашар экан:

— Энди сизга парвардигорнинг ўзи ёрдам бермаса, бандаларининг илкидан ҳеч нарса келмай қолди, — деди.

* * *

Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро Машҳадда хайрлашганларидан кейин етти-саккиз йилгача бир-бирларини кўришга муяссар бўлмадилар. Йигирма билан ўттиз ёш оралиғида йигитликнинг авжи гуллаган баҳор пайтида иккови ҳам қувғинда, сарсон-саргардонликда қиш қаҳратонини эслатадиган энг офир кунларни бошдан кечирдилар.

Туронда исёнлар бостирилгандан кейин кўнгли бир қадар тинчиган Султон Абусайид Самарқанд ихтиёрини катта ўғли Аҳмад Мирзога ва муршиди Хўжа Аҳрорга бериб, пойтахтни Ҳиротга кўчирди. Унинг Хуросондаги энг ашаддий рақиби Хусайн Бойқаро бўлиб қолган эди. Милодий 1464 йилда Хусайн Бойқаро Хоразм томонлардан қўшин тортиб келиб, Абусайиднинг Нисо, Машҳад, Обивард вилоятларидаги қўриқчи аскарларини мағлуб қилган, Туршиз вилоятида ўзига тарафдорлар топиб, бир қанча вақт ҳукмрон бўлиб турган эди. Абусайид яна катта қўшин тўплаб бориб, уни Амударёдан нарига — Қизилқум саҳросига ўтиб кетгунча таъқиб этди.

Хусайн Бойқаронинг қайтиб келишини кутиб юрган тарафдорлари Ҳиротда ҳам оз эмас эди. Айниқса Феруза бегим Ҳиротда эрта-ю кеч ўғлининг йўлига кўз тикиб яшаётгани Абусайидга хуфийлар ахбороти-

дан маълум бўлди. Шундан кейин Феруза бегимнинг теурий ота-боболаридан мерос олган каттагина ҳовли-жойи, мол-мулки Абусайид томонидан мусодара қилинди. Ҳатто бегимнинг сандиқларида бор бисоти ва тақинчоқлари ҳам тортиб олиниб, Абусайид хазинасига элиб топширилди.

Феруза бегим йиғлай-йиғлай Марвдаги келини Бека Бегимнинг олдига кетди. Бека бегим Хусайн Бойқародан бир ўғил кўрган, отини Бадиуззамон Мирзо қўйишган эди. Машҳур Султон Санжарийлар авлодидан бўлган Бека бегимни отасининг ихлосмандлари Марв яқинидаги бир қишлоқда Абусайид қатағонларидан яшириб сақламоқда эдилар. Энди уларнинг ёнига қувғинда юрган Феруза бегим ҳам келиб қўшилди.

ҲИРОТГА СИФМАГАН ДАҲО

Алишер Навоий Машҳадда Гавҳаршод бегим номидаги мадрасани тугатгач, Ҳиротга онасини ва Феруза бегимни кўргали келди. Не кўз билан кўрсинки, Феруза бегимнинг ҳовли жойини ҳам Абусайиднинг амирларидан бири тортиб олган эди.

Шаҳар алғов-далғов, мадрасалар бекилган. Алишербек таниш-билишлардан сўраб, суруштириб, онасининг дарагини ҳеч қаердан тополмади. Фақат мударрислардан бири:

— Муҳтарам онангиз тоғаларингизнинг вафот этганини эшитиб, кўк кийиб юрганларини кўрдим, — деди.

Алишербек изтиробга тушиб:

— Қайси тоғаларим? — деб сўради.

— Наҳотки эшитмаган бўлсангиз? Тоғаларингиз Мирсаид Қобулий билан Муҳаммад Али Ғарибийлар Хусайн Бойқаронинг яқин маслаҳатчилари эмасмидилар?

— Ҳа, доим бирга, мусоҳиб дўст эдилар.

— Шуни Султон Абусайид ҳам билар экан. Ёлланган қотилларни юбориб, тоғаларингизни Сарахс яқинида ўлдирибдирлар.

— Э-воҳ! Бу не бедодлик!

— Муҳтарам онангиз ҳам ана шу бедодликка чидай олмай Ҳиротдан Қобулга, узоқ қариндошлариникига кетган бўлишлари мумкин.

Хонумонидан айрилган, яқин кишиларидан жудо бўлган йигирма уч ёшлик Алишербек Ҳиротда ўзини қўядиган жой тополмай қолди. Мусибат устига қўшил-

ган дилсиёҳликларни кимгадир айтиб кўнглини бўшатгиси, дардлашгиси келди. Энг яқин ҳомийси Ҳасан Ардашер Ҳиротни бутунлай тарк этиб, узоқ қишлоқда яшамоқда эди. Мавлоно Лутфий тўқсон ёшдан ошиб вафот этган, фақат Абдураззоқ Самарқандий ҳали Ҳиротда дейишди. У ҳам давлат ишларидан четлатилган, рўзғор тебратишда қийналгандан кейин Ҳиротдаги Шоҳруҳ Мирзо хонақосига шайх бўлиб ишга кирган экан.

Алишербек Шоҳруҳ Мирзони болалигида кўрган, уни эсласа қалби равшан тортар эди. Шунинг учун Шоҳруҳ хонақосига бориб, Мавлоно Абдураззоқни қидириб топди.

У ҳам озиб кетган, кийимлари эскирган, кўриниши маъюс.

Алишербекни бағрига босиб кўришди-ю:

— Тоғаларингиз шаҳид бўлибдир, худо раҳмат қилсин, — деб кўнгил сўради.

— Мавлоно, мен Ҳиротни таниёлмай қолдим. Шу даражада шаҳардан файз кетган! Ариқлар сувсиз. Дарахтлар қуриган. Янги подшонинг тахтга чиққанига ҳам ўн йилдан ошди. Биронта боғ, биронта иморат бунёд этдимиз?

— Йўқ, барча маблағлар уруш-юришга, ҳарбий харажатларга сарфланмоқда. Маданият ҳам, маърифат ҳам ташландиқ аҳволга тушди. Шоҳнинг ўзи ҳам илму-маърифатдан йироқ. Шунинг учун кадрдон шаҳримизда сизу бизга муносиб иш топилмайдир.

— Одамларнинг ўзгариб қолганига ҳайронмен. Вафо ўрнини низо, сахийлик ўрнини бахиллик, оқибат ўрнини душманлик эгаллаб олмишдир. Бир вақтлар мен билан кадрдон бўлган сарой мулозимлари ҳозир саломлашгилари келмайдир. Ўзларини мендан олиб қочганларига таажжубдамен.

— Таажжубланманг, Алишербек. Ҳамма одамлар ваҳм ичида яшамоқда. Тоғаларингиз Ҳусайн Бойқарога яқин маслаҳатгўй бўлганлиги учун қатл этилмишдир. Сиз Ҳусайн Бойқарога улардан ҳам яқинроқ сирдош дўст эканлигингизни биладиганлар бор. Улар ўзларини сиздан олиб қочса сиз ҳам улардан узоқроқ юрганингиз маъқул.

— Нафақат улардан, балки шоҳ саройидан ҳам бутунлай ихлосим қайтган. Бу ҳақда фақир бир байт ўқиб берай:

Навоий, билки, шоҳ кўнгли

Манга қайғ ўлмаса, биллаҳ

Агар кавнайига¹ хошок

чоғлиқ илтифотим бор.

Алишербек Абусайиднинг у дунёю, бу дунёсини, бутун дабдабасини мол ейдиган хашакка ўхшатганидан мавлоно Абдураззоқ беихтиёр завқланиб кулди. Лекин шу заҳоти «бу ҳажвни бошқа биров эшитмадимкин?» деб атрофига хавотирланиб қараб қўйди.

Хонақоҳда ҳозир икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шундай бўлса ҳам Абдураззоқ Самарқандий овозини пасайтириб гапирди:

— Алишербек, сиз ҳам дўстингиз Бойқаро каби мард, довюрак йигитсиз. Сизнинг бутун ботирлигингиз руҳингизда, шеърийтингизда. Шоҳни оғзидан ўт сочадиган аждаҳога ўхшатиб ҳажв қилган сатрларингиз ҳам ёдимда бор. Аммо бу сатрлар шоҳнинг қулоғига етиб бормайди деб ким кафолат бергай? Ҳозир Ҳиротда айғоқчилару чақимчилар кўпайган. Сиз бу хавфу хатардан узоқроқ кетинг, буюк истеъдодингизни асранг!

— Қаёққа кетай, мавлоно?

— Мен сизга фақат ўзим туғулиб ўсган шаҳарни муносиб кўрурмен.

— Самарқандними?

— Ҳа, яна ўйлаб кўринг. Шоҳ саройи Ҳиротта кўчиб келгандан буён Самарқанд бир қадар тинчиб қолган деб эшитдим. Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам ҳозир Самарқандда эмишлар.

— Мен ҳам кўпдан буён Самарқанд сайқалини кўриш орзусидамен. Лекин ким у ерда менга бошпана берур?

— Мен сўнгги дафъа Самарқандга борганимда жаноби Фазлуллоҳ Абулайс билан учрашган эдим. Беҳад олижаноб сиймо. Мадрасалари бор.

— Оталари фақиҳ Абулайс менинг раҳматли отамга қадрдон эдилар.

— Ана шуни Фазлуллоҳ Абулайсга айтсангиз кифоя. Сизга бир ҳужра берурлар. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек ҳам маърифатлик сиймо, шоирларни яхши кўрарлар.

— Яхши маслаҳатларингиз учун ташаккур, мавлоно!

¹ Кавнайи — бор дунёси, шону шавкати, ҳатто нариги дунёси.

Олдинроққа кетиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий «Мажолисун нафойис» асарида Абдураззоқ Самарқандийни, «Хушмушовара¹, фазлиёти яхши, тарих илмида машҳур» деган илиқ сўзлар билан қаламга олиши икки орадаги самимий муносабатларга асосланади.

Лекин Алишербекнинг Самарқандга етиб бориши ҳам осон бўлмади. У ўзининг бошпанасиз азоб тортганларини, йўлларда чеккан машаққатларини Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида шундай ифодалайди:

*Не бир хужраки, ком топқай кўнгул,
Даме анда ором топқай кўнгул.
Айни фалокатдин оёғи яланг
Тўни йўқидан тани оғғи яланг
Тевроби оёғини антаг қар тикан.
Қар тикан устида муқаррар тикан.*

Алишербек шунча азобу уқубатларга бардош бергани унинг улуғ мақсадларга интилгани сабабли эди. Буни мактуб сўнгида шундай баён қилади:

*Урармен қадам, токи боргунча гом²
Ки бўлгай муяссар менга ушбу ком
Агар бўлса бу йўлда умрим талаф
Чу бу йўлдагур ул ҳам эрур шараф.*

Бу маснавий Ҳасан Ардашер орқали Ҳиротнинг фозил кишиларига етиб борганда улар Алишербекнинг шеърий истеъдодига ва ҳақиқатни рўй-рост кўрсатишдаги жасоратига қойил бўлишар, бу шеърнинг энг яхши сатрларини ёд олишиб, бир-бирларига айтиб юришар эди.

ҲАЁТДАН ҚАЙТГАН ҚАСОС

Султон Абусайиднинг авжи юксалган пайтларида унга ҳам қасос қайтиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмас эди.

Мана, у Амударёнинг чап қирғоғидаги баланд бир теңаликка от чоптириб чиқиб бормоқда. Илк баҳор палласи эди. Унинг остидаги қора қашқа бедов тепа-

¹ Хушмушовара — хушмуомала.

² Гом — бу ерда оёқ етгунча, куч борича олға юрмоқ.

ликдан бўй чўзиб энди очилган олтин ранг бойчечакларни туёғи билан мажақлаб ўтди.

Абусайид Мирзо тепаликнинг энг баланд нуқтасида отини тўхтатиб, атрофга бургутқараш қилиб назар ташлади. Амударёнинг ўнг қирғоғида Боботоғ ва Кўхитанг. Улардан нарида қорли Туркистон тизмаси, Помир ва Олой. Дарёнинг чап қирғоғида Қобул томондан бошланган ва Ҳиротга қараб пастлаб борадиган баҳайбат Ҳиндиқуш тоғлари... Бу тоғлар орасида қанча-қанча водийлар, сойлар, дарёлар, шаҳару қишлоқлар бор. Турону Хуросон деб аталмиш шундай улкан минтақалар барча, тоғу дарёлари, водий ва чўллари, шаҳару қишлоқлари билан Султон Абусайиднинг мулкига айланган. Шундай катта ҳудуддаги барча аҳоли энди унинг ҳукмига бўйсунуши Султон Абусайиднинг дилидаги ифтихор туйғусини тўлдириб тоширади.

Бир вақтлар у Самарқанд тахти учун Абдулла Мирзо билан олишиб юрган пайтларида бунчалик катта салтанатга эга бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Шоҳруҳ Мирзонинг ўлиmidан кейин тирик қолган темурийлар орасида Султон Абусайид энг шижоатли ва ишнинг кўзини биладиган удабурон тахт даъвоғари бўлиб чиққанини ҳозир кўпчилик билади. Баъзи бир темурийлар «Ануширвани одилдек адолатли подшо бўламен» деб, кўп умрини мактаб-мадрасаларда ўтказган, илму-маърифатга ҳаддан ортиқ берилиб, ҳарб ишида заиф, ёв билан олишганда тор-мор бўлганини Абусайид Мирзо ўз тажрибасида кўрди. Шунинг учун у мактаб ва мадрасаларда ўқиб юрмади. Зехни ўткир, хотираси яхши бўлгани учун хонаки муаллим ёрдамида хат-савод чиқарди-ю, қолган бутун вақтини ҳарбий санъатни эгаллашга ва тожу тахт соҳиби бўлишга сарфлади.

Худога шукур, тақдир унга қўша-қўша ўғиллар берди. Султон Абусайид уларни ҳам ўзига ўхшаган ҳарбий кишилар қилиб тарбияламоқда. Чунки унинг эътиқоди бўйича ўқиш-ёзишларга ортиқча берилган одам гуддай нозик бўлиб қолади. Давлатни бошқарадиган ҳукмдор эса тошдай қаттиқ, қиличдай кескир бўлмоғи керак.

Катта ўғли Аҳмад Мирзо қилични яхши чопади, аммо китоб ўқишни ҳам, хат ёзишни ҳам билмайди. Саводсиз — уммий бўлса ҳам, ёнида ҳар қандай ки-

тоб ва ёзувни ўқиб берадиган қиссахонлари, мунши-лари бор. Фармонми, мактубми, бошқа ҳар қандай ёзув ишини келиштириб берадиган котиблар унинг хизматига тайёр. Дину имон ишларида ва Самарқанддаги давлат идораларини бошқаришда ёш Аҳмад Мирзога Абусайиднинг муршиди Хўжа Аҳрор раҳнамолик қилади.

Абусайид Хўжа Аҳрорнинг маслаҳатини ва дуою фотиҳасини олиб қилган барча ишлари ўнгидан келмоқда. Шунинг учун бу пири комилга Абусайиднинг эътиқоди баланд, ҳурмати чексиз.

Махсус фармон билан Хўжа Аҳрор эгалик қиладиган барча ҳовли-жой, ер-сувлар солиқдан озод қилинган. Шунинг билан бутун-бутун қишлоқларнинг деҳқонлари, сурув-сурув қўйларнинг эгалари ўз ер-сувлари, мол-қолларини Хўжа Аҳрори валий номига ўтказиб, оғир солиқлардан озод бўлмоқдалар. Улардан фақат энг енгил солиқ ҳисобланган ва даромаднинг ўндан бир қисмига тўғри келадиган ушр солиғи олинади, холос. Бундан деҳқону чорвадорлар ҳам манфаат кўрмоқда, ҳар тарафдан ирмоқлардай оқиб келаётган назру-ниёз шаклидаги даромадлардан эшон ҳазратларининг бойлиги ҳам дарёдай тўлиб оқмоқда.

«Майли, пири комил бой бўлса, мендан маблағ олмаслар, балки керак бўлганда ёрдам бергайлар!» — деб, Султон Абусайид Хўжа Аҳрорга тўлиқ эрк бериб қўйган.

Амударё бўйидаги тепалиқда от ўйнатиб турган Султон Абусайид хаёл кўзи билан Тошкенту Сайрамларда, Фарғонаю Ҳисорларда ҳукмронлик қилаётган ўз фарзандларини кўриб тургандай бўлади.

Худо уни оила бобида ҳам кам қилмади, машҳур хонлар ва бекларнинг энг кўҳлик қизларига уйланиб, улардан ўн бир ўғил ва ўн тўрт қиз кўрди. Ўғилларининг иккинчиси Маҳмуд Мирзога Ҳисорни, тўртинчиси Умаршайх Мирзога Фарғона водийсини, бешинчиси Улуғбек Қобулийга Қобул ва Бадахшонни берди. Уларга энг ишонган тажрибали амирларини оталиқ қилиб тайинлади.

Ҳозир Абусайиднинг ўғиллари ҳукмронлик қилаётган ҳамма вилоятлар тинчиган. Уларни ташқаридан нотинч қилиб турадиган Дашти Қипчоқ султонлари Абулхайрхон ўлгандан бери ўзларининг ички низоларидан ортмай қолган. Мўғулистон хонларидан Эсон

Бузахон бир марта Фарғона водийсига бостириб келиб, талончилик қилган эди. Абусайид уни водийдан ҳайдаб чиқариб, Сайрамдан наридаги Ашпарагача¹ қувиб борди. Ҳақиқат эрада Эсон Бузахонни енгиб, унинг ўрнига акаси Юнусхонни Мўғулистонга хон қилиб жўнатди. Ўзи Юнусхоннинг синглисига уйланиб, «Кўрагон» унвонини олди. Кейинчалик Юнусхон билан алоқалари яхшиланиб, унинг уч қизига ўзининг уч ўғли — Аҳмад, Маҳмуд ва Умаршайх Мирзоларни уйлантирди. Шу тарзда унинг ўғиллари ҳам «Кўрагон» унвонига сазовор бўлдилар.

Абусайид Мирзонинг кўнгли Турону Хуросонлардан ҳийла тинчиган шу фараҳли кунларда унинг хаёлини кўпроқ ғарбий ўлкалар — бир вақтлар бобокалони Амир Темурга тобе бўлган, Шохруҳ даврида ҳам темурийлар қалъамравига кирган Исфажону Табриз, Шерозу Рейлар банд қилмоқда.

Инсондаги истак ва орзуларнинг чеки бўлмас экан. Бир вақтлар Самарқанд тахтига ҳам қаноат қилиб юрган Султон Абусайид шу кунларда Табриз ва Шерозларга ҳам ҳукмронлик қилиш иштиёқи билан ёнмоқда.

Ҳозир у Амударё бўйидаги тепалиқда от устида турган ҳайда тепалиқ пастдаги сайхонликда унинг элик минг кишилиқ отлиғу пиёда қўшинлари ҳарбий кўрикка йиғилмоқдалар.

Дарёдай тўлқинланган сафларда беҳисоб дубулғалар ва найзаларнинг қуёш нурида товланиши Абусайидга улкан бир дарё мавжларининг жилоланишини эслатади.

Ҳайқириб оққан дарёдай қудратли лашкар Абусайиднинг иродасига сўзсиз бўйсинади, унинг бир оғиз фармони билан у истаган томонга қараб селдай оқади, йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни уриб, йиқитиб, янчиб ўтади.

Шундай лашкари бор подшо жаҳонгир бўлмаса ким бўлади? Сўзга уста сарой аҳли Султон Абусайидни «ҳазрати хилофат паноҳи», яъни ички ихтилофлар ва ўзаро урушлардан халқни халос қилувчи нажоткор деб улуғлайдилар. Турону Хуросон ҳозир чиндан ҳам ички урушлардан қутулди. Дашти Қипчоқдан Каспий денгизи бўйигача, Сайрамдан Қобулгача ҳамма ўлка-

¹ Ашпара — илгари Тороз деб аталган. Кейин Авлиё ота, Жамбул бўлган. Ҳозир яна Тороз дейилади.

лар бирлашиб, Султон Абусайид тузган марказий давлат ихтиёрига ўтди.

Бунга қўшни мамлакатларнинг ҳаваси келаётгани шундан билиндики, Эрон томонлардаги тахт талашилар, ички урушлардан безор бўлган ўн беш минг уйлик туркийлашган мўғул қавми Султон Абусайиддан паноҳ истаб Хуросон ва Туронга кўчиб келди. Абусайид уларни яхши қабул қилди, катта бир қисмини Мўғулистонга Юнусхон ихтиёрига ўтказиб юборди. Қолганларига Хуросондан жой топиб берди. Йигитларини ўз қўшини сафига қабул қилди.

Мана шу кўчиб келганларнинг арзу додларидан маълум бўлдики, Шерозу Табриз, Исфахону Рей аҳолиси қорақуюнли амирларнинг тахт талашиларидан ниҳоятда безор бўлганлар. Улар Султон Абусайид каби ички парокандаликни бартараф қиладиган кучли бир ҳукмдорга катта эҳтиёж сезмоқдалар.

Фарбда иш олиб бораётган хуфияларнинг ахбороти ҳам қорақуюнлилар давлатида ички низолар авжига чиққанидан далолат бермоқда. Бир вақтлар Хуросонга қўшин тортиб келган Жаҳоншоҳ Бағдоддаги ўз ўғли Пирбудоқ билан тахт талашиб уришади. Ота-бола жангида Пирбудоқ мағлуб бўлади. Баджаҳл Жаҳоншоҳ ўз ўғли Пирбудоқни аёвсиз қатл эттиради.

Бу ҳодиса унга қарши норозиликни кучайтиради. Ички низолардан Жаҳоншоҳнинг Кавказдаги рақиби Амир Ҳасанбек усталик билан фойдаланади. Арзирум шаҳри яқинида Амир Ҳасанбек Жаҳоншоҳни тор-мор қилади. Жаҳоншоҳ жанг майдонидан бир хачирга миниб қочади, лекин уни қувиб етадилар. Унинг ўлигини тоғда бир арчанинг тагидан топадилар.

Жаҳоншоҳнинг катта ўғли Ҳусайн Али Амир Ҳасанбекдан қасос олишга интилади, отасидан қолган қўшинни ўз атрофига тўплайди. Лекин Амир Ҳасанбекни енгишга кучи етмайди. Шундан кейин Ҳусайн Али Хуросонга элчи юбориб, Султон Абусайидни ёрдамга чақиради.

Султон Абусайидга кейинги пайтда Марв шаҳрида қишлаш маъқул тушиб қолган эди. Атрофи кенг ва текис чўл. Элик минг кишилик катта қўшиннинг чодир тикиб яшаши ва ҳарбий машқлар ўтказиши учун қулай.

Ҳарбий вазир Асиддин Арғуний Табриздан келган элчини атайлаб улкан қўшин қароргоҳи орқали олиб

ўтди. Абусайиднинг нақадар қудратли лашкари борлигини кўрган элчи унинг саройига кирганда, пайпаслашиб, хушомад йўлига ўтди: Тахтда савлат тўкиб ўтирган Абусайидга яқинлашишдан олдин унинг амирларига бир-бир таъзим қилиб чиқди. Бу таъзимлардан терга ботиб, тахт қаршисига борганда тиз чўқди-да, Абусайиднинг қўлини ўпиш шарафига мурассар бўлди.

Музокаралар пайтида Абусайид элчи орқали Хусайн Алига бир қанча қаттиқ шартлар қўйди:

— Исфохон, Қазвин, Шероз, Қум, Ширвон — бу вилоятлар ҳаммаси ҳозир қорақуюнлилар итоатидан чиқмишдир. Шундоқми?

— Шундоқ, аълоҳазрат!

— Биз шунча узоқ жойдан қўшин тортиб борсак, жон бериб, жон олиб, бу вилоятларни эгалласак, уларни яна қорақуюнлиларга топшириб қайтгаймизми?

— Мутлақо ундоқ эмас, аълоҳазрат! Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо даврида биз ички урушлардан халос бўлиб, тинч яшаган эдик. Агар ўша замонлар қайтиб келса, сиз номларини айтган барча вилоятларнинг бош ҳукмдори ўзингиз бўлгайсиз. Сизнинг номингиз ҳамма жойда хутбага қўшиб ўқитилгай. Бу ишга Қора Усмон авлодидан бўлган Амир Ҳасан тўсиқ бўлиб турибдир. Шу тўсиқни бартараф этишга ёрдам берсангиз, кейин тоабод сизга садоқат сақлағаймиз!

— Хуллас, Хусайн Али жаноблари билан тузадиган битимимизга мана шу шартлар асос қилиб олинсин! — деб Султон Абусайид вазири аъзамга буюрди.

Хусайн Алининг элчиси Султон Абусайидга атаб бир нортуга зўрға кўтарадиган қимматбаҳо совғалар олиб келган эди. Яна бир туянинг заррин попуқлар билан безатилган кажавасида гўзал черкес қизи Абусайидга инъом тарзида олиб келинган экан.

Қирқ беш ёшлик Султон Абусайиднинг ҳарамида қўша-қўша хотинлари бўлса ҳам, сутга чайилгандай юзи тоза тоғлиқ қиз унга жуда ёқиб қолди. Дарҳол муллаларни чақиртириб, черкес қизни вақтинчалик хотин-жория тарзида никоҳига олди-да, Кавказга юриши арафасида у билан бир ҳафта айшу ишрат қилди.

Бу юришга жуда катта тайёргарлик кўрилди. Самарқанддан олтимиш беш ёшлик Хўжа Аҳрор Султон Абусайид таклифи билан Марвга келди. Уни Амударёдан махсус кемаларда эҳтиёт қилиб олиб ўтдилар.

Марв шаҳрида Хўжа Аҳрор учун энг кўркем бовлардан бири ичидаги икки ошиёнлик нақшинкор кошонаси билан тайёрлаб қўйилган эди. Эшон ҳазратлари ўз шогирд ва муридлари билан шу ерга тушиб дам олганларидан кейин уни шаҳар ташқарисидаги қўшин қароргоҳига тахтиравонда саккиз йигит кўтариб олиб борди.

Султон Абусайид бош саркарда сифатида қўшин қароргоҳида улкан саропарда билан ўраб олинган боргоҳ¹ ва хиргоҳни² эгаллаган эди. Саропарда ичи кенг, узунасига икки юз қадам, энига етмиш-саксон қадам майдонни ўз ичига оларди. Мана шу майдонда Хўжа Аҳрор учун қимматбаҳо яшил мовут билан ёпилган, ичи ипак матолар билан сирилган улкан бир чодир тикилган эди.

Бир кун Султон Абусайид муршиди учун ўз шоҳона боргоҳида зиёфат берса, иккинчи кун Хўжа Аҳрор уни ўз чодирда кутиб олар, бирга номоз ўқиганларида муршид олдинда туриб имомлик қиларди.

Султон Абусайиднинг атрофида Хўжа Аҳрордан обрўлироқ ва дадилроқ одам йўқ эди. Тинч ва фаровон ҳаётга ташна бўлган фозил одамлар Самарқандлик Фазлуллоҳ Абулайс орқали Хўжа Аҳрорга арз қилишарди.

— Ҳазрат эшон подшога айтсинлар, — дейишарди, — ободончилик, бунёдкорик ишлари тўхтаб қолди. Давлатнинг бор маблағи уруш-юришларга, сипоҳилар ёллашга кетмоқда. Шоҳруҳ билан Улуғбек шу ёшда қанча иморатлар қурдирган эдилар. Султон Абусайид ҳазратлари ул зотларни тан олмасалар, соҳибқирон бобокалонлари Амур Темурнинг бунёдкорлик ишларидан ибрат олсинлар.

Бу гаплар асосли эканини эшон ҳазратлари ҳам дил-дилидан сезар эди. Шунинг учун пешин намозидан кейин боргоҳда барра кабобидан³ еб, қимиз ичиб ўлтирган пайтларида Ироқ юришидан гап очилди-ю, Хўжа Аҳрор Абусайидга мурожаат қилди.

— Ҳазрати хилофат паноҳи, сиз ички ихтилофларни бартараф қилиб, Турону Хуросонни тинчитдингиз. Бу ишингизга оллоҳнинг марҳамати ёғилди. Сизга худо шундай улкан салтанатни иноят қилди.

¹ Боргоҳ — подшоҳ қабулхонаси.

² Хиргоҳ — подшоҳ яшайдиган хос жой.

— Бу иноятта сизнинг раҳнамолигингизда эришдик, пирим!

— Ташаккур, олампаноҳ. Энди бобокалонингиз Амир Темур каби янги боғлар, масжиду мадрасалар бунёд этадиган пайтингиз келди. Фуқаро шунга муштоқ.

Дастурхон атрофида ўлтирган жанговар беклар сергакланиб қолдилар. Наҳотки Хўжа Аҳрори валий подшони Ироқ юришидан қайтармоқчи бўлса?

Подшонинг ҳам қошлари чимирилди:

— Фуқаро яна бир-икки йил сабр қилсин. Ироқ юришидан кейин катта қурилишларни бошламоқчимиз.

Бу жавобдан беклар мамнун бўлишди. Хўжа Аҳрор Ироқ юришини тўхтатиб бўлмаслигини сезди-да, бу тўғрида бошқа гапирмади.

— Илоё яхши ниятларга худо сизни етказсин, ҳазратим, — деб қўяқолди.

Пири комилнинг ён берганидан дадилланган Султон Абусайид унга хиёл эркалик ҳам қилди.

— Бобокалонимиз Амир Темур Ироқ томонларга юриш қилганларида ҳазрати пирлари Саид Барака ул зоти олий билан бирга борган эканлар, Ҳизр каби соҳибқироннинг жиловида юрган эканлар. Қани энди сиз, ҳазрати эшонимиз, давлатимизнинг душти паноҳи Ироқ юришида ҳам бизнинг ёнимизда бўлсангиз!..

— Пок эътиқодингиз учун оллоҳ сизга ёр бўлсин, Султон ҳазратлари. Бизнинг Самарқанддан шунча йўл юриб ҳузурингизга келганимиз — жиловингизда юрганимиз эмасми?

— Шундай-ку, энди доим сиз билан бирга бўлсак, дуойингизни олсак деймиз-да. Ахир оатин олма, дуо ол дейдилар-ку!

— Ҳазратим, бизнинг дуоларимиз доим сиз билан бирга бўлур. Саломатлик имкон берса сиз билан бирга борур эдим. Аммо шу ерга ҳам зўрға етиб келдим.

Шайхулислом Хўжа Қусуйи Хўжа Аҳрорга ён босди:

— Подшоҳимиз Ироқ юришига кетганларида Турону Хуросонда осойишталикни сақлаб туриш учун ҳазрати эшоннинг бу ерларда бўлганлари яхшироқдир.

— Ҳа, пири комилимиз уруш-юришларни эмас, сулҳ тузишларни яхши кўрадирлар, — деб кулимсиради Султон Абусайид.

Шу билан икки орадаги илиқлик қайта тиклангандай бўлди.

— Бу гал ҳам кўзлаган мақсадингизга етиб, улкан зафарларга эришганингиздан кейин қолибларча сулҳ тузиш ишларингизга илоё биз ҳам иштирок этайлик! — деб дуо қилди Хўжа Аҳрор.

— Омин!

— Аллоҳу акбар! — деб бу дуога ҳамма бир овоздан қўшилди.

* * *

Султон Абусайиднинг Ироқ¹ ва Озарбайжон томонларга юриши милодий 1468 йилнинг март ойида бошланди. Барча мевали дарахтлар авжи гуллаган баҳор пайтларида унинг улкан қўшини Каспий денгизининг жанубидаги Журжон ва Филонлардан ўтиб, Бистомга яқинлашди.

Кўпдан бери бунчалик ваҳимали қўшинни кўрмаган, ўзаро урушларда парчаланиб, майда бўлақларга бўлиниб кетган ўлкаларнинг ҳукмдорлари Султон Абусайид қаршисида саросимага тушиб жангсиз таслим бўла бошладилар.

Абусайид Бистомда эканида Сорий вилоятининг ҳокими унга садоқат изҳор қилиб, ўғли ва онасини қимматбаҳо совғалар билан элчи қилиб юборди. Ширвондан, Рустамдордан, Ферузшоҳдан келган элчилар ҳам бири-биридан улкан пешкашлар инъом қилишиб, ўз ҳокимлари номидан Султон Абусайидни подшо деб тан олишди ва номини хутбага қўшиб ўқита бошлашди.

Султон Абусайид ва унинг беку аъёнлари янги вилоятларни қаршиликсиз, кутганларидан ҳам осон қўлга киритаётганларидан эсанкирай бошладилар.

Ҳали энг зўр ғанимлар олдинда турган бўлса ҳам, улар Рей шаҳрида бир ойдан ортиқ тўхтаб кайфу сафога берилдилар.

Султон Абусайид ҳарамига янги гўзаллар келтирилди. Улар оғушида вақт қандай ўтгани сезилмас эди.

Баҳор ўтиб, ёз иссиқлари бошланди. Султон Абусайиднинг ўзи салқин боғларда маишат қилар, ишонган амирларидан бирига Исфaxonни, иккинчисига Кермонни, учинчисига Шерозни, тўртинчисига Ҳамадонни, бешинчисига Қумни «иноят» қиларди. Бу машҳур

¹ Ҳозирги Эрон ҳудуди у замонларда Ироқ деб аталган.

вилоятларда Қора Юсуф авлодларига бўйсунадиган амирлар ҳукмронлик қилмоқда эди. Султон Абусайиднинг «иноят қилиши» — юқорида айтилган вилоятларга қўшин тортиб бориш ва у ерларни қора қуюнли туркман сардорларидан тортиб олиб, Султон Абусайид ҳукми остига ўтказиш деган маънони билдиради эди.

Албатта, янги эгалланаётган вилоятлардан жуда катта ўлжалар олинадиган, олтин уювчи жавоҳирлар туя карвонларига ва усти ёпиқ араваларга юкланиб, Султон Абусайид ҳузурига олиб келинадиган эди. Бу катта бойликлардан ўзини янада қудратлироқ ҳис қилаётган Султон Абусайидга олдинда уни кутиб турган энг катта ғанимлари ҳам кичик кўринади, уларни енгиш осон туюларди.

Шероздан тортиб Язд ва Қумгача чўзилган катта вилоятларни эгаллаш ва улардан бойлик тўплаш яна жуда кўп вақтни олди.

Удумга биноан, ўлжа тушган бойликларнинг бешдан бири уларни олиб келган беку амирларга берилиши керак эди. Лекин бу бойликлар шунчалик кўп эдики, уларнинг бешдан бирини Султон Абусайид сипоҳиларга улашса, беку навкарлари бойиб кетиб, бўлажак жангларга ва улардан тушадиган ўлжаларга унча қизиқмай қолиши мумкин эди. «Бош бўлдим» деб, жонини аяб, дуруст жанг қилмайдиганлар кўпаяр эди.

Шунинг учун Султон Абусайид вилоятлардан оқиб келаётган бойликларнинг фақат юздан бирини беку навкарларга мукофот тарзида тарқатар, қолганларини ўз хазинасида қаттиқ назорат остида сақлар эди.

Абусайиднинг бу одати сипоҳиларни зимдан норози қиларди. Улар подшоларининг зикналигини бир-бирларига шивирлаб айтиб, ҳасрат қиладиган ҳоллари кўпайиб борарди.

Олдинда турган ҳаёт-мамот олишувларига нисбатан иккинчи, учинчи даражали бўлган бу ишлар, вилоятларни амирларга бўлиб бериш ва бойлик тўплаш жараёни жуда чўзилиб кетди. Бу орада куз келиб қолди.

Хуросон билан Туроннинг осмони очиқ ёзларига, қуёшли кузларига ўрганган Султон Абусайид Қора денгиз ва Каспий денгизи оралиғидаги ўлкаларда ёз ва куз жуда серёғин бўлишини энди билди.

Марвада тузилган битимга биноан, Султон Абусайид Табриз атрофларида Жаҳоншоҳнинг ўғли Ҳусайн Али билан учрашиб, кучларини бирлаштириши, сўнг шимолдаги Арзрум ва Марандни эгаллаб олган Амир

Ҳасанбекка қарши биргалашиб жангга киришишлари керак эди.

Тинмай ёмғир ёғаётган ва йўллар балчиққа айла-ниб кетган кунларда Султон Абусайид ҳавоси сад қуруқроқ Калпуш деган жойда тўхтади. Унинг ишонган амирларидан Аслиддин Арғуний ва Жалолиддин Мажидлар ўн минг қўшин билан Табризга бостириб бориб, уни эгалладилар.

Ҳусайн Али бундан норози бўлиб, Султон Абусайидга элчи юборди ва Марвда тузилган битимга биноан Табриз қорақўюнлилар пойтахти бўлиб қолиши кераклигини эслатди. Султон Али Абусайид қўшинларининг Табриздан чақириб олинишини илтимос қилди.

Абусайид Ҳусайн Али элчисига бу гал совуқроқ муомала қилди. Табриз Шоҳруҳ Мирзо даврида ҳам temuрийлар давлати таркибида бўлганини айтди.

— Табриз мачитларида бизнинг номимизга хутба ўқилсин, шундан кейин шаҳарга биз ҳоким тайинлагаймиз, — деди. — Ана ундан сўнг ортиқча қўшинни Табриздан чақириб олгаймиз.

Бу жавоб Султон Алига ёқмади. Икки орада таранглик пайдо бўлди. Арзрумда туриб, барча ҳодисаларни сергаклик билан кузатаётган Амир Ҳасанбек иттифоқдошлар орасига тушган совуқчиликни янада қучайтириш ҳаракатига тушди.

Султон Абусайид ҳеч кутмаган бир пайтда унинг қароргоҳига энг хатарли ғаним ҳисобланган Амир Ҳасанбекдан элчилар келиб қолди. Бир неча туяга юк бўлган қимматбаҳо совғалар Табриз элчиларининг пешкашларидан ҳам кўпроқ эди. Элчиларга бош бўлиб Амир Ҳасанбекнинг ишонган иниси қирқ ёшлардаги бургут бурун, басавлат Юсуфбек келган эди.

Вазири аъзам уни Абусайид ҳузурига олиб киришдан олдин ўзи қабул қилди ва гапга солиб кўрди. Кейин подшога ахборот берди:

— Назаримда, Ҳасанбек бизнинг Ҳусайн Али билан иттифоқдош бўлганимиздан ваҳимага тушган. Энди булар ҳам бизни ўз томонига оғдирмоқчи.

— Биз қайси томонга ён боссак, ўша томон қолиб келишини сезган-да, тулки.

— Лекин иниси жуда такаббур кўринди. Димоғи баланд.

— Ундай бўлса кибру ҳавосини пасайтириб қўймоқ керак, — деди Абусайид.

Султон Абусайиднинг кўрсатмаси билан Амир

Ҳасанбекнинг иниси Юсуфбек подшо қабули пайтида тахтнинг икки томонида тизилиб ўлтирган амирлар ва аъёнлардан йигирма еттитасининг олдида таъзим қилиб, бир тиззасини гиламга қўйиб, юкунди. Бечора, юкунавериб терлаб кетди, иззат-нафси азобланганидан йиғлагудай бўлди. Лекин бу синов азоби-га охиригача бардош берди. Шундан кейингина у тахт олдида тиз чўкиб, Абусайиднинг қўлини ўпиш «бахтига» эришди.

Элчи кўзларида ёнган адоват оловини Абусайидга қувонч олови қилиб кўрсатишга интилди. Бутун нафратини мўйлови остига яшириб, илжайди, овозига тантанали тус бериб тилёғламалик қилди:

— Аълоҳазрат, биз сизи Амир Темур каби буюк соҳибқирон деб билюрмиз! Мен сиза чин сўзни айтгани келдим. Жаҳоншоҳнинг ўғли Ҳусайн Али сизи алдаюр. Булар Қора Юсуф авлодидандир. Қора Юсуф эса Амир Темурга ашаддий душман ўлмишдир. Унинг невараси Жаҳоншоҳ сиз билан чўх ёғийлашмишдир.

— Буниси рост, — деди Абусайид.

— Энди Ҳусайн Али нечук дўст ўлсин? У сиза хиёнат қилюр. Биз ҳам қорақуюнли Амир Усмон авлодиданмиз. Сўнги юз йиллик тарихни эсланг. Амир Усмон авлодлари бирор марта Темурийлар билан ёғийлашган эмасдир. Биз ҳамиша темурийларга чўх яхши муносабатда бўлюрмиз. Ҳозир ҳам биз сизи ҳазрати Султон Абусайид Мирзо, ўзимиз учун энг олий ҳукмдор деб билюрмиз.

Шу пайт Абусайидга тарихни яхши биладиган маърифатли бир маслаҳатгўй керак эди. Чунки Қора Усмон авлодлари ҳам пайтини топганда темурийларни бир-бирлари билан уриштириб, бундан ўзларига керакли манфаат топишга интилар эдилар.

Худди шундай ҳодиса Шохруҳнинг ўлимига сабаб бўлган ҳарбий юришдан кейин Исфохон ва Астробод оралиғида юз берган эди. Бобосининг ғазабидан қўрқиб тоғларга қочган Султон Муҳаммадни Қора Усмон авлодлари ўз паноҳига олган эдилар. Шохруҳнинг ўлимидан кейин Султон Муҳаммадга аскар бериб, уни иниси Абулқосим Бобур билан уриштирган ҳам шулар эди. Бу урушда Муҳаммад Султон енгилган ва укаси томонидан қатл этилган эди. Кейинчалик Амир Ҳасанбек Муҳаммад Султоннинг кичик ўғли Муҳаммад Ёдгорни ёшлиғида ўз қароргоҳига олиб кетган,

«бир кун керак бўлар!» деб уни ўзларига содиқ одам қилиб тарбияламоқда эди.

Ҳозир Абусайиднинг атрофида мана шу ҳодисаларни таҳлил қиладиган ва улардан тўғри хулоса чиқара оладиган доно одам йўқ. Абусайиднинг ўзи бу ҳодисалардан беҳабар бўлгани учун Ҳасанбек юборган элчи муғомбирлик қилаётганини сезмас эди. Аксинча, ўз душмани унга тан бериб, «сиз Амир Темур каби буюк саркардасиз!» дегани Абусайидга хуш ёқмоқда ва дилини юмшатмоқда эди.

Юсуфбек бундай илиқ гапларни яна давом эттирди:

— Аълоҳазрат, Амир Ҳасанбек Сизнинг содиқ қулингиз бўлмоқчи. Сиз билан сулҳ тузиб, ҳукмингиз остига ўтмоқчимиз! Чунки биз Қора Юсуф авлодарининг жабру зулмидан безор бўлганмиз. Сиз рози бўлсангиз, сулҳ тузиб, номингизни хутбага кўшиб ўқитмоқчимиз!

«Ажабо! — таажжубланди ўзича Султон Абусайид. — Наҳотки Амир Ҳасанбек ҳам жангсиз таслим бўлса? Ёки бунинг тагида бошқа нарса борми? Рост, Ҳасанбек билан сулҳ тузиш — Ҳусайн Али билан Марвада тузилган битимни йўққа чиқаргай. Ҳар иккови ҳам биз орқали уруш-жанжалсиз мурсога келиши мумкин эмасмикин?!»

Султон Абусайид жимиб қолган беку аёнларига бир-бир назар ташлаб сўради:

— Хўш, сулҳ тузишга розилик берайликми?

— Унда иттифоқдошимиз Ҳусайн Али не бўлгай? — деди Маҳмуд барлос. — Ҳусайн Али Амир Ҳасанбек билан хундор душман-ку!

Элчи Юсуфбек изоҳ берди:

— Ҳусайн Али ҳам қора қуюнлидир. Сиз билан сулҳ тузгач, агар улар ҳам Султон Абусайидни подшо деб тан олсалар, биз ярашурмиз. Беҳуда урушиш, қон тўкишга ҳожат қолмагай!

— Агар шу шарт билан битим тузилса, рози бўлмоқ керак! — деди Амир Шерҳожиди.

Амир Ҳасанбекдай кучли ёв билан урушишни истамайдиган амирлар кўпчилик эди. Улар Султон Абусайидга таъзимлар қилиб:

— Розидингиз, олампахо!

— Бу ерда ҳам халқ сизни ҳазрати хилофат пахои деб улуғлагай! — дейишди.

Ахийри Абусайид ҳам элчининг таклифига розилик билдирди ва унга сарупо кийдиришни буюрди.

Амир Ҳасанбекнинг ўзига олтин қилич, зардўзи дагала¹, лаълар қадалган олтин камар совға тарзида бериб юборилди.

* * *

Шу билан жуда қалтис бир ҳарбий ўйин бошланди. Султон Абусайид Марвда тузилган битимни бузиб, Амир Ҳасанбек билан сулҳ тузгани Ҳусайн Али бошлиқ аввалги иттифоқдошларни қаттиқ норози қилди. Бу норозилик икки орада уруш чиқишига сабаб бўлди.

Ҳусайн Алининг асосий кучлари Табриздан шимолроқда Маранд деган жойда Амир Ҳасанбек лашкари билан жанг қилишга тайёрланмоқда эди. Табриз ҳимоясиз қолганидан фойдаланган Султон Абусайид лашкари Ҳусайн Али қўшинига орқадан кучли зарба берди. Олд томондан Амир Ҳасанбек ҳужумга ўтди. Икки кучли ғаним зарбаларига бардош бераолмаган Ҳусайн Али қўшинида бузилиш бошланди. Унинг Шоҳ Али, Иброҳимшоҳ деган амирлари беш-олти минг навкарлари билан Амир Ҳасанбек томонга қочиб ўтиб кетди.

Шу тарзда Амир Ҳасанбек собиқ иттифоқдошларни бир-бирлари билан уриштириб қўйиб, ҳар икки томонни заифлаштирди. Ўзи эса Ҳусайн Алининг қочиб келаётган беку навкарларини лашкарлари сафига қўшиб олиб, куч-қудратини янада оширди.

Бунинг устига куз охирлаб, қиш кирди. Қўшин қишлови учун бу атрофдаги энг қулай жой тоғлиқ Қорабоғ эди. Буни яхши биладиган Амир Ҳасанбек Қорабоғни Султон Абусайиддан олдинроқ ишғол қилди. Қорабоғга борадиган йўللарни ҳам тўсиб қўйди.

Султонияга бориб тўхтаган Абусайид Амир Ҳасанбек билан тузилган битим шартларининг бажарилишини, яъни ўзининг Табризу Қорабоғлар подшоси деб эълон қилинишини кутмоқда эди. Лекин Амир Ҳасанбек бу ишни пайсалга солиб келарди. У вақтдан ютмоқчи ва қиш авжига чиққанда Султон Абусайидни тоғлар, ўрмонлар ва дарёлардан иборат улкан қопқонга илинтирмоқчи эди.

Қиш совуқлари бошланганидан ташвишланган Султон Абусайид Амир Ҳасанбекнинг ҳузурига ўғли Маҳ-

¹ Дагала — шоҳлар киядиган устки кийим.

муд Мирзо бошлиқ элчилар ва совға-саломлар жўнатишга мажбур бўлди. Шунда Амир Ҳасанбек бу элчи орқали Абусайиддан, аввало, укасининг қасдини олди.

Яъни Абусайиднинг ўғли Маҳмуд Мирзо Ҳасанбек атрофига йиғилган беку аъёнларга йигирма етти жойда юкуниб, худди Юсуфбек каби таъзим бажо келтиришга мажбур қилинди.

Олтин тахтга Шоҳруҳ Мирзонинг эвараси, ўн саккиз яшар кўҳлик йигит Ёдгор Мирзо чиқарилган эди. Амир Ҳасанбек унинг чап ёнида оталиқ ўрнини эгаллаган. Унг томондан Шайхулислом жой олган. Маҳмуд Мирзо Амир Ҳасанбекка ва Шайхулисломга таъзим қилгандан сўнг тахт қаршисида тиз чўқди. Ёдгор Мирзо энди унга қўл берди. Маҳмуд Мирзо унинг қўлини тавоф қилиб ўпди. Шундан сўнг Амир Ҳасанбекнинг ишораси билан Ёдгор Мирзонинг бошидан олтин тангалар сочилди.

— Биз Амир Темур авлодидан фақат Ёдгор Муҳаммад Мирзони тахтга муносиб деб билюрмиз! — деди Ҳасанбек. — Султон Абусайидга эндиги жавобимиз ана шу!

Бундай камситишлардан кейин сулҳ тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Султон Абусайид Ардобил йўли билан Қорабоғ қишлоғига йўл очишга интилиб кўрди. Аммо Амир Ҳасанбек қўшинлари уни Миёна деб аталган серсув, лой ва балчиқ бир дарага чекинишга мажбур қилди. Тоғ ён бағирларида қор қалин, изгирин шамоллар эсади. Қўшиннинг озик-овқати туғаб қолди.

Султон Абусайид Маҳмудобод деган жойда тўхтаб, Шервоншоҳга ўз одамларини юборди.

Улар сув йўли билан кемада озик-овқат олиб келиши керак эди. Лекин энди Шервоншоҳ ҳам Амир Ҳасанбек томонга оғди, Абусайиднинг пулига ҳам озик-овқат сотмади.

Отларга ҳам ем-хашак йўқ эди. Мўғон чўлининг бир четидаги яланглиқда қор тегида чикиб турган қувраган ўт-ўланлар бор экан. Отлар шу нотаниш ўт-ўланлардан еган сари тап-тап йиқилиб ўла бошлади.

Абусайиднинг ёнида бу ерларнинг иқлимини, ўсимликларини, тоғу дарёларнинг харитасини яхши биладиган олимлар йўқ эди. Ҳолбуки, бобокалони Амир Темур бу ерларга юриш қилиб келганда унинг қўл

остида тарихни ҳам, жўрофияни ҳам, ўсимлик дунёсини ҳам беш қўлдай биладиган фозил одамлар хизмат қиларди.

Абусайид Амир Темурнинг тажрибасини дуруст ўрганмагани, ўз кучига ортиқ даражада ишониб, жуда катта кетгани энди билинди.

Хуронсондан озиқ-овқат олиб келаётган қарвонни Шервоншоҳ тутиб олиб, Ҳасанбекка топширди. Атрофдан ҳеч қандай ёрдам келмай қўйгандан кейин яна Ардабил йўли билан орқага чекина бошладилар.

Аммо қор-ёмғирлар йўлларни ўтиб бўлмайдиган балчиққа айлантирган эди. Султон Абусайидни баъзи жойлардан балчиқ устига кийгиз ва палосларни тўшаб олиб ўтдилар. Уч-тўрт минг от ва туялар балчиққа ем бўлди.

Балчиқлардан энди қутулдик деганларида Ҳасанбек қўшинининг аёвсиз зарбаларига учрадилар. Ҳиротда Тархон амирларини зиёфат пайтида чошиб ўлдирган Муборизиддин Паҳлавон Девона ёвга асир тушди ва боши кесилди. Саид Жалолиддин ҳам ҳалок бўлди.

Амир Шерҳожи ва бошқалар ўз жонларини қутқариш учун барча навкарлари билан Амир Ҳасанбек томонига қочиб ўтдилар.

Яккаланиб қолган Султон Абусайид милодий 1469 йилнинг қиш чилласида охирги кучларини йиғиб Хуросон томонга қоча бошлади.

Аммо Ҳасанбекнинг икки ўғли ўз навкарлари билан уни қувиб етиб, асир олдилар. Султон Абусайид Ҳасанбек қароргоҳида икки кун ҳибсда ётди. Учинчи куни унинг қўлини орқасига боғлаб Амир Ҳасанбекнинг муҳташам қабулхонасига олиб кирдилар.

Ёши эликдан ошган, соқолига оқ оралаган улкан гавдали Ҳасанбек тожсиз подшо ҳисобланар, тахтда ўлтирмас эди. Тўрда ял-ял ёнган туркман гилами устида чордана қуриб олган эди. Унинг бир ёнида ўз амирлари, иккинчи ёнида Амир Шерҳожи ва бошқа қочиб ўтганлар бош эгиб ўлтирар эди.

Амир Ҳасанбек гулдурак овоз билан савол берди:

— Абусайид Мирзо, бу амирларингизга боқинг, бунлар нечун сиздан юз ўгирмишлар?

Абусайид Мирзонинг алами келиб:

— Булар хоинлар!.. — деди.

— Айб фақат бунларда дейил¹. Сиз хазина йиғарга берилиб, сипоҳларингизга ҳақ вермагансиз. Танқислик бунларни сиздан бездирмишдир. Бунлар сиздан озор тортмишдир². Сиз бунларни хоин дедингиз. Аммо бунлар хиёнатни ҳам сиздан ўрганмишдир. Ахир сиз Мирзо Улуғбекдек буюк подшоҳ хизматида юрганда унга қарши исён кўтариб, Самарқандга тажовуз қилмаганимидингиз? Яна Улуғбекнинг невараси Жўқий Мирзо билан сулҳ тузиб, Хўжа Аҳрори валий гувоҳлигида қасамёд қилиб, кейин бу қасамни ҳам бузган, Жўқий Мирзони қатл эттирган сиз эмасмидингиз?

— Сиз ҳам биз билан сулҳ тузиб сўзингизда турмадингиз-ку!

— Биз сиз ишлатган қопқонни ўзингизга қўйиб кўрдик. Сиз Мурғоб бўйида қариндошингиз Иброҳим Мирзо билан сохта сулҳ тузиб, унга қопқон қўйган эдингиз. Иброҳим Мирзо шу қопқонга тушиб ҳалок бўлди. Жаҳоншоҳнинг ўғли Ҳусайн Али билан Марвада иттифоқ тузган эдингиз. Бу ҳам Ҳусайн Алига қўйилган қопқон экан. Сиз яна сўзингиздан қайтиб, биз билан сулҳ туздингиз. Лекин бу гал сиз қўйган қопқонга биз ўзингизни тушурдик! Хушомадгўйлар сизни Амир Темур билан баробар қўйиб мақтасалар, бунга ишондингиз. Аммо сизда Амир Темурнинг даҳоси ҳам тажрибаси ҳам, илму маърифати ҳам йўқлигини ҳозирги аҳволингиз исбот этиюр!

— Бу рост! — деб тан берди Абусайид Мирзо. — Мен ҳовлиққан эканмен! Хушомадгўйларга ишониб алдандим!!!

— Шундай ўлса-да, бизнинг темурийлар сулоласига эҳтиромимиз буюқдир. Биз бурада³ тожу тахтни Шохруҳ подшоҳ авлодидан ўлмиш Ёдгор Мирзайа муносиб кўрдик. Энди Абусайид Мирзо устидан ҳукм чиқаришни ҳам Ёдгор Мирзайа топширғаймиз.

Султон Абусайидни бошқа катта танобий уйда тахт устида ўлтирган ўн саккиз ёшлик Ёдгор Мирзо қаршисига олиб келдилар. Нима бўлса ҳам, бир шажара дарахтининг икки шоҳи узоқ юртда шундай вазиятда

¹ Дейил — эмас.

² Ҳазрат Алишер навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Султон Абусайиднинг мағлуб бўлиш сабабларига тўхталиб, мана шу жиҳатларга эътиборни қаратади.

³ Бурада — бу ерда.

учрашганларидан Абусайид Мирзонинг ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келди.

— Жигаримсиз, Ёдгор Муҳаммад Мирзо! Мен адашдим! Гуноҳларимга иқрормен! Имкон беринг, хатоларимни тузатай!

Ёдгор Мирзо бир лаҳза сўз тополмай жим қолди. Қирқ олти ёшлик Абусайид Мирзо унинг отасига тенгдош эди. Амир Ҳасанбек Ёдгор Мирзога «қатл эттиринг!» деб буюрган эди. Лекин умрида бировни, айниқса, отаси тенгли қариндошини ўлимга ҳукм қилмаган ёш йигит учун Ҳасанбекнинг буйруғини бажариш нечоғлиқ қийин бўлишини у энди сезди. Терлаб кетган пешонасини кўли билан ишқаб, хотирасидан бундай ҳукмга асос бўладиган далиллар излади:

— Абусайид Мирзо, сизинг тузатиб ўлмайдиган хатоларингиз чўх кўпдир! — етти яшарлигидан Ҳасанбек даргоҳида яшаб келаётган Ёдгор Мирзо она тилини унутган, оталиғи сингари озарбайжонча талаффуз билан сўзлар эди: — Дашти Қипчоқдан Абулхайрхонни бошлаб келиб, менинг кеби ёш йигит Абдулла Мирзони жувонмарг қилдингиз. Бу хатони тузатмоқ учун Абдулла Мирзони қайта тирилтириш элингиздан келюрми? Соҳибқирон бобомиз Амир Темур аёллар, оналар ила муомалада жўмард ўлишни васият этмишдир. Сиз саксон ёшлик кайвони момомиз бегуноҳ Гавҳаршод бегимни қатл эттирддингиз. Бундай қотилликни кечириб ўлурму?!

Султон Абусайид бирдан хўнграб йиғлаб юборди:

— Хоин Шерҳожин!.. Мен шунинг қутқусига учиб хато қилдим!.. Айбим бўйнимда!..

Бошқа гапга ҳожат қолмади. Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг ҳукми билан Султон Абусайид ўша куни қатл этилди.

Унинг жасадини Ҳиротга олиб келдилар. Султон Абусайид ўз охиратига ярайдиган биронта муҳташам бино қурдирмаган эди. Шундай бўлса ҳам, ўн етти йил подшоҳлик қилган, Турон ва Хуросонни яна бирлаштириб Ҳиротни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган эди. Унинг бегона юртда фожиали ҳалок бўлгани ҳам раҳм-шафқатга муносиб кўрилди. Султон Абусайидни Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнида Шохруҳ Мирзо даврида қурилган мовий гумбазлик хоноқоҳга дафн этидилар.

ОЛОВ ҲАЛҚАСИДА

Ёниб турган уруш олови энди Фарбдан Шарққа, Табриздан Ҳиротга ажал уруғини сочиб кела бошлади.

Амир Ҳасанбек Ёдгор Мирзони бекорга тахтга ўтказган эмас эди. Уни ўзига бўйсунадиган қўғирчоқ подшога айлантириб, Хуросонни, кейин йўли топилса Туронни ҳам қўлга киритмоқчи эди.

Абусайид Мирзонинг омон қолган содиқ беку навкарлари унинг ўғли Маҳмуд Мирзони жанг майдонидан тирик олиб чиқишга ва Ҳиротга етказиб боришга муваффақ бўдилар. Лекин ўн олти ёшлик бу ўспирин Хуросонда ҳукмрон бўлишга кучи етмаслигини Амир Ҳасанбек яхши биларди. Шунинг учун Ёдгор Мирзога ўн минг қорақуюнли аскарлардан бериб, уларнинг ёнига Абусайид Мирзодан юз ўғирган Шерҳожидекаби Хуросон беку навкарларини ҳам қўшди-да, Ҳирот тахтини Маҳмуд Мирзодан тортиб олиш учун жўнатди.

Лекин Амударё бўйларида вазият етилишини кўтиб юрган Ҳусайн Бойқаро отини улардан олдинроқ қамчилади. У Султон Абусайиднинг ҳалокатга учраганини эшитган заҳоти бор кучларини тўплаб Ҳиротга йўл олди. Ора узоқ эмас, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаронинг тарафдорлари кўп эди. Улар ёш Маҳмуд Мирзо ҳукмронлигига қарши исён кўтариб, шаҳар ичидаги Ихтиёриддин қалъасини эгалладилар.

Маҳмуд Мирзо Самарқандга чопар юбориб, акаси Аҳмад Мирзони ёрдамга чақирди. Аҳмад Мирзо Ҳусайн Бойқарога қарши элик минг қўшин тўплаб Амударёга яқинлашиб кела бошлади.

Буни эшитган кўпчилик ҳиротликлар Ҳусайн Бойқарога ён босиб, шаҳар дарвозаларини эгалладилар.

Маҳмуд Мирзо отасига ўхшаб асир тушиши мумкинлигини сизди-ю, кечаси яқин одамлари билан Ҳиротни ташлаб қочди.

Унинг акаси Аҳмад Мирзо ҳали Амударёдан ўтиб улгурмаган эди. Оға-ини Термизда учрашдилар.

Самарқанддан Хўжа Аҳрор ҳам Термизга етиб келган эди.

Ака-ука мирзолар Ҳиротни қайта босиб олиш ҳақида Хўжа Аҳрордан маслаҳат сўрадилар.

— Азизларим Аҳмад Мирзо, Маҳмуд Мирзо, — деб сеҳрли паст товуш билан сўз бошлади Хўжа

Аҳрор. — Тушимда... бир қуш Маҳмад Мирзонинг ил-кидан юлқиниб чиқди-ю, учиб кетди. Ов қуши бўлса қайтармикин деб узоқ кутдим. Қайтмади. Шу қуш Ҳирот бўлса керак.

— Ундан чиқди, Ҳиротдан воз кечайликми? — ала-ми келиб сўради Маҳмуд Мирзо.

— Начора? Раҳматлик Абусайид Мирзодан норози бўлиб юрганлар Самарқандда ҳам, Ҳисорда ҳам оз эмас. Сизлар Ҳирот муҳорабаси билан банд бўлиб қолсаларингиз, орқадан ўша ванимлар исён оловини аланга олдиришлари муқаррар.

Хўжа Аҳрорга эътиқоди баланд бўлган Аҳмад Мирзо сўнгги сўзларни башорат деб билди.

— Ҳазрати пири комилмизга аён бўлибдир, бас, Самарқандга қайтмоқ керак!

— Мен Самарқандда не қилурмен? — деб саросима бўлиб сўради Маҳмуд Мирзо. Чунки у ҳам қоидага биноан қайсидир бир минтақага ҳукмрон бўлиши керак эди. Унинг ўртанча иниси Умаршайх Мирзо Фарғона водийсида ҳукмрон, кичик укаси Улуғбек Қобулий Қобул тахтида ўлтирибди. Энди Маҳмуд Мирзо ҳам отасининг мулкидан ўзига яраша бир мерос олмоғи кераклигини Хўжа Аҳрор ҳам тан олар ва жавобини олдиндан ўйлаб турар эди.

— Фарзанди аржуманд, — деб пири комил Маҳмуд Мирзога мурожаат қилди. — Сиз падари бузрукворингиз билан ҳарбий юришларга бориб чиниқдингиз. Энди ҳар қандай мушкул ишни уддалай олурсиз. Мана шу Термиз — қадимий шаҳар сизники бўлсин. Амударёнинг икки қирғоғида Ҳисор, Қундуз, Чағониён... то Ҳиндиқуш тоғигача бепоён ерлар — ҳаммаси кучли бир ҳукмдорга муҳтож. Ана шу ҳукмдорликка фақир сизни муносиб деб билурмен!

Маҳмуд Мирзо акасига ҳасади келиб сўради:

— Самарқанду Тошкентлар ҳазрат акамизда қолурму?

— Буни раҳматлик отангиз васият қилганлар.

— Бизнинг пешонамизга маданий марказлардан йироқдаги чет ўлкалар битилган экан-да, — деб Маҳмуд Мирзо Хўжа Аҳрорнинг таклифини унча хуш кўрмади

Лекин шундан бошқа мерос йўқлигини сезиб, таклифни қабул қилди. Фақат умр бўйи Хўжа Аҳрордан

ранжиб юрди. Акаси билан ҳам бир неча марта мулк талашиб урушди.

* * *

Милодий 1469 йилнинг баҳори ва Наврӯз байрами Ҳиротга Ҳусайн Бойқаро билан бирга келди. Маҳмад Мирзо тунда Ҳиротни ташлаб қочганини эшитган ҳиротликлар қўрғоннинг ҳар тўртала дарвозасини Ҳусайн Бойқаро ва унинг одамлари учун ланг очдилар. Абусайид давридаги золимликлардан сабр косаси тўлиб-тошган Хуросон халқи Ҳусайн Бойқаронинг шундай кучли рақибга ўн йилдан ортиқ бўйин эгмай жасорат билан курашиб келганини алоҳида эъзозга сазовор деб биларди. Шунинг учун Ҳусайн Бойқаро бир ҳафта давом этадиган Наврӯз байрамининг учинчи кунида Малик дарвозасидан Ҳиротга кириб келганда одамлар уни карнай-сурнай оҳанглари, ноғораларнинг қувончли така-тумлари билан кутиб олдилар.

Ўша куниёқ жума намозида унинг номи хутбага қўшиб ўқилди.

Бир вақтлар Ҳиротдан қувғин қилинган Феруза бегим келини Бека бегим ва тўнғич невараси ўн бир яшар Бадиуззамон Мирзолар билан бирга шоҳлар турадиган муҳташам Боғи Зоғон қасрини эгалладилар.

Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга қайтганининг биринчи куниёқ дўсти Алишер Навоийга мактуб ёзиб, махсус чопар билан Самарқандга жўнатди. Мактубда «Мен тахтта Сизнинг гувоҳлигингизда чиқмоқчимен, тез етиб келинг!» дейилган жойи бор эди.

Мир Алишер Самарқанддаги устози Фазлуллоҳ Абуллайсдан оқ фотиҳа олиб, дарҳол йўлга чиқди. Амударёдан кема билан ўтиб, Хуросоннинг Работи Сухайл деган манзилига етганда Ҳусайн Бойқаро унга пешвоз чиқиб кутиб олди.

Етти йилдан буён кўришмаган дўстлар қучоқлашиб кўришар эканлар, Мир Алишер алп қомат Ҳусайн Бойқаронинг елкалари янада кенгайиб, баҳодирона кўкраги қучоққа сиймайдиган даражага етганини сездди. Ҳусайн Бойқаро юзини дўстининг юзига босганда унинг ипақдай майин соқол-мўйлови чиройли қилиб тарашланганини кўрди.

Мулозимлар икковларини кенг танобий хонада ёлғиз қолдирдилар.

— Шунча йил қувғинда яшадик, Алишербек! — деди Хусайн Бойқаро. — Сизни соғинганимда шеърларингизни ёд айтиб таскин топдим. Жабру зулмлардан тўйиб кетганимда мана бу сатрларингиз кўп ёдимга тушди:

*Эй, Навоий, истасанг давр аҳли зулмидин халос
Ур фано даштига гому¹, бора олғунингча бор!*

— Ҳазратим, дашту биёбонларда сиз гом урмаган йўллар қолмагандир?

— Ҳа, юрган йўлларимда фиғоним кўкка чирмашганларини билсангиз эди, Алишербек! Шунда яна сизнинг мана бу сатрларингиз менга тасалли берарди:

*Агар юз қашла булбул чексин афғон
Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон!*

— Шукурки, бизнинг баҳоримиз ҳам келди, — деди Алишербек. — Орзу қилган гулларимиз энди очилмоқда. Амму бу кунларга етгунча фақир ҳам жуда кўп азобу уқубатларни бошдан кечирдим.

— Хабарим бор. Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий шеърингиздан Ҳиротда бир нусха кўчиртириб олиб ўқиганимда кўзларимга ёш келди.

— Ташаккур, ҳазратим. Энг қора кунларда ҳеч ким бизнинг кўнглимизга қарамай қўйган пайтлар бўлди. Истак-интилишларимиз золимлар адолатсизлигидан топталганда, кўнглимиз ниҳоятда чўккан эди. Чўкиб фарқ бўлган кўнгил кемаси ном-нишонсиз йўқолган-дек туюлган дамларда фақир ҳам сизнинг сатрларингизни ёдга олиб таскин топардим.

— Қайси сатрлар, Алишербек?

— Мана бу:

*Ваҳки, ғам даштида йитган²
 нотавон кўнглим қани?*
*Тарки жоним айлаган
 бехонумон кўнглим қани?*
*Не нишонидин хабар топдим,
 не отидин асар.*
*Ҳажр водийсинда беному
 нишон кўнглим қани?*

¹ Гом — қадам.

² Йитган — йўқолган.

Шоир дўстининг ҳароратли товуши билан ниҳоят-да таъсирли қилиб айтилган бу шеър Хусайн Бойқарони ҳаяжонга солди. У Алишербекни қайтадан бағрига босиб деди:

— Парвардигор бизнинг дўстлигимизни паноҳида асрасин! Ғам даштида йитган кўнгилларимизни бутун қайтадан топдик. Кўнгилга туккан энг буюк орзуимиз — адолатли давлат тузмоқ, мамлакатни обод, эл-юртни фаровон қилмоқ эди.

— Энди ана шу орзуни рўёбга чиқариб бўлармикин?

— Қайдам! Сўнгги кунларда давлат тепасида ўлтириб, бу орзуни рўёбга чиқариш нақадар мушкул эканига амин бўлмоқдамен. Мамлакат вайрон бўлган. Одамлар ҳам бузилган. Порахўрлик, алдамчилик, маккорлик, инсофсизлик... Қай бирини айтай! Одил подшоҳ бўлишим учун атрофимда ҳалолу пок вазирлар, инсофлик амирлар, маърифатлик маслаҳатгўйлар бўлмоғи керак. Қани уларни қаердан топай?

— Чиндан ҳам бу энг мушкул муаммодир, ҳазратим.

— Шу муаммони ҳал этишда мен сизга суянмоқчимен, Алишербек! Саройда истаган лавозимингизни берай. Доим ёнимда бўлинг.

— Мен сиз учун жон фидо қилишга тайёрмен. Аммо сарой муҳитидан кўрқамен. Ёшимиз ўттизга яқинлашди. Болалиқда бирга ўсдик, мактабдош бўлдик. Дўстлигимиз ҳамон беғубор, самимий. Сарой муҳитида фисқу фасод кўп. Мен буни Самарқандда ҳам кўрдим. Фақир Абулайсдек, Абдурахмон Жомийдек орифлар орасида бўлгим келур. Шеърлар ёзсам, тоат ибодат қилсам, сизга омаду бахт тилаб дуолар ўқисаму, дўстлигимизни умрим охиригача беғубор сақлаб қолсам.

— Алишербек, нийятингиз олижаноб! Аммо ҳадисларда айтилган ҳикматни эсланг. Мамлакат бўйича бир соат адолат қилиш олтмиш йиллик тоат-ибодатнинг савобини берар экан. Ахир сиз билан ваъдамиз бор эди-ку. Мен подшоҳ бўлсам, сиз энг ишонган вазирим бўлгайсиз деб аҳдлашган эмасмидик?

— Ёшлиқдан вазир бўлиш нималигини билмай аҳд қилган эканмен. Мен яхши вазир бўлганим билан бошқа вазирлар мени сизга ёмон кўрсатиб қўйишлари мумкин экан. Мен ана шундан хавотирдамен.

— Хавотир бўлманг. Сиз менга фақат ҳақиқат-

ни айтиб турсангиз бас, мен доим сизга ён босгаймэн.

— Ҳазратим, ҳақиқат гоҳо жуда аччиқ бўлур. Шоҳлар эса ширин мақтовларни, чиройли хушомадларни яхши кўрурлар. Шу сабабли аччиқ ҳақиқатни айтамен деб балага қолганлар ҳам кўп бўлган.

— Ажабо, сизга энг мўътабар вазири аъзамлик лавозимини таклиф қилсам олмаётирсиз. Бошқалар бундай лавозим учун ўзларини томдан ташлайдирлар. Сиз фариштадай пок, софдил, беғараз дўстимсиз. Сиз ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни ҳам жонкуярлик меҳригиёси билан доруга айлантириб самимият ипагига ўраб, майин қилиб айтаолурсиз. Шунинг учун сиз фақат вазир эмас, мусоҳибим¹ бўлинг. Ўтган азизу авлиёлар руҳи бизга мадад берсин. Тўқсон ёшлик маликул калом Лутфий ёдингиздами?

— Ҳа, худо раҳмат қилсин, биз қувғинда юрганимизда тўқсон беш ёшида вафот этибдирлар.

— Ўшал буюк зот Гавҳаршод бегим ҳузурида қилган башорат ёдингиздами?

— Оловдан тирик чиққан Қақнус ҳақида айтганларими?

— Ҳа, илму маърифат ҳомийси бўлган Маҳди Улёни Қақнусга қиёс қилган эдилар. Сиз билан мени бегимга кўрсатиб, «булар сиз учун Қақнус қанотларига айлангайлар» деган эдилар. Афсуски, Гавҳаршод бегим бутунги кунга етиб келолмадилар. Лекин Улуғбек Мирзо билан унинг буюк ота-оналари давридаги маданий юксалишларни давом эттириш шояд сизу бизга насиб этса!

— Илоё айтганингиз келсин, ҳазратим. Менинг дилимдаги энг улуғ мақсад ҳам шудир.

— Алишербек, икковимиз суҳбатлашганда сиз мени ҳазратим деманг. Бир марта «дўстим» десангиз, бу мэн учун минг марта «ҳазратим» деганингиздан афзалроқдир!

— Хўп, дўстим! Сиз айтган улуғ мақсадлар йўлида мен доим ёнингизда бўлай. Фақат вазири аъзамингиз эмас, кичикроқ вазирингиз — муҳрдорингиз бўлиш мен учун кифоядир.

— Буни яхши айтдингиз. Менинг олтамғалик ул-

¹ Мусоҳиб — сирдош дўст.

кан муҳрим доим сизда тургай. Бу муҳр босилмагунча бирорта фармон кучга кирмагай.

— Мабодо бошқа вазирлар олиқ-солиқларни ошириш, кимларнидир жазолаш, яна кимларнидир мукофотлаш ҳақида ҳийла-ю найранг ишлатишса, таъмагирлик билан адолатсиз фармон лойиҳалари тайёрлатишса, сизнинг саховатингизни суистеъмом қилиб, бундай фармонларга имзо қўйдиришса мен не қилай? Фақир муҳр босишдан олдин Сизга ҳақиқатни айтиб эътироз қилишим учун ваколат берурмисиз?

— Тепамизда худо турибдир. Ваколат берурмен!

— Аммо шоҳлар гап қайтарган вазирни бамисоли тутун қайтарган мўридек ёмон кўрурлар. Мўридан тутун қайтса уйда ўлтириш мушкул бўлмай.

— Ўшал уйда сиз ҳам менинг ёнимда ўлтирурмисиз?

— Албатта-да! Ҳар қандай эътирознинг масъулиятини мен аввал ўзимга олурмен! Ундан сўнг фақат адолатли ҳукм чиқаришингизга имкон яратиш мақсадида сизга ўз эътирозимни арз қилгаймен.

— Ундоқ бўлса бир марта эмас, зарур бўлганда тўққиз мартагача менга ҳаққоний эътирозингизни айтиш учун ваколат олгайсиз. Токи шу тўққиз босқичда ҳақиқат охиригача аён бўлсину, адолат бехато юзага чиқсин!

— Сиз менга берган бу чексиз ваколат шоҳлар тарихида мисли кўрилмаган мардона иноятдир! — деди Мир Алишер ва қўйнидан олтин муқовалик кафтдай дафтарча олди. — Раҳматлик Гавҳаршод бегим шу олтин дафтарчани менга инъом қилган эдилар. Рухлари шод бўлсин деб, буни барча хавфу хатарлардан сақлаб олиб ўтдим. Шу табарруқ дафтарчага сизнинг номингиз ҳам битилмишдир. Тахтга чиқадиган кунингизга атаб, «Ҳилолия» номли қасида бошладим. Дўстим, сиз мусаффо осмондаги янги ой — ҳилол каби кўтарилмақдасиз. Илоҳим шу Ҳилол тўла-тўқис муродиға етиб, тўлин ойга — Бадрга айлансин!

— Ажойиб лутф қилдингиз, Мир Алишер! Шу яхши ниятларингизга сиз билан бирга етайлик!

Икковлари ҳам «Омин!» деб юзларига фотиҳа тортдилар ва отланиб пойтахтга бирга йўл олдилар.

Ҳиротни Ҳусайн Бойқародан тортиб олиб, қора қуюнлилар ҳукми остига ўтказиш учун катта қўшин билан келаётган Ёдгор Мирзо ҳали узоқда Исфахондан нарида эди. Икки дўстнинг бамаслаҳат қилган биринчи ишлари — ҳамма раҳбарий ўринларга инсофли ва маърифатли одамларни йиғиш бўлди. Шу жумладан, Ҳиротнинг энг диёнатли машҳур мавлоноси бўлмиш Ҳасан Ардашер давлат мулкига, ободончилик ва бунёдкорлик ишларига раҳбарлик қилувчи аморат вазири қилиб таъйинланди.

У Алишер Навоий билан биргаликда Шоҳрух Мирзо ва Гавҳаршод бегим номидаги мадрасаларни таъмирлатиб, қайтадан ишга туширди. Мударрислар ва илму-маърифат аҳлининг ойлик маошлари Улуғбек Мирзо давридаги каби баян кўтарилди. Турли томонга тарикдай сочилиб кетган зиёли одамлар ва толиби илмлар яна Ҳиротга йиғилиб кела бошладилар.

Алишер Навоий бу ишлар билан ўта банд бўлган кезларда Хўжа Тусий ва Ҳасан Табризий деган уламолар шоҳни ўз таъсирларига олиб, шиа мазҳабини қабул қилишга уни кўндирадилар.

Ҳусайн Бойқаро навбатдаги жума намозида шиа мазҳабини Хуросоннинг давлат дини деб эълон қилмоқчи бўлаётганидан хабар топган Алишербек изтиробга тушиб унинг ҳузурига борди.

— Темурийлар сулоласида ҳали ҳеч ким шиа мазҳабини давлат дини деб эълон қилмаган эди-ку, ҳазратим! Сиз бобокалонингиз Амир Темурнинг дин бобида тутган йўлларида воз кечмоқчимисиз?

— Йўқ. Нечун бундай савол бердингиз, Алишербек?

— Амир Темур ҳазратлари Имом Аъзам таълимотига амал қилганлар. Чорёрлардан Абубакр, Умар, Усмон, Али — ҳар тўрталасини баробар эҳтиром қилганлари бобокалонингизнинг хотиротларида битилган.

— Алишербек, етти-саккиз йил чўлу биёбонларда жангу-жадал ичида юрганимда Ҳазрати Алига эътиқодим ошди. Чорёрлардан дилимга энг яқини шул сиймо.

— Чунки ул зоти олий сиз каби жуда кўп қилич чопганлар, тенгсиз баҳодир бўлганлар.

— Бундан ташқари, ҳазрати Али пайғамбарларимизнинг қизлари Биби Фотимага уйланганлар. Ундан Ҳасан-

Хусан ўғил кўрганлар. Адолат юзасидан пайғамбаримизга Ҳазрати Али ворис бўлмоқлари керак эди.

— Навбат келганда Ҳазрати Али ҳам ворис бўлганлар. Лекин Ҳазрати Али ўзларидан ёши ҳам катта, тажрибаси ҳам кўпроқ бўлган Абубакр, Умар, Усмонни раҳбар деб тан олганлар. Ҳазрати Алининг ўзлари сунний мазҳабида бўлганини билурмисиз?

— Буни менга айтмадилар-ку.

— Бўлмаса мен сизга дин тарихидан далил келтирай. Ҳазрати Али суннага содиқ бўлгани диний китобларда ёзилган. Шиа мазҳаби эса суннани тан олмайди, Абубакр, Умар, Усмонни қоралайдир, хутбада уларни тилга олмайди.

— Ҳазрати Али Халиф бўлганларида чорёрлар хутбада тилга олинганми йўқми?

— Олинган! Тўртовлари ҳам эҳтиром билан улуғланган. Шиалар эса чорёрлардан фақат Ҳазрати Алини тан оладилару, олдинги уч чорёрни ноҳақ камситадилар.

— Бу адолатдан эмас, албатта.

— Ҳазратим, агар сиз ҳам шу йўлга ўтсангиз, Хурросону Турондаги кўп авлиёларнинг руҳига хилоф иш қилган бўлурсиз. Улуғ пир Аҳмади Жом — Имом Аъзам мазҳабида бўлганлар. Бухородаги Баҳовиддин Нақшбанд ҳам, Фарғонадаги Марғилоний ҳам, Самарқанддаги Мотурудий ҳам, Туркистондаги Аҳмад Яссавий ҳам.

— Мен Туркистонда Яссавий мақбарасини зиёрат қилганмен. Ҳикматларини ёд олмишмен.

— Шундай улуғ пирлардан ажралиб қолиш — эл-юртдан ажралиш билан баробар эмасми?

— Мен бу томонларини ўйламаган эканмен...

Хусайн Бойқаро дин тарихини яхши билмагани, ёшлигида мадрасаларда таълим ололмагани учун сунна ва шиа орасидаги нозик фарқлардан хабардор эмас эди. Хўжа Тусий каби ақидапараст уламолар шу бе-хабарликдан фойдаланиб, уни шиа мазҳабига ўтказишга интилоқда эдилар.

Алишербек шиа мазҳаби кўпроқ Эронда тарқалганига, лекин дунёнинг аксарият мусулмон мамлакатлари Имом Аъзам таълимотига амал қилаётгани бежиз эмаслигига жуда кўп далилу исботлар келтирди.

Хусайн Бойқаро Самарқанддан Ҳиротга қайтган машҳур аллома Абдурахмон Жомийдан фикр сўради.

Нақшбандия таъриқатининг йирик намояндаси бўлган Жомий ҳам Мир Алишер ҳақ эканини айтиб, Ҳусайн Бойқарони Имом Аъзам таълимотига садоқат сақлашга ундади.

Шундан сўнг Ҳусайн Бойқаро Хўжа Тусийни саройдан узоқлаштирди ва Мир Алишерга тан бериб деди:

— Сиз бир эмас икки мадрасада илм олгансиз. Биз учун таҳсил олинг деган эдим-ку. Мана энди сиздаги илму маърифатдан биз ҳам баҳраманд бўлиб, бир хато йўлдан қайтдик. Ташаккур сизга, дўстим!

Бу орада куз кирди ва Табриздан қўшин тортиб келаётган қорақуюнликлар Ёдгор Мирзони Ҳирот тахтига чиқариш мақсадида Хуросон сарҳадига бостириб кирдилар. Алишер Навоийга амирлик рутбаси берилган эди. У ҳам энди белига қилич тақиб содиқ навкарлари билан мамлакат ҳимоясига отланди.

Чинорон деган жойда Ҳусайн Бойқаро қўшини Ёдгор Мирзога ва уни бошлаб келган қорақуюнликларга қақшатқич зарба берди.

Жанг майдонидан от чоптириб қочган Ёдгор Мирзо Хуросон ҳудудини ташлаб чиқди ва қорақуюнликларга қарашли Домгон томонларга бориб жон сақлади. Бу мағлубиятдан жаҳли чиққан Амир Ҳасанбек иниси Зайналбек бошчилигида яна тўрт минг сара қўшинни Ёдгор Мирзога кўмак қилиб юборди. Қандоқ қилиб бўлса ҳам Ҳиротни Ҳусайн Бойқародан тортиб олиш Ёдгор Мирзо олдига қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Бу вазифани амалга ошириш учун қулай вазият ҳам вужудга келди. 1470 йилнинг жавзо ойида Ҳисор ҳокими Маҳмуд Мирзо Амударёдан ўтиб, Ҳусайн Бойқаро қаламравидаги Балх ва Шибиргон вилоятларига тажовуз қилди.

Султон Абусайиднинг бу ўртанча ўғли фарб томондан қорақуюнликлар бостириб келаётган пайтда Ҳусайн Бойқародан Хуросонни тортиб олиш умидида ўттиз минг қўшин билан от суриб кела бошлади.

Икки ўт орасида қолган Ҳусайн Бойқарони «энди мағлуб бўлмай!» деб ваҳимага тушган беку навкарларнинг каттагина қисми Ёдгор Мирзо томонга қочиб ўтиб кетди. Ҳусайн Бойқаро қолган амирларининг маслаҳати билан баланд тоғ устидаги Нероту қалъасига кириб, вазият етилгунча ҳимояда турмоқчи бўлди.

Соқисолмас даштидан ўтиб, Неротуга бораётганларида кечаси яна мингта яқин беку навкарлар Ҳусайн

Бойқарони ташлаб қочдилар. Бунинг устига, Нероту қалъасига Бойқаро томонидан тайин этилган Аҳмад туғчи деган доруға ҳам хиёнат йўлига ўтди — қалъа дарвозасини ичидан бекитиб, Бойқарони қалъага киргизмади.

Хусайн Бойқаро устма-уст келаётган бу зарбалардан саросимага тушиб, қаёққа йўл олишини билмай турганда Алишер Навоий унинг ҳузурига Юсуф отлиқ бир чопарни бошлаб келди:

— Қозоқликларда сиз билан неча йил бирга бўлган садоқатли амирингиз Музаффар барлос забардаст ўғиллари билан сизнинг йўлингизга мунтазир! — деган хушxabарни чопардан эшитган Хусайн Бойқаро.

— Аллоҳга шукур! Оламда яхшилар ҳам бор экан! — деб суюнди.

Қайсар деган жойда Музаффар барлос тўрт ўғли ва беш юздан ортиқ аскарлари билан Хусайн Бойқаро кўшини сафига кирди. Яна Пирмуҳаммад барлос арлот қавмига мансуб уч юз навқари билан Хусайн Бойқаро томонига ўтди.

Бундан сал кўнгли кўтарилган Хусайн Бойқаро Маймана туманидаги бир чорбоғни ўзига қароргоҳ қилди. Шунинг устига Ҳиротда исён олови аланга олаётгани ҳақида изтиробли хабарлар кела бошлади.

* * *

Уруш пайтида ҳарбий харажатлар кўпайгани учун аҳолига кўшимча солиқ солинган эди. Уни ундириш пайтида Қутбиддин Товус Симноний деган девонбеги подшо буюрганидан икки-уч баробар ортиқ солиқ йиғдириб, унинг катта бир қисмини ўз жиғилдонига уради. Бу ҳодисадан Абдулла Хатиб деган уламо хабардор экан, Хусайн Бойқарога маълум қилади. Абдулла Хатиб бошлиқ тафтишчилар Товус Симнонийнинг солиқ пулларида уч юз минг динорини ўзлаштирганини аниқлайдилар. Хусайн Бойқаронинг фармони билан бу катта маблағ Товус Симнонийдан ундириб олинади. Шундан кейин у девонбегилик лавозимидан бўшатилади. Ўрнига Абдулла Хатиб девонбеги бўлади.

Абдулла Хатиб подшонинг Ҳиротдан йироқда уруш ташвишлари билан бандлигидан фойдаланиб, аҳолига яна янги солиқлар солади. Зўравонлик билан унди-

рилган солиқ пулларида катта бир қисмини у ҳам ўзлаштириб, яшин тезлигида бойиб кетади.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, Абдулла Хатибнинг баднафслиги ҳам кўпчиликка аён бўлади. Энди Қутбиддин Товус Симнонийнинг тарафдорлари солиқлардан безор бўлган аҳолини Абдулла Хатибга қарши қўзғатадилар.

Абдулла Хатиб девонхонада ўлтирганда бир неча минг кишилик оломон унинг устига бостириб келади. Қасоскор Товус Симноний тарафдорларининг ёнига қорақуюнлиларнинг Ҳиротда юрган хуфиялари қўшиладилар. Улар атайлаб Ҳусайн Бойқарога қарши исён оловини аланга олдирадилар.

Абдулла Хатиб ўлтирган девонхона тошбўрон қилинади. Деразалар синади, эшиклар бузилади. Абдулла Хатибнинг ўзи орқа йўлаклардан қочиб қутилади.

Дарғазаб оломон дўконларни талайди. Шаҳарда бепартибликлар бошланади.

Ҳиротдан Майманага келган чопар бу даҳшатли воқеалар хабарини Ҳусайн Бойқарога етказганда ёш подшоҳ қаттиқ хавотирга тушиб, Алишер Навоий учун тикилган чодирга кирди.

— Алишербек, дўстим, олов ҳалқасида қолдик! Ҳиротда ҳам исён ёнғини!

Алишер Навоий воқеанинг тафсилотларини эшитгач: — Рост, Хоқони Мансур, биз ҳозир олов ичига тушган Қақнус аҳволидамиз. Худо хоҳласа, оловни ўчириб, кул ичидан яна қад ростлагаймиз!

— Зора шундай бўлса! Ҳиротга сизми, менми, иккимиздан биримиз бормасак бўлмас.

— Сиз қўшин билан қолинг, дўстим. Бош саркардасиз. Фақирга ваколат берсангиз, Ҳиротга мен борай.

— Сизга ёрлиқ бергаймен! Халқни тинчитиш учун қандай тадбир зарур бўлса, ҳаммасини амалга оширгайсиз!

— Мабодо, Абдулла Хатибнинг айби тасдиқланса, унинг ўрнига бошқа девонбоши тайинлашим мумкинми?

— Мумкин! Адолатсиз солиқларни бекор қилишингиз учун ҳам ваколат берилгай! Фақат ўзингизни эҳтиёт қилинг, Алишербек!

ҲАЁТ-МАМОТ ОЛИШУВИ

Алишер Навоий Гавҳаршоҳ бегим мадрасаси олдидаги катта майдон ва хиёбонга тўпланган издиҳом олдидан Ҳусайн Бойқаронинг ёрлиғини ўқиб эшиттирди.

— Қўшимча солиқ олиш тўғрисида подшоҳ ҳазратлари ҳеч қандай фармон берган эмаслар! — деди. — Бу сохта фармонни Абдулла Хатиб билан унинг ҳамтовоғи Низомиддин Бахтиёр Симноний ўз манфаатлари учун ўйлаб чиқармишлар!

— Абдулла Хатиб билан Хўжа Низомиддин осиб ўлдирилсин! — деб талаб қилди издиҳом орасида турган Қутбиддин Товус Симнонийнинг тарафдорлари.

Бу икки Симноний бир-бирига ашаддий душман эканини Мир Алишер яхши билар эди. Ҳусайн Бойқарони шиа мазҳабига ўтказишга ҳаракат қилган бузғунчи хўжалардан бири ҳам мана шу Низомиддин Бахтиёр Симноний эди.

— Осиб ўлдиришга фақат подшо ҳазратлари ҳукм этишлари мумкин, — деб жавоб берди Алишер Навоий, — аммо бизга ҳибс қилиш ваколати берилган.

Мир Алишернинг буйруғи билан Низомиддин Бахтиёр Симноний ҳибс қилинди, Абдулла Хатиб аллақачон ёқларга қочиб кетган эди. Излаб топилганда уни ҳам ҳибс қилиш шаҳар доруғасига топширилди.

Хиёбонга тўпланган халойиқ орасида Қутбиддин Товус Симнонийнинг қариндош-уруғлари ва тарафдорлари кўп эди. Хазина фойдасига уч юз минг тилла жарима тўлаш учун Қутбиддин Товус Симноний кўпгина қариндошлари ва яқинларидан қарз олган эди. Ана шу қариндошлари ва яқинлари унга берган қарзларини ундириб олиш умидида Қутбиддин Симнонийни девонбегилик лавозимига қайта тиклашни талаб қила бошладилар:

— Абдулла Хатиб Қутбиддин Товус жанобларига туҳмат қилган!

— Жарима ногўғри ундирилган!

— Қутбиддин Товус ҳалол одам! Лавозимига қайта тиклансин!

— Амир Алишер, адолат қилинг!

— Товус Симноний жанобларини туҳмат балосидан қутқаринг!

Денгиздай тўлқинланаётган бир неча минг кишилик оломон адолатга ташна эди. Мир Алишер Қут-

биддин Товуснинг мусичаи беозорлардан эмаслигини биларди. Лекин унинг устидан шикоят қилган Абдулла Хатиб ҳам баднафс варазгўй эканлиги маълум бўлди. Уларнинг қайсиси қай даражада ҳақ ва ноҳақ эканини аниқлаш учун катта текшириш ўтказиш лозим. Бунга ҳозир фурсат йўқ. Мир Алишер қандай қилиб бўлса ҳам аҳолини тинчитиши керак.

— Халойиқ! Подшоҳ ҳазратлари Ҳиротга қайтганларидан сўнг яна тафтиш ўтказурлар. Унгача биз подшоҳ берган ваколатдан фойдаланиб, жаноб Қутбиддин Товус Симнонийни вақтинча яна девонбеги қилиб таъйин этгаймиз!

— О, раҳмат сизга ҳазрат Алишер!

— Ташаккур!

— Журъатингизга тасанно, Амир Алишер! — деган хитоблар устма-уст янгради.

* * *

Мир Алишер Ҳиротни тинчитиб қайтар экан, подшонинг аввалги фармонига қарши боргани, Бойқаро ишдан бўшатган Қутбиддин Товусни яна девонбоши қилиб таъйинлагани дўстининг иззат-нафсига тегмасмикин, деб хавотирланарди.

Лекин Ҳусайн Бойқаро майда-чуйда иззат нафсга берилмайдиган, сўзидан қайтмайдиган мард одам эканлигини яна бир марта исбот қилди.

— Энг муҳими, ғалаённи баргараф қилибсиз! — деди Мир Алишерга. — Симноний вақтинча девонбоши бўлиб турса турар. Ўзим бориб яна тафтиш ўтказдиргаймен. Дўстим Алишер, мен сизга тўққиз мартагача эътироз қилиш ҳуқуқини берган эдим. Бу иккинчиси бўлди.

— Иккинчиси? — тушунолмамай сўради Мир Алишер. — Биринчиси қайси эди, Хоқони Мансур?¹

— Биринчиси — бизни шиа мазҳабидан қайтарганингиз эмасмиди? Агар Имом Аъзам йўлидан қайтсак, ғалаёнлар бундан ўн қисса ортиқ бўлишига энди кўзим етмоқда. Ташаккур сизга, Мир Алишер. Худо Сизни менга дўсти нажоткор қилиб юборгани учун шукрона айтурмен.

— Сиздек мард подшоҳга дўсти нажоткор бўлиш — мен учун энг юксак шарафдир!

¹ Мансур — ғолиб

Аmmo бу икки дўстга кўз тиккан балолар кун сайин кўпайиб бормоқда эди. Қорақуюнлилар подшоси Амир Ҳасанбек Ҳусайн Бойқаронинг Балх томонларда Маҳмуд Мирзо тажовузини бартараф қилиш билан банд бўлиб қолганидан хабар топгач, Тусда кўшин билан турган Ёдгор Мирзога ўз ўғли Султон Халил ва иниси Зайналбек бошчилигида яна бир неча минг навкарни ёрдамга юборди.

Бунинг хабари Ҳиротга ҳам етиб келди-ю, Ҳусайн Бойқаронинг барча ғанимларини кўзватиб юборди.

Бу ғанимларга энди Поянда Султон бегим деган аёл киши бош бўлди. Ҳусайн Бойқаронинг онаси подшоҳнинг тахти турган муҳташам Боғи Зорон қасрида яшаётгани Поянда Султон бегимнинг ҳасадини келтирмоқда эди. Қирқ беш ёшлардаги бу аёл жуда кўп ички низоларга сабаб бўлган Алауддавла Мирзонинг синглиси эди. Ёдгор Муҳаммад Мирзо уни «амма» дерди. Бундан ўн икки йил бурун мана шу аммаси етти ёшлик Ёдгор Мирзони қорақуюнлиларнинг ўша вақтдаги подшоси Жаҳоншоҳга бериб юборган эди.

Жаҳоншоҳнинг вафотидан сўнг Ёдгор Мирзо Амир Ҳасанбек саройига хизматга ўтган, ҳозир унинг фармонбардорига айланган эди.

Поянда Султон бегим Ёдгор Мирзони бобоси Шоҳрух Мирзонинг тахтига чиқаришни ва ўзи унинг ҳомийси бўлишини туну кун орзу қиларди. Шу орзунинг рўёбга чиқариш йўлида нимаики қўлидан келса қилар, Ҳиротдаги ички аҳвол ҳақида Амир Ҳасанбекнинг хуфияларига аниқ маълумотлар бериб турарди.

Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро билан чаплашиб қолган Фаридун барлос ва Аҳмадбек деган амирлар бор эди. Поянда Султон бегим ана шу амирлар ёрдамида девонбоши Қутбиддин Товусни ўз томонига оғдирди. Кейин ҳаммалари бирлашиб милодий 1470 йилнинг жавзо ойи охирида Ҳусайн Бойқарони ўзларича тахтдан туширган бўлдилар. Унинг ўрнига Муҳаммад Ёдгор Мирзони Хуросон подшоси деб эълон қилдилар ва жума номозида Абдулла Хатибни ишга солиб, Ёдгор Мирзонинг номини хутбага кўшиб ўқитдилар.

Ёдгор Мирзо етти минг кишилиқ қорақуюнлиларни бошлаб келган амир Ҳасанбекнинг ўғли Султон Халил ва иниси Зайналбеклар билан бирга саратон ойи кирган иссиқ кунларда Ҳиротга яқинлаша бошла-

ди. Поянда Султон бегим отланиб ўз тарафдорлари билан Ҳиротдан чиқди ва янги подшоҳни бир кунлик йўлда таъзиму тавозелар билан кутиб олди.

Қорақуюнли амирлар Ҳиротнинг энг салқин боғларини аввалги эгаларидан тортиб олдилар. Ҳирот ва унинг атрофидаги вилоятларда амалдорлар шитоб билан ўзгартирилди. Вилоятлардаги биринчи даражали раҳбарлик ўринларига қорақуюнлилар ўз одамларини қўйдилар. Янги амалдорлар талончилик ва жабр зулми авж олдирдилар. Барча жоме масжидларида Амир Ҳасанбек номи «Абулмузаффар» нисбаси билан хутбанинг бош қисмига қўшиб ўқилди ва у Хуросоннинг олий ҳукмдори деб эълон қилинди. Ёдгор Мирзо эса унинг итоатидаги ноиблик унвони билан қаноатланди.

Давлатни бошқаришдек мураккаб ишдан беҳабар Ёдгор Мирзо Боғи Зоғон қасрига жойлашиб, айшу ишратга берилди. Қутбиддин Товус Симноний Хусайн Бойқаронинг яширган хазиналарини ва барча ички сирларини қорақуюнлиларга сотди ва шунинг эвазига бош вазир лавозимини эгаллади.

Қорақуюнлилар олдида Поянда Султон бегимнинг хизмати ҳам катта эди. Унга барча молу мулк ишларини бошқарадиган вазирлик лавозими топширилди.

Гавҳаршод бегимдан ҳам нуфузлироқ малика бўлиш орзусида юрган Поянда Султон Боғи Сафед қасрига кўчиб ўтди. Ҳиротнинг Боғи Мухтор, Боғи Зубайда, Боғи Шаҳр каби машҳур қасрларига Поянда Султон бегим қорақуюнли амирларни жойлаштириб, уларнинг кўнглини олди.

Бугун қорақуюнлиларнинг жосусига айланган Амир Шерҳожидан ҳам Ёдгор Мирзо кўшини билан Ҳиротга қайтиб келган эди. Унга Хусайн Бойқаронинг хизматида юрган биринчи даражали амир Бурундуқ барлоснинг улкан ҳовли-жойлари ва чорбоғи берилди. Амир Шерҳожидан Бурундуқ барлоснинг болалари билан хизматкорларини уриб-сўкиб ҳовлидан ҳайдаб чиқарди-ю, тайёр мол-мулк ва уй-рўзгор жиҳозларига эга бўлиб олди.

* * *

Ҳиротдан қочиб Майманага келаётган одамлар бу воқеалар хабарини Хусайн Бойқарога етказиб турардилар. Қорақуюнлилар ҳатто тарихчи олим Мирхонд-

нинг ҳам ҳовли-жойини тортиб олибдилар, ўзини аҳли аёли билан кўчага ҳайдабдилар. Элик беш ёшлик нуруний олим ўсмир ўғли Хондамир билан Майманада Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурига келиб, кўзда ёш билан арз қилди:

— Хуросон халқининг бутун умиди сиздан, Хоқони Мансур! Ёдгор Мирзо мағрурлик бодаси кайфиятидан гоҳ маст, гоҳ беҳуш. Мамлакат хароб бўлгани билан иши йўқ. Ўзи бир бефаҳм йигит экан. Қорақуюнлиларнинг зулмидан эл-юртнинг сабр косаси тўлган. Мурғоб бўйига ҳоким бўлиб турган Шайх Ҳасан Темур ҳам қорақуюнли Али Жалойир билан ёғийлашиб қолмишдир. Эрта-индин у ҳам Сизга келиб қўшилмоқчи.

— Буни сизга ким айтди, мавлоно?

— Ўзи айтди. Сарахс йўлида у билан кўришдик. Журмкон орқали Майманага келмоқчи экан.

Ҳусайн Бойқаро сўнги хушхабар учун Мирхондга ташаккур айтди. Ясавулни чақириб, уни ўғли билан алоҳида чодирга жойлаштиришни ва барча керакли нарсалар билан таъминлашни буюрди.

Шундан сўнг бир пас ўйланиб ўлтирди-да, кейин қўшни чодирда турадиган Мир Алишерни чақиртирди.

— Бир таваккал қилсак не дейсиз, Алишербек?

— Хоқони Мансурнинг табиатларида таваккалчилик бор.

— Аммо бу галгиси жуда қалтис. Ўйлаб кўринг. Ҳирот билан унинг атрофларида Ёдгорнинг беш минг беку навқари бор. Яна тўрт минг қорақуюнли унга ёрдамга келган. Бизнинг мингтагина одамимиз қолган. Очиқчасига масоф¹ урушда ғалаба қилмоғимиз амру маҳол. Урушда яна қанча қон тўкилгай, талофат бўлгай. Ундан кўра тунда Ёдгор Мирзо вафлат уйқусида ётганда озроқ одамимиз билан яширинча бориб боссак... қорақуюнли қопқонига тушиб қолмасмиканмиз?

Мир Алишер овозини пасайтириб деди:

— Қопқонни четлаб ўтмоқ мумкин.

— Демак сиз ҳам таваккал қилишга тарафдорсиз?

Мир Алишер чодир ташқарисида турган соқчилар эшитолмайдиган даражада овозини пасайтириб жавоб берди:

— Ҳа, бундай таваккалчилик соҳибқирон бобокалонингизнинг тажрибасидан ўтгандир.

¹ Масоф уруш — ясал тузиб, юзма-юз урушиш.

— Қаерда?

— Қаршида. Раҳматлик Гавҳаршод бегим Боғи Сафедда бизга Яздий «Зафарномаси» бўйича сабоқ берганда ҳикоя қилган эдилар, ёдингиздами?

— Ҳа, ҳа, бобокалонимиз ўшанда неча ёшда бўлган эканлар?

— Йигирма еттида. Сиз бугун ўттиз иккидасиз. Фақир йигирма тўққиздамен. Айни таваккал қиладиган йигит ёшидамиз. Фақат ёғий томондан аниқ маълумотлар олмоғимиз зарур. Ўшанда Қарши қалъасини чингизийлар ўн икки минг аскар билан қўриқлаб турган экан. Темурбек икки юз қирқта одами билан тунда борганлар, аввал тил олиб, аҳволни аниқ билибдирлар. Қаршидаги ёғийлар ҳам айшу ишратга берилиб, тамом бепарво ухлаб ётган эканлар. Қалъани Темурбек эгаллагандан кейин уйғониб ҳужум қилганлар. Аммо Қарши аҳолиси Темурбекка кўмак берган. Чингизийлар зулмидан безган бутун халқ тўрт тарафдан курашга отланур. Шу тарзда оз сонли кўшин тадбиру таваккал билан элик баробар кўп лашкар устидан галаба қозонган экан.

— Шоядқи бизга ҳам шундай зафар насиб этса! Энг яқин амирларни тўплаб машварат қилайлик!

— Хоқони Мансур, машварат бобида шошмаганимиз маъқул. Чунки иккиланиб турган беку навкарлар бор. Улардан бирортаси ёғий томонга қочиб бориб сирни ошкор қилса, қопқонга тушиб қолишимиз мумкин. Хоин эса бу хизмати учун истаган мартабасига эришгай.

— Юзини тескари қилсин хоиннинг! Фикрингиз маъқул. Мен аввал Ҳиротдан аниқ ахборот олиб келадиган одамларни ишга солгаймен.

Ахборот олувчи йигитлар орасида энг ботири ва моҳири Шерим қоровул¹ деган навкар эди. Ўша кеча подшо уни аниқ топшириқлар билан Ҳиротга жўнатди.

Эртаси куни барча беку навкарлар билан Майманадан кўчдилар. Беку амирлар орасида «Қаёнга бормоқдамиз? Мақсад недур?» деган шивир-шивир кўпайди. Тоғкон деган жойга етганларида Ҳиротга кетган Шерим қоровул Ёдгор Мирзо қароргоҳидан бир мулозимни «тил» қилиб тутиб келди.

¹ Қоровул — у замонда разведкачи маъносини билдирган.

«Тил»нинг берган аниқ жавобларидан маълум бўлдики, Ёдгор Мирзо Боғи Зоғон атрофига соқчилар ҳам қўймасдан бутунлай бепарво аҳволда кайфу сафо қилиб ётибди. Шунини аниқ билганларидан сўнг подшоҳ барча амирларни махфий машваратга йиғди ва Алишербек билан бирга тузган режаларини айтиб берди.

Шерим қоровул келтирган ахборотни ҳам эшитган амирлар таваккал қилиб бориш ҳақидаги режаларини маъқулладилар.

Боғи Зоғонда бир йилдан ортиқ яшаган Ҳусайн Бойқаро унинг қаерида нима борлигини, дарвозалари қайси томонга очилишини яхши биларди.

Энг ишонган амирларидан Музаффар барлосга бир юз элик навкар билан боғнинг марказий дарвозасини очиш топширилди. Ҳар эҳтимолга қарши Ёдгор Мирзо бу кеча қаерда қандай тунаётганини аниқлаш учун Ҳусрав Муҳаммад деган яна бир ботир йигит Боғи Зоғондан тил олиб келиш учун юборилди. Бу йигит Ёдгор Мирзо ухлаб ётган қаср соқчиларидан бирини тутиб келди. Соқчи берган маълумот ҳам аввалгидек эди. Ёдгор Мирзо ҳеч қандай хавф-хатардан огоҳ эмас, донг қотиб ухламоқда.

Бундан дадилланган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни энг ишончли саксон нафар совут кийган навкарлар билан ўз ёнига олди. Хиёбон деб аталган кўчадан Боғи Зоғонга йўл олди.

Саратон иссиғида Ёдгор Мирзонинг шаҳар ташқарисидаги боғда салқинлаб ётгани ишни бир қадар осонлаштирарди. Лекин Боғи Зоғоннинг ўзи жуда катта майдонни эгаллаган, тўрт томонида тўртта мустаҳкам дарвозаси бор, уч ошиёнлик қасри эса баланд тепалик устига қурилган эди. Музаффар барлос ўз йигитлари билан марказий дарвозани жангсиз эгалладилар. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий шу дарвозадан кириб, тепалик устидаги қасрга яқинлашдилар.

Қаср сукутга чўмган эди. Эҳтимол, Ёдгор Мирзо ёвини пойлаб пусиб тургандир? Унинг жуда ботир қиличбоз йигит экани кўпчилик орасида овоза бўлган эди. Шунинг учунми, сукутга чўмган қаср томонга биринчи бўлиб отилиб боришни истаган беку навкар бўлмади. Шунда Алишер Навоий отидан сакраб тушди-ю, белидаги қиличининг сопидан тутган ҳолда:

— Хоқони Мансур, менга ижозат беринг! — деди.

Хусайн Бойқаро дўстини хатарли ишдан қайтар-моқчи бўлди:

— Сиз шошманг, Мир Алишер. Балки бошқалар...

Аммо бошқалардан садо чиқмади. Шундан сўнг:

— Мир Алишерга ижозат бердик, фақат энг ботир навкарлардан ёнингизга олинг! — деди.

Тўрт навкар Алишер Навоийни ўртага олиб, мрамар зиналардан тепаликка кўтарила бошладилар.

Алишербек қиличининг тош зиналарга ноҳосдан урилиб жаранглаб кетмаслиги учун унинг дастасидан маҳкам тутиб, бақувват йигитларга хос энгил ҳаракатлар билан қасрга чиқиб борди.

Ёдгор Мирзо парку тўшақда маст уйқуда ётган эди. Ипак парда ортида биттагина шаъм липиллаб ёниб турарди.

Пўлат жарангидан уйғониб кетган Ёдгор Мирзо чўчиб кўзини очди-ю, хобгоҳга қилич яланғочлаб кирган нотаниш одамларни кўрди. Оқшом ичган майнинг кайфи бир лаҳзада тарқаб кетди. Бош томонида турган қиличини олмоқчи бўлиб қўл чўзганда Мир Алишер навкарларга буюрди:

— Тутинг буни! Илкини боғланг!

Қўли орқасига боғланган Ёдгор Мирзони навкарлар икки қўлтиғидан тутиб, пастда кутиб турган Хусайн Бойқаронинг олдига олиб тушдилар.

Боғи Зоғон дарвозаларини эгаллаб, ичдан бекитган Музаффар барлос ва бошқа беку навкарлар подшо турган жойга йиғилиб келганда тонг энди ёриша бошлаган эди.

Хусайн Байқаро дўсти Мир Алишерга юзланди:

— Амир Низомиддин Алишер, сиз бутун ботирлик намунасини кўрсатдингиз. Мен сиз билан ифтихор қилурмен. Амир Музаффар барлос, сиздан ва бошқа ҳамма беку навкарлардан миннатдормен!

Ёдгор Мирзо озарий тилда Хусайн Бойқарога арз қилди:

— Олампадох, етти ёшимда бани қорақуюнлилар олиб гиттилар. Яна унлар бурага олиб килдилар. Ҳанси¹ айбим учун элимни бағламишлар?

— Нодон йигит, айбингизни билмасангиз, мен сизга буюк момонгиз Гавҳаршод бегим айтиб берган бир ривоятни эслатай. Заҳарли илонлар она лочиннинг уяси-

¹ Ҳанси — қайси.

га илон тухумларини қўйиб кетган экан. Бу тухумлардан лочин полапонлари ўрнига илон баччалар чиққанда она лочин даҳшатга тушиб фарёд чеккан экан. Сиз ҳам лочин уясидан чиққан илон баччанинг ишини қилдингиз. Хуросонни босқинчилар оёғи остига ташлаб топтатдингиз. Амир Ҳасан бекнинг илкида қўғирчоқ подшо бўлиб хизмат қилдингиз. Жаноб амирлар, айттинг, бундай оғир гуноҳлар учун қандай жазо лозим?

— Ҳалим! — деди Музаффар барлос.

— Балки Ихтиёриддин қалъасида ҳибсда сақлаш керакдир? — иккиланди Ҳусайн Бойқаро. — Ҳар қалай, бу ҳам теурийзодалардан...

— Хоқони Мансур, сиз буни «қўғирчоқ подшо» деб тўғри айтдингиз, — арз қилди Мир Алишер. — Қўғирчоқнинг ипи қорақуюнлилар илкидадир. Агар буни ҳибсда сақласак, Амир Ҳасанбек қўғирчоғини озод қилиш баҳонасида яна қўшин тортиб келгай. Қайтадан уруш бўлгай, беҳуда қон тўкилгай.

— Мир Алишернинг узоқни ўйлаб айтган сўзлари ҳақ! — деди Музаффар барлос. — Яна уруш оловида куймаслик учун қўғирчоқ подшонинг ипини бир йўла кесиб ташламоқ даркор!

Кўпчилик амирлар шу фикрда бўлганликлари учун Ёдгор Мирзо ўша соатдаёқ қатл этилди.

* * *

Тонг отганда шаҳар кўчаларига чиқарилган жарчилар Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротга қайтганини, Ёдгор Мирзо Боғи Зоғонда қатл этилганини эълон қилдилар. Кўпчилик ҳиротликлар бу хабарлардан руҳланиб кўча ва майдонларга ёпирилиб чиқдилар. Ҳусайн Бойқаронинг аскарлари тонг саҳарлаб шаҳарнинг энг муҳим жойларини эгаллаган эдилар.

Ҳиротни ва бутун Хуросонни қорақуюнлилар асоратидан озод қилишда подшо қўшинига бутун халқ, довжорак ёшларни бера бошладилар.

Ёдгор Мирзонинг қатл этилганини эшитган амма-си Поянда Султон бегим ваҳима ичида Боғи Сафеддан қочиб қолди. Кўчада уни таниган ёш яланглар кетидан тошлар отиб:

— Йўқол, ялмоғиз, шарманда, қорақуюнлиларнинг қўшмачиси! — деб қувдилар.

Поянда бегим ўзининг аввалги кичкина ҳовли жо-

йига қайтиб бориб, дарвозасини ичидан бекитиб олди. Шундан кейин у кўчага чиқолмайдиган, мабодо чиқса таъна-ю, дашном эшитиб, яна ҳовлисига кириб бекинадиган бўлиб қолди.

Шу тарзда бу бегим ўзини ўзи хонаки ҳибсга маҳкум қилди. Буни эшитган Ҳусайн Бойқаро «аёл кишига шу жазо ўзи етгай» деб, бошқа жазога буюрмади.

Девонбеги Қутбиддин Товус Симноний шаҳардан қочиб чиқиб кетаётганда қўлга тушди. Сўнги хоинлиги ва аввалги ўғирликлари учун майдонга тўшланган халойиқ олдига чиқарилиб, бўйнини кундага қўйдилар ва бошини ойболта билан кесиб ташладилар.

Бурундуқ барлоснинг ҳовли жойини эгаллаган Шерҳожи жазодан қўрқиб тоғларга қараб қочди. Бурундуқ барлос ўз одамлари билан уни ўрмонзор бир дарада қувиб етди.

Бурундуқ барлоснинг ёнида Гавҳаршод бегимнинг жияни Низомиддин Аҳмад Тархон ҳам от чоптириб келмоқда эди. Бурундуқ барлос Шерҳожини камондан нишонга олиб отдан қулатмоқчи бўлганда Аҳмад Тархон унинг қўлидан тутди:

— Шошманг, жаноб амир! Бу иблисга бир ўқ етарлик эмас! Қанча бегуноҳ Тархон амирларини зиёфат дастурхони устида ўлдирди. Гавҳаршод бегимни тухмат билан қатл эттирди. Абулқосим Бобурни ажалидан олдин ўлдирган ҳам шу. Бутун умри қотилликдан иборат! Бунинг жиноятлари тоғдай улкан, ўпқондай тубсиз! Энди буни тоғларимиз босиб чилпарчин қилсин, ўпқонлар ямлаб ютсин! Ҳў, ана ўша баланд қоятош устига қувиб чиқарайлик. Нарёғи тош жар. Қочиб қутулолмагай!

Аҳмад Тархон кўрсатган тик қоятош устига от чиқолмас эди. От юролмай қолган жойда Шерҳожи эгардан тушиб пиёда қоча бошлади. Аҳмад Тархон ва Бурундуқ барлос қиёфасида уни нақд ўлим қувиб келмоқда эди. Буни сезган Шерҳожи жон жаҳди билан қоятош устига қочиб чиқди.

Атрофини ўраб келаётган мерганлар ёй ўқи билан уни нишонга олаётганларига кўзи тушиб ваҳимаси баттар ошди. Саросима ичида қоятошнинг нариги пана томонига ўзини отди.

Бироқ қоянинг нариги томони икки юз қулоч баландликдаги тош жарзов эди. Зов тагидан ўтган Ҳирот дарёси тоғлардан келган сел билан тўлиб-тошиб оқмоқда.

Узоқдаги қора булут ичида чақмоқ ялт-юлт қилар, шатир-шутур дўл ёғар, жала ва дўлдан ҳосил бўлган улкан сел Ҳирот дарёсига тушиб, шағирлаб ўтмоқда эди.

Мерганлар ўқидан қочиб тош жар томонга ўзини отган Шерҳожиникикки юз қулочлик баландликдан паства қулаб кетди. Қиррали харсангтошлар устига қулаб тушаётганини кўриб жон аччиғида:

— А-а-а-а! — деб қичқиргани узоқларгача эшитилди.

Катта баландликдан ўткир қиррали харсангтошлар устига чалқанча тушган Шерҳожиники боши танасидан узилиб кетди. Урилиш зарбидан бош ҳам, тана ҳам қапчиб бориб, шағирлаб оқаётган сел ичига тушди. Сел юмалатиб ўтаётган катта тошлар, иддизи билан суғуриб олинган дарахтлар қоп-қора ваҳший оқим ичида Шерҳожиникикки парчаланган танасини лойқага кўмиб йўқ қилиб юборди.

Қоятош тепасида туриб буни кўрган Бурундук барлос даҳшат ичида ёқасини ушлади:

— Ё тавба! Қилмиш-қидирмиш деганлари шумикан?

— Ҳа, қасос қайтгани ҳам шу, — деди Аҳмад Тархон. — Бир бузғунчи малъундан қутулдик. Юринг, энди яхши одамларникикки олдига қайтайлик.

Шундан кейинги кунларда Ҳирот байрам тусини олди. Гавҳаршод бегим мадрасаси олдидаги кенг майдонда карнай ва сурнайлар чалинди. Катта дошқозонлар қурилиб, эл-юртга ош берилди.

Карнай-сурнайлар янги бир давр бошланганидан, тинчликсевар, бунёдкор кучлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро атрофига жипслашиб, ташқи тажовузлар ва ички урушлар касофатини бартараф қилганидан, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлиги асосий мақсадга айланганидан дарак бераётгандай бўларди.

ҚАҚНУС БЎЛИБ КЕЛГАН ЛОЧИНЛАР

Қадимги шарқ афсоналарида айтилишича, Қақнус деган улуғвор қуш уруш оловларини ўчириш учун аланга ичига отилиб кирар экан. Олов ўчгандан сўнг кул ичидан қанотини ростлаб чиқар ва шундай ажойиб товуш билан сайрар эканки, унинг куйлари ўлим

уйқуси ичида ётган мавжудотни қайта тирилтириб, уйғотиб юборар экан.

Мумтоз китобларнинг гувоҳлик беришича, Қақнуснинг овоз пардаларидан уч юз олтмиш хил энг гўзал ва сеҳрли оҳанглар таралар экану, бутун борлиққа, санъат ва нафосат оламига, илму фанга ҳаётбахш таъсир кўрсатар экан.

Алишер Навоий ҳам дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бирга ёниб турган уруш олови ичига фидойиларча отилиб кириб, уни ўчирдилар. Шундан кейинги ўн йилликларда Алишер Навоий даҳоси худди Қақнуснинг борлиқни уйғотувчи афсонавий қудрати сингари адабиёт ва санъатни, илму фанни, бунёдкорлик ишларини қайта жонлантириб, янги чўққиларга кўтарди.

Алишер Навоий Улуғбек Мирзони ҳаётда кўрмаган бўлса ҳам, ана шу юксакликда улар маънан учрашгандай бўлдилар.

Гавҳаршод бегимнинг меҳридан баҳраманд бўлган лочинлар янги уйғониш ва юксалиш даврларига гўё Қақнус бўлиб қайтиб келдилар. Ўлмас она орзу қилган иккинчи умр осмонида Улуғбек Мирзо даҳоси Алишер Навоий даҳоси билан бирга парвоз этдилар ва бизнинг бутунги кунларимизда энг юксак қадр-қиммат топдилар.

1994—2000
Дўрмон

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Тоғларга тармашган булутлар | 3 |
| Интиҳосиз олишувлар | 19 |
| Абдулатифнинг илк исёни | 23 |
| Шоҳларга фидо малика | 37 |
| Дарёга қулаган тоғ | 50 |
| Момосига қасд қилган неvara | 54 |
| Она ва ўғил изтироблари | 58 |
| Уясидан илон чиққан лочин | 65 |
| Таҳликали замон | 71 |
| Даҳога кўз тиккан балолар | 84 |
| Суиқасд | 92 |
| Қонли қилич ва ҳақ сўз | 104 |
| Руҳий қийноқлар | 110 |
| Чақмоқдай ялтилаб сўнган умр | 118 |
| Куйган қанотлар | 132 |
| Ноқобил чеваралар касофати | 148 |
| Уят ўлимдан ёмон | 156 |
| Сўнги тасалли | 163 |
| Қатағон | 170 |
| Шаҳид момо ёди | 177 |
| Қувғин қилинган истеъдодлар | 181 |
| Ҳиротга сизмаган даҳо | 194 |
| Ҳаётдан қайтган қасос | 197 |
| Олов ҳалқасида | 215 |
| Ҳаёт-мамот олишуви | 227 |
| Қақнус бўлиб келган лочинлар | 237 |

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

ОНА ЛОЧИН ВИДОСИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир *Г. Зокирова*
Рассом *В. Куликов*
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусахҳиҳлар *Н. Мухамедиева, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 21.09.2000. Босишга рухсат этилди 12.12.2000.
Бичими 84X108 ¹/₃₂. Баалтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 12,6. Нашриёт ҳисоб табоғи 12,6. Адади 5000 дона.
Буюртма 1078. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.